

МАТЁҚУБ ҚУШЖОНОВ

---

# МОҲИЯТ ВА БАДИИЯТ

(Адабий-танқидий мақолалар)



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ  
Тошкент — 1977

Қўшжонов Матёқуб.

Моҳият ва бадиият. (Адабий-танқидий мақолалар.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.  
232 б.

Таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов ўзининг бу китобида тажрибали ва ёш адибларнинг қатор асарларини ўзига хос услубда таҳлил қилиб, ҳозирги адабий жараёнга хос тенденциялар, ютуқ ва камчиликлар хусусида фикр юритади. Мунаққиднинг бу китобга киритилган асарлари ҳам ўзининг назарий бақувватлиги ва мукамаллиги билан ўқувчиларни хушнуд қилади.

Кушджанов Матякуб. Сущность и художественность.

8Ўз

К 70200—22  
352(06)—77 132—77

© Ғафур Ғулум номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.

# АДАБИЙ ҲЙЛАР

---





## ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбек совет адабиётининг бугунги тараққиёт даражасини белгилайдиган қатор омиллар мавжуддир. Бу омиллардан бири ўзбек халқининг қадимий ва навқирон адабий меросидир. Маълумки, ўзбек адабиётининг машҳур обидалари қарийб минг йиллик тарихга эга. Бу давр ичида ўзбек халқи дунё маданияти хазинасига қатор санъаткор, ёзувчи ва шоирларни берди. Бу санъаткорлар ижодида меҳнаткаш халқ орзу-истаклари, дард ва аламлари, ҳаёт даражаси акс этди. Хусусан, улар ичида улуғ гуманист, мутафаккир шоир Алишер Навоий номи фахрли ўрин эгаллайди. Яна шу нарса маълумки, ўзбек халқининг маданий мероси қай даражада бой бўлмасин, ўз вақтида Европа мамлакатларидагидек жуда кўплаб нусхаларда китоб чоп қилиш ишлари йўлга қўйилмаганлигидан, адабий асарлар меҳнаткаш халқ орасида жуда кам тарқалган. Адабий меросни ўрганиш ва уни халқ оммаси орасига тарқатиш, асосан, Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Шу кунларда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижодлари ҳар хил шаклда, баъзан алоҳида тўпламлар, баъзан танланган асарлар баъзан эса тўла тўпламлар шаклида ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида нашр қилиниб турибди. Алишер Навоийнинг алоҳида асарларининг нашридан ташқари рус тилида ўн томлиги, ўзбек тилида ўн беш томлиги чоп қилинди. Ҳозир эса бу улуғ гуманист шоирнинг йигирма томдан иборат тўла асарлар тўплами нашрга тайёрланяпти.

Республикамизда шунга яраша илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Қарийб ҳар йил илм аҳлига номаълум

бўлган янги-янги номлар топилиб, ўзбек халқининг маданий мероси хазинасига қўшилмоқда. Баъзан эса маълум номларнинг номаълум асарлари излаб топилиб, нашр қилинмоқда. Бугун ўзбек халқи том маънода ўз аجدодларининг маданий мероси хазинасига эга бўлди. Ҳозирги ўзбек совет адабиётининг тараққий этишида ва гуркираб ўсишида мана шу адабий мероснинг роли бениҳоя катта.

Ўзбек адабиёти тараққиётининг яна бир муҳим манбаларидан бири халқ оғзаки ижодидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўтмишда полиграфик имкониятлар бўлмаганидан махсус хаттотлар томонидан кўчирилиб тарқатиладиган ёзма адабиёт намуналари халқ оммаси қатламларига жуда кам етиб борган. Етиб борган тақдирда ҳам кўпинча ҳар бир шахснинг мулкига айланмаган, балки аксарият пайтларда одамлар бу ёзма адабиёт намуналари билан коллектив ўқишларда танишишган. Шу маънода Европа халқларида ёзма адабиёт бажарган вазифанинг асосий қисмини халқ оғзаки ижоди бажарган. Халқ шоирлари, бахши ва ижрочилари ўнлаб, юзлаб дostonларни ёд билганлар ва уларни катта йиғинларда — тўй ва сайилларда ижро қилганлар. Бу дostonларнинг аксарияти қаҳрамонлик, одамийлик руҳида яратилган бўлиб, халқ оммасини ватанпарварлик, инсонпарварлик, гуманистик руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган, XX аср бошларида юзага келган, хусусан, совет даврида донги чиққан йирик ўзбек сўз санъаткорлари шу хилдаги халқ ижодидан баҳраманд бўлганлар ва улар традициялари асосида ижодга биринчи қадам қўйганлар. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳар бир асари ўзбек классик ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг таъсирида ёзилганлиги шундоқ кўзга ташланиб туради. Ўзбек совет адабиётининг ilk намоёндалари Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжонлар ҳам бошланғич ижодининг бир қирраси билан ўтмиш ёзма адабиёти традициялари замирида турса, иккинчи бир қирраси билан халқ оғзаки ижоди анъаналари замирида турди.

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртак эшитгандим,  
Сўзлаб берарди бувим,—

деб бошлаган эди Ҳамид Олимжон «Ойгул билан Бахтиёр» поэмасини. Уша даврда туғилиб ўсган, ўзбек ёзувчилари-

дан ҳар бири ўз асарларида шу хилдаги фикрларни илғари суриши мумкин.

Ўзбек адабиёти тараққиётининг бошқа муҳим манбаларидан бири бутун дунё ва қардош халқлар маданияти, хусусан улғур рус халқи маданияти билан муносабат масаласига боғлиқдир. Маълумки, ўзбек халқи, унинг илғор зиёлилари Октябрь социалистик революциясидан кўп йиллар олдиноқ илғор рус маданияти, хусусан, бу халқнинг халқчил адабиёти билан яқиндан қизиққан. Пушкин, Гоголь, Лев Толстойларнинг баъзи бир асарлари XIX аср охирилари XX аср бошларидаёқ ўзбек тилига таржима қилинган ва ўзбек халқининг маълум бир қисми ўқиш ва ўрганишга имконияти бўлган. Революциядан олдин ўз ижодларини бошлаган, совет даврида ўзбек адабиётининг классиклари даражасига кўтарилган баъзи бир ёзувчи ва шоирлар рус-тузем мактабларида ўқиб, рус маданияти билан таниш бўлганлар. Революциядан кейин эса рус классикларининг асарлари кўплаб таржима қилинди ва энди саводхон халқ оммаси машҳур рус ёзувчиларининг асарларини ўз она тилида ўқийдиган бўлишди.

Рус маданияти ва адабиётининг ўзбек адабиётининг тараққиёти учун яна бир муҳим аҳамияти шунда бўлдики, у орқали ўзбек халқи прогрессив ғарб адабиёти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Данте, Шекспир, Гюго, Гёте, Гейне, Шиллер сингари ғарб классикларининг асарлари рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинди ва ўзбек халқининг маданий бойлигига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек адабиёти тараққиёт манбаларига қисқача эскурсдан кейин унинг баъзи бир тараққиёт тенденциялари хусусида батафсилроқ тўхтаб ўтишни лозим кўрардик. Хўш, ўзбек адабиётининг бу тараққиёт хусусиятлари нимадан иборат? Булар, албатта битта, иккита эмас, аммо биз икки моментига тўхтаб ўтмоқчимиз. Булардан бири адабиётнинг кундалик ҳаёт билан ҳамнафаслигидир.

Гап шундаки ўзбек совет адабиёти Совет Иттифоқидаги барча миллий адабиётлар қатори ўз халқи ҳаёти, унинг кундалик турмуши, унинг қаҳрамонона ўтмиши билан мустаҳкам боғлиқдир. Революциянинг биринчи кунларидан бошлаб революцион позицияда турган ва революциядан таъсирланган шоир ва ёзувчилар феодал тарқоқликни, қоқоқликни кескин танқид қиладиган, революция туфайли ҳаётга кириб келаётган янгиликларни қўллаб-қувватлайди-

ган асарлар яратдилар. Трибун шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кўпгина шеърий асарлари революцион руҳда яратилган. У бор овози билан ўз халқини янги ва ёруғ ҳаётга ва бу ҳаёт учун курашга чорлади. Уша даврдаги адабиётнинг йирик намоёндаларидан яна бири Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонларининг фожиаси орқали эски феодал тузумини, — бу тузум асосланган чиркин урф-одатларни, революция чек қўйиши мумкин бўлган ўзаро миллий низоларни қоралади ва шу йўл билан ҳаётда рўй берган революцион бурилишни улуғлади. 20—30-йилларда адабиётга энди кириб келаётган ёш шоир ва ёзувчилар янги революцион руҳни улуғлаш, ўтмиш иллатларини фош қилиш сингари Ҳамза ва Абдулла Қодирий анъаналарини давом қилдирдилар. Шоир Фафур Фулом қатор шеърий асарларида янги ҳаёт ва бу ҳаёт учун курашни улуғласа, ҳали ёш Ойбек революциянинг миллий заминини далиллайдиган оддий меҳнаткаш халқ вакиллариининг революцион уйғониш жараёнини психологик жиҳатдан исбот қиладиган поэмалар яратди. Янги революцион изга тушган ҳаёт ранг-баранг эди, унинг адабиётда акси ҳам ранг-баранг бўлди. Шу маънода ўзбек ёзувчилари революцион ҳаётнинг бошқа қирраларини ҳам акс эттирдилар. Масалан, 20—30-йилларда Совет Шарқи учун энг актуал ҳаётий проблемалардан бири асрлар давомида тобеликда яшаб келаётган хотин-қизларнинг озодлиги масаласи эди. Ўзбек ёзувчилари шу масалани акс эттирадиган қатор асарлар яратдилар.

Бу даврнинг бошқа қатор масалалари — ер-сув реформаси, қишлоқни коллективлаштириш масаласи ўзбек ёзувчиларининг диққат марказида турди. 40—50-йилларга келиб, ўзбек ёзувчилари қатор ёш истеъдодлар ҳисобига бойиди. Улуғ Ватан уруши давридаги совет халқи кўрсатган жасорат, урушдан кейинги ҳаётни — бутун ишлаб чиқаришни қайта қуриш жараёни яна ҳам янги истеъдодларни туғдирди. Кейинги беш-ўн йил ичида ўзбек совет адабиёти ҳар қачонгидан кўра ҳам ўсди, улғайди ва халқ ҳаёти билан яна ҳам яқинроқ алоқада бўлди, дейиш мумкин. Партия раҳбарлигида халқ оммаси ташаббуси билан кўтарилаётган ва амалга оширилаётган бирор масала йўқки, уларнинг психологик асоси бадий адабиётда акс этмаган бўлсин. Қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш учун бўз ерларни ўзлаштиришми, чўлларга сув чиқариш учун каналлар ўтказишми, мамлакатни сув ва энергия билан таъмин қилиш учун дарёларга тўғонлар солиб, электростан-



циялар қуришми хуллас, республика ҳаётига тегишли барча йирик масалалар бадий адабиётда ўз аксини топяпти. Бу ҳаётий проблемаларни акс эттиришда ўзбек ёзувчиларидан Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Рамз Бобожон, Шухрат, Саид Аҳмадлар жонбозлик кўрсатяптилар. Улар яратган қатор қисса, роман, драма ва поэмаларда ҳаётнинг асосий манбаларини яратувчи меҳнаткашларнинг характер-хусусиятлари акс этади. Тўғри, бадий жиҳатдан бу хилдаги асарларнинг савияси ҳар хил, улардан бири маҳорат сирларини яхшигина эгаллаб, ҳар хил бадий приём ва принципларни ишга солиб, етук бадий асарлар яратадилар. Баъзилари эса бадий ижод сирларини етарли даражада эгалламасдан туриб, бир оз заиф асарлар яратиб қўядилар. Аммо умуман олганда, ўзбек ёзувчиларининг ҳаётга муносабати ниҳоятда фаол ва ҳаётий зарурият натижасидир. Яқиндагина Совет Иттифоқи коммунистлар Партиясининг XXV съездига атаб Ғафур Ғулом номидаги Бадий Адабиёт ва санъат нашриёти, ёзувчи Шароф Рашидовнинг сўз бошиси билан «5.000.000» номли китоб чоп қилди. Бу китобга ўнлаб ўзбек ёзувчиларининг асарлари — шеър, ҳикоя, очерклари киритилган. Бутун китобда давлатга беш миллион тонна етказиб берган меҳнаткаш деҳқонларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати, кураши акс эттирилди. Шу китобнинг ўзиёқ ўзбек ёзувчиларининг қай даражада ҳаётга яқин эканлигининг далилидир. Республикамизда ижодкорлар иши шу тарзда қўйилганки, ишлаб чиқаришга тегишли ҳар бир мавсумда ёзувчилар, албатта жойларга — колхоз, совхозларга, қурилишларга баъзан якка ҳолда, аксарият пайтларда группа-группа бўлиб юришлар қилишади. Бу хилдаги юришлар ҳеч вақт қанда бўлмайди. Ҳатто шундай дейиш мумкинки, йил давомида ёзувчи қадами тегмаган бирор район ёки колхоз ва совхоз қолмайди. Юқорида тилга олинган «5.000.000» номли китоб ҳам шу хилдаги юришлар натижасида майдонга келди. Яқинда ўз ишини тугатган Партиямизнинг XXV съезди совет халқи, жумладан, ўзбек халқи олдида янги-янги вазифаларни қўйди. Сўзсиз, бу вазифалар совет ёзувчилари олдида ҳам янги-янги ижод уфқларини очиб берди. Ишончимиз комилки, ўзбек ёзувчилари барча совет ёзувчилари сафида туриб, бу уфқларни эгаллашда жонбозлик кўрсатади.

Ўзбек адабиётининг тараққиёт тенденциялари фақат

унинг мазмунида, ҳаётга муносабатида эмас, балки унинг шаклий кўринишларида, хусусан, унинг жанрлар тараққиётида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Маълумки, ўзбек классик адабиёти асосан поэзия шаклида тараққий этди. Ундаги лирик жанр кўпроқ шоирнинг интим ҳаётига бўлган муносабати билан чекланарди. Лирикада акс эттирилган социал масалалар кўпроқ мана шу шоирнинг интим ҳис-туйғулари орқали ифодаланарди. Достон ва пэмаларда эса реалистик мотивлар қай даражада кучли бўлмасин, уларнинг сюжетларида афсонавий, ярим афсонавий тарихий, ярим тарихий материаллар устун турар эди. XX асрнинг бошларига келиб, революцион уйғонишлар таъсири остида ўзбек ёзувчилари янги шакл кўринишларини излай бошладилар. Поэзияда халқ оғзаки ижодида кенг қўлланилган бармоқ вазни кўпроқ ўрин ола бошлади. Бир оз ибтидоий шаклда бўлса ҳам Европа тушунчасидаги проза жанри, хусусан, ҳикоя, драма жанри пайдо бўлди. Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси XX асрнинг бошларида пайдо бўлган жанрий янгиликларни қонунлаштирди. Халқ оғзаки ижодига асосланган бармоқ ўлчови поэзияда ҳоким вазн бўлиб қолди. Драма тараққиёти Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи»си билан жанр сифатида тўла шаклланди. Ибтидоий шаклдаги прозаик асарлар тажрибаси 1922 йилда ёзилган Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романи билан тўлақонли проза жанри сифатида яқунланди. Шундай қилиб, қисқа муддат ичида ҳаётда рўй бераётган революцион ўзгаришлар таъсири асосида, ўзбек адабиётида фақат мазмун жиҳатдан эмас, балки шакл жиҳатдан ҳам сифат ўзгариши пайдо бўлди. Шу сабабдан ўзбек совет адабиёти Совет Иттифоқидаги барча миллий адабиётлар сингари том маънодаги новаторлик адабиёти бўлди.

Ўзбек совет адабиётининг бундан кейинги тараққиёт йўли бадий ижод жабаҳасида қўлга киритилган мана шу ютуқларни яна ҳам тараққий эттириш, яна ҳам мустақкамлаш, бадий ижоднинг янги, янги имкониятларини топиб, ишга солиш йўли билан борди. 20-йилларнинг охирида 30-йилларда эркин вазнда ижод қилиб, ўз номларини машҳур қилган Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Уйғун сингари оригинал шоирлар пайдо бўлди. Ҳамза традициясини давом қилдирган даврнинг чигал ва мураккаб масалаларини саҳнага олиб чиққан Комил Яшин каби оташин драматурглар етишиб чиқди. Бадий ижоднинг жанр

тараққиёти, хусусан, роман жанрида яна ҳам аниқроқ кўзга ташланди. Абдулла Қодирий традициясини давом қилдирган ва реалистик ижоднинг янги-янги имкониятларини эгаллаган, ҳикоянавислар, қиссачилар, романнавислар пайдо бўлди. «Ўзбекнинг Чехови», деган ном олган машҳур ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор илк новеллаларини мана шу 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида ёзган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг бу ҳикоялари энди революция арафасида ёзилган ибтидоий — сюжет жиҳатдан кам далилланган, характерларнинг тасвири жиҳатдан анча сунъий ҳикоялар эмас, балки ҳақиқатан чеховчасига ёзилган реалистик новеллалар эди. 30-йилларда, хусусан, романчилик жанри тараққиётида ўзбек ёзувчилари новаторона иш кўрсатдилар. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ҳаётни бир оз романтик бўёқларда бўлса-да, асосан ҳаққоний акс эттириб берди. 30-йилларга келиб, ўзбек ёзувчилари «Сароб» (Абдулла Қаҳҳор), «Қулар» (Садриддин Айний), «Обид кетмон» (Абдулла Қодирий) сингари йирик полотнолар яратдилар. Ўзбек романчилигининг тараққиёти, ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методининг ғалабасини таъмин қилган Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи билан якунланди. Бу романда Ойбек ҳам синфий, ҳам миллий жиҳатдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган ва бунинг учун курашга отланган оддий меҳнаткаш халқ вакили образини яратди. Бу ўзбек романчилигида яратилган том маънодаги ижобий қаҳрамон образи бўлди. 30—40-йиллардаги романнавислик соҳасидаги изланишлар ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан янги-янги натижаларга олиб келди. Илгарилар ўзбек адабиётида беш йил-ўн йилларда битта, иккита роман яратилар эди. 50—60-йилларга келганда, ҳар йили бир неча романлар майдонга келадиган бўлди. Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулум, Шухрат, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин сингари янги романнавислар бадий ижодга кириб келдилар. Буларни биз ўзбек романчилигида рўй берган сон ўзгаришлар деб қарайдиган бўлсак, бу сон ўзгаришлар кетидан қатор сифат ўзгаришлар ҳам рўй берди. 20—30-йилларда романнависликда фақат, асосан, тарихий материал устун турса, кейинги йилларда ўзбек романчилигида ҳам ҳаёт материални қамраб олиш жиҳатдан, ҳам уни акс эттириш жиҳатдан хилма-хил жанр кўринишлари пайдо бўлди. Тарихий-инқилобий темага бағишланган диалогия, трилогиялар ўзбек адабиёти фондига келиб қўшил-

ди («Фарғона тонг отгунча»— Мирзакалон Исмоилий, «Машъал».— Ҳамид Гулом). Бу йилларга келиб, бугунги ҳаёт материаллини акс эттирадиган дилогия ҳам трилогиялар яратилди. Булардан ташқари, кам планли, ихчам шаклда битилган қатор бир жилдан иборат роман ва қиссалар яратилди. Ўзбек романларида услубий ранг-баранглик ҳам кўзга ташланади. Баъзи бир романларда ҳаётнинг барча икир-чикирларини микроскопик равишда акс эттириш услуби (Мирзакалон Исмоилий) устун турса, баъзи бир асарларда йирик-йирик, баъзи ўринларда тарихий воқеаларни акс эттириш услуби устун туради («Машъал».— Ҳамид Гулом). Кейинги пайтларда ишлаб чиқаришдаги фидойилик ва қаҳрамонликнинг психологик далилини берадиган романлар яратилди. («Ғолиблар».— Шароф Рашидов, «Туғилиш».— Асқад Мухтор.) Ҳатто воқеаларни акс эттириш услуби жиҳатдан ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қиладиган романлар, қиссалар пайдо бўлди. Кейинги пайтларгача яратилган кўпгина романларда хронологик композицион услуб устун турса эндиликда яқка ва яхлит йиғма композиция асосида яратилган роман ва қиссалар пайдо бўлди. (Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Биллур қандилар» асарларини эсланг.)

Ўзбек адабиётининг бугунги кунда прозанинг майда жанри ҳикоя ва очерклар ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Абдулла Қаҳҳор яратган ҳикоянавислик мактаби таъсирида қатор истеъдодли ёш новеллистлар ижодга кириб келди. Бу хилдаги ёшлар адабиётимизни ҳаётнинг актуал масалаларини, совет кишиларининг турмуши, меҳнати ва меҳнатдаги жасоратларини акс эттирадиган ҳикоялар билан бойитмоқда. Ҳикоя билан бир қаторда очерк жанри ҳам адабий ҳаётда катта ўрин эгаллади. Романчиликнинг ўзида ҳар хил услубий кўринишлар бўлганидек, ҳикоянавислик ва очеркнависликда ҳам ҳар хил жанрий ва услубий кўринишлар кўзга ташланади.

Ҳаётга нисбатан фаоллик, ҳаёт материаллини акс эттириш жиҳатдан услубий ранг-баранглик поэзия жанрига ҳам хосдир. Бир хил шоирлар кенг фалсафий мушоҳадаларни ёқтирса ва шу асосда замондошларимизнинг бугунги ҳаёти, меҳнати, кураши ҳақида актуал масалаларни ўртага ташласа, баъзи шоирларимиз майин, баъзан интим лирик кечирмалар ифодаси орқали замондошларимиз ички дунёсига қўл солади.

Хуллас, ўзбек адабиёти классик адабиётнинг энг яхши анъаналарини давом қилдириб ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ўзининг шу хислатлари билан Бутуниттифоқ совет адабиётининг ажралмас қисмига айланди. Бугина эмас, ўзбек адабиёти бутуниттифоқ хазинасига ўз ҳиссасини қўшаётир. Ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Асқад Мухтор, асарларининг қатор Европа, Осиё ва Африка халқлари тилларига таржима қилиниб, бир марта эмас, бир неча марта лаб нашр қилинганлиги ва севиб ўқиладиганлиги фикримизнинг далилидир.

## КАТТА ҲАЁТ ВА ИЖОД ОҚИМИ

Ҳар бир беш йиллик ва бу беш йилликларни қонунлаштириб берадиган партиямизнинг съездлари ҳаётимиз тараққиёти босқичларини акс эттирадиган мезон бўлиб қолди. Кўпмиллатли совет халқи бу босқичларнинг ҳар бирида олға қараб янги қадам ташлайди, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритади. Бу беш йилликларнинг охирида барча ютуқларга якун ясаб, йўл қўйилган айрим камчиликларга бир назар ташлаб, ҳаётнинг кейинги босқичидаги вазифаларни аниқлаб олади. Бу советлар жамиятининг қони ва жонига сингиб кетган муқаддас удум бўлиб қолди.

Илм ва фан ҳар қачонгидан ҳам кўра юксакликка чиқди. Борлиқ дунёнинг сирларини англаб, уни инсон хизматига қўйишда совет фани ақл бовар қилмайдиган янгиликларни очди. Техника тараққиёти эса ишлаб чиқариш унумини ҳар соат, ҳар кун ошириб бораётгани ҳаммага аён.

Халқимиз ҳар бир тарихий даврда фақат иқтисодий ва сиёсий ютуқларгагина эмас, балки қўлга киритилган маънавий бойликларга ҳам якун ясашни одат қилган. Адабиёт ва санъат эса, маънавий бойлик орттириш марказида туради.

Иттифоқ миқёсида адабиёт ва санъатимиз катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек ёзувчилари ҳам бу беш йилликда меҳнат вахтасида турдилар ва бадий ижод байроғини янада баландроқ кўтариб, халқ хизматида бўлдилар. Бу давр ўзбек ёзувчилари учун ҳаётга муносабатнинг яна ҳам фаоллашуви билан характерланади. Ёзувчиларимиз замонавий теманинг «жилови»ни яна

ҳам маҳкамроқ ушлаб олдилар, ўзларининг қалам кучи ва истеъдодини жамилтимизнинг моддий ва маънавий бойлигини орттириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз образини яратишда жонбозлик кўрсатдилар.

Беш йиллик планни ортиғи билан адо қилиб қўйган азамат пахтакорларимизнинг ҳаётини акс эттириш учун интилмаган бирор ёзувчини топиш мумкин эмас. Газета ва журналларимиз саҳифаларида пахтакорлар ҳаётига бағишланган очерк, ҳикоя ва шеърлар узлуксиз чиқиб турди. Қаламқаш дўстларимиз жойларга бориб, пахтакор қаҳрамонлар билан учрашиб, уларга бевосита ҳамкорлик қилдилар, уларнинг ишларида бирор камчилик сезиб қолсалар, ёрдам қўлини чўздилар, далда бердилар, уларнинг яхши ишларини кўриб мадҳиялар ўқиб, номларини оламга машҳур қилдилар. Баъзи ёзувчиларимиз пахтакорларимизнинг ҳаётини узоқ вақтлар ўрганиб, уларнинг тўлақонли характерларини яратиш йўлида меҳнат қилдилар. Ойқиз ва Олимжон (Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романи), Ориф (Асқад Мухторнинг «Чинор» романи), Ёлқин Отажонов (Пиримқул Қодировнинг «Мерос» қиссаси), Азиз ва Дилдор (Ҳамид Ғуломнинг «Бинафша атри» романи ва бошқалар.) Булар ёзувчиларимиз томонидан адабиётга янгидан киритилган, катта пахта хирмонини яратган деҳқонларимизнинг меҳнатини абадийлаштирадиган жонли образлардир.

Баъзи ёзувчиларимиз азамат деҳқонларимизнинг кундалик ҳаёти, сермаҳсул меҳнати ва шарафли курашининг мураккаб, қийин, баъзан зиддиятли томонларига ҳам назар ташлаяптилар. Бу хилдаги асарларда ёзувчиларимиз пахтакор хўжаликларнинг ички, баъзан иқтисодий, ташкилий томонларини ўрганиб чуқурроқ таҳлил қилиш учун ҳаракат қилаётирлар. Бу жиҳатдан юқорида зикр қилинган роман ва қиссалардан ташқари, кейинги пайтларда яратилган Одил Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи» номли очерклар цикли характерлидир. Ёзувчи бу очеркларида ҳаёт қаҳрамонлари, бинобарин, асар қаҳрамонлари Мирза Эминов, Аҳмаджон Одилов, Манноп Жалоловларнинг ўйлари, орзу ва истаклари, бугунги пахтакор колхоз ва совхозлар ҳаёти ҳақидаги мушоҳадалари орқали ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир қийинчилик ва зиддиятларга, шу муносабат билан фаол замондошларимиз характеригадаги психологик ҳолатларга назар ташлайди.

Баъзан шундай бўляптики, ёзувчиларимиз ҳаётнинг фақат социал ахлоқий масалаларини эмас, балки, ўзининг журналистик, ёзувчилик маҳоратига суяниб ишлаб чиқаришнинг муҳим-муҳим соҳалари бўйича ўзларининг дадил сўзларини айтаётирлар. «Гулистон» журналининг 1975 йил, 11-сонида журналист Ш. Убайдуллаев билан ёзувчи Назир Сафаровнинг суҳбати эълон қилинди. Республикамизда пахта етиштириш масалаларига доим фаол аралашиб, зарур пайтларда жамоатчиликка аччиқ ҳақиқатни айтиб юрган Назир Сафаров бу гал ҳам пахтачиликни ривожлантириш ишида учраб турадиган баъзи бир кўзбўямачиликларга, баъзи бир кишиларнинг «ортиқча уриниб», ишга зарар берадиган хатти-ҳаракатларини қоралайдиган аччиқ, очиқ фикрларни айта олди. Ёзувчи бу мақолада пахта етиштиришдаги «юз центнерчилик», машина теримидаги минг тонначилик реал ҳаётдан узоқда бўлган бир тенденция эканини, бундан кўра реал ҳақиқатни айтиш фойдалироқ эканини исбот қилди. Шу билан вақтида айтилган аччиқ ҳақиқат беўрин айтилган мадҳиябозликлардан кўра минг чандон фойдали экани англашилади.

«Оқ олтин»нинг беш миллионлик катта хирмони осонлик билан қўлга киритилган эмас. Шу сабабдан баъзи бир ёзувчиларимиз бу катта хирмоннинг тарихий илдизларига ҳам назар ташладилар. Бугунги ютуқларимиз ер-сув ислоҳоти, республикани сув билан таъминлаш учун олиб борилган биринчи курашлар билан боғлиқдир. Шу маънода ер-сув ислоҳотини акс эттирувчи Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романи, Катта Фарғона каналининг қурилиш тарихини акс эттирадиган Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романлари ҳам бугунги катта хирмон яратаётганлар ҳаёти билан алоқадордир. Мазкур роман, қисса ва очеркларда акс эттирилгандек бугунги катта бойликлар, шу муносабат билан халқ қўлига киритилган фаровонлик фақат чиройли шиорлар натижасида эмас, балки қанчадан-қанча тўкилган терлар, сарф қилинган кучлар, зарур пайтларда берилган қурбонлар («Чироқ» ва «Қирқ беш кун» даги драмаларни эсланг), эвазига экани маълум бўлади.

Ҳаётимиз сингари адабиётимиз ҳам кўпқирралидир. Утган беш йиллик фақат пахтакорларнинг ютуқлари билан ўлчанмайди. Бу беш йиллик ютуқларида станокда туриб мураккаб машина қисмларини тайёрлаётган ишчининг ҳам лаборатория ва кабинетларида ўтириб тадқиқот ишлари



билан банд бўлган олимнинг ҳам, жойма-жой юриб, қаҳрамон излаган журналист ёхуд ёзувчининг ҳам, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай доим эл хизматида турган партия ва совет ходимининг ҳам ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Адабиётимиз бу хилдаги ҳаёт қаҳрамонлари ҳақида ҳам қатор роман, қисса ва очерклар яратди. Улуғ Ватан уруши жангчиси (Ш. Рашидов, Назир Сафаров, И. Раҳим), Ангрен қончиси (Ш. Алядин), Чорвоқ ва Туямўйин қурувчиси (Кароматов, Омон Матчон), Наманган экскаваторчиси, Боботоғ чўпони (Шукур Холмирзаев), Ташсельмаш ишчиси (М. Қориев) Урта Осиё темир йўли хизматчиси (Ж. Абдуллахонов), Текстилькомбинат тўқувчиси (очерклар), Марғилон ипакчиси (очерклар), университет профессори (очерклар), газета ва журналларнинг оддий ходими (Ф. Мусажонов, Р. Отаев) олим, ўқитувчи ё шифокор (қатор очерк ва қиссалар)— мана бу беш йилликда адабиётдан ўрин олган қаҳрамонларнинг географияси. Кенг кўламдаги бу қаҳрамонлар ҳаёти, кураши, психологиясини яратишда табиий наср пешқадамлик қилди. Бироқ адабиёт ва санъат кўламини унинг биргина тури билан ўлчаш мумкин эмас. Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда тезкорлик билан ривожланаётган адабиётнинг бошқа жанрлари ҳам фаол иштирок этди. Бир жанр ёзувчиси илғай олмаган ҳақиқатни иккинчи бир жанр ижодкори илғаб олди, бир жанрда акс эттирилиши қийин бўлган ҳаёт материали, иккинчи бир жанрда ўз аксини топди. Ҳаёт ҳақиқатини кўламмироқ ва чуқурроқ англашда катта авлодга мансуб шоирларимиз билан бир қаторда кейинги авлод овози барала янграб турди. Социал-фалсафий планда яратилган Абдулла Ориповнинг шеърӣ асарлари китобхонларимиз дилини тугёнга солиб, уларни янгилик сари илҳомлантириб турди. Баъзан социал-фалсафӣ, баъзан лирик планда яратилган Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиеваларнинг майин ва жозибали шеърлари ўқувчилар дилини қувонтириб турди. Драматургиямиз эса кўпроқ ҳаётимизда учраб турадиган майда-чуйда иллатларни фош қиладиган, баъзан драматик планда, баъзан комик-сатирик планда асарлар яратиб томошабинларимизнинг руҳий дунёсига ўз таъсирларини ўтказиб турдилар.

Адабиёт ва санъат бугунги ҳаёт қадамларини ўтмиш ҳақиқати сирлари билан изохлаш имкониятига эга. Шу йўл билан санъаткор ёзувчи тарихни ҳам бугунги кун хизматига қўя олади. Бу планда ҳам ёзувчиларимиз анчагина

муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ёзувчиларимиз бундан минг йил, бир неча асрлар олдинги ўтмишга мурожаат қилиб, у давр ҳаётидан бугунги кунимиз муваффақиятларини изоҳлайдиган ғоя ва маслақларни изладилар. Узоқ ўтмишдаги ибтидоий, ғира-шира кўзга ташланадиган гуманистик ғоя ва интилишларнинг зулмат даврларига урилиб парчаланишини акс эттирадиган фожиавий ҳолатларни кўрсатиб, бугунги ҳаётимизни улуғладилар. Одил Еқубов «Улуғбек хазинаси»да, Уйғун «Абурайҳон Беруний»да, Омон Матчон «Беруний» драмасида, бундан кўп асрлар олдинги инсоний ҳис ва туйғуларнинг емирилишини кўрсатса, Назир Сафаров ўзининг биографик асарида яқин ўтмишга мурожаат қилиб, узоқ ўтмишда аждодларимиз онгида ибтидоий равишда пайдо бўлган гуманистик ғояларнинг энди катта тўлқинга айлана бориш жараёнини кўрсата олди. Яшин эса, «Инқилоб тонги» драмасида тарихни замонамизга яна ҳам яқинлаштирди. Унда ёзувчи улуғ аждодларимизни банд қилган гуманистик ғоялар эндиликда янги революцион кучлар таъсирида бутунлай уйғониб, енгилмас кучга айланганини кўрсата олди.

Шундай қилиб, ёзувчи ва шоирларимиз бугунги кун ҳаёт материалларига мурожаат қилиб, совет кишиларининг умуминсоний вазифаларини адо этишда кўрсатаётган жонбозликларини бевосита улуғласалар, бу жонбозликларнинг асрий илдиэларига назар ташлаб ўша ҳақиқатни яна бир бор, бу гал билвосита. улуғлайдилар. Мана, ўзбек ёзувчиларининг бу беш йилликда адабиётимиз ва санъатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаларининг қисқача обзори.

Пахтакор ҳар бир грамм «оқ олтин» учун қанча марта талаб жўяк оралайди, ишчи машинанинг бирор деталини ясаш учун неча соатлаб станок бошқаради, олим ишлаб чиқариш меҳнатини енгиллаштириш учун том-том асар ўқиб, қанчадан-қанча лаборатория ишларини олиб боради. Ёзувчи меҳнати ҳам худди шундай: у ҳам бирор ҳақиқатни айтиш учун қанчадан-қанча ҳаёт қатламларига кириб чиқиб материал излайди, юзлаб, минглаб шахслар ҳаётини кузатади, қатор фактларни кўздан ўтказида. Булар ҳаммаси қанчадан-қанча нотинч кунларни, уйқусиз тунларни талаб қилади. Бироқ шундай ҳолда ҳам ёзувчи яратаётган ҳамма асарлар бир хилда муваффақиятли чиқавермайди. Баъзан муваффақиятли ҳисобланган асарларда ҳам нималардир етишмагани маълум бўлади.

Асарларимизнинг айримларида ҳали ҳам психологик таҳлил етарли эмас. Баъзан характерларнинг психологик ҳолатларини акс эттириш ўрнига ёзувчиларимиз факт ва воқеаларни қайд қилиш йўлига ўтиб оладилар. Маълумки, қай бир асарда жонли характерлар психологияси ўрнига факт ва воқеалар қайд қилинадиган бўлса, бундай асарлар китобхонда завқ уйғотмайди. Баъзи бир асарларимиз тасвир жиҳатдан камбағал. Уларда ҳақиқий санъаткорга хос «ўймакорлик», «заршунослик» етишмайди. Қаҳрамон характерини тасвирлаш учун деталларни батафсил бериш ўрнига эртақлардагидек «фалончи у ерга борди, тугунчи бу ерга келди» қабилда баён йўлига ўтиб оладилар. Натижада асар мазмунан қуюқлаштирилмайди. Табиийки, бу хилдаги асарлар эстетик талабга жавоб бермайди. Баъзи бир асарларимизда тасвир яхши бўлади-ю, лекин ёзувчи ҳаёт зиддиятларини етарли ўрганмаган бўлади, ё ҳаёт материални қизиқарли қилиб бериш йўллари — сюжет ва композиция приёмлари устида етарли бош қотирмайди. Кўпгина поэтик асарларимиз ҳам худди шу хилдаги касалга чалинган бўлади — фақат, воқеалар қайд қилинади, эстетик жиҳатдан бақувват образлар яратиш ўрнига, кўпроқ баландпарвоз гапларни йиғиб, асарини шулар ҳисобига оширади, мунаққидларимиз айтганидек, бадий кашфиёт даражасига кўтарилмайди, балки шунчаки шоирнинг асар яратишдаги шахсий талаби асосида иш кўради. Баъзи бир заиф драматик асарлардаги ролларни ижро этадиган айрим диди пастроқ актёрлар масхарабозларга айланиб қолади. Шу хилдаги камчиликлар туфайли адабиётимиз ҳали ҳам ҳаётнинг тараққиётидан орқада, ўз олдига турган вазифаларни етарли даражада адо эта олмайгани маълум бўлади.

Адабиётимиз ва санъатимиздаги бу хилдаги камчиликларни бартараф қилиш йўлида партиямиз доим фархўрлик қилиб келаётир. Хусусан, ўтган беш йиллик давомида партиямиз адабиёт ва санъатнинг тараққиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда қатор тадбирлар кўрди. КПСС Марказий Комиетни болалар адабиёти, адабий танқидчилик ҳақида махсус қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетини эса КПСС Марказий Комитетининг ушбу қарорлари асосида анча амалий чораларни амалга оширган ҳолда ижодкор ёшлар, ҳозирги кунда қўшиқ жанрининг аҳволи ҳақида махсус қарорлар қабул қилиб, бу соҳадаги камчиликларни рўйирост очиб ташлади. Хусу-

сан ўтган беш йиллик бошларида КПСС Марказий Комитетининг адабий танқидчилик ҳақида қабул қилган қарори адабиёт илмининг ривожини, бинобарин адабиётимизнинг тараққиёти учун йўлланма бўлди. Адабий танқидчилигимизда қатор сифат ўзгаришлар рўй берди. Бадий танқид адабий ҳаётга яқинлашди. Ҳозир фахр билан айтиш мумкинки, ўзбек адабий-танқиди жанр сифатида тўла шаклланди. Бу фикрни исботлайдиган аломатлар кўп: илгари адабий-танқидчилик кўпроқ адабиёт орқасида «судралиб» юрувчи эди. Ҳозир танқидчилик «адабиёт fronti»нинг олдинги сафларидан ўрин олди. Илгари адабий танқидчилигимизнинг эстетик жиҳатдан етарли саводли бўлмаслиги кўпгина масалаларнинг тўғри ҳал бўлишига халақит берар эди. Ҳозир эса танқидчиларимиз эстетик жиҳатдан ҳам анча ўсди. Энг муҳими социалистик реализм принциплари билан қуролландилар. Вақтлар бўлар эдики, бадий асар кўпроқ қамраб олинган ҳаёт материалга қараб баҳоланарди. Бундай пайтларда «материал» биринчи планга чиқиб, у материалнинг акс эттирилиши йўллари — адабий принцип ва бадий приёмлар иккинчи планда қолиб кетар эди. Ҳозир мунаққидларимиз асарда акс эттириладиган ҳаёт материални ҳам, бу материалнинг тасвирланиши йўллари ҳам яъни адабий принцип ва бадий приёмларни бир нуқтага олиб таҳлил қилишга одатландилар.

Совет адабиётининг бошланғич давларида китобхон билан адабий-танқидчи ораларида бир оз узилиш сезилар эди. Китобхонга ёқиб тушган, унга ҳар томонлама озуқа берадиган асарлар танқидчилик томонидан кескин қораланар, баъзан эса бутунлай йўққа чиқариб юборилар эди. Бу ишда ҳар хил приёмлар ҳам ишлатиларди — дўқлар, қўрқитишлар, туҳматлар. Ҳозир китобхон билан танқидчи бир-бирини кузатадиган, бир-бирини қувватлайдиган бўлиб қолди. Китобхон бирор асарни ўқиб иккиланиб қоладиган пайтларда ўзига ўзи «туҳта, танқидчи ўртоқ бу асар ҳақида нима дер экан», дейдиган бўлди.

Танқидчиларимиз образларни малакали таҳлил қилиш приёмини эгаллаб олдилар. Ёзувчи бадий асар яратиб китобхонни ўз ғоясига бир марта шерик қилса, танқидчи ўша асарни таҳлил қилатуриб асар ғоясига ва эстетик қимматига китобхонни иккинчи бор шерик қиладиган бўлди. Шу йўл билан танқидчи асарнинг таъсир қудратини ошириб, адабиётнинг кучига куч қўшадиган бўлди.

Бу приёмнинг адабий танқидчилигимизга келиб кириши танқидчининг иш усулини ҳам ўзгартирди. Баъзан-баъзан учраб турадиган дўқ-пўписа ўрнини мантиқли таҳлил ағаллади, маданийлик, хайрихоҳлик билан ёзувчига таъсир ўтказиш йўллари топилди. Иш шу даражага етдики, танқидчи ўз фикрларини бемалол тортинмасдан айта оладиган, ўз мулоҳазаларини жамоатчилик ўртасига ташлай оладиган бўлди, ёзувчи ҳам жамоатчилик олдида ўз ижодидаги кам-кўстларни очиқ тан оладиган бўлди. Ҳар икки томон ҳам куч синашга баробар ҳақ-ҳуқуқлидек бўлди. Сиртдан қараб «тенг-тенги билан олишяпти», деб хурсанд бўладиган пайт келди.

Адабий-танқидчилигимиз қўлга киритган ютуқлар жуда кўп. Бироқ бугунги кунга кечагидан кескин фарқ қиладиган ҳаётимизнинг талаби ундан ҳам ортиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, адабий танқидчилигимиз ишларида ҳали анчагина камчиликлар борлиги кўзга ташланади.

Бу масаланинг бир неча қирралари бор. Шулардан бири ёзувчилар билан, тўғрироғи ёзувчиларимизнинг адабий танқидга муносабати билан боғлиқдир. Гап шундаки, ёзувчиларимиз ҳали ҳам адабий-танқидчини доим ҳам «ижод дўсти», «хайрихоҳ», «ҳамкор», деб билавермайдилар. Танқидчи, ёзувчи дўстининг бирор камчилигини тилга оладиган бўлса, унга очиқдан-очиқ қарши чиқмаса ҳам ичидан «мен бу танқидчига нима ёмонлик қилибман, қайси бир ишини битказмабман», деган фикрлар хаёлидан ўтади. Баъзан шу хилдаги гапларни иккинчи, учинчи шахслар орқали ёзувчи дўстимиз танқидчи қулоғига етказди ҳам. Бундай пайтларда танқидчи «вазифамиз танқид қилиш», деб қўя қолгиси келади. Бироқ танқидчининг вазифаси фақат танқид қилиш эмас, балки бадиий асарни, адабий жараённи таҳлил қилиш. Объектив таҳлил пайтларида танқидий фикрлар табиий равишда, ўз-ўзидан келиб чиқадиган бўлса, танқидчи нима қилсин! Акс ҳолни кузатиш ҳам мумкин. Умум адабиёт манфаати нуқтаи назардан бирор асарни таҳлил қилиб, ё бирор масала юзасидан фикр юритиб асарларга ижобий муносабат билдирадиган бўлса, ёзувчи дўстларимиз «танқидчининг бу ҳаракатида бир гап бор», деб ўйлашади.

Масаланинг иккинчи бир қирраси танқидчиларнинг ўзларига боғлиқ. Белинский бир вақтлар «бадиий асарни баҳолаганда шошилмасдан иш кўриш керак», деган экан. Биз эса айрим ҳолларда шошилаемиз. Тузукроқ ўй-

лаб, фикрларимизни яхшироқ тарозига солиб кўрмаймиз. Асарлар ҳақидаги яхши ўйлаб, яхши ўлчаб кўрилмаган фикрларимизни «шу асар ҳақида биринчи фикр айта қолай» ёки «ёзувчи дўстимизни дарров хурсанд қила қолай», деган «яхши» ниятлар билан ҳали пишиб етилмаган, хом-хатала фикрларни жамоатчилик олдига ташлаб қўямиз. Баъзи ўринларда бу ишни катта-катта танқидчиларимиз қилишади. Ажабланарли жойи шунда бўладики, битта асар хусусида бир-бирига зид икки фикр пайдо бўлади, бирида асар асоссиз кўкларга кўтарилган, иккинчисида далилсиз камситилган бўлади.

Мақсуд Қориевнинг «Афросиёб гўзали» қиссаси юзасидан билдирилган фикрлар шундай бўлди. Катта олимимиз Воҳид Зоҳидов бу асарни батафсил таҳлил қила туриб («Шарқ юлдузи, 1975, 6-сон) ундан деярли камчилик топмайди. Умарали Норматов эса («Ўзбек тили ва адабиёти», 1975 йил, 5-сон) асарнинг бир қиррасини — реализм ва услуб масаласини олади-да, шу асосда ёзувчини ёмонлайди. Ҳолбуки, бу асар, унинг автори Мақсуд Қориев кўкларга кўтариб мақташга зор эмас. Қуруқ ёмонлаш зарарли. Унга бор бўлган ютуқларини кўрсатадиган, камчиликларини ҳам очиқдан-очиқ далиллайдиган объектив таҳлил керак. Шундагина мунаққиднинг иши ёзувчига ва адабиётга фойда келтириши мумкин. Ахир жамоатчилик китобни ҳам ўқийди, мақолани ҳам. У дарров ҳар иккаласига ҳам: бадий асарга ҳам, адабий танқидга ҳам баҳо беради ва аксарият пайтларда баҳонинг «бали»ни тўғри қўяди.

Баъзи ўринларда адабий танқидчилигимиз замонавий темада ёзилган бадий асарларни диққат марказида тутмайди, уларнинг таҳлилида замондошларимиз характерини акс эттирадиган образларни кенг планда тадқиқот қилишга кам ўрин беради. Айрим пайтларда адабиётимиз тарихидаги баъзи бир масалалар юзасидан «мунозарали» гап айтгандек бўлиб «арзон» ном чиқармоқчи бўладилар. Маълумки, Абдулла Қодирий ижодининг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни ҳақида танқидчилик ва адабиётшунослигимизда тўғри ва объектив фикрлар айтилди. Шунга қарамасдан баъзи танқидчи ва адабиётшунослар адибнинг ижодини ё камситадилар ёки унга ошиқча баҳо бериб юборадилар. Кейинги пайтларда бу хилдаги нообъектив фикрлардан бири Эрик Каримовга тегишлидир. У, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1975 йил, 5-со-

нида босилган «Реализм ва инсонни тасвирлаш санъати» номли мақоласида «Ўтган кунлар»даги Отабек образини таҳлил қилиб, уни «курашчи», «мавжуд тузумга қарши», «социал муҳитни ёриб чиқадиган», «социал уйғонишнинг олийроқ босқичини ўзида ифодаловчи» даражасидаги образ сифатида баҳолайди. Ҳолбуки, Отабек бу хилдаги образлардан эмас. Отабек анча пассив, курашчанликдан кўра кузатувчанликни афзал кўрадиган бир шахс эди. Абдулла Қодирий уни шу тарзда яратган ва унинг бу хислатларидан романга хос маъно чиқарган. Романда тасвирланган даврда ва ўзининг социал хислатлари билан курашчи бўлиб чиқиши ҳам амри-маҳол эди. Буни ёзувчи яхши билар эди. Шу сабабдан ёзувчи Отабек образининг эстетик маъносини унинг фожиасидан келтириб чиқаради. Биз танқидчи ва адабиётшунослар шу фожиани ҳисобга олмасдан Отабек образи хусусида нотўғри хулоса чиқарамиз.

Э. Каримов Отабек образининг прототиби сифатида Аҳмад Донишга ишора қилади. Бу ҳам объектив ҳақиқатга тўғри келмайди. Айни чоқда бу фикрни мунаққид ўзи инкор қилиб, Аҳмад Дониш билан Отабек образларидаги номуштараклик ҳақида узундан-узун фикрлар айтади. Ўзи инкор қиладиган бу масалага кўп ўрин ажратишнинг нима кераги бор эди? Ахир илмий тарихий адабиётларда маълум бўлган Аҳмад Дониш Отабек образига нисбатан активроқ ва фаолроқ-ку! Танқидчи роман хотимасидаги Отабек неваралари ҳақидаги икки жумлада хабар тариқасида берилган маълумотларга асосланиб, Абдулла Қодирийни «синфий курашнинг мураккаблигини» кўрсатадиган ёзувчи сифатида шарҳлайди. Абдулла Қодирий асарларининг революцияга алоқаси бор, албатта. Бироқ Э. Каримов айтган планда эмас. Бизнингча, Абдулла Қодирий ижодида прогрессив руҳнинг акс этишини унинг асарларида тасвирланган фожиадан ахтариш керак. Шундагина тўғри йўл танлаган бўламиз.

Кейинги пайтларда, хусусан ўтган беш йиллик ичида адабиёт илми янги сифатлар билан бойиди. Адабиёт илми коллектив авторлар томонидан яратилаётган катта кўламдаги тадқиқотлар, ўзбек ва рус тилларида чоп этилган ўзбек совет адабиёти тарихи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олимларимиз адабиётимиз тарихида из қолдирган ва из қолдириши мумкин бўлган адиб ва шоирларимизнинг ижодларини алоҳида-алоҳида ўрганиб, йирик монография-

лар яратдилар. Уларда ёзувчиларимизнинг ижодий лабораторияси, ҳар бирининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, социалистик реализмнинг шаклланишидаги ўзига хос роли батафсил таҳлил қилинади. Булардан ташқари, адабиётшунослигимиз, хусусан А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ходимлари кейинги йилларда октябргача бўлган ўзбек адабиёти тарихини яратиш устида иш олиб бориб, бу ишни маълум бир нуқтага етказдилар. Кўпмиллатли адабиётимизнинг бир-бирларига таъсири, Урта Осиёда рус адабиёти тарихи, болалар адабиёти ва таржима назарияси хусусида ҳам анчагина тадқиқот ишлари амалга оширилди. Мазкур институтнинг илмий ходимлари мукамал адабиёт назариясини яратиш устида иш олиб бордилар ва бу ишни ҳам ниҳоясига етказдилар. Кўп ўтмай матбуотда эълон қилиниши керак бўлган бу йирик ишлар адабиёт илмимизнинг кейинги беш йилликда яна ҳам муваффақиятли равишда олға боришига асос бўлади, деб ўйлаш керак. Эълон қилинган ва яқин ойларда чоп қилиниши керак бўлган бу ишларининг яратилишида фақат мазкур институтнинг илмий ходимларигина эмас, балки бутун республикамиз илм аҳли; иккита университет, кўпгина пединститутлардаги мутахассислар актив иштирок этадилар. Агар адабиёт илмининг маҳсулотларини катта бир хирмон десак, бу хирмонда бутун республика олимларининг, Бутуниттифоқ олимларининг ҳиссаси бор.

Илмнинг чеки йўқ. Илм бамисоли коинат, йўл юриб унинг охирига етиб бўлмайди. Ҳар бир тарихий давр илм олдида янги-янги вазифаларни қўяди. Шу маънода бугунги адабиёт илми ҳам ҳали ҳаёт талабидан орқадadır. Бутун бир давр проблемаларини қамраб оладиган, адабий ижод қонуниятларини чуқурроқ ўрганадиган проблемалар юзасидан юқори савиядаги ишлар ҳанузгача кам. Адабиётимизнинг актуал масалалари юзасидан баҳс ва фикр олишувлар етарли эмас. Тил ва адабиёт институти, Ёзувчилар союзи томонидан ташкил қилинган «Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг манбалари, шаклланиши ва тараққиёти» номи Бутуниттифоқ конференцияси бу камчиликни бир оз тўлдиргандек бўлди. Бироқ бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. «Беш йиллик ва адабиёт», «Бугунги кун адабиётимизда қаҳрамон масаласи», «Меҳнат поэтикаси», «Замон ва адабиёт», «Бугунги ҳаёт янгиликларининг адабиётдаги инъикоси»,



«Ёзувчи маҳорати», «Адабий асар тили»— мана адабиётимизнинг баҳсталаб баъзи бир муҳим масалалари.

Адабиётимиз ва адабий илмимизга бир назар ташланганда шуни сезасизки, сон жиҳатдан қилинадиган ишлар жуда кўп. Бироқ сифат жиҳатдан ҳали қилинадиган ишларимиз ундан ҳам кўп. КПСС XXV съездида эълон қилинган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» хусусидаги қароридан шу нарса кўринадики, ўнинчи беш йиллик ҳам сон, ҳам сифат беш йиллиги. «Ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси,— дейлади ушбу қарорда,— Коммунистик партиянинг халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилган йўлини ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самардорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида изчиллик билан амалга оширишдан иборат».

КПСС XXV съезди қарорларининг руҳи, хусусан сифат масаласига тегишли гаплар адабиёт ва санъат ижод қорлари ва маданий ҳаёт қонуниятларини тадқиқ қиладиган илм аҳли ишларига ҳам тўла равишда тааллуқлидир.

## МАЪНО — БАДИИЙЛИКНИНГ АСОСИ

Кўриб ўтганимиздек, ўзбек совет насрининг бошида Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари йирик талантлар турибди. Улар ҳар бири ўзига хос мактаб яратди, ўзбек насрининг туғилишига, қамолотига катта ҳисса қўшишди. Устозлар бошлаган ижодий маҳорат йўли янги-янги истеъодларга мерос бўлиб ўтди. Йирик асарларнинг пайдо бўлишини илгари йиллаб кутадиган бўлсак, энди ҳар йилнинг ўзида бир нечалаб роман ва повестлар, ўнлаб, балки юзлаб ҳикоя ва очерклар яратиладиган бўлди. Ҳозир йирик ва етук насрий асарлар фонди билан фахрлансак арзийди.

Маънонинг салмоқдорлиги ва чуқурлиги, сўзнинг аниқ ва муҳимлиги, асарнинг қимматини белгилайди. Кейинги йиллар ўзбек прозасининг таҳлили шунга ишонч ҳосил қилдики, унда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга айрим муваффақиятсизликлар ҳам бор. Бундай нуқсонларни биринчи навбатда ижодий гўрлик, гоёни ифодалашдаги шошмашошарлик билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кўпмиллатли адабиётимизда, хусусан, прозада ахлоқ проблемасига қизиқиш кун сайин кучаяётганлиги кўзга ташланади. Шу маънода ўзбек адабиёти ҳам бундан истисно эмас. Кўпчилик ёзувчиларимизнинг асарларида ҳақиқий муҳаббат, инсонийлик, ҳақгўйлик ҳақида мулоҳаза юритилади, мешчанлик, мансабпарастлик ва худбинлик қаттиқ қораланади. Мана, қўлимда У. Ҳошимов, О. Мухторов, Э. Аълам каби ёш прозаикларнинг тўпламлари. Уларда ҳеч қандай мураккаб сюжет, фавқулодда ҳодиса йўқ. Оддий ҳаётий ситуациялар ҳикоя қилинади,

қахрамонлар ҳам ёзувчиларнинг кўриб, билиб юрган одамлари. Бироқ бу кичик воқеалар фонида авторлар кўплаб кишиларнинг ёрқин образларини, ҳатто айтиш мумкинки, характерларини ярата олганлар. Уларнинг ҳикоялари китобхонни атрофга диққат ҳамда сезгирлик билан назар ташлашга, кундалик турмушда бўлиб турадиган оддий ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Қуйида биз ёш прозаик Зоҳир Аъламнинг яқинда нашрдан чиққан «Бахтли билет» тўпламидаги «Троллейбус» номли ҳикоясининг мазмунини келтирмоқчимиз: бекатлардан бирида троллейбусга қирқ ёшлардаги, «барваста» аёл чиқади. Уртада бепарво турган йўловчилардан бир оз силжишларини сўрайди, ўзларига қулай жой топиб олган йўловчилар пинагини бузмайди. Аёл уришиб-сўкишиб, амаллаб, эркинроқ жойга ўтиб олади. Кейинги бекатда троллейбусга чиққан йўловчилар ҳам олдингилардан зорланиб, силжишни сўрашади. Бироқ бошқалар қатори ўзига қулайроқ жой топиб олган «барваста аёл» ҳам пинагини бузмай, ёнверидигилар билан об-ҳаводан, нарх-наводан гаплашиб тураверади...

Воқеа, кундалик ҳаётимизда учраб турадиган, кўриб, эшитиб юрган оддийгина ҳолдан иборат. Бироқ бу митти воқеа тасвирида маъно бор: баъзи одамлар ҳаётда ўзи қулайликка эришгунча ҳаракат қилади, ҳай-ҳайлайди, дод-войлайди, зарур бўлса ялиниб-ёлворади ҳам, қулайликка эришгач, бошқалар билан иши бўлмайди.

Тўпламдаги бошқа ҳикоялар ҳам шу хилда ёзилган бўлиб, уларда ҳам фавқулодда ҳодисалар, баландпарвоз иборалар йўқ. Автор энг оддий ҳаёт ҳодисаларини танлайди ва уларни энг оддий воситалар орқали тасвирлайди. Бироқ шу пайтнинг ўзида ёзувчи бу оддий воқеаларга чуқурроқ назар ташлашга, улар ҳақида ўйлашга мажбур эта олган.

Шукур Холмирзаевнинг «Лола» номли ҳикояси, Уткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» новелласи, Рўзимат Отаевнинг «Сўқмоқдаги соялар» повестлари ҳам ана шундай синчковлик ва фикрнинг аниқлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Рўзимат Отаев повестининг бош қахрамони — журналист, жуда одил, бир сўзли, инсон қадр-қимматини юқори баҳоловчи киши. Унинг юқори лавозимларни эгалловчи баъзи шафқатсиз, совуққон, иккиюзламачи кишилар билан тўқнашуви ҳақида ҳикоя қилар экан, ёзувчи ҳаётни кўплаб сўқмоқлардан ташкил топган

кенг йўлга ўхшатади. Баъзида бу сўқмоқларни совуқ соялар кесиб, ўтади. Баҳор осмонидаги булут каби қисқа умрли бу соялар шу давр ичида ҳам кимнингдир тақдирга раҳна соладилар. Ёзувчи бутун қалби билан бундай кўланкаларнинг йўқ бўлиши тарафдори ва унинг бу кечинмалари, ишончи ўқувчи қалбига ҳам осонгина етиб боради.

Баъзи сатирик асарларнинг юзаки таъсирчанлиги билан эмас, маълум ва аниқ мақсадга қаратилган маъноси билан ажралиб туриши ҳам қувонарлидир. Шу хилдаги муваффақиятли асарлар қаторида Саъдулла Сиёевнинг айрим ҳикояларини ва Суннатулла Анорбоевнинг «Сайри боғ» сатирик повестини кўрсатиш мумкин. Бу авторларнинг асарлари уларнинг зўрма-зўраки кулгили моментларни изламай, балки тасвирланаётган ҳодисаларга ниҳоятда сезгирлик билан ёндошганлигидан, ҳаётимизда учраб турадиган камчиликлар устида жиддий масъулият ва қайғуриш ҳисси билан мулоҳаза юритишларидан, уларни фош этишда янги сатирик приёмлар топишга интилганлигидан далолат беради.

Суннатулла Анорбоевнинг «Сайри боғ» повестидаги бош қаҳрамон, Йўлдош Қўлдош ўзига топширилган ҳар қандай масъулиятни ишни барбод қилиб, тобора юқори лавозимлардан қўйи лавозимларга тушиб келади ва пенсияга чиқиш олдида эса у, маданият боғи директори лавозимида бўлади. Йўлдош Қўлдош пенсияга чиққач, бу ўринга бошқа бир Йўлдошга ўхшаш киши тайинланади. У ҳам бу ўринга ўз навбатида юқорироқ лавозимдан туширилган. Ҳақиқатан ҳам шундай лавозимлар бўладик, уларга раҳбар қилиб бошқа ишларни эпломмаган шахслар тайинланади ва бундай ўринлар улар учун қулай бир «маскан» ролини ўйнайди. Бу ҳол мазкур ўринларга ўз ишини севган, ўзига ишониб топширилган ҳар қандай ишни жонкуярлик билан бажарадиган кишилар келгунга қадар давом этади.

Саъдулла Сиёевнинг «Ўзини кўтарган одам» ҳикоясида эса юқоридаги воқеанинг акси, аynи вақтда унга ўхшаш воқеа тўғрисида гап боради. Бир савдо ходими журналистнинг олдига келиб, унинг ҳақида фельетон ёзишни илтимос қилади ва барча керакли фактларни ҳам очиқ-ойдин айтиб беради. Журналист унинг илтимосини бажаради. Бирмунча вақтдан сўнг шу ходимнинг ўзи журналистга яна аввалги илтимос билан мурожаат этади. Маъ-

лум бўлишича, савдо ходими ҳозирда эгаллаб турган лавозимдан юқорироқ лавозимда бўш ўрин бўлади, уни эгаллаш учун у шу йўлни қўллайди.

Биз тўхталиб ўтган асарларнинг муаллифлари нисбатан ёш ижодкорлардир. Шунинг учун уларнинг асарлари ҳар қандай камчиликлардан холи ва бадий жиҳатдан мукамал демоқчи эмасмиз, айтолмаймиз ҳам. Бироқ биз шуни таъкидламоқчи эдикки, юқоридаги ҳар бир асарда аниқ белгилаб олинган мазмун, ҳаётнинг у ёки бу томони-нини характерловчи конкрет мақсад бор.

Афсуски, худди мана шу нарса кўпчилик прозаикларнинг асарида етишмайди. Масалан, Рустам Раҳмоновнинг «Ишонч» қиссасини олиб кўрайлик. Асар қаҳрамони Аҳмаджон уч боланинг отаси, қўшни хотинга кўнгил қўяди, унинг жуфти ҳалоли эса, рашк ўтида ёнади, жанжал устига жанжал кўтаради. Тутуриқсиз эрни бир неча бор уйдан ҳайдайди. Оқибат эр қўшни хотин билан қўшилади, кейин уни қўйиб яна бошқа жувон билан топишади. Қиссанинг охирида қаҳрамон учта жувон орасида виждон азобида қолгандек кўринади. Бунинг нимаси ишонч? Кимкимга ишониши керак? Китобхон кимга ишонсин? Қиссадан бу саволларга жавоб топиши амри маҳол. Шу нарса аниқки, повестда асосий нарса — автор позициясининг ғоявий аниқлиги етишмайди. Қатор тарқоқ фактларнинг оддий кетма-кет кўрсатилишининг ўзи эса китобхоннинг на онги ва на қалбига ҳеч қандай озик бермайди.

Афсуски, бундай нуқсонлар ҳозирги прозамизнинг кўпчилигига хос. Турли мавзуларни ёритган ва шу тўфайли юзаки қараганда бир-бирига ўхшамаган, ўзига хос кўринган асарлар моҳиятига кўра деярли бир-биридан ҳеч фарқ қилмайди. Республика матбуотида анчадан бери бир жилднинг ичида еттита повестни бирлаштирган бир ёш ёзувчи ҳақида баҳс давом этади. Катта чидам билан «қуролланиб» бу асарни охиригача ўқий олган ўқувчи бир замондошимизнинг туғилганидан то ВУЗни битирганига қадар бўлган ҳаёти билан танишади. Ҳамма воқеалар ниҳоятда изчил, хронологик тартибда, ҳеч бир сюжет йўлларининг ўзаро кесишувисиз баён этилган. Нима учун буларнинг ҳаммаси баён этилади? Қандай мақсадда? Аниқ эмас. Балки қаҳрамоннинг ҳаёти унинг ҳар бир кунини синчиклаб ўрганишга арзигулик даражада ибратлидир? Ўзингиз ҳукм чиқаринг: бутун ҳикоя давомида бош қаҳрамон бир у қизни, бир бошқасини севади ва навбатдаги

«севгилиси» учун аввалгисини ташлаб кетади. Автор эса бу замонавий Дон Жуанга нисбатан ўз муносабатини шундай «усталик» билан яшира олганки, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини қоралайдими ёки намуна қилиб кўрсатадими, ҳеч билиб бўлмади.

Эсимда, менинг ёшлигим ўтган қишлоқда бир чол яшар эди. У эшакка миниб кетаётган ерида кўз олдида пайдо бўлган ҳар қандай нарса, ҳодиса ҳақида шеърнома мисралар тўқиб борар эди. Шу туфайли уни «Кўчқор шоир» деб аташар эди. Ва ҳар гал менга юқоридаги ҳикоя қилинган асар учраса, беихтиёр ўша «шоир»ни эслайман.

Яқинда Мирмуҳсиннинг аввало «Шарқ юлдузи» журналида, кейинчалик алоҳида китоб бўлиб чиққан «Дегрез ўғли» романи китобхонларга ҳавола қилинди. Асарнинг бошланишиёқ жуда қизиқарли, кўп нарсани ваъда қилувчи воқеа билан бошланади. Автор бизни ўз лавозимидан четлаштирган бир масъуа ходим, унинг кечинмалари билан таништиради. Китобхон албатта қизиқиб қолади, у гап нимада эканлигини билишга ошиқади. Бироқ автор ҳеч шошилмайди. У ўқувчини қаҳрамоннинг узоқ йигитлик йилларига бошлайди. Шу ерда, назаримизда, автор қаламини бизга таниш бўлган «Кўчқор шоир» юргизаётган кўринади. Асар бошидаги воқеага ҳеч бир алоқаси бўлмаган воқеалар бутун асарнинг тахминан тўртдан уч қисмини ташкил этади. Ниҳоят, охирида маълум бўладики, қаҳрамон қандайдир хато туфайли ўз лавозимидан ноҳақ четлаштирилган бўлиб, яна ўз ўрнига қайта тайинланади. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўлига бунчалик «чуқур» қизиқишнинг сабабини нима билан изоҳлаш мумкин? Маълум бўлишича, бу қатъий бир маслаксиз, ҳолатни аниқ баҳолай олмайдиган, иродасиз, бировнинг хоҳишига осонгина бўйсунувчи киши экан. Мана шулар туфайли у туҳматчиларнинг қурбони бўлади. Бу каби характер ёзувчи диққатига лойиқми? Шубҳасиз лойиқ, фақат шу шарт биланки, қачонки автор муносабати аниқ ифодаланган бўлса. «Дегрез ўғли» романи эса автор ўз қаҳроминини қоралайдими ёки унга хайрихоҳми деган саволга жавоб бермайди. Қаҳрамонга нисбатан бу хилдаги бефарқ муносабат романи гоёвий мазмундан маҳрум этади. Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда, бу ўринда ёзувчи ҳаётини материални бичиб, уни янги гоёвий асосда қайта тикаолмаган. Тўғри, романда алоҳида қизқарли образлар, эпизодлар йўқ эмас. Масалан, Субҳия исми қизча воқеасини олайлик.

Фронтга кета туриб, қизчасининг «қачон келасиз» деган саволига ота, «Лайлак келиб Кўкалдош мадрасасининг гумбазига қўнганда» деб жавоб беради. Ушандан бери ҳар куни Субҳия мадраса тепасига қарайди, лайлакнинг келиб қўнишини кутади. Бироқ лайлак келиб қўна бермайди. Ниҳоятда сезгир ва таъсирчан қизча отаси билан айрилиққа чидолмай ўлиб кетади. Бу эпизодда қанчалик маъно ва фожиали ҳақиқат бор! Бироқ алоҳида муваффақиятли образлар ва эпизодларгина йирик полотнонинг тақдирини белгиламайди.

Ўзбек танқидчилиги шоир Юсуф Шомансурнинг «Қора марварид» номли дастлабки ромонининг журнал варианты асосида шу хилдаги камчиликларини кўрсатиб ўтган эди. Роман бошида оғир уруш йиллари шароитида ва бунинг устига бола тарбияси билан унча шуғулланилмаган оилада ўсиб, катта бўлган бир қиз характерининг шаклланиши ҳар ҳолда муваффақиятли кўрсатиб берилган. Романнинг бу саҳифалари шундай ишонарли чиққанки, бунинг ҳаммасини автор ўз бошидан кечирган, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ романнинг бошқа қисмларида Юсуф Шомансур ўрнини яна ўша маълум ва машҳур «Қўчқор шоир» эгаллагандек бўлади. Шунини мамнуният билан қайд этиш мумкинки, автор асарнинг журнал варианты ҳақидаги танқидий мулоҳазаларни назарга олиб, алоҳида нашрини асосан қайта ишлаб чиқди.

Баъзи асарларни ўқиганда, беихтиёр, уларнинг авторларини сифат эмас, сон қизиқтиради деган фикр туғилади, қанча кўп ёзилса шунча яхши, ҳикоя эмас — повесть, повесть эмас — роман ва роман бўлганда ҳам романлар циклини ёзиш иштиёқи устундек кўринади. Бундай «касалик» билан оғриган ёзувчи қизишиб кетиб нима дуч келса шу тўғрида ёзишга, ҳатто аввалги ёзганларни қайтаришга ҳам тайёр.

Масалан, Саъдулла Кароматовнинг «Эътиқод» повести, Борис Полевойнинг «Чин инсон» қиссасидан фақат шу билан фарқ қиладики, агар Алексей Мересьев оғир уруш йилларида узоқ ва саботли машқлар натижасида қайта самолёт штурвалига ўтирган бўлса, С. Кароматовнинг қаҳрамони тинч пайтда автомобиль рулига ўтиради. Агар Борис Полевойга шубҳасиз ишонсак, С. Кароматов қаҳрамонининг хатти-ҳаракатлари бизга афсонадек туюлади. Демак аниқ мақсад бўлмаса, очилган йўлдан ҳам юриш мушкул экан.

Машҳур ёзувчи, тузуккина асарлар автори Асқад Мухторнинг охириги «Чинор» романи ҳақида ҳам мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Кўпчилик танқидчилар бу асарни ижобий баҳолайдилар. Уларнинг ўз асоси бор, албатта. Марказий жамловчи образ бўлган Очил бобо қудратли дарахт — чинорга ўшатилади. Роман бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча қиссалардан ташкил топган. Ҳар бир қисса марказида Очил бобонинг яқин қариндошларидан бўлган замондошимиз образи туради. Муаллиф уларнинг ҳар бирининг қувонч ва аламларини, муваффақият ва мағлубиятларини Очил бобо образи билан боғлиқ ҳолда очиб беришга интилади. Роман қаҳрамонларининг барчаси — бизнинг замондошларимиз. Улар турлича фикр юритади, турлича ҳис-туйғуларни бошидан кечиради, бир сўз билан айтганда ҳар бирининг ўз ҳаёт йўли бор. Кўрганимиздек, ёзувчи жуда қийин, бундан ташқари ўзбек адабиёти учун ҳар ҳолда янги шаклни танлаган. Бироқ шундай бўлиб чиққанки, ромanning алоҳида қиссалари кўпроқ худди шу шакл ту, йили бир-бири билан боғланади. Масалан, биринчи қиссада икки партия ходимининг образини акс эттирган Асқад Мухтор бу билан замонамизнинг ўткир проблемаларини кўтариб чиқади. Шунинг учун бу қисса бошқаларидан бирмунча ажралиб туради. Бошқа қиссаларнинг мазмуни, афсуски, биринчидаги каби муҳим проблемаларни ёритмайди. Шу туфайли ҳам Очил бобо образи барча қиссаларнинг бадий тўқимасига бирдек органик равишда сиғиб кетмаган.

- Тарихий роман соҳасида ҳам ҳамма нарса силлиқ, деб бўлмайди. Уларнинг баъзилари ғоявий хиралик ва бадий ноаниқлиги билан оқсайди. Бу хилдаги асарларда, одатда, иштирок этувчиларнинг шахси ўйлаб чиқилган, воқеаларнинг эса поёни йўқ.

Тарихий материалга тадқиқотчи позициясидан ёндашмаслик турли авторларнинг ўзига хосликдан холи бўлган кўп томли асарларининг тарқоқ, ҳеч қандай системалаштирилмаган фактлар йиғиндиси билан тўлиб-тошганлиги, уларни бир-бирига ўшаш қилиб қўяди. Бундай романларни ўқиганда, традицион «Кўчқор шоир»нинг ҳамма ерда ҳозир у нозирлигидан афсусланасан киши, ҳатто ўзининг реал ҳодисалари ва қаҳрамонларига эга бўлган конкрет тарих ҳам унинг югурдак қаламини тўхтатишга қодир эмас. Масалан, ёзувчи Ҳабиб Нўъмон ва журналист Шораҳмедов ўтган йили Ўзбекистон ССРнинг биринчи



президенти Йўлдош Охунбобоев ҳақида «Ота» номи романи нашр эттирилди. Олижаноб мақсад! Туркистонда Совет ҳокимиятининг асосчиларидан бирининг образини яратиш жараёнида ёш республикамининг дастлабки қадамлари тўғрисида жуда қизиқарли ҳикоя қилиш мумкин эди. Маълум маънода бунга эришилган, албатта. Бироқ авторлар асосий, бош қаҳрамон образини яратишда бирмунча хатоларга йўл қўйганлар. Улар бош қаҳрамон яшаган ва ишлаган мураккаб муҳитда унинг халқ қаҳрамони сифатидаги энг яхши томонларини очиб бериш ўрнига, президент шахсиятининг реалистик акс эттирилишига жуда оз хизмат қилувчи кўплаб хаёлий эпизодлар ва персонажларни сюжетга киритишга берилиб кетганлар. Китобхон романдан бош қаҳрамоннинг мураккаб руҳий дунёсини кўра олмайди. Унинг образи барча кишиларни ҳар қандай бахтсизликдан халос этувчи, бахт ва фаровонлик ҳада этувчи қандайдир мавжудот — илоҳий ажойиботни ёслатади.

Исоҳқ Содиқовнинг «Фарғона зулмат қўйнида» романида бу соҳадаги ҳолат яна ҳам ёмонроқ. Унда кўпчилик ҳодиса ва образларга энг зарур нарса — мазмун етишмайди. Масалан, унда жуда кўп ўрин — Дукчи эшоннинг қилмишларига бағишланади, бироқ улар роман мундарижасини ҳеч бир бойитмайди. Романда чет эл разведкачиси Мендельсон каби образлар борки, улар асарнинг бошидан охиригача иштирок этса-да, ҳеч қандай бадий функцияни бажармайди. Буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган кўрилади, чунки китоб бошидаги нашрий аннотацияда асарда қамраб олинган асосий воқеалар ҳикоя қилинади ва шу ернинг ўзида «буларнинг ҳаммаси алоҳида бадий лавҳалар сифатида берилган»лиги таъкидлаб ўтилади.

Бу ўринда яна шунини ҳам айтиш лозимки, сўнгги пайтларда ўзбек адабиётида фақат ўз ҳажмига кўра романга ўхшаган асарлар пайдо бўлмоқда ва уларни у ёки бу изоҳ билан роман деб аталяпти. Масалан, повестлардан иборат роман, ҳикоялардан иборат роман, очерк ёки лавҳалардан иборат роман ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммаси, назаримизда, бир марказга бўйсунмаган, бир-бири билан боғланмаган алоҳида-алоҳида эскизларни бир бутун қилиб кўрсатишга интилишдан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, бу асарнинг ягона ва бирлаштирувчи ғоявий ибтидосининг йўқлигини ниқоблашдир. Афсуски, бу каби «роман»ларни ўзбек китобхонларининг энг яхши асарлари, деб мадҳ этув-

чи танқидчилар ҳам топилади. Масалан, филология фанлари доктори Собир Мирвалиев Исоқ Содиқовнинг роман-лавларини («Ўзбекистон маданияти», 12 январь 1973 й.) ўзбек адабиётида янги йўналишни белгилаб берган новаторона асар, деб атайди.

Ҳар қандай бадий ижод қизғин ва муттасил изланишлар мевасидир. ва ҳар бир изланиш ҳам ғалаба билан тақдирланмайди. У ёки бу адабиётнинг мавқеи, яхшиямки ундаги нуқсонлар билан белгиланмайди. Ҳозирги кундаги ўзбек адабиёти, асосан, тўғри йўлда. Унда фахрланса арзийдиган асарлар ҳам оз эмас. Кейинги йилларда адабиётимизда ҳаёт ҳодисаларини чуқур акс эттирадиган ғоявий бадий юксаклиги билан ажралиб турадиган кўплаб повестлар ва романлар яратилди. Ёзувчимиз Назир Сафаровнинг «Наврўз» номли янги китоби таъсирчанлиги билан қизиқиш уйғотадиган шу хилдаги асарлардан. Автор «Кўрган — кечирганларим» романидаги мавзунини давом эттириб, Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки йилларидаги Жиззах ҳаётини акс эттирар экан, бир вақтлар очлик ва етимлик маскани бўлган бу ўлкада революция туфайли рўй берган ўзгаришларни батафсил ҳикоя қилади. Наврўз асарининг номи, у ёзувчи талқинида рамзий маъно касб этади. Наврўз — бу озод ўлкада тантана қилган янги ҳаёт, янги йўл, янги ғалабалар... Иккинчи бир мисол — Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарини олайлик. Ёзувчи ниҳоятда масъулиятли вазифани зиммага олган: бутун оламга машҳур астроном Улуғбек ва унинг маслакдошлари фожиасини кўрсатиш ва шу билан бирга роман ҳажмини чўзиб юборувчи тарихий фактларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юбормаслик. Одил Ёқубов меъёрдан чиқмай тарихий фактларнинг чексиз денгизидан энг асосийларини, энг зарурларини, асар мақсадига бевосита мос келадиганларини танлай билган ва улар асосида ўрта аср зулмати шароитида ўз ҳаётини фанга бахш этган кишининг фожиасини кўрсата олган. Роман композицияси ҳам ниҳоятда қизиқарли: фактларнинг хронологик тартибига тўла риоя қилмай, ёзувчи ўз диққатини олим ҳаётининг қисқа, бироқ энг муҳим даврига мурожаат этади, лекин шу пайтнинг ўзида турли композицион приёмлар ёрдамида китобхонни бош қаҳрамон тақдиридаги барча аҳамиятли моментлари билан таништириб ўтади.

Шароф Рашидовнинг янги ижодий ютуғига тўхтаб

Ўтишни лозим топдик. Урушдан кейинги йилларда, унинг «Ғолиблар» повести босмадан чиқди. Танқидчилик томонидан маъқуланган бу асар авторнинг ўзини унча қаноатлантормади. Ш. Рашидов повесть устида ижодий ишни давом эттирди ва у роман шаклида босилиб чиқди. Бу ерда гап, албатта, жанрда ёки ҳажмда эмас, балки аввало ҳаётий материални ғоявий мақсад атрофида концентрация этишда. Романнинг қарийб ярмини ташкил этган янги бобларда кўп нарса ҳақида катта маҳорат билан ҳикоя қилинган. Қаҳрамонларнинг бугунги ҳаётини тасвирлар экан, Ш. Рашидов уларнинг ўтмишига мурожаат этиб, қаҳрамонларнинг болалик ва ёшлик йилларини ҳикоя қилади, совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонлари ва фронт орқасида кўрсатган мислсиз жасоратини акс эттиради, асар охиридаги урушдан кейинги халқимизнинг меҳнат майдонидаги қаҳрамонлигининг тасвири эса бутун асарнинг органик якунидек жаранглайди. Бадий мақсаднинг аниқлиги ёзувчига иккинчи даражали фактларни киритмай, ҳаёт ҳодисалари уммонидан юқори ғоявий мақсадни тўла очишга хизмат қилган ёрқин, конкрет фактларни танлашга ёрдам берган.

Бадий асарнинг мазмуни устида мулоҳаза юритар эканмиз, ҳаётнинг у ёки бу томонига алоқадор кўплаб деталларнинг йиғиндисинигина назарда тутамиз... Фақат шундагина ёзувчи меҳнати зое кетмайди, ўқувчиларнинг онги ва қалбида акс садо топади. Бадий адабиётимиз классикларининг энг яхши асарлари бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

## ИЗЛАНИШЛАР

Жанр эътибори билан бу йил «Шарқ юлдузи»<sup>1</sup> журналида босилган ва босилаётган насрий асарлар ранг-баранг. Булар ичида учта — Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун», Ж. Шариповнинг «Хоразм», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романлари бор. Журналнинг бу йилги сонларида тўрт қисса эълон қилинди. Қисса авторларидан иккитаси — Мақсуд Қориев («Афросиёб гўзали») ва Эргаш Раимовлар («Ажаб қишлоқ» қиссаси) китобхонларга илгаридан қиссанавис сифатида маълум. Учинчиси — марҳум Турғун Пўлат («Ичкуёв»), тўртинчиси ёш ёзувчи Фарҳод Мусажонов («Сунбула») янги қиссанавислардан. Журналнинг бу йилги сонларида ўнлаб ҳикоя ва очерклар бор. Ҳикоянавис ва очеркчилар ичида маълум ёзувчиларимиз С. Анорбоев, С. Зуннунова, О. Ҳусанов, А. Эшонов, Х. Шайхов ва Ў. Усмоновлар бор. Булардан ташқари журналнинг бу йилги сонларида ўнлаб ёш авторларнинг номларини учратамиз.

Замон нуқтаи назаридан журналнинг бу йилги сонларида эълон қилинган асарларнинг кўриниши қуйидагича: иккита роман ҳам тарихга алоқадор. Ж. Шариповнинг «Хоразм» романи Хоразмда совет тузумининг шаклланишига бағишланган, Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи Катта Фарғона каналининг қурилишини акс эттиради. Кўриняптики, бу ҳар иккала роман ҳам совет даври ҳаётини акс эттиришга бағишланган бўлса ҳам, бугунги кун тематикаси эмас. Қиссачилик бу жиҳатдан анча олдда бораётган-

<sup>1</sup> Гап «Шарқ юлдузи» журналида 1974 йил босилган прозаик асарлар ҳақида кетяпти.

га ўхшайди. Журналда чоп этилган қиссаларнинг ҳаммаси ҳам бугунги кун ҳаёти проблемаларини акс эттиришга бағишланади. Турғун Пўлат («Ичкуёв»), Фарҳод Мусажонов («Сунбула») журналист назари билан бугунги кун ҳаёт зиддиятларига назар ташлайдилар. Ҳар бири ўзига хос услуб, ўзига хос қаҳрамонлар орқали журналистлар ҳаётидаги мураккабликларни таҳлил қиладилар. Мақсуд Қориевнинг «Афросиёб гўзали»да эса муҳим бир проблема — пахта териш машинасини мукамаллаштириш масаласи ўртага қўйилади. Эргаш Раимовнинг қиссаси болалар ҳаётига бағишланган бўлиб, унда бола тарбиясига тегишли баъзи бир масалалар акс эттирилади. Ҳикоя ва очерклар замонга яна ҳам яқинроқ. Уларда бугунги ва ўтмишдаги замондошларимизнинг ҳар хил ҳолатлари, кечинмалари тасвирланади. Тўғри, О. Шароповнинг «Қора тулпор» сингари тарихий темада ёзилган ҳикоялари ҳам бор. Бироқ бу хилдаги ҳикоялар кўп эмас. Ҳикояларнинг анча қисми Улуғ Ватан уруши асоратларига қарши, умуман, уруш азоб ва кулфатларини кўрсатишга бағишланган. Маълумки, очерк табиатан замонавий жанр. Журналнинг сонларида босилган ҳамма очерклар ҳам бугунги кун ҳаётини акс эттиришга — бугунги ҳаёт қаҳрамонларининг меҳнат ва жасоратини кўрсатишга бағишланган.



Маълумки, адабиётда сондан кўра сифат муҳим. Сифат жиҳатдан эса «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинаётган асарлар доим ҳам биз кутган даражада бўла бермайди. Баъзи асарлардан маълум бўладики, бир қисм ёзувчиларимиз ҳали ҳам ҳаётга чуқурроқ кириб бормаيدилар, ҳаммани безовта қилиб, ўйлашга мажбур қилаётган масалаларни топиб тасвирлашга ҳаракат қилмайдилар. Бундай ёзувчилар кўзга бир чалинган воқеаларга асар бағишлайдилар. Журналнинг биринчи сонидан анча тажриба ортирган ёзувчимиз О. Ҳусановнинг «Тандир» номли ҳикояси босилди. Унинг мазмуни шундай: қаҳрамон ҳовлисидаги тандирни кераксиз ҳисоблаб, бузиб ташлайди. Бир кун қишлоққа боради. У ёқда иссиқ нон еб кўриб, тандирни нотўғри бузганини англайди, шаҳарга қайтиб келиб, янгидан тандир қуради. Наҳотки, шу гапни айтиш учун ҳикоя ёзиш керак бўлса! Тўғри, тандир баҳонасида қаҳрамоннинг бирор ҳо-

латини чуқурроқ кўрсатиш мумкин эди. Лекин ҳикояда берилган материал бундай ҳолатни акс эттиришдан ожиз. Шу авторнинг иккинчи ҳикояси, «Араз» («Шарқ юлдузи», 1-сон) ҳам материал ва мазмун жиҳатдан маънодор эмас. Асар мазмунини мукофот берилмаганидан аразлаб кетиб, иши ўнг келмаган бир колхозчи саргузашти ташкил қилади. Н. Аминовнинг «Тақсимот» («Шарқ юлдузи», 4-сон) номли ҳикояси эълон қилинди. Ундаги тасвирланган воқеа ҳам бирор ҳаётгий маънони акс эттирмайди. Маҳалла бузилади. Аҳоли ўртасида олинган буюмлар тақсим қилинади. Тобут билан паранжи устида тортишув бўлади. Ҳикоя ЖЭК дан комиссия келиши билан тугалланади. Бундан нима маъно? Балки ҳаётимизда учраб турадиган шу хилдаги воқеаларни автор ҳажв қилмоқчидир? Бундай дейдиган бўлсангиз, асарда ҳажвий йўналиш борлигини сезмайсиз. Айтишлари мумкин, ахир бу хилдаги воқеалар ҳаётда учраб туради-ку. Тўғри, учраб туради — бир сабаб билан тандирни бузиб қўйган одам уни янгидан қуриши ҳам мумкин, кўчаётган маҳалла аҳли орасида тобут ва паранжи устида тортишувлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ шу воқеаларни тасвирлаб ёзувчи нима демоқчи, китобхон дилида қандай жозиба уйғотмоқчи, унинг дилига қандай фикрлар жойламоқчи? Буни билиб бўлмайди. Ёзувчи ҳаётгий ҳодисани тасвирлашга тасвирлайдию, ундан маъно чиқариш ҳақида бош қотирмайди.

Баъзи бир ҳикояларда танланган воқеалар сийқа, маъносиз. С. Аъзамованинг «Синов» («Шарқ юлдузи», 4-сон) номли ҳикояси бор. Бола-чақаси бор йигит бир қизни яхши кўради. Бўлиши мумкин бўлган воқеа. Йигит қизга уйланмоқчи. Бундан йигитнинг оиласи ҳам хабардор бўлиб қолади. Бир кун нима бўлади-ю, қиз учрашувга кела олмай қолади. Шу сабаб улар ажрашадилар. Шу билан воқеа тамом. Аввало бирини қўйиб, иккинчисига интилишлар, хотин ташлаб, янги хотин олишлар, иккинчи севгидаги муваффақиятсизликлар китобхоннинг жонига тегиб бўлди. Баъзан такрор сюжет орқали ҳам янги бир фикр айтиш мумкин. Бироқ, қани ўша фикр?

Китобхонга таъсир қиладиган, унинг дилига ўғит берадиган маънонинг нақадар муҳим эканини журналда эълон қилинган баъзи бир ҳикоялардан билиб олиш осон. Журналнинг бир сониди Саида Зуннуованинг «Кечикиш» («Шарқ юлдузи», 4-сон) номли ҳикояси босилган. Эр-хотин курортга кетмоқчи. Улуғ Ватан уруши фронтларида

қурбон бўлган отасининг қабри топилгани ҳақида хабар олишади. Ойиси умр йўлдоши қабрини кўриб келиш учун боришга толпинади. Уғил ва келин эса бу йил дам олиб, келгуси йил боришлари мумкин эканлиklarини айтишади. Курортдан қайтиб келишса кампир оламдан ўтган. Саида Зуннунованинг бу ҳикоясига У. Усмоновнинг «Ота» («Шарқ юлдузи», 5-сон) номли ҳикояси ҳамоҳанг. Ота шаҳарда турган ўғлини кўришга энтиқишлар билан келади. Деразада ёруғ йўқлигини кўриб изтиробга тушади. Келиб уйда ҳеч ким йўқлигини кўриб, кўп хаёлларга боради. Анча вақт ўтгандан кейин ўғил кайфи баланд ҳолда кириб келади ва отасини совуқ қарши олади.

Бу иккала ҳикояда ҳам воқеалар олдиндан ўйлаб қўйилган ғоялар асосида танланганга ўхшаб кетади. Балки шундай ҳамдир. Аммо ўқувчи бу ҳикоялардан нимадир олади, ота-она қадри ҳақида инсонийлик, ўзига яқин одамнинг ҳис ва туйғулари билан ҳисоблашиш нақадар зарур экани хусусида ўйлаб қолади. Китобхонга мана шу ўй зарур. Бу икки ҳикояга ҳамоҳанг яна бир ҳикоя бор. Бу Э. Аметнинг «Жўнатилмаган хат» номли ҳикоясидир. Ҳаво жангида ҳалок бўлган учувчи планшетидан онага ёзилган хат чиқади. Унда қишлоқ устидан қанча марта учиб ўтгани, зарур пайтда қишлоқ устига ҳам, хатто, ота-боболари ётган қабристонга ҳам бомба ташлагани ҳақида онасига узрнома ёзган бўлади. Бироқ, хат она қўлига учувчининг ўлимидан кейин келиб етади. Шу авторнинг («Скрипка» «Шарқ юлдузи», 4-сон) деб аталган иккинчи бир ҳикояси ҳам шу хилдаги маънодор ҳикоялардандир. Бу ҳар иккала ҳикояда ҳам Э. Амет уруш даҳшатларини кўрсатиш орқали тинчлик нақадар қадри экани ҳақида китобхон дилида ҳис уйғотади.

Баъзи бир ҳикояларда ёзувчи айтмоқчи бўлган фикр ишлаб чиқаришдаги зиддиятларга йўғрилган ҳолда берилди. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари ўша зиддиятлар билан далилланади, бундай пайтларда ҳикоянавис ҳаётга активроқ аралашади. Қамчибек Кенжаевнинг «Яшил барг» («Шарқ юлдузи», 4-сон) номли ҳикоясида асар қаҳрамонлари бир боғ барг, деб бригадама-бригада, колхозма-колхоз сарсон бўлиб юрадилар. Раис билан агроном эса бундай пайтларда қуртбоқарлардан узоқроқда юришни афзал кўрадилар. Ҳаётда учраб турадиган ҳақиқат. Танланган воқеага қараб, бу воқеа газета хабарига тегишли гаплар-ку, дегингиз келади. Бироқ ёзувчи бу оддий бўлиб кўринган

воқеага тушган қаҳрамоннинг ҳолати, психологиясини бера олган, психологик тасвирга боғлиқ деталлар топа олган. Шу туфайли асар бадийлик касб этади.

Бу бетларда биз фикр юритаётган адабий жанрнинг номи «ҳикоя». Бундай қарасангиз бу ном «ҳикоя қилиш» ибораси билан боғлиқ. Бироқ «ҳикоя қилиш», «ҳикоя яратиш» деган гап эмас. «Ҳикоя қилиш» тушунчаси «ҳикоя яратиш»нинг ибтидоий шаклидир. Назаримда баъзи ёзувчилар ҳикоя устида «ҳикоя яратиш»дан кўра ҳикоя қилиш принципида иш олиб борсалар керак. Шу хилдаги «ҳикоя қилиш» принципи асосида яратилган асарларни автор ўзи жонли тилда бирор кишига гапириб берса, эшитгувчининг эътиборини қозона олмайдиган кўпгина қисмини ташлаб кетишга мажбур бўлар эди. Ёзаётганда эса у ҳеч нарсани тушириб қолдирмасдан, қозони тўлдириш учун ҳаракат қилади. Бошқача қилиб айтганда, баъзи бир ҳикояларимиз воқеавий бирлик асосида яратилмайди. Бундай асарларга ёзувчи хоҳлаган нарсаларини қўша бериши ҳам мумкин, хоҳласа қўшмаслиги ҳам, воқеавий бирликнинг «темир қонунлари» билан ёзувчининг кўп иши йўқ. Аслида эса ҳар бир жанрда ёзувчи ихтиёридан ташқари турадиган талаб ва қонунлар бор. «Шарқ юлдузи» журналининг бу йилги сонларида анча тажрибали ёзувчиларимиз, С. Анорбоевнинг «Яхшилик уруғи» («Шарқ юлдузи», 4-сон), Анвар Эшоновнинг «Она» («Шарқ юлдузи», 4-сон) номли ҳикоялари босилган. Бу ҳар иккала ҳикояда ҳам яхши тасвирлар топиб, ўринли ишлатилган деталлар бор. Бу тасвир ва деталлар орқали ёзувчиларимиз муҳим ғояни ифодалаш учун ҳаракат қилдилар. Бироқ бу ҳар иккала ҳикоядаги воқеалар, хусусан, топиб ишлатилган деталлар нимагадир бир нуқтага йиғилмайди. С. Анорбоевнинг «Яхшилик уруғи» ҳикоясида, ҳикоя қаҳрамони жангчи дўстининг мазорини топиб, гўё унинг руҳи билан гаплашади. Қаҳрамон гаплари мазмунан шу даражада тарқоқки, улардан ягона маъно чиқариб олиш амри маҳол. Бу гаплар ичида бир ярим метрлик лаққани миниб, шув этиб дарёнинг бир у томонига, бир бу томонига ўтиб юрган ақл бовар қилмайдиган соқов йигит ишларига ўхшаган гаплар ҳам бор. А. Эшоновнинг «Она» номли ҳикоясида ҳикояга арзигулик характерлар бор. Ўзининг ёнида нос олиб юрмасдан ҳар кимдан бир отим нос сўраб юрадиган чол образи, она образи билан боғлиқ бўлган, «Дашнобод анори» сингари деталларнинг ўзи ҳар бири



бир ҳикояга арзигулик материаллардир. Бироқ А. Эшонов ҳикояни бир-бирларини кам тўлдирадиган, ички сабаблардан кўра, ташқи кўриниш билан бир-бирларига яқин келадиган воқеа ва воқеачалар билан тўлдириб ташлаганки, натижада бир хирмон материалдан нима маъно чиқишини китобхон англай олмай қолади.

Гап ҳажмда эмас, албатта. Гап — айтилмоқчи бўлган фикрга барча воқеа ва воқеачаларни бўйсундира билишда. Ёзувчи санъати мана шу нуқтада кўзга ташланади. Бутун умр таржима билан шуғулланиб келаётган О. Шаропов биринчи бор қўлига қалам олиб, ҳикоя ёзишга жазм қилди ва «Қора тулпор» («Шарқ юлдузи», 6-сон) номли ҳикоясини эълон қилди. Шундай қарасангиз, ҳикоя ҳажм жиҳатдан ҳам анчагина катта, қамраб олинган материал ҳам оз эмас. Ҳикояни ўқийсиз, ўқиб бўлиб, фикрингизни дарров жамғариб ола олмай ҳам қоласиз. Бироқ хаёлингизда кўп кўринган ҳаёт материали бора-бора бир жойга йиғила боради ва бу йиғиндан шундай хулоса чиқади: ёшлик, ўспиринлик ажойиб хаёллар парвозида ўтади. Ҳозир ҳам шундай, ўтмишда ҳам шундай бўлган. Ҳозир ёшларимиз фазога хаёлан космик кемаларда учадилар, ўтмишда ёшларнинг хаёллари оддийроқ бўлган. «Қора тулпор» қаҳрамони, масалан, бувиси айтиб берган эртақлардаги учар отларни орзу қилган. Бироқ ҳаёт шундай эдики, не орзулар билан омонат бўлса ҳам «тулпор»га минган ўспирин бир зумда ундан жудо бўлди. Фақат ўспиринни эмас, балки ундан каттароқларни ҳам қора тулпор доғда қолдирди. Ҳикоядаги бутун материал шу маъно атрофига йиғилади ва шу туфайли асар китобхонга таъсир қилади, унинг ўтмиш ва келажак ҳақидаги фикрларини бироз бўлсада бойитади.

Адабиётнинг бошқа жанрлари сингари, ҳикоянинг ҳам имкониятлари катта, албатта. Бадий ижод тажрибасида шундай ҳикоялар борки, уларда китобхонни дарров ром қилиб оладиган қизиқарли воқеалар йўқ. Бундай асарларда, одатда, қаҳрамоннинг маълум бир пайтдаги ҳолати ва ёки кайфияти тасвирланиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ёки «Нутқ» номли ҳикояларида фавқулудда воқеалар йўқ. Лекин шунга қарамасдан бу ҳар иккала ҳикоя ҳам машҳур, энг яхши ҳикоялар қаторидан ўрин олган. Бундай ҳикояларни «лавҳа ҳикоялар» деб аташ мумкин бўлар эди. «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган С. Анорбоевнинг «Бедана» (4-сон), У. Усмоновнинг «Сой оқшо-

ми» (5-сон) номли ҳикоялари шу хилдаги асарлардандир. Одатда, бу хил ҳикояларни бадиий асар даражасида сақлайдиган ўзига хос хусусиятлари бор: уларда ажойиб тасвир ва маъно бирлиги бўлиши керак. Бу томонларнинг биринигина заифлашуви асарнинг бадиийлигига путур етказди. С. Анорбоевнинг «Бедана»сида яхши тасвирлар бор, беданага ишқивоз кишининг ўзига хос хусусиятлари, қилиқлари, хатти-ҳаракатлари, кайфияти жуда яхши тасвирланган. Бироқ асарни ўқиб бўлганингиздан кейин, бу яхши тасвирлар тагида бирор муҳим маъно борлигини сезмайсиз. Шундай таассурот туғиладики, гўё ёзувчи ҳаётнинг типик бир ҳолатини кузатган, бироқ ундан келиб чиқадиган маъно тўғрисида кўп ўйламасдан, уни «объектив» равишда кўчириб қўя қолган. Ёзувчи: «Мен ҳаётнинг типик дақиқаларини кўчирдим, китобхон ундан ўзи хулоса чиқариб олсин», дейиши ҳам мумкин. Эҳтимол, баъзи китобхонлар бунга ҳаракат қилишар. Бироқ, тасвирланган материалга ёзувчининг муносабати ҳам қўшилганда, асардан чиқадиган маъно аниқроқ ва конкретроқ бўлармиди? У. Усмоновнинг «Сой оқшоми»да тасвир «Бедана»дагидек бақувват эмас. Унда тасвирланаётган шахсларга тегишли белгилар, ихтиро даражасидаги деталлар, характерли хусусиятлар кўп эмас. Бироқ ёзувчи тасвирлаётган материалга маъно бера олади. Бригадир чойхоначи болага дағал муомала қилиб, чой олиб келишни буюради. Келтирилган чойни ичиб чиқиб кетади. У кетгач, чойхоначи чол бригадирнинг яхши хусусиятлари, меҳнат учун туғилгани, кўпчиликнинг иши деса ўзини аямаслиги хусусида гапиради. Шундай қилиб, ёзувчи чойхоначи чол муносабати орқали воқеа устидан ҳукм чиқаради, асарга маъно беради. Кўряписизки, агар бу икки асар бирида йўғи билан иккинчиси тўлдирилса, яъни яхши тасвир билан маънодорлик бир-бирлари билан омухта қилинса яхши асарлар бўлар эди.

\* \*  
\*

Очерк ўз моҳияти билан бадиий ижодни замон руҳи билан энг яқиндан боғлаб борадиган жанрлардан бири. Шу сабабдан ҳар бир газета ва ҳар бир журнал ўз саҳифаларида бу жанр имкониятларидан фойдаланиш учун ҳа-

ракат қилади. «Шарқ юлдузи» журналининг қарийб ҳар бир сониде жуда бўлмаса битта очерк эълон қилинади. Журналда қатнашган очеркчилар рўйхати кўрсатадики, очеркист ёзувчиларимиз ёшлар ҳисобига ўсаётир. Уларнинг аксарияти ҳали китобхонга унча маълум эмас. Бироқ сифат жиҳатдан очеркларимиз ҳали ҳам ҳаёт талабидан орқада. Уларнинг аксарияти қаҳрамонларнинг биографиясини қайд қилиб ўтишдан иборат. Ёзувчи изланса, меҳнат қилса, ҳаётни яхши ўрганса, қаҳрамонлар биографияси асосида ҳам яхши очерклар яратиши мумкин. Назаримда очеркчиларимиз маълум бўлган материални қизиқарли ва таъсирли қилиб бериш йўллари астойдил изламаётганга ўхшайди. Очеркларимизнинг ҳаммаси бир-бирларига ўхшаб қоляпти. Уларнинг аксариятида шундай «услуг кўриниши» кўзга ташланади. Қаҳрамон ҳаётидан бир эпизод берилди. Одатда бундай эпизодни анча чиройли қилиб яратишга ҳаракат қилишади. Ундан кейин қаҳрамоннинг биографияси баъзан бутун тафсилоти билан, баъзан узук-юлуқ равишда қайд қилина бошлайди. Асарнинг асосий қисмини мана шу қайд қилишлар ташкил қилади. Одатда очеркларимизнинг бу қисмлари ифодада заиф, бадийликда ўтмас бўлади.

Ринат Раҳимовнинг «Йигит» (3-сон) номи очерки икки талабанинг ҳаёт ва келажак ҳақида суҳбатидан бошланади. Бу суҳбатда бир сир бор бўлса керак, деб ўйлайсиз ҳам. Бироқ суҳбат мазмунидан ҳеч қандай сир йўқлиги маълум бўлади. Бу эпизоддан кейин ёзувчи бу икки суҳбатчининг бири — Жузбой илғор механизатор бўлиб етишганини қайд қилади. Механизаторликда унинг ишлари факт ва рақамлар билан қуйидаги шаклда қайд қилинади: «...экиш олди-дан ерга азот едирди. 90 сантиметр кенгликда чигит экди. Экиш билан бир вақтда гербицид сепди. Биринчи ишлов даврида ҳар гектар ерга 150 килограммдан аммиак селитраси ошатди. Тўхташ Ҳамраев, Ҳайит Очилов, Бўрон Давлатовлар ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Бегона ўт деган бош кўтара олмади. Фақат яганалаш пайтидагина қўшниларни ҳашарга айтишга тўғри келди». Бундан кейин сонлар билан кўрсатилган планлар, қайси маркадаги машинага кимлар ўтириб, қанча тоннадан пахта терганлари-ю, ҳаммаси бўлиб пахтадан қанчадан ҳосил берганлари рақамлар, фактлар билан айтилади. Баъзи очеркларда бу ишларнинг натижаси сифатида уй деворларида осилиб турган гиламлар, гаражда турган «Жигули» машинасига ишора

қилинади. Афсуски, бу фактлар, рақамлар тағида инсон қалби, унинг ҳис-туйғуси, ички кечинмалари тўла кўринмайди. Бугина эмас, умуман, китобхонни тузукроқ қизиқтирадиган тасвир ҳам кўзга чалинмайди.

Журналнинг биринчи сонида Ҳожиакбар Шайхоннинг «Ер ости йўллари» номли очерки босилган. Очерк номига қараб бу, албатта, Тошкент метроси ҳақида бўлса керак ва ундан бу улуғ иш ҳақида ёзувчи қалами билан акс эттирилган кўпгина маълумотлар олинса, ёзувчи тасвирида бу ишнинг улуғвор кўриниши кўз олдимишга келса керак, қурувчиларни безовта қилаётган баъзи бир камчиликлар ҳам очиб ташланса керак, деб ўйлайсиз. Афсуски, масала кутганимиздек бўлиб чиқмайди. Очерк авторнинг қаҳрамон билан учрашиш моментидан бошланади. (Очеркда авторнинг ўзини ўзи кўрсатиши, бир вақтлар қаттиқ танқидга учраган эди. Кўряпсизки, бу тенденция ҳали ҳам мавжуд) Бундан кейин, одатдагидек, ташқарига тупроқ чиқараётган электровагонеткалар иши манзараси тасвирланади. (Бу билан очеркистларимиз тасвири жонлантормоқчи бўладилар). Бу манзарадан кейин одатдагидек қаҳрамон ҳаёт йўли ҳақида факт ва рақамлар санаб кетилади — «Тошметропроект» директори Масар Холмуродовнинг қаерда ўқигани, қаерда ишлагани, қандай қилиб аспирантурага киргани-ю, қандай диссертация ёқлагани ва қайси идоранинг буйруғи билан уни қаерларга ишга белгилангани ва ҳоказо. Фактлар, рақамлар, рақамлар, фактлар... Ҳожиакбар Шайхоннинг бу очеркида Тошкент метроси қурилишидаги баъзи бир проблемалар ҳам тилга олинади. Ҳа, фақат тилга олинади, лекин улар ёзувчи диққат марказига чиқарилмайди. Тилга олинadиган бундай проблемалардан кейин китобхонни зериктирадиган яна бошқа қаҳрамонларнинг биографиясига тегишли факт ва рақамлар санаб кетилади.

Журнал сонларидан бирида, (8-сон) Зоҳир Аъламнинг «Делегатнинг бир куни» номли очерки эълон қилинган. Илгари ёзилган мақоаларимизда биз бу ёш муаллифнинг тасвиридаги баъзи бир фазилатлар, ҳикояларидаги маъно ва тасвирнинг мутаносиблиги хусусида гапирган эдик. Унинг бу очеркида ҳикояларида кўзга ташланган тасвир, фазилатлардан нишона ҳам йўқ. Аввало, очеркнинг ярми ёзувчининг ўзига бағишланган. Буни биз бир вақтлар ёзувчининг ўзини ўзи кўрсатиш тенденцияси, деб атаган эдик. Шу тенденция асосида Зоҳир Аълам бутун очерк

давомида қаҳрамон яшайдиган жойга қандай боргани, уни кимлар кутиб олгани, қаҳрамон ишлаётган жойгача кимлар кузатгани-ю, қаҳрамон билан қандай учрашиб, унинг уйда бўлган меҳмондорчиликларгача батафсил тасвирлайди. Савол туғилади.— Асар қаҳрамони ким? Меҳнат қаҳрамони — ёзувчими? Очеркда қаҳрамонга ажратилган ўринларда ҳам ўша тенденция: унинг болалигидан тортиб, то шу кунигача бўлган биографик фактларни қайд қилиш. Бу фактлар тагида ёзувчилик ҳунарига хос поэтика кўринмайди. Тўғри, Зоҳир Аълам баъзи бир ўринларда қаҳрамон биографиясига тегишли қизиқарли фактларни ҳам келтиради. Масалан, очерк қаҳрамони ёшлигида велосипед пойгачиси бўлиш орзуси билан яшаган, ҳатто пойгага мўлжалланган велосипед олиб, машқ ҳам қилган ва шу туфайли эл олдида бир оз мазах ва кулгига ҳам дучор бўлган экан. Бироқ асарда умум поэтиканинг заифлигидан бу хилдаги қизиқарли фактлар ҳам асарнинг бадий даражасини кўтаришдан ожиз.

Очерк жанрининг ҳам имкониятлари катта. Бу имкониятлардан фойдаланиш учун ҳаракат қилаётган ёзувчиларимиз ҳам бор. Устоз ёзувчиларимиз бу ишда ўрناк бўларлик ишлар қилишди. Ёшлар ичида ҳам бу жанр имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун ҳаракат қилаётганлар йўқ эмас. Баъзан ёш қалмақларимиз факт ва рақамлардан бутунлай воз кеча олмасалар ҳам, уларни маълум даражада камайтириб, бордини ҳам системага солиб, қаҳрамон психологик ҳолати орқали бериш учун ҳаракат қиладилар. Шоира Ойдин Ҳожиеванинг (1-сон) «Каромат Рустомова» номли очерки эълоҳ қилинди. Бу очерк ҳам битта қаҳрамон ҳаёти, у кўрсатган улуғвор ишлар хусусида ёзилган. Асарни ўқиб кўриб, ёзувчи ҳадеб ўзини биринчи планга кирита бермасдан, очерк яратиши мумкин экан-ку, деган хулосага келасиз. Ойдин Ҳожиева очеркининг фазилати фақат шундагина эмас, асарда ҳатто рақамлар ҳам бор. Бироқ бу факт ва рақамлар бошқа очерклардагига қараганда анча қуюқлаштирилган, бир жойга жамғарилган. Унинг диққат марказида қаҳрамоннинг бир лаҳзалик ўй-хаёллари туради. Унинг бутун биографияси, ундаги факт ва рақамлар ўша бир лаҳза ичида кинолентасидагидек хаёлидан ўтади. Бу гўё филтр — қаҳрамон ҳаётидаги факт ва рақамларнинг энг муҳимини сайлаб, саралаб беради. Шу сабабдан, ортиқча бўлиб кўринган кўпгина факт ва рақамлар ўз-ўзидан тушиб қолган. Натижада, ёзувчи тасвирла-

ган қаҳрамон образи китобхон кўзи олдида анча ёрқин гавдаланади.

Баъзи очеркчи ёзувчиларимиз асарни бошқача йўллар билан бир ўз жонлантирадилар. Еш қаламкашлардан Намоз Саъдуллаев «Она қаноти» (5-сон) номли очеркни қаҳрамон тўқимачи Лидия Казанцева ҳаёти ва меҳнатини акс эттиришга бағишлаган. Бу асарда ҳам факт ва рақамлар бор. Бироқ бу факт ва рақамлар қаҳрамон ҳаётига тегишли лавҳаларга йўғрилган равишда берилади. Очеркда ўрни-ўрни билан Лидия Казанцеванинг тўқимачиликни ўзига касб қилиб олган оиласи, оилада ёш Лидиянинг бу касбга қизиқишлари, вояга етиб, ўзи бу ишга қўл ургани ва илғор ишчи даражасига кўтарилгани ҳақида анча жонли лавҳалар яратилган. Лидия Казанцева образини, у бошқараётган ишларни фақат факт ва рақамлар орқали эмас, балки шу жонли лавҳалар орқали тасаввур қиламиз.

Қаҳрамон ҳаёл ва ўйлари (Ойдин Ҳожиева очеркидагидек) ёки қаҳрамон ҳаётидан яратилган жонли лавҳалар (Намоз Саъдуллаевнинг асаридагидек) очерк жанрининг бор-йўқ имкониятлари эмас, албатта. Журналда эълон қилинган ҳамма очеркларга қараганда биз асосан, қаҳрамон биографиясини яратиш билан бандмиз. Бу очерк жанрининг бир йўналиши холос. Маълумки, очерк жанрининг бошқа турлари ҳам бор. Масалан, йўл очерклари. Очерк жанрининг бу хилида Ойбек ёзувчиларимизга намуна бўларли асарлар яратиб берди. Бу жанрнинг бошқа муҳим тармоқлари бор. Ҳаёт, ижод, меҳнат проблемаларини акс эттирувчи очерклар. Бизда бу хилдаги очерклар умуман кўринмайди. Ахир, ҳаётимизнинг турган-битгани ечилган ва ечилмаган, ечилиши зарур проблемалар билан тўлиб тошиб ётибди-ку! Журнал саҳифаларида очеркнинг бу туридаги асарларнинг йўқлиги кишини жуда ҳам ачинтиради. Баъзан ҳаётга разм солиб ёзувчиларимиз мана бу-мана бу масалаларни кўтариб чиқса, бунинг бутун халқ қувватласа партия ва ҳукуматимиз ёзувчи кўтариб чиққан масалага назар ташлаб, унга ташаккурлар айтса экан, деймиз. Афсуски, бу хилдаги ҳаётга актив аралашадиган, ҳаётдан бир қадам олда борадиган очеркистлар йўқ даражада.

\* \* \*

Менинг назаримда ҳикоя ва очерк жанрларига кўра қисса жанрида анча силжиш борга ўхшайди. Қиссачиларимиз ҳаёт ҳақида, ундаги зиддиятлар, яхшилик ва ёмонлик

ораларидаги кураш ҳақида кўпроқ ва чуқурроқ ўйлаётганга, бу борадаги фикр ва мулоҳазаларини активроқ ўртага ташлаётганга ўхшайди. Хусусан, уларни консерватор раҳбарлар билан ёш кучлар орасидаги зиддият ва мустақил ҳаёт йўли учун курашадиган ёшлар жасорати, уларнинг характер хусусиятлари қизиқтиради. Бундай ҳолларда улар турғунлик, ўзбошимчалик, мешчантабиатликларга қарши нафрат уйғотадилар. Бу жиҳатдан «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган икки қисса — Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» (1-сон), Фарҳод Мусажоновнинг «Сунбула» (5—6 сонлар) номли қиссалари характерлидир. Бу икки қиссада маълум бир муштараклик ҳам бор: ҳар иккала қиссанинг қаҳрамонлари бир хил соҳанинг одамлари — журналистлар. Қаҳрамонларнинг журналистлардан танлашининг сабаби ҳам бор — улар ҳаётнинг икир-чикирлари билан таниш, яхши ва ёмонни бошқаларга нисбатан кўпроқ кўрадилар. Бу ҳар иккала қиссадаги журналистлар касблари туфайли ҳаётга шунчаки назар ташлайдиган шахслар эмас, улар ҳаётнинг зиддиятли томонларини ўз бошларидан ўтказган, консерватив кучлар билан ўзлари кураш олиб борган, ҳаётнинг яхши томонларининг қадрига етадиган, ёмон томонларини ҳис қиладиган шахслардир. Бошқақа қилиб айтганда, улар асар учун ҳаётдан қаҳрамон излаган журналистлар эмас, балки ўзлари қаҳрамондилар.

Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв»ида асар қаҳрамони Уринбой область газетасида ишлайдиган журналист, ҳақиқатгўйлигидан ҳаётнинг кўпгина қарама-қаршиликларига дуч келади. У табиатан гражданлик ҳисси билан тўлиб-тошган ҳаётининг моҳияти — турмушда учраб турадиган камчиликларга қарши курашда деб биладиган актив шахс. Курашларда у билвосита йўллар ахтармайди, бевосита жангга уради ўзини. Шу сабабдан у кўпгина қийинчиликларни бошидан ўтказади. Танқид қилинган консерватив раҳбарлар унга йўл бермаслик учун ҳаракат қиладилар. Шу муносабат билан асар қаҳрамони оғир ва мураккаб воқеалар оқимига тушиб қолади. Ёзувчи китобхонни қаҳрамон тақдири билан қизиқтиради. Вазиятнинг нақадар оғир эканини ёзувчи китобхонга етказа олган. У ҳақиқатгўй қаҳрамоннинг бу вазиятдан голибона чиқиб кетишини истайди. Қаҳрамон оғир вазиятдан чиқиб кетади ҳам. Аммо унинг сувдан қуруқ чиқиши воқеаларнинг табиий оқими, қаҳрамоннинг характер хусусиятларидан кўра кўпроқ

бахтли тасодиф, учрашувга боғлиқ бўлиб қолади. Сюжетнинг шу тарафда ечимга олиб борилиши, тасвирланаётган қаҳрамон характерининг баъзи жойларини далилсиз қолдиради, натижада, унинг таъсир кучи биз кутганимиздек бўлиб чиқмайди.

«Сунбула»нинг қаҳрамони «Ичкуёв» қаҳрамонига нисбатан кичикроқ масштабдаги журналист. Фарҳод Мусажонов қиссасининг қаҳрамони редакциядаги мураккабликлар билан тўқнашса, Турғун Пулатнинг қаҳрамони Уринбой ўзи ишлаётган область миқёсида, яъни кенгроқ планда ҳаёт зиддиятлари билан тўқнашади. «Сунбула»нинг қаҳрамони Аҳмад Абдукаримов эса ҳали ёш, тажрибаси кам, унинг устига у ҳаракат қиладиган ҳаёт доираси ҳам бир оз тор — журнал редакцияси. Асар қаҳрамони — ёш журналист турғунлашиб, ҳаётдан орқада қолган бўлим мудирининг ҳалтура ва нопок ишларига, унга нисбатан ўзининг инсонийлик, гражданлик руҳидаги фазилатлари, илм ва билимлари туфайли қарши туради ва ҳар қанча тазйиқ бўлмасин, у ўзининг ҳаёт принципларидан чекинолмайди.

«Ичкуёв» билан таниш китобхон «Сунбула»ни ўқиб «ҳа, ҳаётдаги зиддиятлар ҳамма жойда кенг ва катта масштабдаги ишлаб чиқаришга билвосита боғлиқ бўлган баъзи бир кичик коллективларда ҳам», бўлиши мумкин экан, деган хулосага келади. «Сунбула»даги кичик масштабли коллективдаги ҳаёт зиддиятларини «Ичкуёв»даги каттароқ коллективдаги ҳаёт зиддиятларининг акс садоси, деб тушунади китобхон.

Қиссалардаги зиддият фақат шулар билан чекланган эмас. «Ичкуёв»да ҳам, «Сунбула»да ҳам асосий зиддиятни тўлдирадиган, унинг ечимини яна ҳам маънодорроқ қиладиган бошқа йўналишлар бор. «Сунбула»да ёзувчи ҳаётимизда учраб турадиган, баъзи бир сабаблар билан борган сари мураккаблашиб бораётган мешчантабиат кишиларга муносабат билдиради. Ёш қаҳрамон ҳаётда йўл излаш, унга эришиш билан банд. Уйда эса севишиб ҳаёт қуришган рафиқаси кўпроқ шахсий осойишталикни, бойлик орттиришни ўйлайди, эрини бу ишда фаолиятсизликда айблаб, таъналар қилади. Мешчанликка мойил аёл учун ўрناق бўларли образ ҳам бор. Бу — Аҳмад Абдукаримовнинг дўсти Асад. Асад ўз характер хусусиятлари билан асар қаҳрамонига бутунлай зид. У ўзи бошқараётган ишига — лекторликка юзаки муносабатда бўлади. У енгил ҳаётга ўрганган, унинг



ўй ва орзулари бажараётган иши билан эмас, балки бойлик орттириш, мол-дунё йиғиш, бирор жойда янги кийим ёки буюм пайдо бўлибди дейишса, шунинг кетидан қувадиган бир шахс. Мунира — Аҳмад Абдукаримовнинг хотини — табиатан Асадга яқин. Унинг мешчантабиат хислатларига, у қилаётган ишларга Мунира ҳавас билан қарайди. Эрининг Асадга ўхшаб иш кўришини истайди. Бироқ Аҳмад Абдукаримов эса, Асад табиатли кишиларга ва унга ҳавас билан қарайдиганларга зид шахс. Шундай қилиб, қисса қаҳрамони ниҳоятда зиддиятли бир муҳитга тушиб қолади ва бу муҳитдан ўзининг инсонийлик, гражданлик хусусиятларини сақлаб қолиш ва ардоқлашга ҳаракат қилади.

Қаҳрамон кўрсатиладиган муҳит «Ичкуёв»да бундан ҳам мураккаб. «Сунбула»да автор бугунги кун воқеаларини акс эттиради. «Ичкуёв»да Турғун Пўлат бир оз ўтмишга — 50-йиллар воқеликларига мурожаат қилади. Асар қаҳрамони бошда банк ходими кейин журналист. Бу икки соҳада ҳам Ўринбой ҳаётнинг моддий ва маънавий томонлари билан яқиндан таниш бўлади. Катта масштабдаги юлғич ва фирибгарлар молия корхоналаридан фойдаланиб, ўзларининг қабиҳ операцияларини амалга оширадilar. Ҳаёт уни шундай бир вазиятга олиб бориб қўядики, у юлғич ва фирибгарларга воситачи бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳаёт уни оилавий жиҳатдан ҳам бу фирибгарларга олиб бориб боғлади. Фирибгарларнинг энг зўрига ичкуёв бўлиб тушди. Бу — юлғичларнинг ҳаётини ичидан туриб кўришга имконият беради. Кўради-ю, бироқ ҳаётимизга ёт бўлган бу воқеалар уни гангитиб қўяди, бир оз вақтлар у ўзининг ҳаётда қадам ташлаётган одам сифатида эмас, балки узундан-узоқ туш кўраётгандек ҳис қилади. Бироқ туши узоқ давом этмади, у уйғонди. Уйғонди-да, унинг дилида, ақли ва гидрокида инсонийлик ҳисси, гражданлик ва коммунистик бурчи ишга тушади, аста-секин бу юлғич ва фирибгарликларга қарши туғён кўтара бошлайди. Шундай қилиб, Турғун Пўлат асар қаҳрамонининг характерини тўла мукамал кўрсатиш учун зарур бўлган муҳит яратади.

Муҳит ва қаҳрамон... Бу, ижоднинг муҳит ва мураккаб масалаларидан бири. Бу масала тўғри ҳал қилинган пайтларда ёзувчиларга буюк ғалабалар бағишлайди. Бундаги озгина бўлса ҳам чекинишлар асарнинг мукамал даражага кўтарилишига халақит беради. Афсус билан айтиш керакки, «Ичкуёв»да ёзувчи яратган муҳит билан биз кўришни

хоҳлаган қаҳрамон орасида бир оз номувофиқлик сезилиб туради.

Ёзувчи асардаги драматизмни кучайтириш учун муҳитни қаҳрамон характерига нисбатан оғирлаштириб юборганга ўхшайди. Уринбой иккита фирибгар юлғич исканжаси орасига тушади. Улардан бири «Облаготскот»нинг мудирин Зариф Аҳмедов, иккинчиси «Ҳосилот» колхозининг раиси Юсуфали Ҳамроалиев. Булар область миқёсида иш кўрадиган фирибгарлардан. Унинг устига Уринбой Зариф Аҳмедовга ичкўёв. Мана шу икки фирибгарнинг ўзи бутун бир Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак»идаги Саида даражасидаги характер яратиш учун кифоя эди. Бироқ ёзувчи булар билан қаноатланмайди. Нимагадир Зариф Аҳмедовлар, Ҳамроалиевлар сафини кенгайтириб юборади. Уринбой ишлайдиган область газетасининг редактори Жавлоний фирибгарларни қувватлайди, обкомнинг биринчи секретари уларга ён босади, обкомнинг секретарларидан яна бири биринчи тушган шикоят асосида Уринбойнинг партбилетини қўлидан тортиб олади. Ҳатто ҳамфикр ҳисобланган зоотехник Қулмат ҳам Уринбойни қувватламайди. Кураш майдонида ёзувчининг ўзи-ю, унинг қаҳрамони. Наҳотки шундай оғир бир вазиятда Уринбойга яқин келадиган, жуда бўлмаса дилидаги ҳасратини айтадиган бирор инсон топилмаса! Тўғри, асарда Уринбойни тушунадиган бош образ — Матлуба бор. Бироқ Матлуба асар воқеасида иштирок қилмайди. У асарга воқеа тугаллангандан кейин кириб келади. Матлубадан бошқа ҳам Уринбойга хайрихоҳ баъзи бир образлар бор. Бироқ улар ҳам Уринбой яшаётган муҳитда — асосий воқеада иштирок этмайдилар. Асарнинг ечими яратилган воқеа тобига монанд кўринмайди. Асар қаҳрамони ўз кучи, ғайрати, илми ва зеҳни билан муҳитни ёриб чиқмайди, асар қаҳрамонининг ғалабаси тасодифан учраб қолган марказий матбуот мухбирларидан бирининг у ҳақда ташкил қилган мақоласи асосида рўй беради.

«Сунбула» билан «Ичкўёв»да масаланинг ечимлари ҳар хил бўлса ҳам, йўналиши бир — муҳит билан юксак идеали қаҳрамон ораларидаги зиддиятдир. Мақсуд Қориевнинг «Афросиёб гўзали» қиссасида ҳам муҳит мураккаблиги ва бу мураккабликда қаҳрамон тақдирининг тасвирини кўрамиз.

Маълумки, муҳит мураккаблиги билан қаҳрамон ораларидаги зиддият ўз-ўзидан пайдо бўла бермайди. Маъ-

лум бир идеалда иш кўрадиган қаҳрамонларгина ўша идеалга тўғри келмайдиган муҳит мураккаблигига зид келиши мумкин. «Афросиёб гўзали»нинг бош қаҳрамони Рашид муҳит мураккаблиги билан зид келган қаҳрамонлардан. У узоқ вақтлар бутун республикамиз ҳаёти учун муҳим бўлган бир мураккаб ғоя — янги, серунум пахта териш машинасини ихтиро қилиш ғояси билан банд бўлиб юради. Бу машинанинг ихтиро қилиниши пахтакор деҳқонларнинг ишини бир неча баробар енгиллаштириши керак. Энг муҳими, у пахтани горизонтал шпинделлар билан терадиган бўлгани учун деҳқонни дефолиация қилиш ташвишларидан халос қилиши керак. Ҳақиқатан ҳам масала ниҳоятда муҳим. Ҳамма муҳим масалалар сингари мураккаб. Муҳим ва мураккаб масала доим мураккаб вазият туғдиради. Ақл бовар қилмайдиган ишлар доим унга қарши турадиган, баъзан бетараф қоладиган, баъзан эса кузатиб туриб, унга шерик бўлишни ният қиладиган шахсларни юзага чиқаради. Қиссада вазият худди шу шаклда берилади. Ёш инженер Рашид бу ғояни амалга оширишда кўпгина қаршиликларга учрайди, ҳар хил манфаатлар, ҳар хил характерли шахслар билан дуч келади, тўқнашади. Бу тўқнашувларда биз Рашидни ўз ишига муҳаббат билан қарайдиган, ватан олдидаги бурчини тўла англаган ёш мутахассис сифатида кўраемиз. Масалани шу тарзда қўйиш, бу масалага яраша вазият яратиш ва бу вазиятда қаҳрамон образининг фазилатларини кўрсатиш жиҳатдан «Афросиёб гўзали» кейинги пайтларда яратилган ҳеч бир асардан кам эмас. Бироқ бу қиссанинг бир неча моментлари борки, улар ҳақида ўйлаб кўриш керак бўлади.

Қиссани ўқиганда хаёлга биринчи галда асар марказига қўйилган масала қай даражада реал экан, шу масала келажакда амалга оширилиб, китобхонлар «балли!» бир вақтлар фалон ёзувчи шу масалани ўз асарида ёритган эди дермикинлар? Тўғри, адабиётда истаган масалани марказга қўйиб, асар ярата бериш мумкин. Шундай асарлар ҳам борки, бундан юз йиллар олдин ёзилган, бироқ уларда қўйилган масалалар ҳозир амалга ошяпти. Уларда яна амалга ошиши мумкин бўлган масалалар оз эмас. Бироқ бундай ҳали реал бўлмаган масалаларни марказда тутиб асар яратишнинг жанри бор. Бу — илмий фантастика. Модомики, китобхон қисса марказидаги масалани реалликдан бир оз узоқда, деб хулоса чиқаришга мойил экан, асарга илмий-фантастик йўналиш бериш яхши бўлмасмиди?

Мақсуд Қориев ҳали ёш авторларимиздан. Бадий тасвир узоқ вақтлар машқлар натижаси ўлароқ қўлга киради. Шу сабабдан бўлса керак, нега бундай экан, деган саволлар анча тугилади. Шулардан бири асардаги Рашид севглиси Дилафрўз образи билан боғлиқ. Шундай қарасангиз, бу икки ёш орасидаги муҳаббат анча самимий, реал тасвирланганга ўхшайди. Қиссада ёшларнинг дилини қувонтирадиган, уларни гўзаллик сари интилади деган кўпгина манзаралар яратилган. Бироқ кўпгина ўринни эгаллаган бу лирик линия асардаги умумконфликт, композицион бирлик нуқтаи назаридан маълум бир ғоявий мақсадга бўйсундирилмагандек кўринади. Урин жиҳатдан, уларнинг бири Тошкентда, иккинчиси Самарқандда бўлиши ҳам бирор бадий мақсад асосида яратилганга ўхшамайди.

Қиссада воқеалар деталлаштирилган шаклда тасвирланмайди, гўё автор қаёққадир шошаётгандек, дарров айтмоқчи бўлган гапини айтиб, ўз ишига кетмоқчи бўлиб тургандек сезилади. Деталлаштирилган тасвирнинг камлиги воқеаларни кенгайтиради, кенгайтирилган воқеалар эса асарда деталларнинг кам ишлатилишига олиб келади. Шу йўсинда воқеаларни кўрсатиш ўрнига воқеалар ҳикоя қилинади, бу асарнинг таъсир кучини сусайтиради.

Деталлар тасвирланаётган образнинг психологик ҳолати хусусида ёзувчининг сўзлари билан айтилишидан кўра мўнчадан ифодалироқ ва таъсирлироқ маъно беради. Кўпгина ёзувчиларимизда шу хилдаги ҳаёт деталлари орқали қаҳрамон психологиясини ва воқеаларни маънодор қилиб тасвирлаш етишмайди. «Афросиёб гўзали»да ҳам шу камчилик кўзга ташланади. Маънодор деталлар орқали фикр баён қилиш осон иш эмас. У ижодкордан катта истеъдод, меҳнат, машқ ва изланишларни талаб қилади. Мақсуд Қориевнинг баъзи бир асарлари, хусусан, баъзи ҳикоялари шунини кўрсатадики, у ижод учун меҳнат қилиш ва доим машқ билан банд бўлиш, изланишлар олиб боришга эринмайдиган авторлардан.

Эргаш Раимовнинг «Ажабқишлоқ қиссаси» болалар ҳаётига бағишланади. Асар ўзининг услуби жиҳатдан Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб...» романига ўхшаб кетади. «Сариқ девни миниб» романидан кейин яратилган бу қисса, ўзбек болалар адабиётида янги тенденциянинг ривожланаётганидан далолат беради. Илгари болалар ҳаётига бағишланган назмий ва насрий асарларда

ҳаётни кўпроқ силлиқ, реал зиддиятлардан ҳоли қилиб кўрсатиш устун турар эди. Бу икки асар, баъзи ўринларда манзаралар фантастик планда берилишига қарамасдан, китобхонни болаларнинг реал ҳаёти зиддиятларда ёш қаҳрамонларимизнинг ички дунёси, ҳаётга қарашлари, уларнинг ўсиш ва улғайишида катталарга боғлиқ бўлган баъзи бир масалалар қўйилади. Биз мамлакатимизда йўлга қўйилган ўн йиллик мажбурий таълим билан фахрланамиз. Дарҳақиқат, бу иш фахрланишга арзийдиган иш. Бироқ бу соҳада ҳам иш доим осонгина кўчавермайди. Бу соҳада жонбозлик кўрсатаётган педагогларимиз баъзан қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари ҳамма педагоглар ҳам бир хил савияда эмас, уларнинг ҳаммаси ҳам совет педагогикаси яратган қоида-қонунларга бир хилда бўйсуниб, унинг интизомига бир хилда риоя қилавермайди. Эргаш Раимов «Ажабқишлоқ қиссаси»да масаланинг шу томонига эътибор беради. Асар қаҳрамонлари, хусусан улар ичида ажралиб турган Шумоёқ лақабли Саид қишлоқнинг шўх болаларидан. Баъзи бир болалар яхши ўқиши, интизомли бўлиши учун ўртача эътиборни талаб қилса, шу хилдаги эътибор билан Саидга ўхшаганларнинг яхши ўқишини ва фойдали киши бўлиб етишиб чиқишини таъмин қилиш мумкин эмас. Саид ўқийдиган мактаб директори эса фақат ҳаммага бир хил нормадаги эътибору бир хилдаги талабчанлик билан қарайдиган, ҳатто бир оз кўпроқ эътибор талаб ўқувчиларни тезроқ мактабдан жўнатиб, қутулиб қўя қолиш кайфиятидаги бир одам. Саид саргузаштлари — мактабни ташлаб кетишлари, ўқишдан бўшаб сартарошга шогирд тушишлари, шогирд тушиб ҳунар ўрганиш ўрнига «устоз»нинг хизматини қилиб — пистасини сотиш, молини боқиш сингари шахсий хизматқорга айланиши шу хилдаги совуққон бола психологиясини, ўқувчи талабини яхши билмайдиган педагог ишига бориб боғланади. Шумаънода Эргаш Раимовнинг «Ажабқишлоқ қиссаси» китобхонни, у каттами, кичикми ундан қатъий назар, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган, баъзи бир мактаблардаги ишларга, хусусан, баъзи бир педагогларнинг ишига бир назар ташлаб кўришни талаб қиладиган асарлардан биридир.

Кўряпсизки, бу йил «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган қиссаларимиз тематик жиҳатдан ранг-баранг, бадий жиҳатдан ҳар хил. Бировларида мавзу тўлароқ очилади, баъзи бировларида ёзувчи маҳоратининг ҳали заифлигидан мавзу етарли даражада очилмайди. Бу хил асар-

лар «Шарқ юлдузи»дан камроқ ўрин олганда яхши бўларди. Бироқ шу ҳолда ҳам бу асарларнинг ҳаммасида ҳам бир фазилят бор. Бу — ёзувчи ўйлари, реал ҳаёт воқеликлари устидан юритган фикрлари, ўйлаб кўришга мажбур қиладиган, китобхонни ҳам бу ўй ва фикрларга шерик қилиш учун уринишлар. Бу жиҳатлари билан бугунги қиссачилигимиз бошқа жанрлардан олдда бораётир, деб айтиш мумкин.

# УСТОЗЛАР САБОҒИ

---







## ИНҚИЛОБ ВА АДИБ

Абдулла Қодирий ҳақидаги бу ишни адабиётшунослигимизда маълум бўлган қуйидаги сўзлар билан бошлаш зарурга ўхшайди: бу улуғ адиб адабиётимиз ривожига қимматли ҳисса қўшган, ўзбек романчилигига асос солган санъаткор ёзувчидир. Бугина эмас, Абдулла Қодирий ўзбек реалистик прозасининг шаклланишида — унинг ибтидоий баёндан жонли тасвирга ўтишида, ўзбек адабий тилининг муайян нормага тушишида катта роль ўйнаган санъаткордир.

Абдулла Қодирийнинг прогрессив шахс сифатида вояга етиши, ёзувчи сифатида машқ қила бошлаши «революция учқуни»нинг Россия марказларида авжи алангаланиб, чекка ўлкаларга ҳам етиб келаётган бир даврига тўғри келди. Унинг биринчи асарлари шу аланга таъсирида туғилди. Эски мактаблардан бир оз сабоқ олиб, рус-тузем мактабини битказган Абдулла Қодирийнинг матбуотда илк кўринишлари биринчи жаҳон урушининг қизиган пайтлари, революцион ҳаракатнинг тобора кучая борган даврларида эди. Русча ўқиш ва ёзишни билган Абдулла Қодирий, албатта, ўша даврларда оламда бўлаётган воқеалардан — дунёни ларзага солиб турган жаҳон уруши, унинг натижасида тезлашган инқилобий ҳаракатлардан хабардор бўлган ва улардан таъсирланган. Бўлажак ёзувчи ўз халқи ҳаётига оламда рўй бераётган мана шу воқеалардан олган таассуротлари асосида назар ташлади ва кўрдик, халқ қолоқлик ва жаҳолат исканжаси орасида сиқилиб ҳаёт кечирмоқда. Унинг биринчи машқ тариқасида ёзилган асарлари мана шу қолоқлик ва жаҳолатга қарши исён сифатида

майдонга келди. У ҳаётдаги кераксиз расм-руслар, урф-одатларни қоралади, улар натижасида рўй берадиган фожиавий ҳолатларни ёмонлади.

1915 йили Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» номи пьесаси алоҳида китоб шаклида чоп қилинади ва бир неча йил давомида сахналардан тушмасдан томошабинларга кўрсатилади. Пьесада ўша даврларда кўпгина фожиавий ҳолатларга сабаб бўлган бидъат расм-руслар, бекорчи одатлар, қисман, уйланиш пайтларида йигит томондан қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам, мажбуран тўланадиган катта қалин, ўринсиз исрофгарчиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

«Бахтсиз куёв» жанр эътибори билан фожиавий асардир. Бойлар эшигида хизматда кун кечириб юрган камбағал бир йигит амакисининг маслаҳати билан катта қарз ҳисобига тўй қилиб, бойроқ оиладан чиққан қизга уйланади. Қиз учун берилган катта қалин ва тўйга сарф қилинган харж-харажатлар ўша қарз ҳисобидан кетади. Йигит ва қиз олдин ўзларини бахтиёр ҳис қиладилар. Кейинчалик улар тушунадиларки, тўй учун, қалин учун олинган қарзларни бутун умр ишлаб топиш қийин. Улар қарздорлик иснодига ва қашшоқлик азобига чидай олмай ўзларини ўлдирадилар.

Асарда масаланинг қўйилиши, воқеалар ривожини ва унинг ечими бир оз ибтидоий ва сийқадек кўринади. Бироқ ўша давр Туркистон ҳаётини кўз олдимишга келтирсак асарда масаланинг шу шаклда қўйилиб, шу шаклда ҳал қилиниши ҳам катта жасорат эканини англаймиз.

«Бахтсиз куёв» билан бошланган биринчи қадам Абдулла Қодирийга анча шуҳрат келтирди. Шу сабабдан бўлса керак, у ўша даврдаги бидъат ва қолақликни фош қилиб қоралайдиган асарлар устида ишлашни давом қилдирди. Уша йилиёқ ёзувчи иккинчи асарини, бу гал насрда ёзилган кичикроқ қисса ҳажмидаги «Жувонбоз»ни эълон қилди. Унда бир савдогар бойнинг ўғли ўқиш ва ёки ҳунар ўрганишдан бош тортгани, тўқликка шўхлик қилиб, отасининг пулини совуриб фаҳшлик, безорилик йўлига кириб кетгани ва бунинг натижасида Сибирга сургун қилингани хусусида ҳикоя қилинади.

Асарнинг ғоявий йўналишида ва ҳаётий масалаларнинг талқин қилинишида ўша даврда энди уйғониб келаётган, социал ҳаётнинг моҳиятини фақат маърифатга олиб бориб боғламоқчи бўлган жадидлар таъсири сезилиб туради.

Аммо масаланинг шу шаклда қўйилишининг ўзи ҳам ўша давр нуқтаи назаридан реалистик маънодан холи эмас эди.

Умуман, революция арафасидаги икки-уч йил Абдулла Қодирий учун адабий ижодда биринчи куч синаб кўриш йиллари бўлди. Куч синаш фақат битта жанрда эмас, балки бир неча жанрларда давом қилди. «Жувонбоз»дан кейин у «Улоқда» ва «Жинлар базми» номли яна иккита ҳикоя яратди. Бу ҳикояларда ҳам ёзувчи ўз халқининг қолақлиги, ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан, ҳар хил кераксиз одат ва ақидалар билан банд бўлиб, вақт ўтказишларга қарши муносабат билдирди.

Шуни алоҳида қайд қилишга тўғри келадики, Абдулла Қодирий ҳаётдаги нохуш воқеаларнинг, керак-керакмас одатларнинг ривожланишининг асл сабабларини ҳали етарли англай олмас эди. Баъзан бу хилдаги воқеаларнинг бирдан-бир сабаби, саводсизлик, деб билар, жаҳолатнинг социал сабаблари хусусида ўйлаб кўрмаган эди.

Бу фожий ҳолатларнинг сабабини унга рўй берган революцион бурилишлар кўрсатди. Бироқ бу бурилишлардан сабоқ олиш ҳам осонгина амалга ошмади. У машаққатли изланишларни бошидан кечирди. Изланишлар, революция йиллари унинг учун ниҳоятда масъулиятли бўлди. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодидан англаш мумкинки, революция арафаси ва инқилобий бурилиш даври унинг учун дунёқарашини тиниқтириш йиллари бўлди. Шу сабабдан бўлса керак, бу даврларда Абдулла Қодирий қалами ўткирлашган ёзувчи даражасига кўтарилиб қолган бўлса ҳам, социал масалаларни йирикроқ кўламда қамраб оладиган бадий полотно яратишга ўзини тайёр ҳисобламади. Аммо шу нарса ойдинки, Николайнинг тахтдан йиқилиб, Туркистонда ҳуррият қуёши балқиганига ўзида йўқ хурсанд бўлди. Назаримизда, ёзувчи ўзининг шу хурсандчиликларини ифода қилиш йўлларини излади. Унинг ижодига тегишли қуйидаги факт фикримизнинг далилидир. 1917 йили, февраль революциясидан кейин «Нажот» газетасида ёзувчининг «Шодмарг» номли ҳикояси эълон қилинди. Ҳикоянинг воқеаси шундай:

Ўзига тўқ яшайдиган бир киши ерли ва мустамлакачи ҳукмдорларни порахўрликда айблади. Шу боисдан у қамоққа олиниб сургун қилинади. Сургунда юриб инқилобий ғоялардан таъсирланади. Муддатини битказиб қайтиб келгач ҳам ҳукмдорлар таъқиб остида яшайди. Ҳи-

коя қаҳрамони дафъатан, «Инқилоб бўлибди, Николай тахтдан тушибди», деган хабарни эшитади ва шодланганидан юраги ёрилиб ўлади. Шунинг учун ҳам ҳикоянинг номи «Шодмарг». Бу ҳикоянинг ёзилган пайтини (1917 йил, март охири) ҳисобга олганда, Абдулла Қодирий фақат революцияни кутган ёзувчи эмас, балки уни қутлаган ёзувчидир.

Тўғри, бу ҳикоянинг мазмунида бир оз нисбийлик бор. Революция арафаси ва революция кунлари бу улуғ бурилишни амалга оширганлар, унинг учун қон ва жон берганлар образини яратган шоир ва ёзувчилар ҳам бўлди. «Шодмарг»нинг қаҳрамони эса инқилобий ҳаракатлар моҳиятига тушунган одам бўлса ҳам ўзи актив инқилобчи эмас. У ўз шодмарглиги билан рўй берган инқилобни олқишлайди. Бироқ шу олқишлашнинг ўзи ҳам қаҳрамоннинг, ҳам асар авторининг инқилоб томонига ўтишидан далолат эди. Масаланинг бошқа томони ҳам бор: бу оташин табиат ёзувчи ҳали февраль революциясининг асл моҳиятига тушуниб етган эмас эди. Унинг учун энг муҳими Николайнинг тахтдан тушиши эди. Оқ подшонинг тахтдан тушиши ёзувчи назарида ўша ҳамма кутиб юрган, суҳбатларда эшитиб, газета ва журналларда ўқиб англаган революциянинг ўзи эди. Унинг Шодмарги революцияни олқишлади, бироқ унинг амалга ошишида бирор ҳисса қўша олмади. Абдулла Қодирий гўё «Шодмарг» қаҳрамони амалга ошира олмаган эзгу ниятларини ўзи амалга оширмақчидек бўлди. Шу сабабдан бўлса керак, у амалиётда революцияга хизмат қилиш учун бел боғлади. Қизиғи шундаки, у ўз даврининг етук зиёлиларидан бўлишига қарамасдан, янги ҳаётга хизмат қилиш учун қулай майдон ҳам изламади. Ўз виждони, ҳаёт, кураш шароити нимани талаб қилса ўшанга қўл урди: халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилди, «озуқа комитаси»да котиб бўлиб ишлади, «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррирлик қилди, Қасабалар шўросига саркотиб бўлди. «РОСТА»да фаол иштирок этди, газета ва журналларга эскиликни фош қиладиган ҳар хил хабар ва мақолалар ёзиб турди... Хуллас, революцияга қадар асосан, ўз оиласи тирикчилиги — деҳқончилик, ҳунармандчилик, котибчилик билан банд бўлиб юрган адиб, февраль революциясидан кейинроқ, хусусан, Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзини актив ижтимоий фаолиятда кўрди. Бироқ у адабий фаолиятда ҳам ўзини бутунлай четлаб қўймади. Хусусан, ўзининг

ҳаётга фаол муносабати натижасида Абдулла Қодирий революция йиллари пайдо бўлган ҳар хил оқим ва гуруҳлардан ҳам хабардор эди, албатта. Ёзувчининг эътироф қилишича, бу гуруҳларнинг гоя ва режалари ниҳоятда чалкаш эди. Абдулла Қодирий бу гуруҳларнинг бири — «Турон»га аъзо ҳам бўлган. Аммо унда бирор фаолият кўрсатмаганидан ўзининг бу гуруҳ аъзолигидан қай вақтда, қай тарзда чиқариб ташланганини ҳам билмайди.

Абдулла Қодирий бадий ижодда «Шодмарг»дан кейин 2—3 йил давомида умумлашма тип даражасига кўтарилган бирор йирик образ яратган бўлмаса ҳам газета ва журналларда ҳар хил майда хабар ва ҳажвиялар ёзиш билан банд бўлди. 1920 йилларга келиб «Шодмарг»да қўйилган масалага яна қайтиб, умумлашма даражасидаги типлар яратишга киришди. Ҳаёт шундай эдики, йигирманчи йиллар бошларида ҳар хил ёшдаги, ҳар хил савиядаги ва ҳар хил маслак ва ҳар хил мазҳабдаги кишилар рўй бераётган революцион ўзгаришларни тан ола бошлаган эди. Ёзувчи ҳаётда рўй бераётган шу тенденцияни акс эттиришга ҳаракат қилади. Мана шу планда яратилган асарлардан бири унинг «Тинч иш» (1920 йил) ҳикояси бўлди. Унда «Шодмарг»дагидек ортиқча муболаға йўқ — тасодиф ҳам. Унинг қаҳрамони эски тузумнинг жабр-зулмига дучор ҳам бўлмаган, балки маълум даражада имтиёзларга эга бўлган шахс — мударрис. У аввало Николайнинг тахтдан тушганига бениҳоя хафа, Керенскийдан норози бўлади. Керенский ҳам Николай сиёсатини бошқача йўллар билан ўтказаетганини кўриб, қаноат ҳосил қилади. Октябрь инқилоби кунлари «Большевикларни ер ютсин, динни билмаса, бой ва уламони ер билан тенг қилмоқни истаса, мол-мулкни муштарак ўртада, деб билса!» деганлардан бири. Инқилоб узил-кесил ғалаба қозониб кўзланган ишлар амалга оша бошлайди, мударрисда озгина бўлса ҳам ўзгариш рўй беради: «большевиклар ҳам инсон экан», деган хулосага келади у.

«Отам ва большевик» (1922 йил)да Абдулла Қодирий «Қирқ йиллаб мусулмон хонлари истибдодини, эллик йиллаб Россия, чор истибдодини» кўрган, ерли хонлар, оқ подшо дабдабаларига гувоҳ бўлган, уларнинг куч ва қудратига қойил қолган мўйсафид образини яратади. Энди у анча дармондан қолган, рўй берган революцион бурилишнинг моҳиятига тушунмайди. Бироқ қудратли хонларни, оқ подшони тиз чўктирган большевикларни битта қаҳрамон йи-

гит деб тушунади ва унинг жасоратига қойил қолиб «... бир оз дармони бўлса большовойга йингит бўлиб» киришга хоҳиши бор эканини билдиради.

Бу уч асарда уч хил шахс образи яратилган. Биринчи эски тузумдан кўп жабр-зулмлар кўрган шахс. Аммо у жамиятда шу даражада кескин ўзгариш бўлишини кутмаган. Пулатдан қалқон, ўт ва тигдан ўзига қурол қилиб олган хонликлару оқ пошшонинг шунча тез йиқилишини сира ҳам кутмаган. Шундай бир пайтда у революциядан дарак топади ва шодликни кўтара олмайди. Иккинчиси хон, унинг амалдорлари, чор истилочилари ва уларнинг амалдорлари олдида ҳам имтиёзли бир шахс, улар берган имтиёзга кўра у революцияни «охир замон», уни амалта оширган большевикларни эса «яъжуж-маъжуж»лар, деб айюханнос солган диндор инқилоб ишларини бир оз кўриб, «улар ҳам инсон экан-ку», дейишга мажбур. Учинчиси эса ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган чол ҳам большовой ботирлар хусусида гаплар эшитиб, мадори бўлса унга хизмат қилиши мумкин эканини билдиради. Хуллас, бу уч тоифадаги, уч хил дунёқарашдаги уч шахс ҳам инқилобни инкор қила олмайди, унинг қайси бир томонларинидир ҳисобга олиб ёқлайди, хайрихоҳлик билдиради, унга хизмат қила олмасдан ўтиб бораётган умридан афсусланади. Шу маънода бу уч ҳикоя ҳам инқилобни ташвиқ қилиш планида яратилган асарлардир.

Адабиёт ва санъат инсон фаолиятининг шундай бир қиррасики, унда истеъдодлар ҳам ранг-баранг, уларнинг ҳаётни ёритишлари ҳам ранг-барангдир. Бу ерда ҳар бир санъаткорнинг ҳаёт тажрибаси, уни англаш даражаси ва истеъдод йўналишларини ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Тарихда ҳали кўрилмаган бир бурилиш бўлаётган пайтларда санъаткор ўша бурилишнинг актив курашчилари образини яратса, албатта, нур устига нур эди. Бироқ ҳар қандай улуғ бурилишнинг ҳам шундай кўз илғамас томонлари бўладикки, уларни акс эттира туриб ҳам бу улуғ бурилишга хизмат қила бериш мумкин эди. Л. Н. Толстойнинг асарларини ўқиб масалага юзаки қарайдиган бўлсангиз, уни ҳеч вақт революцияга хизмат қилган ёзувчи деб айта олмайсиз. Бироқ В. И. Ленин уни рус революциясининг ойнаси, деб атаган. Бунинг сабаби шундаки, Л. Н. Толстой рус ҳаётидаги улуғ бурилишга интилишнинг оддий кўз илғамас томонларига назар ташлаган ва шу орқали ўзининг санъаткорлик ҳукмини айта олган.

Абдулла Қодирий ҳам инқилобнинг биринчи йиллари асарлар ёзиб, ҳаётнинг биринчи назарда кўзга кўп ташлана бермайдиган, бироқ революцияни улуғлаш учун зарур бўлган томонларини идрок этиб, асарларида акс эттирди. Унинг талант йўналиши, ҳаёт тажрибаси шуни тақозо қилар эди.

Юқорида таҳлил учун материал бўлган учта ҳикояда ҳам Абдулла Қодирийни санъаткор сифатида кўрсатадиган муҳим бир белги бор. Бу белги шундан иборатки, ёзувчи яратаётган образларидаги психологик бурилишларни тўла доирада кўрсатмайди. У психологик бурилишларнинг микроскопик нуқталарини топади ва шу нуқталарни тасвирлаш орқали умумхалқ онгида рўй бераётган катта бурилишни акс эттиради. У танлаган образлар ҳам шу мақсадга мувофиқ, кўпчилиги эски тузум пайтида маълум даражада имтиёзли шахслар — бири ўзига тўқ яшайдиган савдогар, иккинчиси мударрис, учинчиси хон ва оқ подшо даврларига кўниккан одам... Абдулла Қодирий назарида булар онгида кўз илғамас даражадаги кичкина ўзгариш, халқнинг илғор вакилларидаги катта бурилишдан нишона эди.

Абдулла Қодирий 1926 йил ёзилган биографиясида ўзини Октябрь социалистик революциясининг туб моҳиятига «дарров тушуна олмаган»ини айтади. Бу гапларда ҳақиқат бордир. Ўша вақтларда чекка ўлкалардаги баъзи бир кишилар тасавурида яшин тезлигида рўй берган бу улуғ воқеанинг «туб моҳияти»ни англаб олиш, баъзилар хусусан, ерли зиёлиларнинг бир қисми учун осон бўлмаган, албатта. Бундан ташқари адибнинг бу сўзлари революциядан 9 йил кейин ўзи битган биографиясидан олинган. Шу сабабдан бу сўзларнинг ёзилишида йирик талантларга хос камтаринликнинг ҳиссаси бўлса керак.

Бошқа жиҳатдан революциянинг «туб моҳиятига» тушуна олмадим, дегани Абдулла Қодирий, умуман революцияни қабул қилмади, деган гап эмас. У биографиясида аниқ ёзади: «Айниқса 1916 йил работчи олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучли эди». Бу гапларга ишониш керак. Ҳамма революция тарафдорлари ҳам инқилобнинг туб моҳиятига тўла тушуниб ета бермаганлар. Санъаткор ёзувчиларга келганда бу масалага алоҳида эҳтиёткорлик билан қараш керак. Уларда доим зулм ва у яратган эскиликдан нафратланиш, янгилikka интилиш туйғуси яшайди. Баъзан

улар онгли жонбозлик кўрсатишдан кўра, ўша ички туйғу сезган янгиликларни қўллаб-қувватлайдилар ва бу янгиликларнинг ҳаётдаги улуғ бурилишга олиб келишини баъзан ўзлари сезмай қоладилар. Янгиликнинг ғалабаси рўй берганда улар баъзан онгли, баъзан тўла англамаган ҳолда, ўзида йўқ хурсанд бўладилар ва қолган умрини унга бағишлайдилар. Тўғри, йирик талантлар баъзан янгиликларнинг баъзи томонларини ёқтирмагандек бўлишлари ҳам мумкин. Бироқ улар вақт ўтган сари ҳаётнинг объектив оқимини, рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини англай борадилар. Шундай қилиб, маълум даражадаги онгсиз тарафдор талант ҳам онгли тарафдор даражасига кўтарилади. Инқилобдан беш йил кейин Абдулла Қодирий янги тузум берган ютуқлардан бири бўлмиш сўз эркинлигини шарҳлаб шундай деган эди:

«Биз жасорат сўрар эдик. Лекин... жасоратимизнинг қолган-қутганини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни таг-тугидан кесмоқчи эдилар... Ниҳоят фиғон ва нолаларимиз арш-аълога етганда умидимиз қуёши Октябрь туғди. Жасорат бўлганларнинг оёқлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тагидан келди».

Бундан яна бир йил кейин Абдулла Қодирий «Матбуот куни» номли мақола эълон қилиб, унда бу кунни «дунё тарихи кўрмаган муваффақиятлар қозонган меҳнаткашлар матбуоти куни» эканини айтади, ва бу кунни бошлаб берган «Правда» газетасини матбуотнинг арслони сифатида таърифлайди ва ўзи ишлаётган «Муштум»нинг «бола»ларидан бири ҳисоблаб, ўз касбдошлари номидан ёзади: «Биз мазлум ишчи синфининг йўлига жон берамиз...»

Инқилобни тан оладиган бу фикрларни кимдир умум планда, қуруқ айтиб ўтиши ҳам мумкин эди. Бироқ шу даражада эҳтиросли ва шу даражада ифодали қилиб айтиш учун ҳаётда рўй берган янгиликларни астойдил қадрлаган, унинг қудратига тўла ишонган талант эгаси бўлиш керак эди. Кейинчалик (1926 йил) революция йилларидаги ўз фаолиятини эслаб, Абдулла Қодирий биографиясида таъкидлайди: «Менинг ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим».

Ижтимоий ҳаётдаги бир неча йиллик фаол ҳаёт, ижоддаги изланишлар, янги матбуот органларидаги қайноқ му-



ҳит Абдулла Қодирий дунёқарашини анча тиниқтирди. У энди ўзини янги тузим асосларида мустақкам турган ҳисоблади. Илгари ҳаётдаги яхши ва ёмонликлар унинг назарида бир оз мавҳум шаклларда намоён бўлса, энди ҳаётга нима ёт, нима яқин — унинг кўзига анчайин аниқ ва тўла кўринадиган бўлди. Шундан кейингина Абдулла Қодирий йирик полотнолар, кўламли типлар яратишга тийёр ҳисоблади ўзини. Гўё йирик истеъдод эгаси бўлмиш катта ёзувчининг ижод булоқлари кўз очди. Абдулла Қодирий биринчи ўзбек романи — «Ўтган кунлар» (1922—25-йиллар) ни яратди.

«Ўтган кунлар» ўзбек адабиёти тарихида бутун ўзбек прозасида бурилиш ясаган, адабиётнинг ҳал қилувчи жанри — романчиликни бошлаб берган асар бўлди. Иззат Султон Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига худди «момақалди роқдек гулдурос билан кириб келди», «чақмоқдек ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди», дер экан, биринчи галда албатта, ёзувчининг шу катта жанрда яратилган илк асарини назарда тутган бўлса керак.

Роман жанрига мурожаат қилишида ёзувчи психологияси маълум: ҳаётдаги революцион бурилиш, рус ва дунё адабиёти тажрибаларини ўрганиш унинг олдида янги-янги ижодий проблемалар қўйди. Ҳаётнинг фожиавий томонларини — эски замон замирида инсон идеалларининг емирилишини кўрсатиш, унинг назарида янги адабиётнинг талабларидан бири эди. Бу эса на мақола, на очерк ва на ҳикоялар туркуми рамкасига сиғарди. Бунинг учун ҳаётни кўламлироқ акс эттирадиган жанрга мурожаат қилиш керак эди. Бошқача қилиб айтганда, Абдулла Қодирий ҳаёт талаби, ўз ижодий эволюциясининг талаби, янги сифат ўзгаришда ривожланаётган маданият тараққиётининг талаби асосида адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб реалистик адабиётнинг янги жанрига — романга мурожаат қилди. Шу маънода «Ўтган кунлар» ўзбек совет романининг тўнғичи, унинг автори Абдулла Қодирий эса ўзбек романчилигининг асосчиси бўлиб қолди.

Бу ерда шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ни яратишга қўл урган пайтларда инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг оламшумул бурилишни куйловчи шеърлари машҳур эди. Бундан ташқари, оташин шоирнинг Туркистонда инқилобий ҳаракатнинг бошланишига бағишланган машҳур драматик асари — «Бой ила хизматчи» саҳналарда қўйилаётган бир пайт

эди. Бу асарларида Ҳамза Ҳакимзода инқилобий бурилишни бевосита акс эттирди ва улуғлади. Шундай экан, революцион бурилиш тарихнинг қонуний босқичи эканини насрда акс эттирмоқчи бўлган Абдулла Қодирий Ҳамзадек инқилоб куйчисининг, реалистик қашфиётларидан беҳабар бўлиши, умуман, инқилобий адабиётдан таъсирланмаган бўлиши мумкин эмас. Тўғри, бу ҳақда бизнинг ихтиёри-мизда бирор ҳужжат йўқ. Бироқ санъатнинг ўз қонуниятлари бор: бир даврда яшаб, бир хилдаги тарихий воқеадан озуқа олган йирик истеъдодлар бир-бирларининг ижодидан баҳраманд бўлмаслиги мумкин эмас.

Ҳар бир ишда илк қадамнинг нақадар қийин экани маълум. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и ўзбек совет адабиётида йирик жанр томон қўйилган илк қадам эди. Бу қадамни қўйишнинг ўзи катта журъат ва жасорат экани кўриниб турибди. Журъат ва жасорат шунинг учунки, социалистик маданиятимиз янги асосда қайта қурилаётган бўлса ҳам ҳали бугунгига нисбатан ниҳоятда кам бўлган китобхонларимизнинг ҳам аксарият қисмининг диди эски диний афсона, ривоятлар, ишқ-муҳаббат темасидаги саргузашт характеридаги ярим афсонавий дostonлар рамқасидан ҳали унча юқори кўтарила олмаган бир пайт эди. Шундай пайтда Абдулла Қодирий халқига ўзининг реалистик хулосалари билан бошқа халқларнинг машҳур романлари билан беллашишга арзигулик «янги типдаги» асарини тақдим этди. Табиий, ўша вақтларда ёзувчининг ўзи ҳам бу ишга кўп андиша ва шубҳалар билан қўл урган. Бунини «Ўтган кунлар»га илова қилинган сўз бошидан ҳам англаб олиш мумкин. У ёзади:

— ...«Ўтган кунлар» янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба; яна тўғриси бир ҳавасдир. Ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоний даврда талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳллари-нинг етишмаклари секин-секин тузалиб такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечадиган қусур ва хатолардан чўчиб ўтирмадим». Кўряпсизки, не-не шубҳалар, андишалар билан халқимиз ўтмишидан Абдулла Қодирий қаламига тушган воқеа ўзбек романининг тўнғич намунаси, шубҳа ва андишалар акси ўлароқ фақат илк намунаси эмас, балки гўзал намунаси сифатида майдонга келди.

«Ўтган кунлар» қамраб олинган ҳаёт материали ва бу

материалнинг акс эттирилиш йўллари билан том маънодаги фожиавий асардир. Романнинг маъноси, бадий ва ғоявий йўналиши, унинг негзида турган инсон фожиавий ҳолатларига боғлиқдир. Бу фожиалар ҳаётнинг инъикоси сифатида китобхонда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Чунки ёзувчи ёшлик пайтларида кўрган ҳаётнинг ўзи, қолақлик ва жаҳолат фожиалари билан тўлиб-тошган эди. Зотан, Абдулла Қодирий ўз ижодини ҳаётнинг шу томонларини тасвирлаш билан бошлаган эди. Ҳаётда рўй берган йирик бурилиш — социалистик революция унинг ижодидаги бу йўналишнинг асосли эканини исбот қилди.

«Ўтган кунлар»нинг фожиавий характери ёзувчининг қаҳрамон танлашидан бошланади. Унинг бош қаҳрамонлари имтиёзли синф вакилларидан. Улардан бири — Юсуфбек ҳожи, халқ бошига зулмат пардасини тортган ўзаро қирғинларга сабаб бўлган тарихий воқеалар жумбоғи марказида турган шахслардан бири, Тошкент беклиги саройининг маслаҳатчиси, иккинчиси — Отабек, Юсуфбек ҳожининг ўғли. Отабекнинг севгилиси Кумуш эса ўзига тинч яшаётган Марғилон савдогарининг қизи. Асардаги бор воқеаларнинг ҳаммаси мана шу учта шахс атрофида айланади, тўғрироғи, замоннинг имтиёзли кишилари бўлмиш бу шахсларнинг замонга, замоннинг уларга муносабати — «енгил» ҳазилларидан иборат.

Романнинг ғоявий ва бадий жиҳатдан ўзига хослиги шундаки, Абдулла Қодирий ўтмишда қарийб революция арафасида зулмат ва жаҳолат ўзининг «пўлат» чангали билан бутун жамиятни, ҳатто имтиёзли синф вакилларини ҳам бўғиб ташлаганини кўрсатди. Уларнинг сал-пал прогрессив фикр юритадиганларини эса барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилиб, оғир фожиаларга дучор этиб қўйганини тасвирлади. Романи ўқиб шундай хулосага келасизки, модомики имтиёзли синф вакилларига ҳаёт шу даражада бешафқат экан, оддий меҳнаткаш халқ эрк, ҳақ-ҳуқуқлар хусусида ўйлаши ҳам ортиқча. Мана романдан келиб чиқадиган муҳим социал маъно!

«Ўтган кунлар»да бошқа бир муҳим ғоявий йўналиш бор. Абдулла Қодирий баъзи бир ҳоким синф вакилларининг ҳам асрлар оша турғунлашиб қолган феодал тартиб ва тузумга шубҳа қила бошлаганини, димиққан ҳавонинг тозаланиши тарафдори бўлганликларини, бунинг учун бошқа йўл-йўриқлар излаб қолганини кўрсатади. Улар ҳаётнинг шу шаклда яна давом қила олмаслигини, жамият

боши берк кўчага кириб қолганини тушунганликларини кўрсатди. Атрофидаги халқлар ҳаётига, улардаги рўй бераётган ўзгаришларга разм сола бошлаганини, эртами-кеч қандайдир бурилишлар бўлиши муқаррар эканини сезаётганликларини акс эттирди.

Реакцион жамият фақат зулми билан фарқланмайди. Зулмга мувофиқ, урф-одатлар яратади, кишилар психологиясида турғунлашиб қолган белгиларни мустаҳкамлайди. Бу урф-одатлар, турғун психологик белгилар эса жамият ўтказаятган зулмни оқлайди, улар орқали халқ бошига тушадиган фожиавий ҳолатлар яна ҳам даҳшатлироқ, яна уқубатлироқ бўлади, Абдулла Қодирий ўтган кунларда масаланинг бу томонини ҳам йирик планда кўрсата олди.

Шу хилдаги чиркин жамият яратган урф-одатлардан бири ота-она орзуси эди. Ёшлар топган бахт, муҳаббат, ота-она томонидан доим ҳам ҳисобга олина бермас эди. Улар ўғил-қизларининг бахтини ўзларича тушунар эдилар. Ёшларнинг ўз ихтиёрлари билан эмас, балки, ота-она ихтиёри билан оила қуриш, халойиқ йиғиб, элга ош тортиб, ўғил уйлантирибди, қиз чиқарибди, «катта тўй берибди», «тўкин-сочин бўлибди», деган гапнинг эл орасида узоқ вақтлар айланиб юришини ҳисобга олар эдилар. Аксарият пайтларда «еган ошни қайтариш», деб дабдабалар билан ўз номини улуглаш каби ақидаларга бўйсундилар эди. Роман қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш муҳаббатлари мана шу чиркин орзу-ҳавас қурбони бўлади. Биз романни ўқир эканмиз, икки ёшнинг соф муҳаббатини нобуд қилган бу урф-одатларга, уларни яратган, уни қувватлаган жамиятга нафратлар ўқиймиз. Ҳозир ҳам шу хилдаги урф-одатларнинг баъзи бир сарқит кўринишларини кўриб унинг моҳиятига тўлароқ тушунгандек бўламиз ва ўзимизни курашга тийёрлаймиз.

Тўнғич роман сифатида «Ўтган кунлар»нинг бошқа бир муҳим аҳамияти бор. Бу шундан иборатки, гарчи унинг бош қаҳрамонлари ҳоким синф вакиллари бўлиб, шу орқали ёзувчи зарур эстетик проблемани ҳал қилишга эришса ҳам, у романга қатор оддий меҳнаткаш халқ вакиллари образини ҳам киритган. Булар ичида энг характерлиси тўқувчи уста Олимдир. Бу образга тегишли воқеалар романга қистирма эпизод сифатида киритилади. Бироқ улар Отабек ва Кумушнинг муҳаббат тақдирига параллел равишда берилиб, ёзувчи приёмини изоҳлагани учун романнинг

органик қисмига айланган. Гап шундаки, бўзчи уста Олим муҳаббати ҳам нобуд бўлади. Нобуд бўлган муҳаббат Отабек ва Кумуш муҳаббатлари қисматини сеҳрли тошойнага солиб кўрсатгандек бўлади. Бу икки муҳаббат қисматлари бир хилда бўлса ҳам бир йўсинда рўй бермаган, албатта. Абдулла Қодирий масаланинг бу томонига ҳам маълум бир маъно юклайди. Уста Олим унинг севгилисидан Саодат оддий меҳнаткаш вакиллари. Бироқ улар муҳаббатда Отабек ва Кумуш муҳаббатларидан қолишмайди. Бундан ташқари маълумки, оддий меҳнаткаш халқ вакиллари юқори синф вакилларига нисбатан анча реалистроқ бўлишади. Шу туфайли уста Олим на ота, на она орзуси тазйиқига учрайди, на бирор урф-одат... Севишган бу икки қалб муҳаббатларидан ҳаётда бўлиши мумкин бўлган тасодиф туфайли ажралади. Саодат туғиш чоғида нобуд бўлади.

Тўнғич роман устида олиб борилган биринчи тажриба муваффақият билан якунланади. «Ўтган кунлар» туркий халқлар орасида тез тарқалади ва унинг авторига катта шуҳрат келтиради. Кейинчалик, Совет Шарқининг йирик романистлари Мухтор Аvezов, Ойбек, Берди Кербобоев, Хидир Деряевлар Абдулла Қодирийдан сабоқ олганликларини очиқдан-очиқ айтдилар.

Драматик ва фожиавий сюжетдаги биринчи ютуқ Абдулла Қодирийни адабиётнинг у севган жанри бўлмиш — ҳажвиядан узоқлаштирмади. Зотан, унинг фожиавий сюжетлари ҳам, шунингдек ҳажвий сюжетлари ҳам бир мақсадга — олға қараб илдам қадам ташлаётган янги ҳаёт оқимига тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши курашдан иборат эди. Шу сабабдан бўлса керак, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» устида ишлаётган пайтларида ҳам ҳажвий тафаккурни қўлдан бермади. У узлуксиз ҳажвий ҳикоялар, ҳажвий бўёқлар билан безатилган хабарлар эълон қилиб турди. Авторнинг шу хилдаги асарлари ичида «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтари» (1923—1927 йиллар), «Тошпўлат тажанг нима дейди?» номли ҳажвий ҳикоялар туркуми характерлидир.

«Калвак Маҳзумнинг хотира дафтари»да ёзувчи бутун борлиғи билан эскилик заминда турган, янгиликларга кўника олмайдиган, шарият либосига ўралиб олган руҳоний типини яратади. «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳикоялар туркумида эса, бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган, кайф-сафо учун меҳнатдан бошқа ҳамма ншга қўл уришга тайёр чапани образини яратади.

Жанр эътибори билан бу икки асар ўзбек совет адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутади. Туркумлар сюжетида одатда ҳикоя ва қиссаларда учрайдиган интригалар, биз ўрганиб қолган яхлит конфликт жумбоқлари йўқ. Уларнинг сюжети ниҳоятда оддий — қаҳрамонлар маълум муддат ичида кўрган-кечирганларини шунчаки ўз тилларидан ҳикоя қилиб берадилар. Асарда воқеалар тартиби мана шу қаҳрамонларнинг кўрган-кечирганларига, яъни улар нималарни муҳим деб ҳикоя қилган бўлсалар шунга боғлиқ. Бошқачароқ қилиб айтганда, уларда сюжет бир оз саргузашт шаклида ривожланади.

Характерларни тасвирлаш услуби жиҳатидан ҳам бу икки туркум бир-бирларига яқин турадилар. Уларнинг марказида ҳаётда рўй берган, янгиликларни қабул қила олмайдиган типлар туради. Ўз тилларидан берилган уларнинг ҳаётга муносабати ниҳоятда кулгили. Улар ҳар бир факт ва ҳар бир ҳодисани ҳаётнинг эскирган газига тортиб — инқилобдан олдинги ўлчовга солиб кўрадилар. Эски газ, эски тошга тўғри келмаган ҳар бир факт уларнинг кўзи олдида «гайринормал» бўлиб кўринади, уларни кўриб асаблари тиришади, ҳуноблари ошади. Шундай қилиб улар ўзлари ўзларини фош қиладилар. Биз бу асарларни ўқиб, ҳаётдаги «ноқобил» воқеалар устидан кулганлар устидан куламиз. Калвак маҳзум, Тошпўлат тажангларнинг ҳамма қилиқлари, хулқ-атвори ҳаёт ўлчовларининг қисқа муддат ичида тубдан ўзгарганини, эски ўлчовларга ёпишиб олган ҳар бир шахснинг кулгили аҳволга тушиб қолиши муқаррар эканини англаймиз.

Бу туркумларда Абдулла Қодирийнинг ҳажвий эффе́кт яратиш йўллари ниҳоятда қизиқарли ва оригиналдир. масалан: унинг Калвак Маҳзуми кўнгли осмонда юрган бўлса ҳам, туғилган кунидан тортиб омади келмаган бир шахс. Шу аксилемад шахснинг даъвоси баланд. Комик ҳолат мана шу реал ҳаётга тўғри келмайдиган даъвоси билан омадсизлик орқасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Бу ўзбек ҳажвиётида ҳанузгача кўрилмаган, кейин ҳам кам учраган адабий приём эди. Калвак Маҳзумнинг ҳаётига бир назар ташланг: у отанинг қирқ беш ёшда кўрган фарзанди; туғилганида «нопок» хотун доя бўлганидан кўп йиғлаган экан; ўн биринчи кечада чолиғланиб, тили дудуғ бўлиб қолибди; болалигида кўкнори берилганидан ўпкаси амиркон махсидай гижирлайдиган бўлибди; бешикда кўп ётганидан «боши кесак қисган қовундек қийшиқ» ўсибди;

«қорин эса ғовлаган тарвуздек» катта; беш ёшгача оёғи чиқмабди; ўзини «ҳусни Юсупий» ҳисоблайди, бироқ юзи чўтир, унга атаб дабдабали тўй берилган кун бўкиб қолибди, ажиналар ҳақида ҳикоятлар эшита бериб, «ажина урган бўлиб», узоқ касал бўлиб ётибди; суннатбанг асоратида тўрт кеча ва кундуз беҳуш ётибди; балоғатга эришиб уйланган куни ҳам ғайри нормал ҳолат рўй беради — қайлиғи билан яраша олмайди. Имом сифатида уни жаноза ўқишга олиб боришади. Бу иш ҳам ғайри нормал ҳолатда рўй беради — кечаси ўғринча олиб жетишиб, яна олиб келиб қўйишади... Унинг кейинги ҳаёти ҳам шу йўсинда омадсизликлардан иборат. Шуларга қарамасдан унинг кўнгли осмонда, ҳаётдаги ҳар бир янгилик, ҳар бир янги қадам унинг учун «ғайри нормал». Бошқача қилиб айтганда, ўзининг ҳаёти бошдан охиригача ғайри нормалликдан иборат бўлган бир шахс атрофдаги бутун борликни, «ғайри нормал» ҳисоблайди.

Моҳиятан «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳам «Калвак маҳзумнинг ён дафтаридан»га ўхшаб кетади. Бу ерда ҳам бирор ижобий хусусиятга эга бўлмаган шахс — чапани ҳаётда рўй бераётган янгиликларнинг устидан қулган бўлади. Шу орқали ў ўзини ўзи, ўзининг қолақлиғи, бемаъно характер хусусиятлари — текинхўрлиғи, қиморвозлиғи, безорилиғи; ҳамма аста-секин янгича яшашга кўникаётган пайтда, у ҳамон эски жамият туғдирган қилиқлардан қутула олмаётган кимса эканини ошкор қилади. Бу икки туркумдаги икки образ моҳиятан бир бўлгани билан, ўзларининг характер хислатлари билан бошқа-бошқа типлардир. Образ сифатида яратилиши жиҳатдан ҳам Тошпўлат тажанг Калвак маҳзумдан фарқ қилади. Калвак маҳзум ўз биографиясини ўзига бино қўйиб анчайин совуққонлик билан гапириб беради. Асарнинг ҳажвий йўналиши, унинг ўзи ҳақидаги ҳикоя ва хабарларидан келиб чиқади. Тошпўлат тажанг эса ўз биографиясини гапирмайди. Асар диалог формасида яратилган. Диалог бўлганда ҳам икки ё уч киши орасидаги одатдаги диалог эмас. Гап ҳам, унга жавоб ҳам унинг ўз сўзларидан келиб чиқади. Диалог олиб борувчи иккинчи томон воқеага иштирок этмайди. Унинг иштироки Тошпўлатнинг ўзи орқали бўлади. Бошқача қилиб айтганда, суҳбатдошининг иштирокини Тошпўлатнинг савол ва жавобидан билиб оламиз. Бу Абдулла Қодирийнинг ўзига хос ҳажвий приёмларидан бири бўлиб, ёзувчига воқеаларни қуюқлаш-

тириш, ихчам ҳажмда кенг маъно ифода қилишга қулайлик туғдиради.

Бу икки туркумга киритилган ҳикоялар кўлаמידан, уларда акс эттирилган характерлар ва воқеалар тасвиридан англаймизки, жамиятимиз янги тузум ғалабаси сари илк қадамларни қўяётган пайтларда Абдулла Қодирий ўзининг ҳажв ва ханда тигини эски ҳаёт замирида турганларга қаратди. Бу ишни қилиш учун ёзувчи инқилоб таъсирида алақачонлар юксак идеаллар позициясига ўтган санъаткор ёзувчи бўлиши керак эди. Абдулла Қодирий ўзини шундай санъаткорлардан эканини кўрсатди. Ҳар хил йўналишда яратилган ҳикоялар, ўзбек романининг тўнгичи «Ўтган кунлар», ҳажвий йўналишда ёзилган «Калвак маҳзумнинг ён дафтарида» ва «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳикоялар туркуми билан Абдулла Қодирий зулмат пардасини ёриб, жаҳолатга чек қўйган социалистик революция амалга ошираётган тадбирларни, «...кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган» (Абдулла Қодирий) янги замони улуғлади. Социалистик инқилоб тарих талаби асосида рўй берганини кўрсатди. Шу томонлари билан унинг асарлари бизга ҳанузгача хизмат қилади ва кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. В. И. Ленин 1919 йил 22 ноябрда Шарқ коммунистларининг Бутун Россия II съездида сўзлаган нутқида шарқ халқлари коммунистлари олдида «...ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш»<sup>1</sup> сингари муҳим бир вазифа турганини алоҳида таъкидлаган эди. Абдулла Қодирийнинг қолақлик ва жаҳолатни фош қилишга асарлар бағишлаши, доҳиймиз қайд қилган шу вазифани адо этишга бевосита алоқадордир.

Абдулла Қодирий шундай санъаткор ёзувчи эдики, унинг ижодида эскиликни инкор қилувчи ҳажвий тафаккур, инсонийликни улуғловчи фожиавий йўналиш бир вақтнинг ўзида давом қилар эди. Ҳажвий ҳикоялар туркумлари ва бошқа қатор ҳажвий асарлар устида Абдулла Қодирий тинимсиз ишлади, бир неча йиллар давомида парчама-парча вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилиб борди. Шу билан баробар у инсонийликнинг юқори идеаллари асосида ўйланилган катта полотнолар устида ҳам иш олиб борди. Юқорида номлари тилга олинган ҳажвий асарлари давомли равишда чоп қилиниб турган бир пайтда у ўзининг иккинчи романи «Меҳробдан чаён» устида иш

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н. Асарлар, 30 том, 162- бет.



олиб борди. Бу ишни Абдулла Қодирий 1926 йил бошлади. 1929 йил романи алоҳида китоб шаклида эълон қилди.

«Меҳробдан чаён» воқеаларнинг оқимиға қараганда «Ўтган кунлар» сингари фожиавий асар. Аммо бахтли тасодиф роман қаҳрамонлари Анвар ва Раънони фожиадан сақлаб қолади. Шу тасодифни истисно қилган ҳолда романда тасвирланган ўша воқеаларга назар ташласангиз, қанчадан-қанча Анварлар, қанчадан-қанча Раънолар зулмат занжирида банди бўлиб, муҳаббат ва эрк қурбонлари бўлганини англайсиз.

«Ўтган кунлар»да Отабек характери хусусан, Отабек билан Кумуш ораларидаги муҳаббат тақдири кўпроқ кутилмаганда кескин ўзгариб турадиган сирли воқеалар силсиласида кўрсатилади. Ёзувчи шундай йўл тутдики, китобхон ҳар бир боб, ҳар бир эпизодда қаҳрамонлар тақдирига боғлиқ бўлган бирон сир яширинганини сезиб туради ва у, бу сирни тезроқ билиб олиш, роман қаҳрамонларини оғир вазиятдан тезроқ омон-эсон чиққан ҳолда кўришни истади. Шу йўсинда у китобхонни бутун роман давомида бир хил қизиқишда, бир хил эътиборда тутиб тура олади. «Меҳробдан чаён»да ёзувчи баъзи бир бобларда «сир сақлаш» приёмини ишлатган бўлса ҳам воқеаларни бу даражада сирли қилиб бермайди. Асар бошида у шошилмасдан, эпизодма-эпизод, деталма-деталь характерлар мантиқини яратади. Бу эпизод ва деталларда ўтакетган хасис, атрофдаги ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракатини ҳисобга олиб, ундан ўзига манфаат излайдиган, эски мактаб домласи, диндор Солиҳ маҳдум образи гавдаланади. Бу реалистик эпизод ва деталларда инсонийликнинг гўзал хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, бир-бирларига самимий меҳр қўйган, ўша замоннинг Фарҳод ва Ширинлари мирза Анвар ва маҳдумнинг қизи Раъно образлари қад кўтаради. Бу икки зот ўзларининг ақл-идроки, одамийлик саховати, бир-бирларига қўйган меҳр ва муҳаббати билан Солиҳ маҳдум оиласига сира ҳам мос эмас. Образларга берилган бу мантиқнинг ўзида катта маъно бор: инсон доим инсон! Баъзан одамийлик фазилатлардан маҳрум муҳитда ҳам одам боласи чин инсон бўлиб туғилиши ва камол топиши мумкин! Шу фикрни исботлаш учун Абдулла Қодирий анча боблар ажратади. Бундан кейин қаҳрамонлар ўша замон воқеалар оқимиға туширилади ва бу оқимда асар бошларида яратилган образлар мантиқи яна ҳам мустаҳкамланиб боради.

«Ўтган кунлар»да хон истибдоди натижасида рўй бериши мумкин бўлган фожиа юқори чўққида берилди. «Меҳробдан чаён»нинг воқеавий асосида катта фожиа ётса ҳам қаҳрамонлар ҳолати жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам «Ўтган кунлар» даражасидаги нуқтага чиқарилмайди. Бу романда ёзувчи биринчи романда камроқ акс этган ҳаётнинг бошқа бир томонини бутун тафсилоти билан кўрсатишни мақсад қилди. Ёзувчи Урта Осиё шароитида хонликларнинг типик маркази бўлмиш Қўқон хони Худоёрхон саройига кириб борди. Саройга кириб, у хон маконига хос тенгсизлик, ҳуқуқсизлик кўринишларини, инсон қадр-қимматининг топталишини ич-ичидан туриб фош қилди, одам боласи шаънига тўғри келмайдиган фискал-фасодни, тубанликни бутун тафсилоти билан кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да ўтмишни қаҳрамонлар фожиаси билан инкор қилган бўлса, «Меҳробдан чаён»да хон истибдоди тугдирган ҳаётнинг чиркин томонларини кўрсатиш орқали инкор қилди.

«Меҳробдан чаён» услуб жиҳатдан ҳам ёзувчининг биринчи романидан катта фарқ қилади. Асарнинг бош қаҳрамони Анвар оддий меҳнаткаш оиладан чиққан. Бироқ бу билан қаҳрамон танлашда Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»даги қаҳрамон танлаш принциpidан бутунлай ўзгача йўл тутди, деб бўлмайди. Чунки Анвар келиб чиқиш жиҳатидан меҳнаткаш оиладан бўлса ҳам таълим-тарбияни имтиёзли синф вакили бўлмиш Солиҳ маҳдум оиласида кўрди. Шу билан у ўз синфи замиридан бошқа синф замирига ўтиб кетган шахс экани маълум бўлади. Ёзувчи Анвар образи биографиясидаги бу фактга кўп маъно юкламайди ҳам. Бутун роман давомида ўша имтиёзли синф вакиллари билан бирининг оиласида таълим-тарбия олган ақл, идрок ва истеъдодда Отабекдан кам бўлмаган бир йигитнинг Худоёрхон замонидаги тақдири кўрсатилади.

Асарда воқеалар оқими ҳам асарнинг гоёвий йўналишини қувватлайди. «Ўтган кунлар»да Отабек ва Кумуш хон саройидан узоқда, хон истибдоди яратган воқеалар майдонида туриб унинг жабр ва зулмини тортади. Анвар билан Раъно эса бевосита сарой муҳитига тушади. Сарой муҳитига қаҳрамонлар билан бирга китобхон ҳам кириб боради. «Ўтган кунлар»дагидек сирли тасвирлар, воқеалар перипетияси романнинг шу қисмларида берилди. Бироқ бу қисмда ҳам «сирли тасвирлар»дан кўра ўша осие истиб-

додини яратадиган муҳитнинг реалистик тасвири устун туради.

«Ўтган кунлар» ундан кейин «Меҳробдан чаён» ёзувчи маҳорати туфайли, Урта Осиё ҳаёти учун типик воқеликни моҳирона акс эттиргани туфайли туркий тилдаги халқлар орасида тез тарқалди. Яратилган йиллариёқ бу икки романни туркман, озарбайжон, татар, қозоқ ва қирғиз китобхонлари қўлдан қўймай ўқишди. Ўзбек халқи орасида Отабек ва Кумуш образлари, улар орасидаги муҳаббат инсоний муҳаббат рамзи сифатида улуғланди ва оғиздан-оғизларга ўтиб, дoston бўлди. Баъзи бир китоб мухлислари «Ўтган кунлар»ни бошдан охир ёд олган пайтлари ҳам бўлди. Аммо адабий танқидчилик Абдулла Қодирий романларининг, хусусан, «Ўтган кунлар»нинг асл ғоявий моҳиятини етарли илғаб ололмаганидан, унга нисбатан кўпгина таъна тошларини отди. Баъзилар қуруқ социологизм позициясидан туриб ёзувчини ғоясизликда айблади, баъзилар «Ўтган кунлар» қаҳрамонларининг имтиёзли синф вакилларидан бўлганини вaж қилиб, меҳнаткаш вакилларини назар-писанд қилмаганга чиқаришди, баъзи бировлар эса ёзувчини синфий ва миллий масалаларда катта хато қилганга олиб боришди. Шу хилдаги бўҳтон фикрлар ҳозирги кунда ҳам баъзан-баъзан пайдо бўлиб туради. Бироқ адабий жамоатчиликнинг аксарияти бугун А. Қодирий романларининг ғоявий ва бадий қимматини тўғри тушунишади ва унинг фақат ўзбек романининг тўнғичлари сифатида эмас, балки янгиликни улуғлайдиган, ўтмишнинг номарғуб томонларини инкор қиладиган етук асар сифатида тан олади. Бу асарларнинг рус ва ўзбек тилларида 100 минг, 150 минг тираж билан бир неча бор нашр қилиниши фикрларимизнинг далилидир.

Абдулла Қодирий замонавий ёзувчи эди. У адабиётнинг қайси бир жанрига, қайси бир турига қўл урмасин — эски тушунчалар билан яшовчи типлар яратадими, катта полотноларда йирик фоже ҳолатларга тушган қаҳрамонлар образини яратадими — доим замон руҳидан келиб чиқиб иш кўрди, янгиликнинг ғалабасига хизмат қилди.

20-йиллар охирлари, 30-йиллар бошларида партия ҳужжатлари ва матбуотида замонавий қаҳрамонлар ҳақида асарлар яратиш зарурлиги хусусида чақириқлар, мурожаатлар бўлди. Бу даврларга келиб ўзининг ҳажвий ҳикоялари ва иккита тарихий темада яратилган романи билан кенг китобхонлар орасида шуҳрат қозонган Абдулла Қоди-

рийда ҳам замон қаҳрамонлари ҳақида асар яратиш истаги туғилди. Уша даврда партия ва совет ташкилотлари, Ёзувчилар союзи унга зарур шароитларни яратиб берди.

Абдулла Қодирий замондошлари, унинг ижоди ва биографияси ҳақида махсус китоб эълон қилган ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг берган маълумотларига қараганда, Абдулла Қодирий бу ишга зўр масъулият билан киришди. Унинг бу соҳадаги фаолиятини далиллайдиган қизиқ фактлар бор. Жумладан, шундай битта-иккита фактни эслаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас: ўша даврларда Ёзувчилар союзининг раҳбарларидан бири, Раҳмат Мажидий замонавий темада ёзиладиган асарлар ҳақида Абдулла Қодирий билан суҳбатлашганда ёзувчи «...бирон жиддийроқ асар ёзиш учун эл-юрт орасида кўпроқ бўлиш тақозо этилади. Бинобарин, шаҳар ва қишлоқларимизни бир айла-ниб, халқ билан суҳбатлашилса жуда яхши бўлар эди»<sup>1</sup>, деган экан. Ёзувчилар союзи унга бу ишда ёрдам бериши мумкин эканини билдиришиб, ижодий командировка таклиф қилишибди. Уша авторнинг берган маълумотига кўра, Абдулла Қодирий «...гап командировкада эмас, йўқ. Эгар-жабдуғи саз бир отинг бўлса, истаган жойга бориб, истаган жойда қўниб, халқ билан суҳбат қилсанг, унинг йўли бошқа»<sup>2</sup>, деган экан. Айтишларига қараганда Абдулла Қодирийга эгар-жабдуғи саз яхши от топиб беришган экан. Аммо ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирий ёзувчининг ҳаётни ўрганиш принциплари бир оз бошқачароқ бўлганлигидан дарак беради. У ёзади:

«Ёдимда, 1932 ва 1933 йил ёз ойларида дадам кўпинча вақтини Тошкент теварагидаги колхоз қишлоқларида айла-ниб ўтказди. У эрталаб барвақт турарди-да, сафарга отланар, кўк рюкзagini орқалаб, йўлга тушар эди. Рюкзагида адёл, ёстиқча, пахталик тўн, сандал-кавуш, қоғоз, қалам, бир неча пачка папироз, гугурт бўлар эди. Ойим, «чой ичиб кетмайсизми?» деса, «йўқ, кун қизигига қоламан, салқинда йўл босиб олай, йўлда чойхонада нонушта қиларман», дер эди. У шу кетганича ҳафталаб уйга келмас, қайтгач, беш-ўн кун зарур уй, боғ ишларига қараб яна жўнаб кетар эди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Журнал «Фан ва Турмуш», 7 сон, 1967 йил.

<sup>2</sup> Уша ерда.

<sup>3</sup> Ҳ. Қодирий. «Отам ҳақида». Ғ. Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти — Тошкент, 1974, 188- бет.

Абдулла Қодирий шу зайлда эл-юрт кезиб ўзининг йўл таъсуротлари ҳақида газетларга хабарлар, алоҳида масалалар юзасидан мақолалар, баъзан эса камчиликларни фош қиладиган фельетонлар ёзиб, эълон қилиб турди. Бироқ унинг мақсади каттароқ эди. У юришларда замонавий темада яратиладиган янги асари — «Обид кетмон» хусусида ўйларди, материал йиғарди.

«Обид кетмон» 1932 йилдан бошлаб икки-уч йил давомида газета ва журналларда бобма-боб босилиб турди ва ниҳоят, 1935 йили алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Қиссада у тақдирини ўз қўлига олган, меҳнати, ижоди билан янгиликлар яратиш учун шижоат кўрсатаётган оддий меҳнаткаш халқ вакили образини яратди.

Мулла Обид яратилиши жиҳатидан диққатга сазовор образлардандир. Отабек ва Анвар образларини яратар экан, Абдулла Қодирий уларнинг интеллектуал руҳий дунёсига асосий эътиборни берди. Имтиезли синф вакиллари сифатида биз уларни, бирор жойда меҳнат устида кўрмаймиз. Қаҳрамонларни бу жиҳатдан кўрсатиш «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг гоёвий мақсадига кирмас эди ҳам. Обид кетмоннинг образ сифатида яратилиши эса бутунлай бошқача. Унга ёзувчи қарийб афсонавий қиёфа бағишлайди. У бўйда барваста, кўринишда бўлиқ, гурсиллатиб қадам босишидан ер ларзага келгандек бўлади. Асли косиб, лекин кейинги вақтларда деҳқончилик билан шуғулланган. Унинг меҳнати ҳам бўй-бастига тўғри келади. Таноб-таноб ерларни кетмон билан ағдариб чиқишга аравадек келадиган замбилғалтакда бутун бир тепаликни кўчиришга қурби етадиган забардаст паҳлавон. У кетмонни ҳам махсус буюртма билан яساتган, унинг сатҳи мисбаркашча ёхуд саватча келади. У кетмон оладиган тупроқ бир пуддан кам келмайди. Оддий одам учун бу кетмонни кўтариб ерга уришнинг ўзи бир иш. Обид кетмоннинг иш қуроллари, бу қуроқлар билан у амалга оширадиган ишлар оладиган ҳосиллар эл-юрт орасида дoston. Шунинг учун унинг исмига «кетмон» сўзини қўшиб, Обид Кетмон дейишади. Шундай қилиб у, фақат бўй-бастда эмас, балки ишда ҳам афсонавий қаҳрамонларни эслатади. Бироқ ёзувчи китобхонни Обид Кетмоннинг бу хислатлари реал, ҳаётий эканига ишонтира олади.

Обид кетмон интеллектуал жиҳатдан ҳам заиф эмас. У саводхон. Шарқда машҳур асарларнинг аксарияти билан таниш. Уларни фақат ўзи эмас, балки қироатини жойига

қўйиб бошқаларга ҳам ўқиб беради. Шу сабабдан, элда унинг исмига мулла сўзини қўшиб Мулла Обид ҳам дейишади. Шу хилдаги меҳнаткаш, интеллектуал жиҳатдан ҳам бошқалардан ажралиб турадиган шахс, коллектив хўжалик раҳбари даражасигача кўтарилади.

Обид Кетмоннинг характер сифатида шаклланиш тарихи ҳам қизиқ. У бир оз одамови, кўпроқ ўз меҳнати билан банд, эл-юртга секин-секин аралашади. Ўз меҳнати туфайли бўлса ҳам юқори ҳосил олиши натижасида хусусий мулк орттиришга мойиллиги ҳам бор. Шу сабабдан у қишлоқнинг бир оз бадавлатроқ кишилари билан яхши муомалада ҳам бўлган. Йиғинларда у камгап. Бироқ гапга чиқса элга, деҳқончилик илмига тегишли яхши гапларни айтади, ишбилармонлигини кўрсатади. Унинг бу хислатларини ҳисобга олиб, эл уни колхозга раис қилиб сайлаб қўйишади. Бора-бора у эл-юрт севган раҳбар даражасига кўтарилади.

Ўзининг шу хислатлари билан «Обид Кетмон» ўзбек совет адабиётида коллектив деҳқон онги ва психологиясини анча тўғри ёритган илк ва йирик асар ҳисобланади. Шундай қилиб ҳажвий, фожиавий ҳолатлар тасвири орқали ўтмиш иллатларини инкор қила олган ёзувчи, халқ ҳаётидаги янгиликларни улуғлайдиган ижобий қаҳрамон образини ҳам яратаолди.

Абдулла Қодирий замонавий мавзуда асар яратишни кейин ҳам давом қилдирди. У 1936 йилда «Шубҳа» ҳикоясини, 1937 йилда «Ғирвонлик Маллабой ака» номли очеркини яратди. «Шубҳа»да ёзувчи ишчи ва деҳқон бирлиги, уларнинг бир мақсад ва бир манфаат асосида иш тутишларини исботловчи сюжет яратди. «Ғирвонлик Маллабой ака» очеркида эса, ўтмишда экинга тушган туяни, полизни тепкилайди деб, судраб чиқишга қарор қилган, паровозни баҳайбат «қора айғир», деб билиб унинг келишига аравалаб беда олиб чиққан ғирвонлик гўл деҳқонларнинг колхоз тузилгандан кейин деҳқончилик илмини эгаллагани, қўл меҳнатидан кўра техникадан фойдаланиш минг чандон афзал эканини тушунган, пахтачиликни ўстиришда янги-янги методларни жорий қилаётган қаҳрамонлар эканини кўрсатади.

Мавзу жиҳатдан Абдулла Қодирий ижодини шундай яқунласа бўлади: биз ёзувчидан халқимизнинг ўтмиш тарихидан сабоқ бўларлик ҳолларни топиб тасвирлашини истаймиз. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан бу вазифани муваффақиятли ба-

жарган адиблардан. Биз ёзувчидан ҳаётимизга тўсиқ бўладиган иллатларни аёвсиз фош қилишни кутамиз. Абдулла Қодирий ўз ҳажвий ҳикоялари билан бу вазифани ҳам ўрнига қўйган адиб. Биз ҳар бир ёзувчи ижодида яхши хусусиятлари билан ўрнак бўларли замондошларимиз образлари ёритилишини хоҳлаймиз. Абдулла Қодирий «Обид кетмон» қиссаси, ҳикоя ва очерклари билан бу хоҳишимизни ҳам биринчилар қаторида ўринлатган санъаткорлардан.

Абдулла Қодирий ижоди бадиийлик жиҳатдан алоҳида эътиборни жалб қилади. У ўз идеалларини юксак бадиий шаклда ифода қила олган ёзувчи. Адиб назар-писанд қилмаган бадиий шаклнинг бирор нуқтасини топиш қийин. Унинг асарларида эҳтирос қудратли, психологик таҳлил чуқур. Ҳар боб ва ҳар эпизод асардаги умум драматизмнинг руҳи билан ёритилади. Манзаралар ёзувчи айтмоқчи бўлган маъно атрофида мунчоқ сингари тизилади. Китобхон унинг бирор бўлак ёки бўлакчасини назардан тушириб қолдира олмайди. Шу йўл билан у китобхонни доим банд қилади, уни фақат воқеаларга эмас, балки ўтказмоқчи бўлган ғояларига ҳам тенг шерик қила олади. Унинг китобхони доим актив, у ёзувчи билан бир қаторда туриб воқеалар устидан жиддий ҳукм чиқаради. У китобхонни «ниқтамайди». Асар заминидagi ғояларни китобхон ғайри шуурий равишда қалбдан ҳис этади. У асарни ўқигандан кейин, узоқ вақтгача ҳаяжонли таассурот билан яшайди, яъни асар ғоялари китобхоннинг ҳиссиёт оламида мўътабар жойни эгаллаб олади. Ёзувчининг баъзи асарларидаги воқеалар суръатини, уларнинг тез-тез, кескин равишда ва қутилмаган пайтларда алмашиб туришларини, тошлардан-тошларга урилиб, шиддат билан баланд тоғлардан пастга шошаётган ирмоқларга ўхшатиш мумкин. Ирмоқлар сойларга тушиб катта дарёга айланади, жўшқин сойлардан ташкил топган бу азим дарё ўзининг дастлабки ирмоқлик пайтларига сира ҳам ўхшамайди; таги — қудратли оқим, сатҳи — сокин. Баъзан, Абдулла Қодирий асарларини таҳлил қилмоқчи бўлган танқидчи ва адабиётшуносларимиз унинг асарларидаги, юқорида айтганимиздек, ирмоқларни эслатадиган шиддатли оқимни кўрадилар, улардан пайдо бўлган азим дарёнинг сокинлигини ҳам англайдилар, аммо сиртдан қараганда кўзга ташланавермайдиган тагидаги оқимнинг қудратини, шиддатини етарли даражада пайқамайдилар.

Абдулла Қодирий асарларидаги сеҳрли жозибанинг омилларидан бири унинг тилидир. Аввало шуни қайд этиш керакки, ҳали матбуот тилида қатъий тартиб бўлмай, турли-туман тил услублари ҳукм сурган бир пайтда, катта санъаткорга хос шуур ва ҳис билан Абдулла Қодирий бугунги адабий тилимизда илк бор йирик полотно — реалистик роман яратди. Адиб тили, ўзбек совет адабиёти-нинг яна бир қанча устоз намоёндалари асарларининг тили билан биргаликда, халқ жонли тили ва матбуот тили за-минида бунёдга келган бугунги бой, маданий тилимизнинг асосий фондиди ташкил этади. Адибнинг маҳорати шунда-ки, асарларини ўқийганимизда адиб қўллаган сўз ва иборалардан бирортасини назардан соқит қила олмаймиз. Ҳар бир товуш белгисининг, ҳар бир сўзнинг ёзувчи санъатини белгилайдиган муҳим ва зарур юки бўлади. Шу туфайли санъаткор яратаётган ҳар бир деталь, ҳар бир эпизод, ҳар бир воқеа ва қаҳрамон ҳолати, буюк рассомлар асарлари-дек кўз олдимизда намоён бўлади. Адиб сўзларни ниҳоятда аниқ танлайди, бу сўزلардан ниҳоятда аниқ жумлалар тузади ва бу аниқ жумлалар қаҳрамонлар ҳолатига тегиш-ли аниқ мақсадларда ишлатилади. Шу кунларда учрайди-ган чийралган, буралган, сунъий тарзда мураккаблашти-рилган, аниқ мақсадга бўйсундирилмаган сўз ва иборалар қўллайдиган қаламкашлар Абдулла Қодирийдан ўрناк олсалар чакки бўлмас эди. Баъзан Абдулла Қодирий хар-актерларни яратишда ва уларни талқин этишда сўздан шу даражада моҳирона фойдаланадики, бундай пайтларда унга «Ўтган кунлар»дагидек шиддатли суръатда кескин ривожланадиган воқеаларнинг ҳам, қалбимизни ларзага соладиган инсоний тақдирларнинг ҳам зарурияти бўлмай қолади. «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тош-пўлат тажанг нима дейди?» ҳикояларида адиб персонаж-ларга шундай сўзларни ва шундай ибораларни топиб бера-дики, улар адо этган вазифани, балки кескин воқеа алма-шувлари ҳам, ҳатто қалбни титратадиган тақдирлар ҳам адо этолмаган бўларди.

Абдулла Қодирий асарларининг бадий баркамоллиги ўз навбати билан унинг халқ, меҳнаткаш инсон тақди-рини ўйлаб юритадиган фикрларининг таъсир кучини оширади. Бошқача қилиб айтганда, унинг асарларида ба-дийлик билан ғоявийлик шу даражада омуктаки, уларни бир-бирларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас.



Абдулла Қодирийнинг ижодий иш йўллари ҳам ўзига хос бўлган. У адабиётга нисбатан холис хизмат қилди. Йил фаслларининг бир қисмида ижод қилиб, бошқа бир қисмида, хусусан, ёз кунлари жисмоний иш билан банд бўлди — деҳқончилик қилди, асалари боқди, кўчат кўпайтирди, ҳунармандчилик қилди... ўзининг меҳнатга муносабати билан Абдулла Қодирий ўзи яратган Обид кетмонни эслатади. Ўрни келганда айтиш керакки, «Обид кетмон»даги Хирмонтепа тупроғини олиб, ер очиши, унинг ўрнига шийпон қуриши — умуман, Обид Кетмончасига жисмоний меҳнат қилиши ёзувчининг ўз ҳаётидан кўчирилган фактлардир. Жисмоний меҳнат, оддий халқ билан муносабат унинг адабий тафаккурини тиниқтирган, бадиий баркамол асарлар яратилишига асос бўлган бўлиши керак.

Абдулла Қодирий ижод масъулиятини чуқур англаган ёзувчи. У асар ёзишга ўтиришдан олдин ҳаётни синчковлик билан ўрганган. Яратмоқчи бўлган типларни ҳаётнинг ўзидан топиб, баъзан улар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилган. Тасвир қилинадиган жойларни, қишлоқ ва шаҳарларни бориб, ўз кўзи билан кўришга уринган. «Ўтган кунлар» сюжети устида ўйлаганда у бир неча бор Марғилонга бориб келгани маълум. Эҳтимол у ўша боришларда Отабек юрган кўчаларни, у кириши мумкин бўлган эшик ва ҳовлиларни кўриб, тасаввурни бойитгандир. «Обид кетмон» сюжети устида ўйлаганда Абдулла Қодирий тупроқ босиб, сув кечиб, қишлоқма-қишлоқ, колхозма-колхоз юрган, тасвирламоқчи бўлган қишлоқ манзараларини ўз кўзи билан кўрган. Оддий меҳнаткашлар билан яқиндан танишиб, уларнинг баъзилари билан дўст тутинган.

Абдулла Қодирий табиатан оғир, вазмин, ҳар бир ишга чуқур мулоҳаза билан қарайдиган одам бўлган. Унинг бу хусусиятларига ўз санъатига ишонч билан қарashi ҳам қўшилган. Шунинг учун ижодий тортишув ва фикр олишувларда дўстлари билан ўзига хос улуғворлик, олижаноблик билан муомалада бўлган. Бу ўринда шундай бир фактни эслаш маъқул бўлар эди: Абдулла Қодирий ҳаётлик пайтидаёқ унинг ижодига нисбатан анчагина эъдиётли фикрлар айтилган. Хусусан, бу ишда мунаққид Сотти Ҳусайннинг цикл, кейинчалик китоб шаклида эълон қилинган мақолалари характерлидир. Абдулла Қодирий Сотти Ҳусайннинг бу мақолаларига жавоб ҳам ёзган. Унинг жавоби фақат босиқлиги, вазминлиги билангина

эмас, балки мунаққид ишига алоҳида ғамхўрлиги, танқидчи касбига хайрихоҳлиги билан характерлидир. Сотти Хусайннинг баъзи камчиликларини унинг «ёшлигига, тажрибасизлигига ҳавола» қилади. Танқидга жавоб бера туриб, «ғариброқ туйилган бир неча нуқталар устида изоҳлар бериш»ни лозим кўради ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан мунақид нотўғри қилган фактларни шарҳлаб ўтади, холос. Ўз санъатига ишонган ёзувчигина масалага шундай ёндашиши мумкин. Тасаввуримизда Абдулла Қодирий ўз асарлари ҳақида кейинги бўлган баъзи бир зиддиятли фикрларга ҳам ўша улуғворлик, олижаноблик, ўз санъатига ишонч билан қараб тургандек кўринади.

Абдулла Қодирий ниҳоятда эҳтиросли адиб бўлган. Унинг ҳамма асарларида ҳам — ҳажвийми, фожиавийми, улуғворликми — ҳаммасида қандайдир сеҳрли ҳис, шекспирона эҳтирос сезилиб туради. Бу эҳтирос доим ҳаётдан танлаб олинган реалистик воқеалар асосида қурилади. Ёзувчи асарларида китобхон ҳис-туйғуларини тирнаш, уйғотиш учун атайин ҳаракат қилмайди, балки бунини ўзининг санъаткорлик эҳтироси билан намоён қилади. Шунинг учун бўлса керак, Абдулла Қодирийга кино ходимларидан бири, «Ўтган кунлар»ни кинога олмоқчимиз, деганда, «ундай бўлса, Отабек ролини ўзим ўйнасам», деган экан ва у Кумуш ўлимини тасвирлаш чоғида юм-юм йиғлаган экан.

Ғоявийликда ҳам, бадийликда ҳам Абдулла Қодирий эришган ютуқларнинг асосий манбаи ғалаба қозонган янги ҳаёт, янги тузумдир. Совет адабиётида шундай ёзувчилар борки, улар революция билан бирга туғилган, бирга ўсган, улғайган. Ўзбек совет адабиётида шундай санъаткор ёзувчилардан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир. Санъаткорлар борки, улар революциядан чексиз илҳомланган — унинг ҳавосидан нафас олган, сувини ичган, нуруни эмган. Бизнинг адабиётимизда шундай санъаткорлардан бири Абдулла Қодирийдир.

Абдулла Қодирий фақат бадий асарлари билан эмас, балки ўзининг шахсий фазилатлари, ҳаёт ва ижодга муносабатлари, одабийлиги билан ёшларга ўрناк бўлган ёзувчидир. Бугина эмас, ўз асарларида олға сурган гуманистик ғоялар, инқилобий интилишлар билан китобхон руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилган санъаткордир. Унинг яратган маҳорат мактаби эса кўпгина қалам аҳлларига қимматли сабоқ бўлди ва бўлмоқда.



Абдулла Қодирий биринчи роман битган пайтларида, Урта Осиё адабиётида проза жанрининг, хусусан, романчиликнинг энди туғилаётган пайти эди. Шу сабабдан бўлса керак туркий ва тожик тилида ижод бошлаётган кўпгина ёзувчилар Абдулла Қодирийни устоз, деб биладилар.

Буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов Абдулла Қодирийни «Шарқнинг энг кўзга кўринган ёзувчиси»<sup>1</sup>,— деди. У, Абдулла Қодирийнинг журъати ва маҳоратига қойил қолиб шундай деб ёзди: «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) романлари гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай, дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан киши»<sup>2</sup>.

Бу, бир буюк шарқ адибининг ўзидан аввал проза жанрига биринчи қадам босган иккинчи бир буюк истеъдод эгаси бўлган адиб ҳақидаги фикридир.

Туркман халқининг классик адиби, етук романнавис Берди Кербобоев ҳам Абдулла Қодирийга юксак баҳо берган. У шундай деб ёзади:

«...Манинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар»ини, «Қозоқ қизи»ни, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлари»ни, «Меҳробдан чаён»ини ўқиб, шулардан ибрат олмасам «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлардим»<sup>3</sup>.

Ўзбек романчилигини янги босқичга олиб чиққан машҳур ўзбек ёзувчиси Ойбек, Абдулла Қодирий ижоди билан ёшлигиданоқ қизиқиб, бу улкан адибнинг ижодий лабораторияси ҳақида биринчи тадқиқот олиб борганлардан бири. Кейинги вақтларгача у Абдулла Қодирийни ниҳоятда ҳурмат қилар, унинг ижодидаги реалистик манзараларнинг бўёқдор халқ тилида акс эттирганига тасаннолар ўқир эди. У ёзган эди:

«Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги унинг асарлари-

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1966 йил, 12 ноябрь.

<sup>2</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974 йил, 3-сон, 15-бет.

<sup>3</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974 йил, 3-сон, 19-бет.

дан яққол сезилиб туради. Абдулла Қодирий романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У... туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди»<sup>1</sup>.

Машҳур ижодкорларнинг шу хилдаги фикрларини тутиб олиб, Урта Осиёда машҳур ёзувчиларнинг барчасини Абдулла Қодирий ижодига олиб бориб боғлай бериш, албатта, ўринсиз бўлар эди. Абдулла Қодирийни устоз деб тан олган ҳар бир ёзувчининг ўзлари кўпларга устоз. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос акс эттирадиган ҳаёт материали, услуб кўринишлари бор. Ойбек ва Мухтор Аvezовнинг «Навой», «Абай» романлари на услуб жиҳатдан, на ҳаёт материали жиҳатдан Абдулла Қодирий яратган романларга ўхшамайди. Берди Кербобоевнинг «Дадил қадам»и ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. «Абай» даги қозоқ халқи ҳаёти, унинг урф-одатлари, ҳаёт кечирishi йўсинлари ҳақидаги деталлаштирилган тасвирлар, Берди Кербобоевнинг «Дадил қадами»даги миллий ва синфий уйғонишга, туркман халқи психологиясига тегишли кенг кўламда тасвирланган манзаралар Абдулла Қодирий романларидаги тасвирларга ўхшамайди. Шунга қарамасдан бу Урта Осиё халқларининг буюк романнавислари Абдулла Қодирийни туркий халқларнинг адабиётига таъсир ўтказган биринчи романнавис сифатида ҳурмат қиладилар. Бунинг сабаблари нимада экан? Бунинг сабаблари бизнинг назаримизда шундаки, бирор йўлсиз жойдан янги йўл солинган бўлса, бошқалар ҳам узлуксиз шу йўлдан юравериши шарт эмас. Унинг янги йўл солиш журъатидан фойдаланиб, ўзича янги йўл очиши ҳам мумкин. Бадиий ижодда аксарият пайтларда худди шундай бўлади. Ойбек, М. Аvezов ва Берди Кербобоевларнинг адабий ижоддаги йўллари мустақил ва ўзига хос, янгидан очилган йўллардир. Бошқача қилиб айтганда, адабиёт ва санъатда ижодий таъсир доим ҳам бевосита рўй беравермайди. Ойбек Алишер Навоий образини яратар экан, Хусайн Бойқаро саройидаги турли зиддиятларни, саройда рўй бериши мумкин бўлган тахт талашув, фишқ-фасодларни тасвирлар экан, унга «Ўтган кунлар»даги шу тақлид зиддиятлар ўрганса арзигулик намуна бўлмадикин? У «Навой» романида Арслонқул билан Дилдор, «Қутлуғ қон»да Йўлчи билан Гулнор ораларидаги муҳаббат тасвирларини ро-

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974 йил, 3-сон, 11-бет.

мантик бўёқларда ва фожиавий ҳолатларда яратар экан, бу ерда ҳам Абдулла Қодирий романларидаги Отабек билан Кумуш, Анвар билан Раъно ораларидаги романтик бўёқ, фожиавий ҳолатлар арэигулик намуна бўлмаганмикин? Тўғри, биринчи йўлга нисбатан кейинги тушган йўллар анча мукамал ва баркамол бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, тарихий ва замонавий темада Ойбек яратган роман ва қиссалар ҳаётнинг типик ва реалистик тенденцияларини илғаб олиш, уларни янги дунёқараш ва метод асосида умумлаштириш жиҳатдан анча мукамалдир. Бироқ мукамал ва баркамолликда кейинги яратилган йўлларнинг аҳамияти қай даражада муҳим бўлса, унча кўркем бўлмагандек кўринган аввалги биринчи йўлларнинг аҳамияти ҳеч ҳам кам бўлмайди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ни эълон қилган пайтларда Урта Осиё халқлари ҳали битта Туркистон республикаси номи билан бирлашган эди. Шу сабабдан Абдулла Қодирий қай даражада ўзбек ёзувчиси бўлса, шу даражада туркман ёзувчиси ҳам, қирғиз ёзувчиси ҳам, қозоқ ёзувчиси ҳам, ҳатто тили бошқа бўлган тожик ёзувчиси ҳам ҳисобланаверилар эди. Ишонч билан айтиш керакки, унинг биринчи романини ўша даврларда Урта Осиёнинг барча халқлари — ўзбек ҳам, туркман ҳам, қозоқ ҳам, қирғиз ҳам, тожик ҳам баробарига севиб ўқишган. Шу сабабдан бўлса керак, машҳур тожик ёзувчиси Жалол Икромий ёзади:

«Мен Абдулла Қодирий асарларини гарчи ўттизинчи йилларда ўқиган бўлсам ҳам, улардаги қаҳрамонларни ҳозирга қадар унута олмайман. Абдулла Қодирий ўзининг ғоят сиқик, аммо чуқур лирика билан йўғрилган жумлалари билан мени мафтун этарди... Унинг асарларидаги ҳар бир деталь ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиғ жиҳоланади»<sup>1</sup>.

Шундай экан, бу машҳур тожик романнависи ўзининг тарихий романларида ўзига хос йўллар билан борган бўлса ҳам, Абдулла Қодирий амалга оширган биринчи тажрибадан илҳомланмадимикин?

Абдулла Қодирий романларидаги образлар системасига бир назар ташласангиз, шундай бир манзарани кўриш мумкин: «Ўтган кунлар»да унинг Отабеги қай даражада жозибали, мардонавор бўлса, ундаги иккинчи образ Ку-

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти», журнали, 1974 йил, 3-сон, 14-бет.

муш ҳам шу даражада жозибали ва мардонавор. «Меҳробдан чаён»да Анвар қай даражада зийрак, ақлли ва фаҳмдор бўлса, Раъно ҳам шу даражада оқила, зийрак, гўзалдир. Ҳатто айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий Отабекка ва Анварларга нисбатан Кумуш ва Раъноларни кўпроқ улуғлайди, эъвозлайди. Уларга алоҳида бир меҳр билан қарайди, китобхонга ўтказмоқчи бўлган таъсирини кўпроқ ўша Кумуш ва Раънолар образи орқали ўтказиш учун ҳаракат қилади. Шу сабабдан бўлса керак, ўзбек халқи орасида Кумуш ва Раъно исмлари энг эъвозли исмлардан ҳисобланади. Абдулла Қодирий романларида аёл образларига шу даражада эътибор қилинишининг сабаблари ҳам бор: ўтмишда феодал истибдодининг зулми, жабрини эрлардан кўра аёллар кўпроқ тортган. Шу сабабдан Абдулла Қодирий кўпроқ эзилган, жабр-зулм тортган, кўпроқ таҳқирланган жамиятнинг шу иккинчи ярмини улуғлади. Шу йўл билан уларнинг инсоний ҳақ-қуқуқларини тиклашга ўз ҳиссасини қўшди.

Бу масала нуқтаи назаридан бугунги ўзбек адабиётига бир назар ташланг. Бугун бирор ўзбек ёзувчисини топиш қийинки, унинг асарлари марказида бирор жозибали аёл образи турмасин. Ойбек романларидаги Гулнор («Қутлуғ қон»), Дилдор («Навой») образлари, Улуғ Ватан уруши йилларида йигитларнинг ўрнини босиб иш кўрсатган қизлари («Қизлар» поэмаси), унинг Комиласи («Олтин водийдан шабадалар») ва ҳоказолар ўзбек китобхонларининг энг севикли образларидан бўлиб қолди. Ҳатто шундай бўлдики, баъзи бир асарларимизда бош қаҳрамон аёллардан бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасида унинг бош қаҳрамони Саида бутун бир районни ларзага солиб турган ўзбошимчаликка ўрганиб қолган Қаландаровга қарши тура олади. Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романида Ойқиз ҳаётдан орқада қолган баъзи бир унсурларга қарши туриб, илғор ғояларни амалга ошира олади. Иброҳим Раҳимнинг «Ҳилола» қиссасидаги Ҳилола бутун бир колхоз экономикасини игнасида ипигача яхши билади ва қонунбузарларга қарши тура олади. Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романида унинг бош қаҳрамони Онахон республикамизда Совет тузумининг барпо бўлишида актив иштирок этиб, бу ишда жонбозлик кўрсатади. Уйғуннинг «Хуррият» пьесасида «ожиза» Хуррият эр киши эплай олмаган катта хўжаликни бошқара олади.. Бу хилдаги мисолларни яна келтиравериш мумкин. Йирик-

йирик полотноларда аёллар образига шу хилда ўрин беришда, уларни эъзозлашда, уларнинг ҳаётдаги ҳақиқий ролини кўрсатишда Абдулла Қодирий анъаналарининг роли йўқмикин?

Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётида сатира жанрининг бошида турган адиблардан бири. Унинг ҳажвий асарлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Ўзбек сатирасининг кейинги тараққиёти эса Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорлар номи билан боғлиқ. Воқеа ва характерларнинг ифода қилиниш йўллари билан Абдулла Қаҳҳорнинг сатирик ҳикоялари Абдулла Қодирийнинг ҳажвий ҳикояларига сира ҳам ўхшамагандек кўринади. Абдулла Қаҳҳор Қодирийга санъаткор сифатида юқори баҳо берган. Уни «Европа адабиётигази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир»<sup>1</sup>,— деган. Бироқ бирор жойда уни устозим, деб атаган эмас. Устоз бўлиш учун устоз деб аталиш шарт эмасга ўхшайди. Абдулла Қодирийнинг ҳажвий меросига бир назар ташланса кўриш мумкинки, уни баъзи бир ҳажвиячиларда кўрингандек на латифанамо воқеалар, на бирор фавқулодда рўй берадиган кулгили ҳодисалар қизиқтиради. У мантиқан ниҳоятда асосланган, хатти-ҳаракатларда ўз мантиқидан бир қадам ҳам чекинмайдиган баъзан разил, баъзан ниҳоятда кулгили типлар яратган. Бу хилдаги характерларни у кўпроқ шахс қилиқлари ва бу қилиқларнинг ўзига хос тил воситаларидаги кўринишларда моҳирона бера олган. Абдулла Қаҳҳор «Нотиқ», «Санъаткор» сингари ҳажвий ҳикояларини яратар экан уларда ҳажвий типларнинг қилиқларини, кўпроқ уларнинг ўзига хос нутқ кўринишларида беради ва шу йўл билан ўзига хос такрорсиз характерлар ярата олади. Бу характерларни яратишда Ҳамза билан бир қаторда Абдулла Қодирий ҳажвий тафаккурининг роли йўқ, деб бўлармикин?

Туркий тилда ижод қилувчи баъзи бир ёзувчиларда Абдулла Қодирий ижодининг бевосита таъсирини сезиш ҳам мумкин. Машҳур туркман ёзувчиси Хидир Дерев ёзади:

«Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағиш-

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1971 йил, 6- том, 413- бет.

лаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи туғилди. Катта ниёт билан «Қисмат» романи устида иш бошладим»<sup>1</sup>.

Хидир Деряев фикрини давом қилдириб, Тошкентда КомВУЭда ўқиган пайтларда «Ўтган кунлар»ни қайта-қайта ўқигани ва ёзувчининг санъатига таҳсинлар ўқигани ҳақида гапиради. Абдулла Қодирий билан Хидир Деряев ораларидаги таъсир ва ўзига хослик ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқот ҳам қилинди. Тадқиқот натижасида воқеаларни сирли баён қилиш, уларни бир-бирларига занжирбанд қилиб, мустаҳкам боғлай олиш, керак жойларда кескин бурилишларда бера билиш жиҳатидан Хидир Деряев Абдулла Қодирий романларидан таъсирлангани маълум бўлади. Бироқ яна шу нарса ҳам аниқки, ҳаёт воқелигини бериш жиҳатдан, Хидир Деряев «Ўтган кунлар»ни ҳеч ҳам такрор қилмайди.

Гарчи бунинг аҳамияти катта бўлса ҳам, гап воқеаларни тасвир қилиш методида, ёзувчи дунёқарашининг янги нуқтага кўтарилишида ҳам. Хидир Деряев тасвирланаётган ҳаётга мос равишда XIX аср охирлари, XX аср бошларидаги рўй бераётган синфий уйғонишга боғлиқ зиддият доирани ва кўламни кенгайтиради, романдаги асосий конфликт синфий асосда кўчирилади. Шундай қилиб, «Ўтган кунлар»дан «таъсирландим», «илҳомландим», деган ёзувчи ҳам устозини такрор қилмайди, балки бадиий ижоднинг янги-янги саҳифаларини очади ва оригинал асар яратади.

Бугунги ўзбек прозасида Хидир Деряев сингари Абдулла Қодирий услубини яқиндан сезган ва баъзи ўринларда унинг воқеаларни акс эттириш методларидан фойдаланган ёзувчилардан бири Шухратдир. У ўзининг «Олтин зангламас» ва «Жаннат қидирганлар» романида «Ўтган кунлар»дагидек асар сюжетига қамраб олинган воқеаларни сирли баён қилиш ва бу сирли воқеалар орқали характерларнинг психологик ҳолатларини чуқурроқ очиб бериш учун ҳаракат қилади ва айтиш керакки, ёзувчи шу йўл билан анча муваффақиятларга эришади.

Кўряписизки, гап бу ерда Абдулла Қодирийнинг ижодига хос муҳим бир хусусият — унинг характерлар яратиш маҳорати ҳақида кетаётир. Характерлар яратишда эса унинг энг яхши кўрган методларидан бири, воқеалар-

---

<sup>1</sup> «Эдебиёт ва сунғат» газетаси, 1962 йил, 21-ноябрь.



ни бир-бирларига занжирбанд қилиб, пухта боғлаб беришдан иборат эди. Шу йўл билан у характерлар психологияси баёнини қуюқлаштирар, китобхонни доим бир хил қизиқишда тутиб тура олар эди. Яқинда романнависларимиздан Одил Ёқубов «Улуғбек ҳазинаси» номли романини эълон қилди. Бу романда «Утган кунлар»дагидек муҳаббат йўлида бошдан кечирилиши мумкин бўлган фавқулодда саргузаштлар йўқ. Унда акс эттирилган воқеалар темиррийлар авлоди ораларида ўзаро курашлар, зиддиятларнинг кучайган бир даврида, адолатни тўла амалга ошира олмаса ҳам уни ўзига шиор қилиб олган шоҳнинг фожиасига тегишли воқеалардир. Бундай воқеаларни биз бошқа асарларда ҳам бир неча бор кўрганмиз, эшитганмиз. Бироқ Одил Ёқубов романини ўқиб, уларни биз биринчи бор кўраётгандек қизиқиш билан кузатамиз. Ёзувчининг романдаги ютуғи шу бўлдики, у Улуғбек фожиасига тегишли воқеаларни бир нуқтага йиғди, уларнинг барчасини фожиавий характер психологияси билан боғлади, нимаки бу психологик марказ билан боғланмайдиган бўлса, ёзувчининг эътиборидан четда қолди. Шу йўл билан Одил Ёқубов психологик баённи қуюқлаштирди ва китобхонни зўр қизиқиш билан асар охиригача бир хил ҳолатда тутиб туришга эриша олди. Воқеаларни шу тарзда баён қилишда Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир методларининг ҳиссасини сезмаслик мумкин эмас.

Ёки Абдулла Қодирийнинг характерлар яратиш маҳоратининг бошқа бир томонини олиб кўрайлик: у характер ва типлар яратар экан, уларнинг ниҳоятда ишонарли бўлиши учун қайғуради. Бунинг учун у характерларга мантиқ бағишлайди. Бу иш учун у вақт ҳам аямайди, ўрин ҳам. У яратган аксарият характерлар ёзувчи таърифлаб берган мантиқ асосида ҳаракат қиладилар, воқеа яратадилар ёхуд воқеаларда иштирок қиладилар. Шу билан воқеалар оқимига ўз таъсирларини ўтказадилар. «Утган кунлар» романининг сюжети ривожига бир назар ташланг: тасвирланаётган воқеа ечимга келяпти. Китобхон воқеаларнинг нима билан тамом бўлишини орзиқишлар билан кутяпти. Китобхон сезадикки, ечимда Отабекнинг кичик хотини Зайнаб катта роль ўйнаши керак. У эса ёзувчи мўлжаллаган ишни бажаришга мантиқан тайёр эмас. Мўлжалдаги ишни бажариш учун, унга мантиқ бағишлаш керак, акс ҳолда китобхон унинг ишига ишонмайди. Абдулла Қодирий шиддат билан ривожланиб бораётган сюжет оқи-

мини «тўхтатиб» қўяди ва мўлжалдаги ишни бажариш — Кумушга заҳар бериш учун Зайнабга куч бағишлайдиган, таъсир ўтказадиган бошқа бир образ, унинг опаси Хушрўйбиби таърифи ва тавсифига тўхтади, уни ўз «бахти», ўз манфаати учун, кибр-димоғ учун эрини доим қўлига қўндириб юрадиган хотин сифатида кўрсатади. Хушрўйбиби ўзидаги бу хусусиятларнинг синглизиди йўқлигини минг марталаб гапирган, уни ҳам шундай бўлишга, «бахт учун курашга чақирган», бу йўлда ҳеч бир тадбирдан қайтмаслик керагини уқтирган. Ниҳоят, кундошлик саросимасига тушиб қолган Зайнаб бу хилдаги ишларни Хушрўйбибича ўрнига қўя олмаса ҳам, опаси айтган йўлга киришга мажбур бўлади. Кундоши Кумушга заҳар беради. Хушрўйбиби воситасида яратилган мантиқ туфайли биз Зайнаб амалга оширган «тадбир»га ишонамиз. Ёки «Обид Кетмон»даги мулла Обид раис бўладиган қишлоқдаги учта бой, икки домла-имом характерларини бир эсланг: мулла Обиднинг ўзига яраша мантиқи бор. У меҳнаткаш авангарди сифатида қишлоқдаги бойлар, домлалар билан тўқнашиши керак. Қишлоқнинг «учта устуни» бўлмиш учта бой, иккита масжидининг имомлари бўлмиш Муҳсин домла билан Хатиб домлаларнинг ҳар бирининг ўзига хос характер хусусиятлари бор. Масалан, Муҳсин домла содда, ҳатто бир оз гўл, инсофлироқ, Хатиб домла эса ниҳоятда пихини ёрган тулки, алдамчи, аёвсиз юлғич, ноинсоф, ўз манфаати йўлида ҳеч ншдан қайтмайдиган бир шахс. Бу икки домладаги хусусиятлар шунчаки ёзувчи таъриф ва тавсифи орқали айтиб ўтилавермайди, балки бу хусусиятлар ниҳоятда характерли эпизод ва деталларда кўрсатилади. Бунга ёзувчи тасвирланаётган воқеани «тўхтатиб» астойдил киришади ва бир неча боблар ажратади. Характерли эпизод ва деталлар орқали уларга кучли мантиқ ато этгандан кейингина уларни Обид кетмонга рўпара қилади. Обид Кетмон характери умуман, бойларга қарши, умум домлаларга қарши зиддиятда эмас, балки ўзига хос бойларча, ўзига хос домлаларча характер хусусиятларга эга бўлган шахслар билан тўқнашувда очила боради.

Яратилаётган образларга мантиқ бериш талаби нуқтаи назаридан Абдулла Қодирий шогирдлари ижодига бир назар ташланг: «Қутлуғ қон» романида Ойбек Йўлчи билан Мирзакаримбойни учраштирар экан, характерли деталь ва эпизодларда бу икки шахснинг ҳар бирига хос мустаҳкам мантиқ бағишлайди. Бири — Йўлчи, содда меҳ-

наткаш, ишонувчан, умидвор бир йигит, иккинчиси — Мир-закаримбой айёр, дуч келган иш ёки шахсга пул нуқтаи назаридан қарайдиган бой. Бир-бирларига зид хусусиятларга эга бўлган типларни биз бутун роман давомида тўқнашувда кўрамиз. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги Муродхўжа домла образи. Асар бошларида биз Муродхўжа домланинг нақадар разил, мол-дунёга ўч, бу ишда ўзига энг яқин зот қизининг ҳам бахтини сотиб юборадиган бир шахс сифатида кўрамиз. Ёзувчи унга шу хилда мантиқ бағишлайди. Шу мантиқи билан Муродхўжа домла Саидийнинг фожиасига сабаб бўлганлардан бири сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Тўғри, Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам характерларга мантиқ бағишлайман, деб асар воқелигини тўхтатиб қўйиб, фақат шунинг ўзи билан банд бўлмайдилар. Абдулла Қодирий эса бу ишни қилади ва унинг уддасидан чиқади ҳам — китобхонни зериктирмасдан доим бир хил қизиқишда тутиб тура олади. Табиий равишда савол туғилади: Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодларига хос бўлган кучли мантиқ яратиш, яратилган мантиқ асосида характерларни тўқнашувларда кўрсата билишда Абдулла Қодирий ижодига хос мантиқ яратиш маҳорат мактабининг ҳиссаси йўқмикин?

Абдулла Қодирийни халқ маиший ҳаётини яхши билладиган санъаткор дейишади. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг маиший ҳаётига, психологиясига тегишли кўз илғамас майда урф-одатлар, икир-чикирлар унинг асарларида алоҳида бўёқдор сўзлар билан акс эттирилганини кўрамиз.

Энг муҳими бу урф-одатлардаги майда-чуйдалар, психологиядаги икир-чикирлардан йирик социал маъно чиқарилади, ёхуд улар йирик социал маъно англатадиган воқеалар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. «Ўтган кунлар»даги Отабек ва Кумуш фожиалари фақат ўша даврдаги хон истибдоди, бу истибдод натижасида пайдо бўлган ўзаро қарама-қаршилик ва қирғинларгагина боғлиқ эмас, балки ўша даврларда халқ психологиясида мустаҳкам ўрин олган баъзи бир урф-одатларга, жумладан, ёшлар ҳаёти учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган «ота-она орзу-ҳавас»ларига ҳам боғлиқ. Абдулла Қодирий қаҳрамонлар фожиасини ишонарли қилиш, унинг таъсир кучини ошириш учун ўша «ота-она орзу-ҳаваси» деб аталмиш чиркин одатларни ниҳоятда, санъаткорона тасвирлаган. Шу хилдаги ҳаёт учун зарарли урф-одатларнинг, психологик ҳолатларнинг тасвирини биз унинг бошқа асарларида

ҳам кўрамизки, асарларнинг сюжет тараққиёти, конфликт кўринишларини бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Оддий урф-одатлар, майший воқеалардан ва психологик кўринишлардан йирик социал маъно чиқариш санъатини эгаллаб олган ёзувчилар ўзбек адабиётида озмунча эмас. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясда қаҳрамон фожияси бор-йўғи, боши қоронғи хотинига бир жуфт анор топиб бера олмаганига бориб тақалади. Унинг «Маҳалла» номли ҳикоясида ўзини оламдан ўтиб кетаётган ҳисоблаган одамнинг қайта тикланишига маҳалла аҳолиси орасидаги одамни, «яккалаб қўймасликдек» сингари яхши одат сабаб бўлади. Ойбекнинг «Қутлуг қон» романида қаҳрамоннинг синфий уйғонишига биринчи туртки, ойиси бериб юборган кичкина тугунчани бой тоғаси жирканиброқ олиши сабаб бўлади. Унинг «Болалик» қиссаси, «Улуг йўл» романларида йирик социал воқеалар доим кичик, баъзан кўз илғамас майший ҳаёт деталлари билан йўғрилган ҳолда берилади. Ғафур Ғулومнинг «Ўғригина болам»нда катта социал маъно ифода қиладиган катта воқеадан асорат ҳам йўқ. Бутун ҳикояни тутиб турган нарса, ўзбек аёлининг ҳамма ёшларга ҳам ўзининг боласидек муомала қилиш сингари бир ижобий одат туради. Шу одатга негизланиб яратилган ҳикоя, ўтмиш ҳаётимизнинг катта социал мағизига ишора қиладиган асарнинг туғилишига асос бўлган. Унинг «Шум бола»си-чи? Унда ҳам бутун-бутун манзаралар майший ҳаётда учраб турган ҳаётнинг майда-чуйдалари асосида берилган. Бироқ бу майда-чуйдалар асосидаги манзаралар, бой билан фақир ораларидаги тўқнашувларни кўрсатадиган ҳужжат даражасига кўтарилади. Шу хилдаги ҳаётнинг оддий майший томонларига боғлиқ воқеа ва воқеачалардан, конфликт ва конфликтчалардан йирик социал маъно чиқара билишда Абдулла Қодирий маҳорат мактабининг ҳиссаси йўқмикин?

Юқорида биз Отабек билан Кумуш фожиясида «ота-она орзу-ҳаваси» роли ҳақида гапирдик. Бу икки ажойиб ёшни фожиявий ҳолатга солиб қўйган «ота-она орзу-ҳаваси»нинг ҳаётимизда етказаётган зарарлари ҳозир ҳам оз эмас. Пиримқул Қодировнинг «Эрк» номли қиссасининг асосий конфликти мана шу майший масала, «ота-онанинг орзу ҳаваси» масаласига боғлиқ-ку! Шу хилда баъзи бир эски урф-одатларни қаттиқ танқид қилиб ёшларга эрк истаги билан ёзиладиган асарларда Абдулла Қодирий маҳоратининг ҳиссаси йўқмикин?

Бугунги ўзбек адабиёти, жумладан, ўзбек прозаси иттифоқимизда кўпмиллатли катта адабиётнинг бир қисми сифатида тараққий этапти. У мазмун кўлами жиҳатдан ҳам, жанрлар хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам, услубларнинг ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам. Абдулла Қодирий яшаб ижод этган даврга нисбатан тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада олға кетди. Адабиётимиз, жумладан, ўзбек прозаси тематик жиҳатдан кенгайди. Ойбек ижоди билан бошланган тарихий революцион тема ўзбек романчилигининг негизи бўлиб қолди. Бу темага бағишланган ўнлаб романлар китобхонларга маълум. Бу романларда Абдулла Қодирий кўзи билан кўрган революцион бурилишлар тафсилоти акс эттириляпти ва яна акс эттирилади. Абдулла Қодирий тарихий темада романлар яратди. Ундан кейин эса ўзбек прозасида тарихий — биографик романлар пайдо бўлди. Максим Горький анъанасини давом қилдирадиган автобиографик полотнолар яратилди. Кейинги 30—40 йил ичида ўзбек ёзувчилари замонамизнинг актуал масалаларини акс эттирадиган, ҳаётни қайта қураётган совет киши-си психологиясини кенг планда тасвирлайдиган йирик полотнолар яратдилар. Ёзувчиларимиз ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида олиб борган қаҳрамонона ишлари — жанг ва меҳнатини улуғлайдиган қатор роман ва қиссалар яратдилар. Ўзбек прозасида услуб жиҳатдан ҳам анчагина янгиликлар пайдо бўлди. Абдулла Қодирий романлари кўпроқ шиддат билан тараққий этадиган сюжетлар асосида яратилган бўлса, кейинги пайтларда воқеа ва характерларни бир оз босиқлик ва вазминлик, эпик кенгликда акс эттирадиган асарлар пайдо бўлди. Тўғри, бу хил эпик кенгликлар асарларимизни бир оз зерикарли қилиб қўяпти, унинг ҳажмини кенгайтириб «монументализм» касалига дучор қиляпти. Бироқ ҳаётнинг реалистик тенденцияларини чуқурроқ очиб бериш учун бу хилдаги асарлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани маълум. Кейинги пайтларда ўзбек прозаси ҳаётга яна ҳам яқинлашиб борди. Бир вақтлар ҳаётимизда рўй берган улуғ қурилишлар — Чирчиқстрой, Катта Фарғона канали қурилиши, Фарҳод ГЭС қурилиши, Олмалиқ ва Ангрэн сингари саноат қурилишлари ҳақида, уларда хизмат қилган кишиларнинг психологик ҳолатларини акс эттирадиган қатор романлар пайдо бўлди. Ҳозирги ўзбек ёзувчилари ҳар бири ўз дунёқараши, ўз услуби билан ўзига хос бир дунё. Уларнинг ҳар бири адабиёт чўққиларига ўз йўли билан кўтарилган ва

кўтариляпти. Улар очаётган йўллар ҳам кўркам, ҳам баркамол. Бироқ улар прозамиздаги адабиёт чўққисига биринчи қўйилган сўқмоқни унутмайдилар, ўрни келганда бу сўқмоқни фаҳр билан тилга оладилар. Бугина эмас, ёзувчиларимиз шуни яхши билишадики, Абдулла Қодирий бамисоли Обид Кетмон эди. У Мулла Обид сингари «мисбаркаш»дек келадиган кетмонини қулочкашлаб адабиёт тепалигига урди, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада уни тез кўчирди, ўрнини сероб қилиб, ундан юқори ҳосил олди. Бу ҳосилдан биз ҳанузгача баҳрамандмиз, бундан кейин ҳам баҳраманд бўлаверамиз.

## МЕРОС ВА МАҲОРАТ

Маълумки, 1975 йили Ойбекнинг етмиш йиллик юбилейи нишонланди. Бу сана улкан адибимизнинг юбилейигина бўлмасдан, бутун адабиётимизнинг, бутун ўзбек халқининг балки бутуниттифоқ китобхонларининг яқин ўтмиш адабий меросимизга муносабатлар кўриги бўлди. Шу муносабат билан Ойбек ижоди китобхонлар, адабий жамоатчилик, адабиётшунос олим ва танқидчилар томонидан яна бир марта хотирланди ва адабиёт илми учун Ойбекнинг янги-янги қирралари очилди. Биз ҳам шу муносабат билан баъзи бир ўйларимизни ўртага ташламоқчимиз.

### ДЕНГИЗ КЕМАСИ

Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳақида ўйлаганимда об-ҳаво шароитининг беқарор бир пайтида сафарга чиқиб, кўп қийинчиликларни енгиб, муваффақият билан манзилига етиб келган катта денгиз кемаси кўз олдимга келади.

Бу кема денгиз устини қора булут қоплаб, миллион-миллион кўнгилларга зулмат соясини солиб турган бир пайтда сув юзига қалқиб чиқди. Бу пайтларда асрлар оша бурканиб турган қора булутни кўчиришга жазм қилган шиддатли «бўрон қуши»нинг биринчи шарпалари эшитила бошлаган эди.

Кема узоқ сафарга йўл олди. Ҳужумкор бўрон шиддатга минди. У қора булутларни парчалаш учун гўё гоҳ тўлқинларга тўшини бериб, ўзини пастга урар; гоҳ паға-паға булут уюмларини қаноти билан кесиб, уларни парчаламоқчи бўлар, ўз шиддати билан денгиз кемасининг катта сафарга босган биринчи қадамларини қутлагандек эди.

Қудратли бўрон борган сари шиддатланар, ўзининг ҳужумкорлигини оширар эди. Унинг шиддатига бардош бера олмай, мангуликка жипслашган қора булутлар парчалана бошлади. Қора булут бўлакчаларини ҳар томонга итариб-суриб аста-секин Октябрь қуёши балқиди. Қуёш нурлари булут парчаларини кесиб ўтиб, денгиз кемасига тушиди. Ёруғ нурга кўмилган кема ўз йўлини аниқроқ белгилаб олди ва юришини яна ҳам шиддатлаштирди. Бора-бора у денгиз устида жўш ураётган бўроннинг бир қисмига айланди. У ҳам гоҳ қора булут тўлғогидан пайдо бўлган денгиз тўлқинларини ёриб ўтар, гоҳ бетоқатланиб қолган булут парчаларини денгиз сатҳидан ҳайдар эди.

Октябрь қуёши яна ҳам юқори кўтарилди. Узоқ сафар йўли яна ҳам ойдинлашди. Денгиз кемаси бор кучини сафарбар қилиб олға интилди. У тинч денгиз сатҳи ва офтоб нурида борган сари салобатлашар, кўркамлашар эди. Аммо ҳамон қора булут парчалари ўтмишини қўмсаб уфқларда пайдо бўлиб қолар, гоҳо салобат билан денгиз сатҳида сузиб бораётган кемага соя солиб ўтар, баъзан унинг шиддатли юришига бир оз путур ҳам етказар эди. Бироқ мусаффо осмонда юқори кўтарилиб бораётган Октябрь қуёши аҳён-аҳёнда пайдо бўладиган бу булут парчаларини осонгина парчалар, денгиз осмони яна тозаланар эди. Денгиз кемаси яна ўз йўлига тушиб олар, юришини яна ҳам тезлаштирарди...

Кема узоқ сафардан кейин манзилига етиб келди. У ўзининг салобати, кўркамлигига мос катта ва қимматли юк келтирди. Бу — йигирма томдан иборат асарлар эди.

Ҳозир бу кема сузиб ўтган денгиз осмони ҳар қачонгидан ҳам кўра мусаффо. Кема эса тинч, денгизнинг майин тўлқинида салобат билан аста чайқалиб турибди. Бироқ биз уни доим сафарда ҳисоблаймиз. Чунки у олиб келган юк — йигирма томлик асарлар осмон бургути сингари денгиз осмонини қора булутлардан сақлашда чегарачи солдатлардек хизматда турибди. Бу йигирма том туфайли кема йиллар ўтган сари яна тинчийди, яна салобатлашарди ва яна кўркамлашарди.

## КАТТА ИЖОДИЙ МЕРОС

Ойбек асарларининг 9 томи босмадан чиқди, охириги ўнинчи томи таржималардан иборат. Бу санъаткор ёзувчи асарларининг тўла эълон қилиниши йирик санага — кенг



жамоатчилик томонидан Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг олтин юбилейини кенг нишонлаган бир пайтга тўғри келди. Бу санага бағишланган ҳужжатларда таъкидлангандек ярим аср ичида республикамизнинг меҳнаткашлари иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. «Ғафур Ғулом» нашриёти томонидан чоп этилган Ойбек асарларининг ўн томлиги (ўн томлик ҳажмида асарларнинг нашр қилиниши Навойнинг ўн беш томлигидан кейин иккинчи йирик воқеадир) республикамиз ҳаётидаги иқтисодий ва маданий ютуқларимизни яна бир карра далиллайдиган фактлардан бири бўлди. Зотан, бу ўн томликка киритилган асарлар ўша эллик йилнинг зарбдор даврларида ижодкор халқимиз ҳаёти, меҳнати, кураши тарихининг бадий инъикосидан иборатдир. Шу кунларда А. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти «Фан» нашриёти томонидан босилиши керак бўлган Ойбек асарларининг 20 томлик тўла академик нашри устида фаол иш олиб борапти.

Ойбек ижодининг тарихига назар ташласак, кўрамизки, унинг илк шеъри 1922 йилда эълон қилинган. Биринчи шеърлар тўплами эса 1926 йилда чоп этилган. Демак, Ойбек ижодининг илк қадамлари Республикамизнинг туғилган кунларига тўғри келади. Бу ажойиб инсон, улуғ санъаткор ёзувчи ўша кезлардан бошлаб то умрининг охиригача адабий ва маданий ҳаётимизнинг энг масъулиятли ўринларида туриб меҳнат қилди. Маданий ҳаётимизнинг оғир юкини ўзининг кенг елкаси билан кўтариб борди.

Ойбек асарларининг мажмуаларида, унинг эстетик принциплари, маҳорат мактаби, ижод йўли узоқ вақтлар қилган меҳнати кўз олдимизда намоен бўлади. Мазкур асарлар тўплами унинг ижодига хос баъзи бир қонуниятлар ҳақида фикр юритишга имконият беради.

Ойбек ижодини ўзи яшаётган замон руҳини, хусусан, ўз тенги бўлмиш ёш авлод руҳий дунёсини акс эттириш билан бошлади. Бу хилдаги асарларда яқиндагина халқ ҳаётида рўй берган революцион бурилиш, янги ҳаёт қурилишида, хусусан, ёшлар кўрсатаётган шижоат, эскилик билан янгилик орасидаги зиддиятли кайфиятлар акс эттирилади. Бироқ, кўп ўтмасдан Ойбекда ҳаётимизда рўй берган улуғ бурилишнинг тарихий илдизларига назар ташлаш истаги туғилди. Бу истакнинг туғилиши ҳам табиий эди. Чунки, ёзувчи назарида курашлар тарихини етарли

англамасдан туриб, рўй бераётган янгиликларни тушуниб олиш амри маҳол эди. Шу мақсадда Ойбек, яқин ўтмиш тарихига назар ташлади. Назар ташлаб ўзининг инсонийлик ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган Холхўжа ва Лаълини («Уч»), Бахтигул ва Соғиндиқни («Бахтигул ва Соғиндиқ») кўрди.

Тўғри, Ойбекнинг бу ҳар иккала поэмаси ҳам халқ оғзаки адабиёти таъсирида яратилди. Шу сабабдан уларда баъзан воқиеаларни муболағали ва кескин бурилишларда кўрамиз. Шунга қарамасдан бу икки поэма ҳаётни реалистик ўзлаштириш йўлларини топишда, ёзувчи учун муҳим босқич бўлди.

Ойбек борган сари тарих сирларини чуқурроқ англашга, унинг кўз илғамас жабҳаларини ихтиро қилишга уринди. Бу уринишлар ҳам бекор кетмади. Тарихга яна бир назар ташлаб, Туркистонда революцион ҳаракатларни бевосита иштирокчилари, рус мастеровойлари билан бир қаторда туриб, янги ғояларнинг ғалаба қозонишига ўз ҳиссасини қўшган темирчи Жўра кофир, оддий ишчи Турсунларни кўрди.

Поэма жанрида яратилган образлар галереяси сюжетли асарлар яратиш соҳасида Ойбек учун ҳам синов, ҳам муҳим мактаб бўлди. Бундан кейин Ойбек ҳам сўз санъатида, ҳам воқеабандликда дадилроқ қадам босишга ўзини ҳақли ҳисоблади.

Ҳаёт материали жиҳатдан уни ҳамон тарих сирлари, хусусан, улуг революцион бурилишнинг ижтимоий илдирилари қизиқтирар эди. Шу йўсинда, Ойбек поэмалардаги сюжет яратиш тажрибасини ишга солиб, яқин ўтмишга яна бир назар ташлади. Назар ташлаб — оғир ҳаётий ситуацияга тушиб, турмушнинг аччиқ-чучукларини танишга мажбур бўлган, эски ҳаёт эгалари билан тўқнашувга тушиб ўзлигини англаган Йўлчини кўрди. Йўлчи Ойбек талқинида ҳаётнинг миллий заминидан чиққан, яшаш учун қандайдир бошқача қадам ташлаш зарур эканлигини ўз вақтида англаган, қандай қадам ташлашнинг сирларини марксистик дунёқарашдаги илғор рус революционерлардан ўрганган, ҳаётини янги ғоялар ғалабаси йўлига тиккан қаҳрамон образи сифатида майдонга келди. Табиийки бу хилдаги образни яратиш анча мураккаб иш эди. Шу сабабдан Ойбек бу гал янги имкониятлари жиҳатдан анча мукамал жанрга — романга мурожаат қилди.

«Қутлуғ қон» романи ўзбек совет адабиёти тарихида кўп жиҳатдан катта воқеа бўлди. Бу роман билан Ойбек ўзбек романининг тўла шаклланган бир жанрга айланганини исбот қилди. Бундан ҳам муҳими ўзбек совет адабиётида ижобий қаҳрамон тасвирининг бошқа кўп ёзувчиларга ўрнак бўларлик намунасини яратиб берди. Ижобий қаҳрамон масаласининг ҳал бўлиши, ўзбек совет адабиёти тарихида янги илғор метод бўлмиш, социалистик реализмнинг шаклланишини исботлади. Шулар туфайли «Қутлуғ қон» романи ўзбек совет адабиёти тарихида қимматли ўрин эгаллаган шоҳ асарлардан бўлиб қолди.

Тарихнинг бир сирининг иккинчи бир сирини яўл очарди. Ойбек тарихнинг яқин ўтмишдаги сирларига назар ташлаб, тарихий революцион руҳдаги поэмаларни ва «Қутлуғ қон»ни яратган бўлса, тарихнинг бошқа бир томонига — мазкур асарлардаги ғояларни изоҳлаш мумкин бўлган, узоқроқ ўтмишига назар ташлаш заруриятини сезди. Назар ташлаб у улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ва унинг даврини кўрди. Ёзувчи Алишер Навоий образини яратишда синовдан ўтган ва унга ижодий муваффақиятлар келтирган, жанрларда — поэма ва романда иш тутди. Шу билан Ойбек ўзбек совет адабиёти тарихида роман жанрининг шаклланишига ва унинг камолотга эришишига катта ва ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

Ойбек «Навоий» поэмаси ва «Навоий» романида халқимизнинг узоқ ўтмишдаги тарихини шу бугунги кундаги революцион бурилишлари билан боғлади. Ёзувчи ўн бешинчи аср ҳаёти фонида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образини яратар экан, бу даврга ва шу образга хос бўлган илғор ижтимоий, сиёсий ва фалсафий қарашларни, хусусан, улуғ шоир сиймосида акс этган гуманистик қарашларни чуқур тадқиқ қилди ва бу қарашларнинг бадиий инъикосини яратди. Шу йўл билан Ойбек узоқ ўтмишдаги меҳнаткаш халқ идеал ва орзу-истакларини акс эттирган ғоялар ўзининг асл моҳияти билан бугунги амалга оширилаётган юксак гуманистик ғояларнинг азалдан ривожланиб келаётганини ва бу ғоялар асримизнинг бошларига келиб, ўз кульминациясига еттишганини исбот қилиб берди.

Маълумки, «Навоий» романи Улуғ Ватан уруши йиллари ёзилди. Шу сабабдан, Ойбек романининг бадиий тўқимасини асар ёзилаётган давр талабига ҳам мослаштирди. Бошқача қилиб айтганда, ўтмиш тарихидан немис

босқинчиларининг уруш сиёсатини қоралашга қодир, фашизмга қарши совет халқининг олиб бораётган ватанпарварлик жангларини изоҳлайдиган, ҳаёт ва ҳақиқат учун олиб бораётган халқ курашини улуғлайдиган мотивлар топди. Алишер Навоий сиймосида акс этган ўзаро жангу-жадаллар, қон-қардошлар орасида доимий рўй бериб турган, қон тўкишларга қарши кураш гўё Улуғ Ватан уруши фронтларида рўй бераётган жангу жадалларни изоҳлагандек бўлар ва фашизм босқинчиларига қарши бўлаётган курашда яна ҳам жадалроқ туришга ундаётгандек бўларди. Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Ойбек ўтмиш тарих саҳифаларидан бугунги ҳаётимизни изоҳлайдиган, халқимиз олиб бораётган улуғ ишларни қувватлашга қодир воқеа, ғояларни топиб тасвирлашда кўпгина ёзувчиларимизга ўрнак бўларли иш кўрсатди.

Тарихдан маъно излашни Ойбек умрининг охиригача давом қилдирди. У ўзининг «Болалик» қиссасида яна ўша темирчи Жўра, Турсунлар ва Йўлчилар даврига мурожаат қилди. «Болалик»да темирчи Жўрани эслатадиган қосиб ва мастеровойлар образларини яратди. Ўзининг ҳаёт йўли, тақдири билан ёзувчининг отаси — Тошмуҳаммад «Қутлуғ қон» қаҳрамони Йўлчини эслатади. Тошмуҳаммад ва ёш Муса, Йўлчи образининг яратилишида прототип ролларини ўйнаган бўлиши ажаб эмас. «Болалик» бошқа бир муҳимроқ хулоса чиқаришга ҳам асос беради. Қиссани ўқиб, биз Ойбек поэмалари ва «Қутлуғ қон»да иштирок қилган қаҳрамонлар билан яна бир учрашгандек бўламиз ва бу образларнинг нақадар ҳаётий эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ойбек ҳаётимизда рўй берган революцион ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрган, кейинчалик бу ўзгаришларни тарихий моҳиятини ўлчаб кўрган, ақл кучи билан идрок этган ёзувчи эди. Шу сабабдан бўлса керак, Ойбек ижод қилган охириги роман, «Улуғ йўл» ҳам ўша инқилобий бурилиш тарихига тегишли бўлди. Ёзувчининг эътироф этишича ва романда акс эттирилган ҳаёт материалга қараганда, «Улуғ йўл», «Қутлуғ қон» романининг давомидир. Дарҳақиқат, «Қутлуғ қон» романидаги қатор образлар — Унсин, Шокир ота, Петров, Уроз ва бошқалар «Улуғ йўл» сюжетида ўрин олган. Тасвирланган воқеалар ҳам «Қутлуғ қон»даги воқеаларнинг тарихий давомидир. Асарнинг шу шаклда яратилишининг сабаблари бор. Ёзувчи «Қутлуғ қон» романини, асосан бир план асосида — револю-

цион кўтарилиш даврида оддий меҳнат вакилининг синфий уйғониш жараёнини, хусусан, бош қаҳрамон характерининг шаклланиш тарихини кўрсатиш учун ҳаракат қилди. Ойбек назарида янги эранинг бошланиши бўлмиш инқилобий бурилишни тўлароқ кўрсатиш, умумхалқ оқимини борлигича акс эттириш учун ҳаёт материални кенгроқ планда олиш битта-иккита тақдир эмас, ўнлаб тақдирларни кўрсатиш керак бўлди. Шундай қилиб, Ойбек жанр ва услуб жиҳатидан «Қутлуғ қон»дан анча фарқ қиладиган роман яратди. Бошқача қилиб айтганда, воқеаларнинг эпик кўлами кенгайди ва кучайди. Бу эпик кўламлилик асарда қамраб олинган воқеалардаги сюжет бирлигига бир оз зарар етказгандек бўлди. Бироқ шунга қарамасдан, «Улуғ йўл» Туркистонда инқилобий ҳаракатнинг ривожланиш тараққиётини кенг планда кўрсатувчи бадий ҳужжат бўлиб қолди.

Ойбек тарих билан бугунги кунни мустаҳкам боғлай олган ёзувчи. Бу боғланиш фақат бугунги замонда рўй бераётган улуғ ўзгаришларни изоҳлашга молик ғояларни излаб топиб акс эттиришдагина эмас, балки, рўй бераётган ижтимоий янгиликларни яратаётган совет кишилари-нинг характер-хусусиятларини, ижодий меҳнатини акс эттиришда ҳам кўзга ташланади. У ўзининг поэзиясида янги инсон меҳнати ва жасоратини, у қилаётган улуғ ишларни мадҳ этди. Ойбек ўз шеърларида қуруқ мадҳбозлик — риторикадан узоқда бўлди. У доим замондошлари яратаётган улуғ ишларнинг фалсафий моҳиятини, тарихий ўрнини очиб бериш учун ҳаракат қиларди. Шу маънода унинг шеърлари аксарият ҳолларда ўйчан, фалсафийдир.

Ойбек ўзининг поэтик фикрларини кўпроқ сюжетлар воситаси билан ифодалаган ёзувчи. Шунинг учун бўлса керак, замондошларимиз образини яратиш учун ҳаракат қилар экан, у қатор сюжетлар асосида — поэма, қисса, романлар яратди. Қизиги шуки, бу ерда ҳам Ойбек тарихий сюжетлар яратишдаги баъзи бир анъаналарига содиқ қолди. Маълумки, у йирикроқ пландаги тарихий сюжетларга киришишдан олдин, худди шу темада аввало бириккита шеър, кейин поэма ёки очерк яратиб, ўз кучини синаб кўргандек бўлар, кейин йирикроқ сюжетга қўл урар эди.

Навобий ҳақидаги шеърлар, мақолалар ва поэма яратилмаганда, балки Навобий романи биз билган даражада бадий жиҳатдан баркамол чиқмаган бўлармиди. Гўё шу

анъанага мувофиқ Ойбек қаҳрамон замондошларимиз ҳақидаги қатор шеърларидан кейин Улуғ Ватан уруши йилларидаги оғир ҳаёт ва совет кишиларининг чидам ва матонатини кўрсатишга бағишланган, «Қизлар» поэмасини яратди. Поэма ўзининг ифода кучи, поэтик маъноси, образларнинг жонли акс этирилиши жиҳатидан 40-йиллар ўзбек поэзиясининг катта ютуқларидан бири бўлди. Табиий, Ойбек «Қизлар»дан кейин ҳаётни кенгроқ кўламда акс эттириш учун роман жанрига мурожаат қилди ва ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романини яратди. Роман совет халқининг урушдан кейинги биринчи йиллар ҳаётини, уруш натижасида маълум даражада издан чиққан халқ хўжалигини қайта тиклашдаги халқ жасоратини акс эттирди.

Тўғри, «Олтин водийдан шабадалар», мудҳиш «конфликтсизлик назарияси» ҳукм сурган пайтларда яратилди. Романда бу «назария»нинг таъсири ҳам йўқ эмас. Бироқ асарда яратилган қатор образлар — ҳаётни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатган колхоз партия ташкилоти секретари Уктам, донолиги билан бошқалардан ажралиб турадиган Мирҳайдар, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан донг чиқарган қўшни колхоз раисаси Комила, ўз ишининг фидойиси райком секретари Сайрамов, урушдан кейинги халқ ҳаёти жасоратини кўрсатувчи образлардир.

Ойбек шундай санъаткорлардан эдики, ҳаёт материали худди занжир ҳалқаларидек бири кетидан иккинчиси тайёр бўлиб турар эди. Бироқ асарда танлаб тасвир қилинган «ҳалқа», ёзувчига ундан кейин ёки олдин яна бошқа «ҳалқа»лар борлигидан дарак бериб турар эди. Юқорида кўрганимиздек, унинг тарихи ва тарихий-революцион темада яратилган асарлари бу фикрни исботлайди. Бу фикрни унинг замонавий темада яратилган асарлари ҳам исботлашга қодир. «Қизлар» поэмасининг яратилиши унда акс этирилган ҳаёт материали санъаткорга ҳаётнинг кейинги «ҳалқа»си — халқимизнинг Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи йиллари ҳаётига назар ташлашни талаб қилди. Бу даврни акс эттирган «Олтин водийдан шабадалар» романи Ойбекка ҳаётнинг бошқа бир муҳим «ҳалқа»си — Улуғ Ватан уруши давридаги ўзбек халқининг немис фашизмга қарши бевосита олиб борган кураши борлигидан дарак бериб турди. Шу йўсинда Ойбекнинг бошқа бир романи — «Қуёш қораймас» яратилди. Тўғри, Ойбек «Қуёш қораймас»нинг баъзи бобларини Улуғ Ватан уруши

йиллари эълон қилган эди. Бу жиҳатдан балки «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар» учун эслатувчи ҳалқа вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ шу нарса аёнки, замон талаби билан яратилган «Олтин водийдан шабадалар» Улуғ Ватан уруши ҳақида кўламлароқ асар яратишга, Ойбек илҳомига илҳом қўшган бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда бу уч асар «Қизлар», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қораймас» бири-бирларининг яратилишига сабабчи ва туртки бўлган асарлардир.

Ҳозир шундай бир ҳодисанинг гувоҳи бўляпмизки, Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳар хил жанрларда, ҳар хил кўламда кўплаб асарлар яратилипти. Бу асарларда Улуғ Ватан уруши кўп қирралари билан намоён бўлмоқда. Бироқ Ойбек яратган «Қуёш қораймас», фақат ўзига хос хусусиятлари билан шу темада яратилган бошқа асарлардан ажралиб туради. Кўрганимиздек, Ойбекнинг аксарий асарлари шахснинг ўз-ўзини англаш проблемаси билан мустаҳкам боғлиқ. Ойбек ижодига хос бўлган бу принцип унинг уруш ҳақидаги асарига ҳам хосдир. Асарнинг бош қаҳрамони Бектемир ўз характер-хусусиятлари билан содда, оддий ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, «деҳқонбоп йигит». Ҳатто у, ўз оиласида ҳам ўзининг «деҳқонбоп»лиги билан ажралиб туради. Шундай йигит мураккаб техникалар воситаси билан олиб борилаётган уруш майдонига тушиб қолади. Ойбек қадам-бақадам бу оддий ўзбек йигитининг урушнинг даҳшатли шароитида ўсиб улғайишини оддий деҳқонбоп йигитликдан уруш сирларини англаган қаҳрамон жангчига айланиш жараёнини кўрсатади.

Ойбек интеллектуал дунёси чуқур ва кенг замонавий ёзувчи эди. У фақат ўз асарлари билан эмас, балки адабиёт соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари, қатор мақолалари билан қарийб эллик йил давомида адабий ҳаётга фаол қатнашган ёзувчидир. Унинг илмий диапазони ҳам жуда кенг эди. У замонавий адабий процессни қай даражада билса, классик адабиётимиз сирларини ҳам шу даражада билар эди. Унинг Навоий ҳақидаги тадқиқотлари, бу улуғ шоирнинг ҳаёти, ижоди, яшаган даври ҳақидаги ишлари илмий жиҳатдан далилланганлиги, тарихий жиҳатдан аниқ ва исботланганлиги билан ажралиб туради. Ойбек Алишер Навоийнинг конкрет асарлари, хусусан унинг «Ҳамса»сига киритилган бешта дostonни эстетик планда таҳлил қилиб беришда ўз маҳоратини кўрсатди. Ойбек замонавий адабиёт ҳақида ҳам кўпгина илмий тадқиқот ишларни бажар-

ди. Бу жиҳатдан унинг Абдулла Қодирий ҳақидаги китоби адабиётшунослигимиз тарихида муҳим аҳамият касб этади. Бу ишнинг аҳамияти шундаки, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида ўзбек романининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳақида ҳар хил чалкаш фикрлар айтилиб турган бир пайтда бу санъаткор ёзувчининг ижодига хос дид, нафосат, маҳорат хусусида одилона ва қимматли фикрлар айтди. Кейинчалик Ойбек бу санъаткор ёзувчини ўзининг устози сифатида тан олди.

Ойбек ва унинг сафдошлари эккан уруғлар униб чиқиб, мўл ҳосил бермоқда. Еш ўзбек адабиётида бир вақтлар ниш ура бошлаган айрим адабий мавзу ва жанрлар, эндиликда тўлақонли тус олди. Ойбек бошлаб берган тарихий-инқилобий мавзуларда бир қатор дostonлар, драмалар, романлар яратилдики, уларнинг аксарияти бугун қардош китобхонларга ҳам яхши маълум. Жанрлар камолоти эпopeялар, трилогияларнинг туғилишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу сермахсул оқим мавзу эътибори билан ҳам рангбаранг бўлиб бормоқда; зиёлилар ҳаётини акс эттирувчи, биринчи инқилобчи хотин-қизлар образларини тасвирловчи, меҳнат кишилари — ишчи ва деҳқонлар ҳаётига бағишланган асарлар майдонга келди. Ойбек ва унинг сафдошлари бошлаган тарихий-инқилобий мавзулар чегарасида яхлит даврлар манзарасини гавдалантириш иши самарали давом этмоқда. Ойбек асосан Туркистонда Октябрь революцияси арафаси даврини акс эттирган бўлса, кейинги адабий авлодлар эстафетини қўлга олиб, ўз асарларини республика ҳаётини социалистик қайта қуришга бағишладилар.

Абдулла Қодирий бошлаган Ойбек давом эттирган тарихий роман ва драма жанрлари ўсиб, ривожланмоқда. Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний ҳақида босилган ва босилаётган асарларни Ойбек традицияларисиз тасаввур этиш қийин.

Тарихимизнинг ёлғиз асрларга эмас, балки минг йилларга бориб туташувчи лавҳалари ўз бадий инъикосини кутмоқда. Жуда кўп тарихий воқеалар, халқ курашига бошчилик қилган буюк шахслар ҳаёти — булар барчаси тарихий романнависларимиз учун очилмаган қўриқлардир. Бу борада энди ишончли йўлларга, синовдан ўтган принципларга эгамиз. Бу — Ойбекнинг «Навоий» романи билан боғланган йўл, марксизм-ленинизм назариясига, социалистик реализм принципларига асосланган методдир.



Улуғ Ватан уруши ҳақида, ана шу даврдаги халқ қаҳрамонлиги ҳақида Ойбек яратган биринчи эпик полотно уруш тўғрисида кўплаб романлар, қиссалар, ҳикоялар яратилишига маълум туртки бўлди. Ойбек ва сафдошларининг Улуғ Ватан уруши ҳақидаги асарлари услуб, материални қамраб олиш ва уруш ҳаракатларида халқ ролини кўрсатишдаги айрим камчиликлардан қатъий назар, шу йўналишда ишлаётган муаллифлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, бу соҳа ёзувчиларимиз бажариши лозим бўлган ишлар оз эмас. Бироқ бари бир бу йўналишдаги биринчи қадамлар Ойбекка мансуб эканлигини ҳамиша эсда тутадилар.

Ойбекнинг замонавий темада яратилган шеърлари, дoston ва насрий асарлари бугунги кунда замондошлар ҳақида кўплаб шеърый, насрий ва драматик асарларнинг юзага келишига сарчашмадир. Ойбек ёш адабиётшунослар, танқидчиларнинг меҳрибон мураббийси эди. Унинг ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган тадқиқотлари бадий ижод таҳлилининг ажойиб намуналари бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилиши билан Ойбек унинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди, узоқ вақтлар унинг ижтимоий бўлимига раҳбарлик қилди. У, Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар союзига бошчилик қилди.

Юқорида айтилганларни якунлаб шундай дейиш мумкин: гуркираб ўсаётган ўзбек адабиётининг барча ютуқларида, унинг буткул жанрлар тараққиётида санъаткор ва гражданин Ойбекнинг улкан ҳиссаси бор.

## ОЙБЕК САНЪАТИ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

Вақтлар ўтган сари санъаткор ижодининг қиммати оша боради. Ҳар бир авлод, санъаткорлар ижодининг янги-янги қирраларини кашф қилади ва унинг ижодидаги мазмунга, шаклга тегишли проблемалардан янгича, ўзига хос хулосалар чиқариб олади. Шу маънода ҳар бир санъаткор келажак авлодларнинг ҳаммасига ҳам руҳий озиқа беришга қодирдир.

Ойбек истеъдоди ҳақида гап кетганда биринчи галда у акс эттирган даврлар — XV асрда яратилган маданий юксаклик даврдаги гуманистик қарашлар; асримизнинг бошларидаги инқилобий уйғонишлар, замондошларимизнинг руҳий дунёси ва ҳоказолар кўз олдимишга келади. Ойбек истеъдоди ҳақида гап кетганда, китобхонлар дилида

мустаҳкам ўрин олган ажойиб характерлар, ҳаёт қаҳрамонлари — Алишер Навоий, Йўлчи, Бектемир, Уктам ва Комила сингари образлар кўз олдимизда гавдаланади.

Ойбек акс эттирган бу даврлар ва қаҳрамонлар адабиётшунослигимизда кўп марталаб тадқиқ ва таҳлил қилинган. Ҳар бир танқидчи ва ҳар бир адабиётшунос бир-бирларини такрор қилмаган ҳолда ўз фикрларини айтдилар, айтаётирлар ва яна келажакда айтадилар ҳам.

Ойбек акс эттирган даврлари билан ва яратган характерлари билан китобхонлар дилини, танқидчи ва адабиётшунослар фикрини шу даражада забт ва банд этган экан, бунинг қатор сабаб ва асослари бўлиши шубҳасиз. Бу асослар ҳақида ҳам адабиётшуносликда анчагина фикрлар айтилди. Биз бу ерда Ойбек даҳосининг бир нуқтаси — унинг деталлардан фойдаланиш маҳорати хусусида фикр юритмоқчимиз.

Биринчи назарда кўзга ташлана бермайдиган, бироқ асарнинг бадий тўқимасида ниҳоятда муҳим роль ўйнайдиган деталлар яратиш, белги-чиқиқлар кашф этиш ва улар орқали асардаги умумлашма даражасини мукамаллаштириш Ойбек ижодига хос хусусиятлардан бирidir.

«Қутлуғ қон» романининг илк бобларида романининг бош қаҳрамони Йўлчи, Мирзакаримбой билан биринчи гал учрашиб, суҳбатлашгандан сўнг, ойиси бериб юборган тугунчани бой тоғасига узатади. Бой, хусусан унинг хотини тугунчани жирканган ҳолда қўл учи билан базўр қабул қилади. Шундай қараганда, бу детални асар тўқимасида аҳамияти унча катта эмасдек туюлади. Бироқ яхши ўйлаб кўрилса, бу деталь «Қутлуғ қон»даги бой билан батрак орасидаги бўладиган зиддиятнинг биринчи чақмоғи эканлиги маълум бўлади. Бу деталсиз ўша давр жамиятининг бир қутби вакили бўлмиш Мирзакаримбой билан унинг иккинчи қутби вакили Йўлчининг биринчи учрашуви романдагидек маънодор чиқмаган бўларди.

Бадий ижодда деталлар ёзувчини осон йўл — баъдан сақлаш воситаларидан биридир. Эҳтимол, бошқа бир ёзувчи худди шу темага мурожаат қилиб, Мирзакаримбой билан Йўлчининг биринчи учрашишини кўрсатмоқчи бўлса, ўз сўзлари билан ярим бет ёхуд бир бетлик ўринда «бой камбағал жиянини яхши қабул қилмади», деган фикрни иложи борича чўзиб гапириб ўта қоларди. Бундай ҳолда асар бадийликдан маҳрум бўлар эди.

Ойбек баъзи ўринларда иккита, учта деталларни бир-бирига боғлаб, уларнинг боғланишидан маъно чиқаради. Баъзан бундай деталлар Йўлчини уйғонишга олиб келадиган контраст ҳолатларни таъкидлаш учун унумли ишлатилади. «Қутлуғ қон»нинг бир бобида бойникида меҳмон бўлиб, зиёфат еган бойваччаларнинг эрта тонгда атлас кўрпаларга ўраниб, пар ёстиқларга бошларини кўмиб хуррак отиб ухлаб ётганлари тасвирланади. Асарнинг худди шу жойларида бойларга хизмат қилган Йўлчининг ётоқхонада эски намат устида эски кўрпаларга ўраниб тунагани тасвирланади. Шундай қараганда манзара даражасига кўтарилган бу икки деталь бир-бирларига боғланмагандек кўринади. Аммо китобхон бу икки манзарани, албатта бир-бирига боғлайди. Ойбек ўзи яратган деталь кучини ошириш учун Йўлчи тўшаб ётган наматдан беда ҳиди келишини кўшиб ўтади. Бу билан ҳам Йўлчининг ҳолати, ҳаётдаги унинг ўрни яна бир бор таъкидланади.

Шу хилдаги бир-бирига боғланадиган, боғланиб маъно англатадиган деталлар «Қутлуғ қон»да анчагина учрайди. Маълумки, Йўлчи Мирзакаримбой билан бир неча бор тўқнашади. Биринчи гал ҳаққини талаб қилиш пайтини ийманиш ва иккиланишлар билан бой тоғасининг олдига киради. Бу ерда Ойбек Йўлчи ҳолатини ниҳоятда тўғри англатадиган бир деталь ишлатади. У бой тоғаси ўтирган хонага минг андишалар билан киради. Кириб гилам устига ўтиришга журъат қилолмай, унинг бурчагини қайириб, ерга чўккалайди. Романнинг анча бобларидан кейин Ойбек китобхонни худди шу манзарага яна бир бор қайтаради. Йўлчи ҳаққини талаб қилиб бой тоғаси ўтирган хонага яна киради. Энди унинг ҳаракатларида на андиша бор, на иккиланиш, на ийманиш. Аксинча, этиклари билан ерни гурсиллатиб, гилам устидан юриб, бой тоғасига яқинлашиб, ўз талабини дадил айтади. Бу билан Ойбек китобхонни Йўлчининг ўша гилам бурчагини қайириб чўккалаган манзарасига қайтаради ва энди бу Йўлчи, у Йўлчидан қай даражада фарқ қиладиганини бевосита кўрсатади.

Деталлар орқали қаҳрамон ҳолатини англатиш, санъат ва адабиётнинг қадимий анъаналаридан бири. Бироқ ҳар бир санъаткор бу бадий воситадан ўзига хос йўллар билан фойдаланади. Аксарият ёзувчи ва шоирлар, одатда деталлар тасвирдан хулоса чиқармаслик учун ҳаракат қилади. Аслида асарда айтиладиган маъно қуруқ баён бўлиб қолмаслик учун деталь ва чизиқчаларни ишга со-

лади. Таққослаб масалани ойдинлаштириш мақсадида бошқа ёзувчи асарларига ҳам мурожаат қилиб кўрайлик. Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссасида колхоз чўпони Танабойни бошланғич партия ташкилоти партиядан ўчиради. Райком партия ҳам бошланғич партия ташкилоти қарорини маъқуллайди. Собиқ коммунист райком партия секретарига партия билетини топширяпти. У партбилетни чўнтагининг тўридан не-не қийинчиликлар билан олиб чиқаётгандек бўлади. Титраган қўллари билан қат-қат рўмолчаларни еча бошлайди ва ниҳоят авайлаб ўралган қизил билетни олади.

Қаранг, кичик бир деталь бироқ катта маънони ифодалайди. Ёзувчи эса чўпоннинг билет топширишига тегишли бу деталга ҳеч қандай изоҳ бермайди. Деталнинг шу шаклда берилишида қаҳрамон ҳолати маълум. У — айбдор. Лекин айбсиз айбдорга ўхшайди. Унинг партия билетига муносабатида ўз ишига ва партияга нақадар содиқ одам экани маълум бўлиб туради.

Ойбек ижодида учрайдиган деталларнинг ҳам кўписи шу шаклда «ёзувчи изоҳидан холи», бироқ у айтмоқчи бўлган маънога мос ва монанддир. Баъзи ўринлардагина Ойбек қаҳрамонларнинг ҳолат ўзгаришлари ва нутқи орқали муносабат билдирган пайтлари бўлади.

«Қутлуғ қон» романида кўпчиликнинг эсида сақланган бир деталь бор. Деҳқон бировнинг аравасини сўраб бозорга қовун олиб келяпти. Гузарда арава бузилиб қолади. Йўлни давом қилдириш мумкин бўлмаганидан қовунларини арзимаган пулга сотиб кетишга мажбур. Буни кўрган ва деҳқон дард-аламига шерик бўлган Йўлчи «ҳамма ерда ҳам деҳқоннинг аҳволи оғир», деган хулосага келади ўзича. Бу деталдан келиб чиқадиган ва қаҳрамон томонидан изҳор қилинган, аини пайтда деталга ёзувчи томонидан юкланган маъно эди.

Бузуқ арава деталининг бошқа бир аҳамияти ҳам бор, одатда ёзувчилар деталларга бир эмас бир неча маъно бағишлайдилар. Гап шундаки, Ойбек бошқа бир бобда аравага тегишли яна бир деталь ишлатади: Йўлчи ювиб-артилган, зеб-зийнатлар билан безатилган отни, юмшоқ тўшалган аравага қўшиб бойнинг қизи Нурини меҳмонга олиб кетади. Романда бу икки деталнинг орасида боғланиш бор. Бирида эски арава бузилиб қолиб деҳқон меҳнат маҳсулини бозоргача етказа олмайди, иккинчисида меҳнаткашлар ҳисобига бойиган, пул орттирган зеб-зий-

натлар эгаси бўлган бой қизи отнинг сараси қўшилган янги аравада меҳмонга жўнайди. Бу боғланишдан текст тагига туширилган ҳаёт контрасти келиб чиқади.

Ойбек асарларида деталларнинг қаҳрамон ҳолатини ниҳоятда бўрттириб, қабартириб кўрсатишга бўйсундирган пайтлари ҳам кўп учрайди. «Қутлуғ қон» романининг бобларидан бирида Йўлчини Салимбойвачча билан ресторанда кўрамиз. Бу муҳит Йўлчи учун шу даражада нохуш ва ёт эдики, у бирпасда диққинафас бўлади. Бир оздан кейин у отилиб кўчага чиқади. Бориб отининг бўйнига осилади. Унинг ёлларини, пешонасини силайди. Базм ва майшат макони бўлган ресторанда ўтиришдан кўра извошга қўшилган от унинг учун минг мартаба азиз ва мўътабар эди. Бу ерда ёзувчи қаҳрамон ҳолати ҳақида на ўз номидан, на қаҳрамон номидан бирор нарса демайди. Деталнинг ўзи ёзувчи ва қаҳрамон сўзига нисбатан кўпроқ маъно англатади ва қаҳрамон ҳолатини ҳар қандай баён йўли билан айтилишдан кўра кучлироқ қилиб, қабартириб кўрсата олади.

Санъаткор ёзувчиларнинг асарларида деталлар ҳеч вақт муаллақ турмайди, у доим муҳим бир бадий вазифани адо этади. Оқибат-натижада асардаги ҳамма деталлар воқеаларни умумлаштириш, қаҳрамон характерларини аниқроқ кўрсатиш учун хизмат қилади, ёзувчининг ифода қилмоқчи бўлган ғоясига бўйсундирилади. «Қутлуғ қон» романидаги барча деталлар оддий ўзбек йигитининг синфий ва миллий уйғонишига бўйсундирилгандир. Ойбекнинг «Навобий» романи унинг «Қутлуғ қон»ича деталларга бой эмас. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, ёзувчи «Қутлуғ қон»да асар ғоясини кўпроқ майда майший эпизод ва ҳолатлардан келтириб чиқариш учун ҳаракат қилади. «Навобий»да эса, у асар сюжетига йирик-йирик социал тўқнашувларни асос қилиб олди. Бу тўқнашувлар майда майший деталларсиз ҳам асарни ғоявий юксак даражага кўтаради. Бироқ шунда ҳам «Навобий» романининг кўп жойларида, хусусан халқ қаҳрамонлари Арслонқул, Дилдор, Султонмурод ва уларга зид Тўғонбек образларининг тасвирида, баъзан эса Алишер Навобий образининг тасвирида ҳам деталларга мурожаат қилган пайтлари бўлди.

«Навобий» романининг 22 бобида одатдаги юришлардан бири тасвирланади. Баҳор пайтлари. Алишер Навобий очиқ далага чодир қурдирган. Бу ерда анча тургандан кейин, қўшин билан бирга кўчишга тўғри келади. Навкарлар ке-

либ Алишерга чодирни бузишлари керак эканини билдиради. Навкарлар ҳайрон. Шу пайт Алишер Навоий чодир тепасида ин қуриб, тухум босиб ётган мусичани кўрсатади. Навкарлар эса бу ишда ҳеч қандай мушкулот йўқлигини билдирадилар. Бироқ Навоий уларнинг таклифига кўнмайди. Кўчиш керак. Навоий чора излайди. Махсус одам танлаб, чодирда қолишга, то мусича бола чиқариб, учирмагунча уни бузмасликка буйруқ беради.

Бу воқеа асли тарихий ҳақиқат. Хондамир ўзининг «Мақоримул ахлоқ» асарида айнан шунга ўхшаш ҳодиса ҳақида гапирди. Ойбек Алишер Навоийнинг гуманистик қарашларини, характеридаги инсонийликни бўрттириб кўрсатиш учун бу воқеани янада ёрқин бўёқларда тасвирлаб беради. Романда чодир тепасига ин қурган мусичага Навоийнинг муносабати, унга зид навкарлар муносабати шу даражада аниқ ва равшан, табиийлигича тасвирланганки, у тарихий ҳодисани кўз олдимизда жонли ва реал гавдалантиради.

Асарда танланган ҳар бир деталь ва ҳар бир эпизод асар олдида турган бадий вазифа билан мустақкам боғлиқдир. Бу фикрни «Қутлуғ қон» романидан келтирилган деталлар ҳам, «Навоий» романида учрайдиган деталлар ҳам тўла тасдиқлайди. «Қутлуғ қон» романидаги биз қайд қилган деталлар «Навоий» романида иш бермаслиги, аксинча, «Навоий» романида келтирилган деталларнинг «Қутлуғ қон» романида бадий эффекти бўлмаслиги маълум. Бу фикрни Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романида учрайдиган деталлар ҳам тасдиқлайди. Бу романда Ойбек ўзига хос йўллар билан деталь ва кичик манзаралардан ўринли равишда фойдаланади ва ҳар гал бу деталларни ўзбек жангчиларининг ватанпарварлик руҳини кўтариш, уларда душманларга нисбатан кучли нафрат ҳиссини уйғотиш ғоясига бўйсундиради.

Ўзбек жангчилари ҳақидаги бу роман қаҳрамонларидан Асқар полвон билан Али тажанг фронт орқасидаги шаҳарлардан бирининг ҳаво ҳужумига дуч келади. Ҳужум тугагач, солдатлар бомбардимондан кейинги шаҳарнинг мудҳиш аҳволини кўрадилар. Мана, шаҳар ҳаётини реал акс эттирган деталь — манзаралар: ҳамма ёқ тўс-тўполон; кўчалар гишт, тупроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч,— булар бомбардимондан кейин шаҳарнинг манзарасини кўрсатадиган одатдаги ҳолатлар. Бундай ҳолатларни биз китобларда, кино картиналарда кўп кўрганмиз. Бироқ

Ойбек манзара тасвирини давом қилдириб, китобхон эътиборини жозибали деталларга жалб қилади, «Шамол исланган китобларни варақлар, осилиб қолган вивескаларни тебратарди». «...Уйларнинг синиқ деразалари тешилган кўзалардек қўрқинчли боқарди». Бомбардимон эндигина тугаган шаҳар ҳолатини кўрсатадиган деталь — манзаралар. Бу ибораларни деталь деб аташ ҳам қийин. Балки, булар топиб ўринли ишлатилган белги-чизиқлардир. (Штрих маъносида.)

Кейин Асқар полвон билан Али тажанг даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўладилар. Бомбалар очган катта ва қора чуқурлар орасидаги тупроқ ва кул дўнги қаршисида бир бола билан аёл бошларини эгиб маъюс ўтирар эдилар. Ойбек тасвири билан айтганда, «бош яланг, оёқ яланг, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб» даҳшатли чанг солган эди. Асқар полвон билан Али тажанг аёлникида меҳмон бўлишган, чойини ичиб, нонини еган. Ўзбек ва рус халқининг қардошликлари ҳақида гаплашишган, ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари борлиги ҳақида ҳазил-ҳузуллар қилишган эди. Мана, энди Ойбек сўзлари билан айтганда «кечаги кўркам ҳуснали аёл тупроқ ва кул дўнгига айланган уйи олдида абгор ўтирибди...»

Узоқ ўлкадан Ватан учун душманга қарши отланган жангчиларнинг онгига таъсир қилиш мумкин бўлган бундан кучлироқ деталь топиш қийин бўлса керак.

Ойбек хусусан асар қаҳрамонларининг портретларини яратишда белги-чизиқлардан унумли фойдаланади.

Гидам дўппи узра сочлари чамбар,  
Этиги ғирчиллар чилла қоридек.  
Енглар шимарилган тонгдан то саҳар,  
Сўзида сабот бор, эл қароридек.

Бу Ойбекнинг «Раиса» шеърини кўчирилган мисралар. Бундаги раиса бошидаги «гидам» дўппи, «сочларининг «чамбар» қилиб боғланиши, «этикнинг чилла қоридек ғирчиллаши» шеър ёзилган пайтдан (1946 йил) ўзбек аёлининг ташқи қиёфасини кўрсатадиган топиб ишлатилган белги-чизиқчалардир.

Ойбек «Тансиқ» (1935) номли шеърини менман деган йигитларга баробар келадиган отбоқар қизнинг образини яратади. У ўзининг кўп хусусиятлари — отга қўйган ихлоси, чавандоздек от чопишлари, мардлиги билан йигит-

ларни эслатади. Ойбек Тансиқнинг бу хусусиятларини алоҳида таъкидлаб, шеърнинг охирида шундай мисраларни битади:

Баъзан қўлга кичик бир ойна олар,  
Кулади чимириб ингичка қошни.  
Биров кўрмасни деб, оҳиста солар  
Киссага... хўрсиниш, сўнг дамлар ошни...

Бу кичик эпизод — чизиқча йигитлар ишини қилиб, йигитларча иш кўрсатадиган Тансиқнинг аёллик хусусиятларини кўрсатади.

Ойбек ўзининг поэмаларида ҳам қаҳрамонларнинг ўзига хос қиёфаларини яратишда кўзга яққол ташланадиган белги-чизиқлардан моҳирона фойдаланди. У «ўч» поэмасининг қаҳрамони эркесвар чапани қиёфасида шундай белгиларни кўради. «Чақин кўз бургут», «юзлари жиддий ва этсиз», «эгнида адрас тўн», «белда қўш белбоғ», «чуст дўппи нимта», «кенг кўкрак очиқ» вазоҳатидан «темир қафасдаги арслондек».

Ўз ёри учун, ўз эрки учун қонини, жонини аямайдиган «исёнкор» йигит қиёфасини белгилайдиган ва унинг асардаги хатти-ҳаракатларини далиллайдиган белгилар.

Мард чапанига ўзини фидо қилган Лаъли образининг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатлари ҳам Холхўжага мос. Мана унинг характер-хусусиятларини кўрсатадиган белги-чизиқчалар:

Шўх эди. Ёшлиқда томба-том ўйнар,  
Чиқарди қуш излаб терак учига,  
Ҳамма ўртоқлари эркак болалар,  
Урушқоқлар қойил унинг кучига.

Поэманинг бошқа бир жойида Ойбек худди «Тансиқ» шеъридагидек топиб ишлатилган белги-чизиқчаларда Лаълининг аёллик хусусиятларини таъкидлайди; «Қошлари ингичка», «лаблар нақ пишган гилос», «юзлар оқ, тиниқ», «кўзлар йирик, шўх», «киприклар қуйиқ»... Бу белгилардан кейин Ойбек қизларига хос яна шундай белгиларни келтиради:

Дуторни энг яхши чалар эди у,  
Каштага баҳорни ёяр эди у,  
Нонларни дўндириб ёпар эди у,  
Кампирлар дер эди: «она хотин бу!»

Маълумки, «Уч» фожиа билан якулланади. Асар бош қаҳрамонларидаги майда деталлар, белги-чизиқчалар бқ-



лан кўрсатилган бу портрет хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар китобхонда уларга нисбатан зўр қизиқиш ва хайрихоҳлик уйғотади. Шу маънода қаҳрамонлар характерларидаги бу белгилар уларнинг тақдиридаги фожиа фониди катта бадий эффект туғдиради.

Реалистик адабиётда санъаткор ёзувчи қуввати аксарият пайтларда деталлар яратиш ва уларга максимум даражада маъно юклашга боғлиқ. Шу ишни ўринлата олмаган ёзувчилар доим фактларни санаш, воқеаларни қайд қилиш, адабиётшуносликда маълум бўлган термин билан айтганда баён йўлига ўтиб оладилар. Натижада улар асарларининг доим таъсир кучи паст, умри қисқа бўлади. Қайси бир умри узоқ асарни олманг, унда маънодор деталларнинг ниҳоятда кўп учраганини кўрасиз.

М. Шолоховнинг «Очилган кўриқ» романида (иккинчи бобида) Яков Лукичнинг ҳолати тасвирланади. У оқ гвардиячилар билан муносабатда бўлгани учун ўзини қандайдир айбдор ҳисоблайди. Оғир психологик ҳолат. Бироқ, М. Шолохов бу ҳолат ҳақида ўз сўзи билан бирор нарса демаслик учун ҳаракат қилади. Бу ҳолатни бериш учун ёзувчи аввало, Яков Лукичнинг кўрган даҳшатли тушини келтиради, кейин унга ҳалақит берган мушукка, кейин ўғлига қилган дўқи ва пўписасини тасвирлайди. Қошиқ билан келинига ҳамла қилади, у олиб келган боршни ўз устига тўкиб юборади, шимининг тугмаларини илмасдан кўчага чиқади, колхоз идорасига яқинлашганда ерда ётган картошкага сирғаниб кетиб йиқилиб тушади...

Қаранг, биргина бобда, биргина образда қатор деталлар тизмаси. Бу деталлар ёзувчи баён йўли билан айтиши мумкин бўлган «хабар»лардан минг чандон маънодор ва маъмурдордир.

М. Шолоховнинг улуғ адабиётнинг классик ёзувчиси даражасига кўтарилишида, мана шу хилдаги топиб ишлатилган маънодор деталлар ва манзараларнинг роли озмунчамикин? Ойбекнинг ўзбек романчилигини камолотга етказган, социалистик реализм методининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган классик ёзувчи сифатида баҳоланишини юқорида таҳлил қилинган, топиб ишлатилган маънодор деталь ва манзараларнинг вазифаси озмунчамикин? Бу ҳақда ҳар хил фикрлар бўлиши мумкин. Бироқ шу хилдаги деталь ва манзараларсиз Ойбекни ҳозирги Ойбек даражасида англаш қийин бўлса керак.

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС ИЖОД

Ёзувчилар борки, улар бутун умр ҳаёт билан бирга, ҳаётнинг табиий талаби ўлароқ ижодкор сифатида шаклландилар. Ижоднинг кейинги босқичларида ҳам улар доим ҳаёт билан ҳамнафас бўладилар. Ёзувчи Шароф Рашидов шу хилдаги фаол ёзувчилардандир.

Шароф Рашидовнинг адабий фаолияти кўп қиррали: у ўз вақтида ҳаёт нафасини тўғри ҳис қилган шоир, адабиёт ва санъат проблемалари устида чуқур ўйлайдиган танқидчи, республикамиз ҳаётига тегишли йирик масалаларни теран англайдиган прозаик ёзувчи, ўзбек публицистикасининг шаклланишига катта ҳисса қўшган публицист.

Шароф Рашидов 30-йилларнинг охирларида, Самарқанд Давлат университетининг студенти чоғларидаёқ, бадий ижодга қўл уради. Бу вақтларда у 20 ёшлардаги йигит эди. «Ленин йўли» газетаси саҳифаларида у биринчи шеърларини эълон қилади. Уша йиллари унинг бир қатор шеърлари, «Самарқанд куйлари» номли тўпلامдан жой олади. Еш шоирнинг шеърлари тематик жиҳатдан ҳар хил, бироқ уларнинг ғоявий асоси бир — Ватан, социалистик меҳнат, ҳаётимизда рўй бераётган революцион ўзгаришлар мадҳи. Шароф Рашидовнинг бу хилдаги шеърлари Ҳамид Олимжон традицияларида битилгандир. Унинг шеърларида ҳам худди Ҳамид Олимжон шеърларидагидек ҳаётнинг ёруғ томонлари, ватанимизнинг ўзига хос гўзал хусусиятлари, жўшқин оҳанги куйланади.

Ёруғ экан, қуёш ўлкам,  
Мудом баҳор ўтар йиллар.

Боғи кўркам, тоғи бўстон,  
Усар райҳону жамбиллар.  
Умрбод роҳатда эллар,  
Завқу шавқнинг лаззатини  
Куйлаган армони йўқ диллар.

Ҳаёт материали, бу материалга ёндашиш ва талқин қилиш жиҳатдан ёш шоир бир томони билан ўша даврларда ижод қилаётган халқ ижодкорларига, иккинчи томони билан ёзма адабиётимизнинг йирик вакили Ҳамид Олимжонга яқин тургани сезилади. Гап шундаки, шеърни ўқисангиз сўзларнинг жой-жойига қўйилиши, қофияларнинг табиийлиги сингари халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Гўё Эргаш Жуманбулбул ёки Фозил Йўлдош дўмбирасини олиб, Самарқанд атрофидаги тоғ ва дараларнинг ўзига хос гўзал белгиларини куйга солиб, дўмбира билан айтаётгандек. Шу бир вақтнинг ўзида бу мисраларда Ҳамид Олимжондагидек ҳаётнинг ички оқими, унинг социал ва сиёсий кўркамлигини чуқур англаган бир шоирнинг овози борлиги ҳам сезилади.

40-йилларнинг бошларида Шароф Рашидов шеърларида Ватанга муҳаббат, янги ҳаёт душманларига нафрат алоҳида ҳис ва туйғулар билан ифода этилади. Дунёга таҳлика солиб турган фашизмга қарши ёш шоирнинг овози барала янграйди.

Унинг 30-йилларда ёзилган шеърларида кўпроқ майин лирик оҳанг, нафис мусиқавийлик мавжуд бўлса, 40-йилнинг бошларидан бошлаб дунёдаги қора кучларни қораловчи нафратли публицистика кўзга ташлана бошлайди. Европани босиб олаётган фашизмни у қитъа «осмонидаги қора булут», Чемберлинни юзига тупурилган бир зот, Гитлер ва Муссолиниларни эса пешанасига ҳоинлик муҳри босилган бир кимсалар сифатида таърифлайди.

Душман Ватанимизга бостириб киргандан кейин эса у Ватан жангчиларини курашга отланишга руҳлантирадиган, фашизмнинг қабиҳ хатти-ҳаракатларини фош қилиб берадиган шеърлар битди. Ватан ва уруш темаси Шароф Рашидовнинг Улуғ Ватан уруши жангларида ўзи қатнашган ва ярадор бўлиб қайтиб, ватан хизматида турган кезлари янги босқичга кўтарилди. Кўкрагида юраги уриб турган ҳар бир ватанпарварни у муқаддас эл-юрт учун бўлаётган жангга чақирди. Унинг бу хилдаги шеърлари ўша вақтларда республикамиз матбуотининг марказий ор-

ганларида эълон қилиниб турди ва 1945 йилда «Қаҳрим» номи билан алоҳида китоб шаклида эълон қилинди.

«Қаҳрим» шоирнинг ҳаётни акс эттириш диапозонини анча кенгайтганидан, теранлашганидан дарак беради. У ўша даврларда ижод қилаётган энг илғор совет шоирларининг жанговар сафида туриб ижод қилганини англаймиз. Бу даврларда ўзбек шоирларининг ижодида совет кишининг ватанпарварлик ҳис ва туйғуларини ҳар хил йўл ва услублар билан акс эттиришга интилишларини кўрамиз. Шоирларимиз баъзан қасос мотивида шеърлар битса, баъзан ўғил ва қизларини уруш майдонларига жўнатаётган ота-она панд-насихатлари усулида асар битардилар, баъзан эса бутун ватан номидан жангчиларга оқ йўл тилар эдилар. Шароф Рашидов ҳам бу йўл ва усулларнинг ҳамма турларида ўз кучини синаб кўрди ва айтиш керакки, ўша вақтларда адабиётнинг шарафли вазифасини адо этишда бу ёш шоирнинг ҳам ўзига хос улуши бор эди. Унинг шеърлари ҳукмнинг кескинлиги, овозининг жиддийлиги билан характерланарди:

Агар жангда қайтсам орқамга  
Лаънат ўқинг. Яшашим бекор.

Мана унинг шеърларидаги оҳанг!

Шароф Рашидовнинг кўпгина шеърларида йигитнинг солдатлик бурчи, унинг ватанпарварлик руҳи, муҳаббат ҳис-туйғуларига йўғрилган ҳолда акс эттирилади. Бу хилдаги шеърларида ёш шоир майин лирик кайфият яратади. Бир хил пайтларда лирик кайфият маълум бир воқеаларга сингдирилади. Одатда, бу хилдаги шеърларнинг вазни энгил, маъноси аниқ бўлади.

Менга, гўзал, юбординг,  
Оқ шоҳидан рўмолча,  
Рўмолчага солинган  
Кўп чиройли бир ғунча.  
— Ғунча, — дебсан — иккимиз —  
Меҳр қўйган чин ҳаёт  
Ғунчани узмоқ истар,  
Ажал олиб келган ёт.

Бу ерда «ғунча» анъанавий маънодаги ҳаёт рамзи, унинг рамзида берилган йигит билан қиз ораларидаги му-

ҳаббат, совет ёшларининг ватанпарварлик туйғуларини ифода қилишга бўйсундирилган.

Тўпلامга киритилган «Яшасин севги» номли шеърида ёш шоир огир жангларда, уйқусиз тунларда, ўқ ва снаряд тўфониди, солдат йигит хаёли билан бирга бўлган, унинг билан ёнма-ён турган ёр образи яратилади. Ёр образи жангчига мадад беради, уни зафар сари элтади, келажакка чорлайди, ўлим пайтлари унга ҳаётни эслатиб туради...

Разветкада уни кўраман,  
Хужум пайти мен билан юрар,  
Қаҳр билан олға югурар,  
Зафар дами уни кўраман.  
Бош устида ўқлар ёмғири,  
Кўз олдимда ажал кўраман.  
Бош устида ўқлар ёмғири,  
Ёрим шунда намоён бўлар  
Ўлим эмас, ҳаёт кўринар.

Баъзи бир шеърларида Шароф Рашидов ўз ижодида биринчи марта сюжет яратади, бу сюжетни совет халқининг ватанпарварлик руҳини акс эттиришга бўйсундиради. Унинг «Белград қизи» номли шеърида ота-онасининг ҳаёти, қувончи бўлмиш гўзал қизнинг фожиали тақдири тасвирланади. Шу билан ёш шоир ижодига фожиа шеърий парчалардагина эмас, балки бир бутун сюжет воситасида келиб қиради. Шу маънода бу шеър гўзал рус қизининг фожиаси ҳақида баллада сифатида кўзга ташланади. Бироқ Шароф Рашидов фожиавий сюжетда ҳам ўша вазнининг энгиллигини, маънонинг аниқлигини сақлаб қола олган. Мана ўша Белград қизининг тасвири:

Кўзи чақноқ, юзи тўлин ой,  
Қуёш каби равшандир чирой,  
Нур ёғади анор юзидан,  
Ва томар нур икки кўзидан  
Табассумга тўла писта лаб,  
Ғунча юзин очган эрталаб,  
Қалби жўшқин тўлқинли денгиз  
Юзида йўқ қайғулардан из...

Шеърнинг кейинги мисраларида ҳам алоҳида таъкидланган ёшлик — гўзаллик, ҳаётийлик душман қўлида топ-

талади. Бу эса ҳаёт учун эркинлик учун, бошқаларнинг номус-орини омон сақлаш учун қўлига қурол олишга мажбур бўлади. Бу ерда биз гўзалликни мадҳ қиладиган лирик йўналиш, одамни даҳшатга соладиган фожиавий воқелик, инсонни ҳайратга соладиган қаҳрамонлик элементларининг кичкина бир шеърда мужассамланганини кўрамиз.

Шароф Рашидов ижоди келажакка назар ташлаш билан характерлидир. Ўша оғир йиллар, душман билан қон олиб — қон беришиб, жон олиб — жон беришиб турган бир пайтларда у «Жангчи» номли шеърини шундай яқунлаган эди:

Йиллар ўтар, асрлар ўтар,  
Жангчи номи бўлар донм ёд...  
Шу мард жангчи ўтган элларда,  
Порлоқ ҳаёт бўлажак бунёд.

Шоир бу мисраларни битар экан, бундан ўттиз йил илгари ҳаётнинг бугунги кунини ҳамма жиҳатдан, унинг бутун жамолини, бор, маъносини, ҳали унча аниқ бўлмаган йўналишини гўё кўриб тургандек ҳис қилади ўзини.

Қирқинчи йилларнинг бошларида, хусусан Улуғ Ватан уруши йилларида Шароф Рашидов қатор очерк ва ҳикоялар яратади. Бу очерк ва ҳикояларнинг тематик доираси ҳам жуда кенг — Ватан, социалистик меҳнат, совет жангчиларининг Улуғ Ватан уруши жанглирида кўрсатган қаҳрамонликлари. Бу очерк ва ҳикояларда ёзувчи ижодининг бошланғич даврлариданоқ, ҳукмронлик қилиб келаётган бир тема бор эди. Бу — инсон қудрати, унинг табиат ўжарликлари устидан қозонаётган ғалабаси. Бу жиҳатдан унинг «Ленин йўли» газетасида эълон қилинган, «Меҳнатчи қизлар» очерки, «Қўриқда», деб аталган ҳикояси характерлидир. «Қўриқда» адиб ўтмишда ўзбек халқининг сув учун олиб борган кураши ва бу йўлда тортган азоб ва уқубатларини акс эттирса, «Меҳнатчи қизларда» ерсувни ўз қўлига олган халқнинг ундан фойдаланиш йўлида амалга оширган тадбирлари акс эттирилади.

«Мана, биз чўлларга кўтардик исён,  
Шўх телба дарёга соламиз тўғон».

1939 йилда ёзилган «Гулистон» номли шеърдан олинган бу икки сатр Шароф Рашидов ижодининг умум лейт-

мотиви бўлиб қолди. Республикамиз ҳаёти учун муҳим бу проблемани акс эттириш учун шеър, ҳикоя, очерк жанрлари ёзувчи талабига жавоб бера бермади. Кейинчалик у, бу масалани прозанинг каттароқ полотносида акс эттириш устида иш олиб борди ва 1951 йилда «Ғолиблар» қиссасини эълон қилди. Қиссада бир қишлоқ, бир колхоз ҳаёти мисолида ўзбек халқининг пахтадан мўл ҳосил олиш, бу ишнинг гарови бўлмиш сув чиқариш ва янги ерларни ўзлаштириш йўлидаги халқ жонбозлиги акс эттирилади. Шароф Рашидов қиссада акс эттирган бу проблемалар нақадар муҳим эканини вақт ўтган сари ҳаёт ўзи кўрсатяпти. Шу сабабдан адиб темани яна ҳам кенгроқ планда ёритиш мақсадида бадий тадқиқотни дэвом қилдирди ва эллигинчи йилнинг охирларига келиб, «Ғолиблар» қиссасининг давоми бўлмиш «Бўрондан кучли» (1958) романини яратди. Роман тематик жиҳатдан ҳам, акс эттирилган ҳаёт объекти, образлар системаси жиҳатдан ҳам қиссанинг табиий давоми бўлди. Қиссадаги қатор образлар ҳаёти романда мантиқан давом қилдирилди, улар янги давр, янги муҳитда халқ иши учун жонбозлик кўрсатдилар.

«Бўрондан кучли» китобхонлар ва адабий жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Машҳур танқидчи ва адабиётшунос Корнелий Зелинский ўша вақтлардаёқ ёзган эди:

«Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи ўқувчини Ўзбекистоннинг Олтинсой чўлини ўзлаштириш билан боғлиқ воқеалари томон етаклайди. Воқеалар асосан биргина колхоз доирасида кечса-да, лекин бу нарса, ўзида КПССнинг XX съезидан кейин, бизнинг ҳаётимизга кириб келган янгиликларни — буюк ўзгаришларни тўла акс эттирувчи томчидир гўё. Муаллифнинг ҳам ўз романини XX съездга бағишлаши бежиз эмас албатта. Гап оммада кўзголган улкан ижодий энергия ҳақида ва шунингдек халқ ташаббускорлигининг янгича босқичга кўтарилиб гуллаб-яшнаши ҳақида боради унда. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ҳаётининг умумий даражасини юксалтириш ва коммунизм учун кураш йўлида янги ерларни ўзлаштиришдан иборат партия чақириғига хусусан лаббай деб жавоб берган, уни жуда қаттиқ ҳимоя қилган, буюк халқ ҳаракатида ифода тополган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Правда», 1959 год, 18 февраля.

Шундай қилиб, Шароф Рашидов ижодида яхлит темада, ягона ҳаётий материал ва образлар асосида, бир хил услуб кўринишда яратилган дилогия пайдо бўлди. Бу дилогияда тасвирланган образлар, хусусан Ойқиз, Олимжон, Погодин ва Умурзоқ оталар совет халқининг ҳаёти, кураши, руҳий дунёси, маданий савиясини кўрсатадиган типлар сифатида адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Шароф Рашидов халқимиз фаровонлигини тобора ошириш, бунинг учун чўлларга сув чиқариб, янги ерлар ўзлаштириш масаласи устида доимий ўйлаб келаётган адибларимиздан. 1960 йилда у шу темага бағишланган «Қамолот» (Ю. Карасев, Б. Приваловлар билан бирликда) номли киносценариясини яратади. Сценария марказида яна ўша ер-сув масаласи ва бу масалани ҳал қилишда жонбозлик кўрсатган қатор образлар туради. «Ғолиблар»да бу проблема, роман жанрига мувофиқ, бир қатор бошқа масалалар билан бирга қўйилди. Бунинг устига адиб учун «Ғолиблар» қиссаси ҳали биринчи тажриба эди. Сценарияда бу муҳим мавзу яна ҳам жиддийроқ, сценария жанри талабига мувофиқ кескинроқ ва мукамалроқ қўйилди. Қисса жанри имкониятига мос баъзи бир ёрдамчи масалалар олиб ташланди.

Шароф Рашидов ўзига ва ўзга қаламқаш дўстларига талабчан адиблардан. «Ғолиблар» қиссасининг биринчи эълон қилинишидаёқ қиссада акс эттирилган воқеаларнинг ҳаётийлиги, қамраб олинган проблемаларнинг актуаллиги ҳақида адабий жамоатчилик хусусан мунаққидлар томонидан яхши фикрлар айтилди. Бироқ унда акс эттирилган ҳаёт кўлами ҳали ёзувчининг ўзини етарли даражада қаноатлантирмас эди. Шу сабабдан, Шароф Рашидов қисса устида узоқ вақтлар иш олиб борди ва ниҳоят 1972 йилда «Ғолиблар»ни ҳаёт материали билан яна ҳам бойитиб роман шаклида эълон қилди.

Роман сифатида «Ғолиблар» икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмидан аксарият боблари янгидан ёзилган. Иккинчи қисмнинг ҳам баъзи боблари қайта таҳрир қилинган бўлиб, айрим боблари янгидан ёзиб қўшилган. Шундай қилиб, структура жиҳатдан «Ғолиблар» романи қиссанинг шунчаки қайта ишланган варианты эмас, балки қайта яратилган асар даражасига кўтарилган. Қиссадаги асосий образлар бўлмиш Ойқиз ва Олимжонларнинг болаликдан бошланган ҳаёт йўли тўлдирилган ва натижа-



да улар кўрсатадиган қаҳрамонлик ва жонбозликлар уларнинг ҳаёт йўллари мантиқи асосида далиллангандир. Қайта ишланган «Ғолиблар»да ёзувчи Улуғ Ватан уруши йилларида халқ бошига тушган кулфатнинг нақадар оғир эканлигини ва бу оғир кунларда халқ кўрсатган матонатни акс эттирадиган реалистик манзаралар яратди.

«Ғолиблар» романининг реалистик қуввати кўпроқ унинг марказида турган Умрзоқ оталар оиласи тасвири билан боғлиқ. Бу оила типиде биз бутун бир тарихий давр — Улуғ Ватан уруши арафаси, бу урушнинг даҳшатли кунлари, урушдан кейинги ҳаётни қайта тиклаш давларида оддий ўзбек оиласининг бошига тушган ғам-ғуссалар, иш-ташвишлар, кураш ва қувончлар тарихини кўра-миз. Умурзоқ ота оиласи бамисоли кичик бир ячейка, Улуғ Ватаннинг бир парчаси. Бир томчи сувда олам акс этганидек бу оиланинг тақдири бутун республикамиз тақдири, бутун мамлакат тақдири акс этади. Шу билан баробар Шароф Рашидов давр зиддиятини, бу вазиятда ўзини халқ ишидан, партия амалга ошираётган улуғвор тadbирлардан чеккага тортиб, ўз тинчлигини ўйлаган шахсларга муносабат билдиради, уларнинг хатти-ҳаракатларини қоралади. Романдаги ҳам ижобий, ҳам салбий образлар ҳаётда биз кўриб, учрашиб юрган яқин танишларимиздек кўз олдимиздан ўтади ва уларнинг ҳаётдаги кейинги қадамларини ҳам китоб саҳифаларида кўргимиз келади.

«Ғолиблар» романининг бадий асар сифатида жозибаси кўпроқ, унинг бош қаҳрамони Ойқиз образи билан боғлиқ. Ойқизнинг ҳаёт йўли, бугунги биз билан яшаётган замондошларимизнинг типик ҳаёт йўлидир, меҳнат қилаётган, социалистик ҳаётни босқичлардан босқичларга олиб чиқаётган замондошимизнинг типик образидир.

«Ғолиблар» асарнинг бош қаҳрамонига тегишли ажойиб прологдан бошланади. Бу прологда мажозий маъно бор. пролог тоғлар, адрларга таралган қуёш нури тасвири билан бошланади. Оқшомнинг қоронғилигидан кейин аста-секин ёруғлик таралади, аввало тоғ чўққиларига, кейин адрларга қуёш нури етиб келади. Олам уйғонади. Бироқ, қуёш нури ҳамма жойларга ҳам бир хилда, ва бир зумда тарқала бермайди. Аввало осмон-фалакда учиб юрган бургутлар кўради. Улар қуёшнинг биринчи нурларида товланиб, бу нурдан биринчи баҳраманд бўлганларидан ғурурлангандек бўлиб, гоҳ фазога отиладилар, гоҳ эса шўн-

ғиб ўзларини пастга оладилар-да ўз қудратларини кўз-кўз қилгандек бўладилар.

Адиб тасаввурда ҳаёт бамисоля узоқ оқшомдан кейин чарогон офтоб нурига кўмилган адир, у тасвирламоқчи қаҳрамонлар эса, қуёш нурини биринчи бўлиб қарши оладиган, парвозга доим шай бўлиб турган, ўзини шу ишга тайёрлаган бургут. Асар саҳифаларида эса биз бу бургутларнинг парвозини кўрамиз... Умуман кейин ҳам асар бош қаҳрамони тасвирида бургут образи баъзан-баъзан эслатиб борилади. Ҳали ёшлик пайтларида Ойқиз дугонаси билан тоғларга чиққанда Ойиси уни бу ишдан қайтариш учун «бургут олиб қочиб кетади», деб қўрқитади. Бироқ Ойқиз бундан қўрқмайди. Ҳатто бир марта «вой жуда қизиқ бўларди-да. Бургут болалари билан ўйнар эдим»,— дейди.

Ойқиз умуман табиатан парвозга, юқорига интилувчан эди. У дугонаси билан довлонларга чиқар, баланд-баландликлардан узоқ-узоқларга қараб, томоша қилишни, хаёл суришни яхши кўрар эди. Бир марта ойиси «уйдан узоққа кетиш, довлонларга чиқиш ҳавфли», деганда у оқшомлар ҳовлида, кўрпага бурканган ҳолда юлдузларга боқар ва «Довон устида турсанг ёмонми? Ҳеч хавфли жойи йўқ, ҳамма ёқ кўз олдинда, юрагинг қувончга тўлади», дер эди ўз-ўзига. Ойқиз узоқ-узоқларни, теварак-атрофни тўлароқ кўришга интилар ва шунинг учун ҳам осмонларда учиб юрган бургутларга ҳавас билан қарар эди. Бир куни Ойқиз бургутлар парвозини кузатиб... «Сизларга ҳавасим келади. Чунки қуёш билан ҳаммадан олдин учрашасизлар. Эҳтимол шунинг учун ҳам чиройли, кучли, мағрур ва довюрраксизлар?!»<sup>1</sup> дейди. Зотан, Ойқизнинг ўзида ёшлигидаёқ қандайдир довюрраклик, хавф-хатарни назар-писанд қилавермаслик хусусияти бор эди. Бу довюрраклик унда ёшликка хос қандайдир шўхлик билан аралаш кўзга ташланар эди. У довлонларда қўй боқиб юрган Бобоқул бобосига овқат олиб борар, ҳатто бўрилар рўпара келиб унинг итига шикаст келтирганда ҳам у ваҳимага тушмасди. Ойқиз баъзан ўзини атайин қийинчиликларга солиб кўрар. Шу билан гўё у ўзининг куч-қувватини синаб кўрмоқчидек бўлар эди. Ойиси ўчоқ бошида тутунда қийналиб нафас олишини кўриб, Ойқиз атайин юзини «тутунга тутар

<sup>1</sup> Ш. Рашидов. Голиблар, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 йил. Кейинги кўчирмалар ҳам шу нашрдан олинди.

ва шу йўсинда нафас олишини» ойиси олдида намойиш қилгандек бўлар эди.

Йиллар ўтган сари Ойқиз характеридаги бу хусусият яна мукамаллашар, яна кўзга ташланадиган бўлиб борди. Улуғ Ватан уруши бошланган кезлари у 13—14 ёшларидаги қиз бола эди. Бироқ у дилида бу улуғ ишда бирор хизмат билан иштирок этишни ўйлар эди. Қишлоқда юрган йигитларнинг урушга дарров кета бермаганидан, душман устидан бўладиган ғалабани тезлаштириш учун зарур ҳисса қўшавермаганидан ачинар эди. Қишлоқ Совети секретари бўлиб ишлаб юрган Олимжон повесткалар тарқатганини кузатавериб, бир кун «ахир сиз тушунган одам бўлсангиз... Нима учун ариза бериб урушга кетмадингиз? Ахир фронтга боришингиз зарур-ку? Эркак кишисиз-ку», дейди.

Ўзининг гапини яна ҳам қаттиқроқ тасдиқлаш учун қўшади:

«Қандай тушунсангиз тушунаверинг. Агар истаганингизда ариза берганингизда сизни ҳам юборишарди. Этигингиз ҳам, шимингиз ҳам, кўйлагингиз ҳам жуда ярашиғлик, жуда келишган жангчи бўлардингиз-да...»

Ойқизнинг мурғак характери шундай эдики, эл бошига мушкул иш тушган бир пайтда у ўзига ҳам иш ахтарар — ўзгаларга ҳам, Уруш ва унга тезроқ бориб ғалабага эришиш ҳақида Олимжон билан суҳбатдан кейин бу улуғ ишга фақат урушга бориб эмас, балки шу ернинг ўзида ҳам зарур ҳисса қўшиш мумкин эканини тушунади ва дугоналари билан колхоз ишларига актив қатнашишга бел боғлайди. Олимжоннинг таклифидан кейинги руҳий ҳолати шундай эди: «Ойқиз шу кеча ухлаёлмай чиқди. Барча режаларини шошмасдан чуқур ўйлашни истарди. Бироқ фикрлар қизга итоат қилмай, бир-бирини қувиб ўтар, бошида қуйиндай айланар ва ақл-ҳушини йиғиб бир фикрга кела олмасди. Гоҳ Гафур тоғасини, унинг тўрт томонига кўз ташлаб дўлана томон ўрмалаб кетаётганини кўз олдига келтирар, гоҳ Олимжонга айтган сўзларини эслаб, гоҳ уруш ҳақида, аллақачонда жанг қилаётган акалари Алишер ва Темура ҳақида ўйларди...»

Унинг дилида ёшликка хос ажиб бир ҳис ҳокимлик қилар эди. Бу — бўладиган ишнинг тезроқ амалга ошириш истаги. Бундай пайтларда у ўз манфаати билан ҳисоблашмас, тўғрироғи, ўз манфаатини умумхалқ манфаатидан ажратмас эди. Ойқиз атрофда бор одамларни кўздан кечи-

риб, улар ичида ўзига энг яқини деб, Олимжонни ҳисоблар эди. Демак, унга, унинг тоқатсизланган қалбига энг яқин шахс Олимжон эди. Бироқ халқ бошига тушган мушкилотнинг тезроқ бартараф қилинишида, у ўзига энг яқин шахс — Олимжоннинг ҳам узоқлашишидан қўрқмас, балки буни истар эди. Ёзувчи ўз қаҳрамонидаги бундай ҳолатни шу тарзда таърифлайди:

«Ойқиз фақат Олимжон борсагина урушда катта бурилиш бўлиб, немислар орқа-олдиларига қарамай тумтарақай қочадилар, деб фараз қилар ва шунинг учун ҳам унинг тезроқ фронтга боришини истаганини айтмоқчи бўлар эди. Борди-ю бу истакнинг сабабини бирор киши сўраб қолгудек бўлса Ойқиз шундай жавоб беришга тайёр эди: Олимжон «...шундай кучли, ...Шундай бахтли...»

Бу ерда ҳали болалиги тугамаган, бироқ катталикнинг барча эҳтиёткорлигини, айтиладиган фикрларни, кузатилаётган воқеаларни ҳар тарафлама ўйлаб, уларнинг паст-баланди яхши-ёмони ҳақида мулоҳаза қилишга эришмаган ёш қалбнинг тўлқинлари эди. Бироқ тез орада ҳаёт Ойқизни ўз гирдобига олиши, ўзининг ҳаракатларида, чиқарадиган хулосаларида теранроқ ўйлаб кўришга мажбур қилиши табиий эди. Шундай бўлди ҳам. Ойқиз урушга кетган йигитлардан келган хатларни уларнинг ота-онаси ёхуд қариндош-уруғларига тезроқ етказиб бериб, уларнинг хурсандчилигига шерик бўлишни истар эди. Бир кун ўзининг дугонаси Қумрихонга акаси Эргашдан хат олиб келиб беради. Кутилмаганда у қорахат бўлиб чиқади. Ойқиз Қумрихоннинг хурсандчилигига эмас, балки дод-фарёдига шерик бўлади.

«Шу-шу Ойқиз хат ташишдан воз кечди. Ахир у жонидан азиз дугонасига ўз қўли билан қорахат олиб келиб, унинг юрагини яралади... Энди у Эргашнинг ҳалок бўлгани учун ўзини гуноҳкордек сезарди».

Бу воқеадан кейингина Ойқиз уруш даҳшатларини сеза бошлади. Шу хилдаги хат унинг акаларидан ҳам, Олимжонидан ҳам келиши мумкин эканини англади. Уруш эпизодлари ҳақида ёзилган Олимжоннинг хатлари, унинг фикр қилиш доирасини янада кенгайтирди, ўйини ўткирлаштирди. Хатни ўқиб Ойқиз шундай хулосага келади: «Наҳотки одам боласи шунча азоб чекса... наҳотки шунча даҳшатлардан ўтса... Ҳамиша ўлимнинг ичида бўлса... Наҳотки...»

Бир кунлар ўзи урушни ҳавас қилган, севиқли Олим-

жонини тезроқ урушга жўнатиш кайфиятида бўлган Ойқиз илгари бу қон тўкишларнинг даҳшатини ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаган эди. Буни ўйлаш учун унда ҳали етарли асос ҳам йўқ эди. Энди асос бор — уруш даҳшатларини у ўзи қисталанг қилиб жўнатган Олимжон хатларидан англаб турибди. Энди у бу даҳшатли воқеаларда юрганларга қўл чўзишни истарди. Бироқ унинг қўли узоқларга етмасди. Ойиси айтгандек унинг ихтиёрида фақат битта қурол бор эди. Бу ҳам бўлса, меҳр. Меҳрини тўкиб-тўкиб хат ёзишга, қишлоғидан кетган ҳамма жангчиларга хусусан ўзининг Олимжони ва акаларига хат ёзиб, бу оғир кунларда уларга меҳр билан далда бермоқчи бўлди. Бир кечанинг ўзида ўтириб касал бўлишига қарамасдан кечаси билан ҳамқишлоқларининг ҳаммасига бир-бир хат ёзди.

Ойқиз бунгача романтик орзу ва истаклар қанотида учиб-қўниб юрди. Табиий, бу романтик парвозларнинг ҳам юқорида кўрганимиздек, қаҳрамон характерининг очилишида аҳамияти катта эди. Мана энди Ойқиз шафқатсиз ҳаётини ҳақиқатлар билан, хусусан уруш натижасида пайдо бўлаётган оғир воқеалар оқимида кўрди ўзини. Бу воқеалар роман қаҳрамонининг янги қирраларини очди, унинг характерини янги изга солди. Оз муддат ичида у бир неча йиллик умрни бошидан ўтказгандек, аслига нисбатан бир неча ёш улғайгандек бўлди. Акаси Темурдан келган қорахат бутун оиланинг бошига оғир мусибат бўлиб тушди. Умурзоқ ота яхши кўрган фарзанди дардида куйди, ойиси Холбиби эса «минг тўлганиб, оҳ-воҳ қилди, сочларини юлди, овозининг борича дод солди». Шундай бир пайтда ҳали ёш бўлса ҳам Ойқиз ўзини бутун оила, хусусан дардалам доғида қолган ота ва она олдида масъулиятли фарзанд ҳисоблади. Мана бу вазиятда Ойқизга нисбатан ёзувчи берган баҳо: «У аввалгидан анча тетик, худди касал кўрмагандек эди (қорахат келганда Ойқиз бетоб бўлиб ётган эди — М. Қ.), энди у ойсининг бошида парвона, дадаси келгунча ойсининг олдидан жилмасди. Рўзғорнинг барча иши Ойқизнинг елкасига тушганди».

Уруш Ойқизлар оиласининг бошига Ойқиз характерининг шаклланишида, бошқа ҳамма совет оилалари қатори ўчмас муҳрини босди. Кўп ўтмай Алишердан ҳам қорахат келди. Темур вафоти муносабати билан кўпгина дардаламларни бошидан ўтказиб заифлашган Холбиби иккинчи ўғлидан келган қорахат аламини кўтаролмади. Онасининг ўлимидан кейин Ойқиз Умурзоқ отага якка-ю, ягона

суянчиқ бўлиб қолди. Бу ҳол ҳам Ойқизнинг ўз оиласи, ҳамқишлоқлари, хусусан Ватан тақдирига яна ҳам масъулиятлироқ, қарашга ундар эди. Хусусан Олимжон тақдирини Ойқизни бутун уруш давомида безовта қилди, ҳар минут, ҳар соат ундан ҳам қорахат келаётгандек, ундан ҳам ажралиб қолаётгандек бўлар эди.

Шундай қилиб ёшликка хос романтик кайфият, келажак ҳаётнинг орзу-ҳаваслари қанотида тинимсиз парвоз қилишлар, Улуғ Ватан урушининг оғир кунларидаги аччиқ ҳақиқат билан қўшилиб Ойқиз характери тоблади, уни улғайтирди, характери шакллантирди. Олимжоннинг омон-эсон ғалаба билан қайтиб келиши Ойқизнинг бағрини бутун қилди, унинг характери яна ҳам дадиллаштирди. Ойқиз ҳаётда муҳимроқ қадам босишга, юксакроқ ишларни амалга оширишга тайёр эди. Элдошлари Ойқизнинг бу хислатларини сезгандек ёш демасдан уни қишлоқ Советининг раиси қилиб сайладилар. Бу ишонч эса ҳаётга парвоз учун асос устига қўшилган янги асос эди. Бошқача қилиб айтганда, романнинг биринчи қисмида Ойқиз жасоратталаб шахс сифатида гавдаланади. Мана ёзувчининг Ойқизга ато этган сифатлари:

«Ун тўққиз ёшида жасорат кўрсатишни орзу қилмаган ким бор? Ойқиз ҳам худди шуни орзу қиларди. У ҳам жасорат кўрсатишга тайёр! Бироқ узоқдаги кичкина бир қишлоқда қандай жасорат кўрсатиш мумкин?.. Олимжон маслаҳат берса эди... Ҳар ҳолда у фронтда бўлган... Аммо қиз жасорат кўрсатиш орзуси билан яшаётганини очиқ-ойдин айта олармиди? Йўқ. Ҳеч қачон айта олмайди. Ҳар қандай киши ҳам мана шу дақиқада қандай жасорат кўрсата олишини олдиндан билмайди-ку, хаёлига ҳам келтирмайди-ку, ахир. Бу ҳамиша фавқулодда, қўққисдан бўлади. Шундай эмасми? Йўқ, йўқ, Ойқиз, сен бу билан нима демоқчисан?.. Сенингча, одамлар ўйламай-нетмай жасорат кўрсатадиларми? Эсингга ол. Гастеллони эсла, Матросовни эсла... Ахир бу азаматлар ўйламай-нетмай жасоратга қадам қўйдиларми? Албатта, улар ўйладилар ва ўйлаб, била туриб, шундай жасоратга аҳд қилдилар. Буни улар жасорат эмас, балки бурч деб билдилар. Чунки улар партия ва комсомол фарзандлари эди. Албатта улар бу ишни жасорат, деб атаганлари йўқ, бу ишни халқ жасорат деб атади ва қаҳрамонларнинг номини шон-шарафларга буркади. Муса Жалил ҳам, Зоя ҳам... улар жасорат учун деб эмас, балки Ватан олдидаги бурч, дея жондан кечдилар».

Дарҳақиқат ҳар бир ёш йигит ёки қиз ҳаётини нима-ларгадир бағишлаш, жамият учун нималардир яратиш, умуман умрини бекор ўтказмаслик хусусида ўйлайди. Бироқ ёш қалбнинг келажакда ким бўлиши, ҳаётини нима-ларга бағишлаши у ўсиб, улғайган муҳитга ва майдонга боғлиқ. Ҳар бир ёш қалб эгаси шу муҳит ва майдонга боғлиқ. Ойқиз ўзини жасоратга тайёр ҳисобларди-ю, бироқ ҳали жасорат учун зарур муҳит ва майдонни излайдиган бўлди. Марказлардан узоқда бўлган Олтинсойдек бир қишлоқда, ўзи билган, бирга болалик даврларини ўтказган ҳамқишлоқлари муҳитида жасоратга шаронт борлигига шубҳаланар эди у. «Ғолиблар»ни ўқиган китобхон, қаҳрамон билан бирга жасорат муҳити ва майдонини излагандек бўлади. Мана, Ойқиз болалик пайтларида кўп марта-лар чиққан ва шу ерда туриб бургутлар парвозини кузатган тепалик. У эсини билганидан бери шу тепаликдан туриб ўз қишлоғи манзарасини кўздан кечиради. У шу тепаликка чиққанда қишлоғининг бутун борлиқ ҳаёти, унинг ҳаётидаги бор қийинчиликлар, мушкилотлар ҳам Ойқизнинг кўз олдидан бир-бир ўтади. Олтинсойнинг бир томони бепоён тепаликлар, адирлар, иккинчи бир томони Қизилқум. Баҳор пайтларида бир-икки ой бу қишлоқ атрофлари гулгун очилади, ёзнинг биринчи кунлари келиши билан гармсел таъсири остида қўнғир тусга киради.— Мана, Ойқиз тасавуридаги бу қишлоқ ҳаёти:

«Ҳа. Олтинсойликларнинг ери мўл-кўл. Бироқ баҳор чиқиши биланоқ, ёмғирлар тўхтайдди. Қизилқумнинг жазирама ёзи бошлангач, ўтлар қовжираб қолади. Олтинсой далаларининг баҳорги ҳуснидан асар ҳам қолмайди.

Баҳор ойлари осмондаги ранг-баранг камалак тепаликлар ва ён бағирларга тушгандек ҳамма ёқ қип-қизил, кўм-кўк ва зумрад ранг билан товланиб кетади, лолалар, бинафшалар ва кўм-кўк ўтлар ифода қилиб бўлмайдиган даражада жилоланади. Бироқ оз ўтмай, қуёш майсалар ва чечакларнинг сувини сўриб олади-ю, ранго-ранг камалак ҳам ўчади, ерлар ҳам сомондай сарғайиб қолади. Олтинсойликлар қуёш яллиғида куйган ерларига узоқ-узоқ тикилиб ачинишар ва «Сув бўлса, бу ерларда дон ҳам, пахта ҳам ўсарди», деб орзу қилишарди.

Ҳамма ҳам Олтинсойда пахта ўстиришни орзу қиларди. Бироқ пахта сувсиз ўсмайди-ку. Пахта иссиқ қуёшни, кўм-кўк осмонни ва ариқ тўла сувни севадиган экин. Олтинсойда бўлса сувли ерлар йўқ. Кўктоғнинг нариги томондаги бугдойлар паст бўйли, кам ҳосил бўларди. Баъзи-баъзи йиллари май ойларида мўл-кўл ёмғир ёққудай бўлса, бугдойлар бўлиқ, ўсиб, тоғ шабадасида денгиздай чайқалиб ётарди. Аммо олтинсойликлар Қизилқумга термилар эканлар, жазирама қумларни эслар эканлар, дилларида зўр ташвиш ва нотинчлик уйғонарди. Ахир ана шу қайноқ қумларнинг ўтли нафаси, гармсел қанчадан-қанча ҳосилни йўқотмайди!»

Ойқиз бойчиборини етаклаб водий томон тушар экан ўз қишлоғининг қисқа муддатли баҳори, бу баҳорнинг тез ўтиб кетиши сабаблари ҳақида ўйлади. Қанча ўйга чўммасин, унинг фикрлари бир нуқтага, сув масаласига келиб тўхтайверди. Шунда Олтинсой баҳорини чўзишнинг фақат битта асоси борлигига тушунди у. Бу — сув эди. Мана, ёзувчи тасвиридаги қаҳрамон ўйлари:

«Сув, сув!..— ўйларди Ойқиз,— уйғотилса бу гўзал дашт бизга битмас-туганмас бойликлар келтириши аниқ. Кўзларни қамаштирадиган тоғ-тоғ пахта хирмонлари қад кўтаради. Бироқ бунча сувни қаердан топиш мумкин?»

Ойқиз тўрт томонда оловдек ёниб турган лозазорга ғамгин боқди. Яна бир ва икки ҳафта ўтгач, бу оловнинг сўнишини биларди. Майсалар ва чечакларнинг қуриб қолишини ва бора-бора тўқ сариқ кулга айланишини кўз олди-га келтирарди. «Ахир Мирзачўл ҳам яқин-яқингача шундай эди-ку, ҳаётдан асар ҳам йўқ, жазирама иссиқда куйиб-ёниб, чанглари кўкларга соврилиб ётарди-ку,— кўнглидан ўтказди Ойқиз,— мана энди одамзод қўли унга жон киргизди. Сув келтирди, сувга қондирди, оқибатда чўл гулзорга айланди, мисли кўрилмаган пахта ҳосили билан одамларни қойил қилди. Пахтанинг ўзигина эмас. Боғларчи? Узумзорлар-чи? Айтишларича, тил ёрадиган ширин-ширин қовунлар ҳам Мирзачўл тупроғида битармиш».

Кўряпсизки, қаҳрамон жасоратга ҳам тайёр, бу жасоратни кўрсатиш йўлини ҳам топгандек бўлади. Агар бирор йўл билан Ойқиз Олтинсой воҳасига сув бериб, унинг «баҳорини чўзса», кўкаламзорга айлантирилса, қуриб-қақшаб ётган ерларга жон ато эта олса бундан ҳам фахрли жасорат бўлиши мумкин эмас унинг назарида. У тасодифдан сизиб сув чиқиб ётган ва бир вақтлар кўмилиб кетган бу-



лоқ устидан чиқиб қолади. Кейин отаси билан суҳбатда қишлоқни таъмин қилиб турган булоқлар бўлганини ва уларни қайта очиш мумкин эканига ишонч ҳосил қилади. Шу билан баробар Олтинсой яқинидан ўтадиган Ёнғоқсойга тўғон қуриш ғояси туғилади унда. Бироқ ёшликда одам боласи шундайки, бажарилиши керак бўлган кўп нарсаларни ўйлайди, баъзан амалга оширилиши қийин бўлган хаёлларга ҳам берилади, бироқ шу оннинг ўзида бу ишларнинг амалга оширилишидаги қийинчиликлар ҳақида кўп ўйлаб ўтирмайди. Балки бу яхшидир. Агар инсон боласи ўз ўй-хаёллари билан реал ҳаёт орасидаги зиддиятни дарров пайқаб оладиган бўлса, балки ҳаётда прогресс ҳам бўлмас эди. Шу аслида жасорат, қаҳрамонлик мана шу зиддиятларни енгиб ўтиш, халқ учун, Ватан учун ҳали бошқалар кўп ўйламаган масалалар устида ўйлаш ва бу йўлдаги зиддиятларни енгиб ўтишга боғлиқдир.

Дарҳақиқат, Ойқиз Олтинсой «баҳорини чўзиш» ҳақида ўйлаб, амалий тадбирларга ўтмоқчи бўлди ҳамки, ҳар хил зиддиятлар бошланди. Биринчи суҳбатдаёқ Умурзоқ ота Ойқизнинг булоқлар ҳақидаги фикрига бирор қаршилик кўрсатмаса ҳам Ёнғоқсойни бўғиш ҳақидаги фикрига қарши чиқди: «Фақат одам»ларни ишдан қолдирасан, экин-текинни барбод қиласан», деди чол. Ойқиз планлари партия бюросида муҳокама қилинганда колхознинг раиси Қодиров Ойқиз планларини «Қуруқ сўз» маънисиз ҳам асоссиз «хом хаёл» маҳсули деб ҳисоблади, уни «Қизиқ-қонлик устида тузилган план»га чиқарди. Қодиров ўз фикрини исботлаш учун асабийлашиб: «Агар булоқ суви билан ер сугориш мумкин бўлганда, Умурзоқовага қадар яшаган аждодларимиз орасидан шунга ақли етадиган одамлар топилиб қоларди. Олимлар ҳам сугораверинглар деган бўлардилар. Давлатимиз ҳам пулни аямасди», деди. Қодиров ўз фикрини асослаш учун кўпгина далиллар ҳам келтирди: Ойқизни «ҳозирлик кўрмай жангга кирмоқчи» бўлган жангчиларга ўхшатади; колхознинг бу иш учун етарли на одам кучи, на моддий маблағи борлигини пеш қилади. Гап колхознинг бўлинмас фонди ҳақида кетганда эса, «тийинлаб йиғилган» бу пулга ҳеч кимнинг даҳли йўқлиги, унинг бошқа муҳимроқ ўрни борлигини айтади. Партбюро мажлиси раисининг эътирозига қарамасдан Ойқиз планларини қабул қилгандан кейин эса, Қодиров шахсий адоват йўлига ўтади — Ойқиз ва Олимжонларни раислик ўрнига кўз тикадига чиқаради. Шундай қилиб, ёш

қахрамон она қишлоғи, халқи учун тоза, беғубор, беғараз ўйлар билан куну тун банд бўлиб, «жасорат майдони»ни топдим, деган эди ҳамки, жиддий қаршиликка учради. Шу йўл билан ёзувчи ўз қахрамонини катта ҳақиқат йўлига олиб чиқди ва уни ҳаётнинг жиддий қийинчиликларига рўпара қилди. Биз Ойқиз фикрларига қарши турган Қодировнинг оғир психологик ҳолатларини кўриб, Ойқиз бошқармоқчи бўлган ишларнинг нақадар оғир ва масъулиятли эканини сезамиз. Бироқ зиддият ҳар қанча оғир бўлмасин, Ойқиз характери бир йўналишда, бир нуқтада турар ва бу билан у ўзининг ирода кучини намойиш қилгандек бўлар эди. У ўз планларининг партбюрода муҳокама қилиниши олдида зиддиятлар бўлиши мумкин эканини англаб, битта фикрга келган эди: «Ишонтирамиз, исботлаймиз». Партбюронинг мажлисида рўй берган «жанг»дан кейин, ёзувчи Ойқизнинг психологик ҳолати ҳақида бир нима демайди. Бироқ роман контексти Ойқиз бу фикрдан сира қайтиши мумкин эмаслигини англатиб туради. Сўзсиз, шуни ҳам англаймизки, Ойқиз олға сурган планга ҳам отаси Умурзоқ ота қарши, ҳам «Қизил юлдуз» колхозини барпо қилган, уни шу даражага олиб келган, ўзини анча тажрибали, катта хўжалик эгаси ҳисоблаган раис — Қодиров қарши. Бу қаршиликлар Ойқиз учун анча характерли, хатти-ҳаракати учун катта синов эканини англаб борамиз.

Ойқиз характери тасвирининг бу даврларида ёзувчи услубида ҳам ўзгариш бўлади. Асарнинг биринчи қисмларида ёзувчи кўпроқ Ойқиз характерининг шаклланиши, бу шаклланиш жараёнида унинг психологик ҳолатларини бевосита тасвирлаш устида иш олиб борди. Романнинг ўрта бобларига келганда Ойқиз характерини шаклланган ҳисоблаймиз. Ойқиз ўзини фақат «жасоратга тайёр» ҳисобламайди, балки жасорат кўрсатишга бел боғлаб ишга тушади. Энди ёзувчи Ойқиз характери тасвирини бевосита тасвирлаш йўлидан билвосита акс эттириш йўлига ўтади. Энди Ойқиз характерини белгилайдиган баъзи воқеа ва ҳодисалар деталлаштирилмайди. Ойқиз бошлаган ишга муносабати натижасида пайдо бўладиган бошқа образларнинг хатти-ҳаракатларини, психологик ҳолатларини кўпроқ деталлаштиради.

Умурзоқ ота «қизим хато ишлар қияпти», деб ғамгуссаларга ботади. Унинг амалга ошироқчи бўлган ишларига баҳо беришдан ўзини ожиз ҳис қилиб, ўғиллари Те-

мур ва Алишер портретларига мурожаат қилади, улардан «бу ишга сизлар нима дердингизлар, Ойқиз тўғри иш қиляптими», деб сўрагандек бўлади. Утириб уйига сиғмайди. Уйлайвериб ўзини йўқотиб қўяди, қиладиган ишини билмайди, кўзининг олдида турган нарсаларни кўрмайди. Кўчага чиқиб одамларнинг шод-хуррамлигини кўриб ажабланмайди. Ойқиз ишини қувватлаган райком секретари Жўрабоев, колхоз бошлиғи Смирнов, Олимжонлардан таажжубланади. Ойқиз бошлаётган ишларни кўриб колхоз раиси ваҳимага тушди. Қодиров Ойқиз таклифи қабул қилинган бюродан чиқиб не-не ўйлар билан уйига етиб келганини билмай қолди.

«У қўлини мушт қилиб эшикни қоқди. Бир дақиқа ўтгач, этигига назар ташлаб, «ҳе этигим уларга ёқмай қолибди», деди. Бекбўтани эслаб, эшикни яна қаттиқроқ қоқди, ҳадеганда жавоб бўлмади, жаҳли чиқди.

Бир зум жим туриб қулоқ солди. Ҳовлида ҳеч қандай шарпа сезилмади. Қодиров аламига чидамай, икки қўлини мушт қилиб, куч билан тақиллатди. Агар ўнг қўли қонаб кетмаганда яна қанча тақиллатарди, ўзи ҳам билмайди. Эшик тахтасидаги бирон бир миҳ кирдими ё зирапча тилиб юбордими, ишқилиб, ўнг қўли, кафти, панжалари қонга беланган эди. Ҳовлидан овоз чиқавермагач, этиги билан тепа бошлади, жону жаҳди билан учинчи марта тепганда эшикнинг бир тавақаси ошиқ-мошиғи билан кўчиб, қулаб тушди. Иккинчи тавақа очилиб, зарб билан деворга тегди-ю, сўнгра орқага қайтиб ҳовлига киришга шошилган Қодировнинг елкасига келиб урилди.

Шу пайтдаёқ қаршисида хотини пайдо бўлди. Унинг қўллари хамир, қўрқиб-писиб саросимага тушган ҳолда ҳовлига чиққан эди.

...У айвондан уйга кириб, ичидан занжирлаб олди, устига атлас чойшаб тўшалган каравотга ўтириб этигини еча бошлади. У ўзидан-ўзи сўкиниб, қийналиб этигини ечди, каравот остига улоқтириб ташлади-да, қип-қизил гилам устида яланг оёқ юриб, нос кадисини олди. Энди ўзини салгина енгил сезгандай нос кадисининг тиқинини очиб, чап қўлининг кафтига урди. Аммо ҳадеганда нос тушавермагач, яна жаҳли чиқди. Энди нос кадини ўнг қўлининг кафтига қоқиб кўрди. Бироқ нос кади бўш экан, қанча қоқса ҳам нос тушмади. Қодиров бир зумда ўт бўлиб ёнди, нос кадини алам билан эшикка улоқтирди. Эшикка қаттиқ тегиб чилпарчин бўлди ва унинг парчала-

ри гиламга, каравотга ёзилган атлас чойшаб ва ёстиқ устига, сап-сариқ чойшаб солинган сандал устига бориб тушди».

Романнинг бу жойларида Умурзоқ ота билан Қодиров бир-бирларига анча яқин турсалар ҳам. бироқ, юқоридаги тасвирлардан сезилиб турганидек, улар орасида фарқ катта эди. Умурзоқ ота софдил, кўнглида қораликдан нишон ҳам йўқ эди. У шунчаки қизининг қуввати етмайдиган бирор вазифани ўз бўйнига олиб қўйишидан хавфсирарди. Қодиров эса, анча йиллардан бери бир хил меъёрда, бир хил тартибда колхозга раҳбарлик қилиб, осойишта яшашга ўрганган. У мана шу осойишталигининг бузилишидан қўрқади, энг муҳими раислик ўрни қўлдан чиқиб кетиб қолишидан ташвишланарди.

Романнинг кейинги бобларида ёзувчининг тасвирий услуби яна био оз ўзгаради. Энди ёзувчи Ойқизнинг психологик ҳолатига кўп ўрин ажратиб ўтирмайди, унинг амалга ошироқчи бўлган планларига қарши турадиган бошқа шахслар психологиясини ҳам бир оз тасвирдан узоқлаштиради. Энди ёзувчи Ойқиз образини характерлашда бошқа воситалардан фойдаланади. Жумладан у, Ойқиз тадбир, планларининг оммалашуш жараёнини кўрсатадиган манзаралар яратади.

Ойқиз режалари қабул қилингандан кейин бутун колхозчиларнинг чеҳрасида хушвақт ва хушнудлик кўзга ташланади. Катта митинг бўлиб, одамлар «сув режаси» ҳақида алангали нутқлар айтадилар, қўшни колхозларнинг вакиллари келиб, бу ишга бош қўшишлари мумкин эканликларини мамнуният билан маълум қиладилар. Масала райкомда муҳокама қилиниб, Ойқиз бошлаётган бу иш партия учун ҳам айни муддао эканини билдиришади. Бутун район активлари оёққа туради, бор техника воситалари сафарбар қилинадиган бўлади. Шундай қилиб, қанча иккиланишлар билан ўртага ташланган кичкина бир режа бутун район активлари аёл ва эркак колхозчилари орасида қизгин маъқулланади. Ҳамма бу ишни амалга ошириш учун отланади, Ойқизнинг ўзи ҳам бунча бўлишини кутмаган эди. Шу хилда умумхалқ кайфиятини акс эттирадиган қатор манзаралардан кейингина, ёзувчи аҳён-аҳён Ойқиз психологиясига мурожаат қилади ва унинг айрим психологик ҳолатларини тасвирлашни лозим кўради.

Мана, Ойқиз қишлоқ Советида. У ўзининг таклифи билан бутун колхоз, фақат ўзининг колхозни эмас, балки

қўшни колхозлар ҳам, бугина эмас бутун район оёққа турганини кўриб турибди. Бу оммавий кўтарилишни кўриб ўзи ваҳимага тушиб кетди. Бироқ «...у ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушаётганидан нолимасди. Чунки бу ҳаяжон ёш юракнинг энг теран жойларида тўлқин урарди. Шунинг учун ҳам одамлар буни ортга пайқамасди. У одатдагидан кўра тинч хотиржам кўринарди. Ҳатто, дадаси ҳам, Олимжон ҳам унинг ишчанлиги ва сабр-тоқатига, элчиллиги ва қобилиятига ҳайрон қолардилару, бироқ қизнинг юрагида нималар кечаётганини билмасдилар. Қурилиш миқёсини кўз олдига келтирар экан, қиз битмас-туганмас севинчқувонч қанотида парвоз қиларди».

Ёзувчи текст орасида Ойқизни яна ўша болалик чоғларида чиқиб Олтинсой манзарасига назар ташлаган пайтларга қайтаради, бу билан у қаҳрамоннинг ёшликдаги психологик ҳолатларини яна бир марта эслатади: «Ўзини худди ёшлик чоғларида баланд-баланд тоғларнинг чўққиларига кўтарилганда, биринчи марта Кўктоғ устидан қадрли Олтинсой жамолига тўйиб-тўйиб боққанда қувончи ничига сизмай, ҳаяжон билан нафаслари оғзига тиқилгандай ҳис қиларди. Мана шундай дақиқаларда у қандайдир фавқулодда, афсонавий ишларни адо этгиси, жасорат кўрсатгиси келарди. Гоҳ Архимед сингари таянч нуқтасини топса ерни ағдиргиси келар, гоҳ бир ўзи Фарҳод сингари тошли тоғларни қазишни истарди. Ўзида ана шундай куч ва қудрат сезарди. Баъзи-баъзида шундай кучли ва енгилмас истак ва эҳтирос пайдо бўлардики, чопганича Олимжоннинг олдига боришни, унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб: «Мен сизни жуда севаман», дейишни ихтиёр қиларди.

Бирданига унинг дилида шубҳа пайдо бўлди. У ўз-ўзига: «Уддасидан чиқа оламанми? Кучим етармикан? Ҳамма режаларимиз тўғримикан? Хато бўлса-чи? Агар Қодиров айтганидек, ўзимизни ўзимиз жарга ташлаётган бўлсак-чи?..» деганга ўхшаш қатор саволларни берар ва ҳар бирига жавоб қидирарди.

Бундан кейин ёзувчи романнинг бир неча бобларида Ойқиз психологиясининг бевосита тасвирига алоҳида ўрин ажратмайди. Қаҳрамон характерининг тасвирида у билвосита йўлларда фойдаланади. Масалан, булоқларни тозалашда, колхозчи ва ҳашарчилар жон-дили билан ишлайдилар. Бироқ, булоқ суви ҳадеганда пайдо бўлавермайди. Шу муносабат билан ёзувчи баъзи-баъзи жойларда қаҳра-

монларнинг портретлари, хатти-ҳаракатлари орқали баъзи бир психологик штрихлар яратади. Булоқ тозаловчилардан Бекбўта ва Сувонқулларнинг «қовоқларидан қор ёғади» доим ғайрат тўла чеҳраси «асабийлашади». Асабийлашиш натижасида сўзлари бир-бирларига ёқмайди, бири иккинчисининг сўзини «жавобсиз қолдиради», ўзларини мадордан кетгандек ҳис қилишади. Ҳатто Олимжон ҳам ўз бригадаси билан ахтараётган булоқдан сув кўрина бермаганидан «юзини шувут» ва «шармандалик», деб ҳисоблайди. Доим ишда дадил бўладиган бу довиюрак йигит бир оз иккиланади ҳам. Бунинг устига ёзувчи баъзи-баъзи жойларда ишнинг нақадар оғирлиги, тошларга чўкич ўтмаслиги, тупроқни олиб чиқишнинг нақадар оғир эканини таъкидлайди. Бу хилдаги психологик штрихлар бу катта сафарбарликнинг режасини таклиф қилган Ойқиз ҳолатини билвосита акс эттиради. Ёзувчи Ойқизнинг психологик ҳолатларини тасвирлашга алоҳида ўрин ажратмаса ҳам, бу штрихлар орқали унинг ҳолатини сезиб борамиз.

Иккинчи томондан бу психологик штрихларга қарши бошқа ҳолат тасвирларини ҳам кўрамизки, улар ҳам Ойқиз характери тўлароқ тасаввур қилиш учун алоқадордир. Биринчидан, булоқ тозалаш учун ишга тушганларнинг иродаси дадил, ўз меҳнатларининг бекорга кетмаслигига қатъий ишонишади, бир минутга бўлса ҳам ишни сусайтиришмайдилар. Бунинг устига райком секретари Жўрабоев сув қидирувчиларга янги хушxabар олиб келади. Ойқиз таклифини асос қилиб олиб партия ва ҳукумат органлари ер-сув ҳақида катта қарор қабул қилибди. Бу қарор муносабати билан ҳам, ёзувчи Ойқиз психологиясида бўлиши мумкин бўлган психологик ҳолат хусусида бирор нима демайди. Бироқ қарор бу режаларнинг ижодкори бўлмиш ёш қалбдан қай даражада қувонч ва ғурур ҳиссини уйғотиши ўз-ўзидан маълум. Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Ёзувчи тасаввурда Ойқиз кўпгина совет ёшлари сингари табиатан ижодкор, унинг ижодкорлик хислати дилдан чиқади. Шу сабабдан у ўзи бошқараётган ишларнинг улуғворлиги ҳақида на ғурурланишни билади, на манманликни. Ойқиз типидagi одамлар ҳар қанча улуғ ишни бошқармасинлар, улар бу хилдаги ишларни оддий ўзининг кундалик ишларидан бири деб биладилар. Эҳтимол ёзувчи Ойқиз характеридаги табиийликни, одамийликни таъкидлаш учун унинг психологик ҳолатларига кўп ўрин ажратмагандир.

Характер психологиясини яратйш аксарият пайтларда ҳаётда учраб турадиган характерлар аро зиддиятларга, баъзан эса танланган характернинг ўзида мавжуд бўлган қарама-қаршилиқларга боғлиқ бўлади. Бусиз характер тасвиридаги психологизм ишонарли чиқмайди. Бадийий ижод қонуниятлари билан ҳисоблашадиган ёзувчилар бирор зиддият асос бўлмайдиган бўлса, характерлар психологиясини тасвирлаш учун уринмайдилар ҳам.

Илгариги боблардан шу нарса аён бўлдики, сув — ер ҳақидаги Ойқизнинг таклифлари бутун колхозчилар, партия ва ҳукумат томонидан қизғин қувватланди. Қаҳрамон таклифининг шу тарзда оммавий тус олиши ёш қалбни бир оз ғурурга, ўзига бўлган ишончининг яна ҳам бир оз оширилишига олиб келди. Шундай қилиб, реал ҳаёт билан Ойқиз характери орасида зиддият келиб чиқди. Иккинчи томондан, юқорида айтилганидек, Ойқиз режаларини тушуна олмаган, тушунгиси ҳам келмаган консерватив шахс ҳам бор эди. Буларнинг энг типик вакили колхоз раиси Қодиров эди.

Ойқиз характеридаги сезилган ортиқча ғурур ва ўзига ишонч, у билан Қодиров ораларидаги зиддиятни яна ҳам кучайтирди. Ойқиз реал фактлар билан ҳисоблашиб ўтирмасдан, Ёнғоқсойга ўрнатиладиган тўғонни ўрин тайёр бўлмасдан туриб, бошлаб юборишга буйруқ беради. Ойқиз характеридаги навбатдаги психологик ҳолатлар тасвири мана шу зиддият билан, Ойқиз йўл қўйган хато билан боғлиқдир.

Погодин Ойқиз буйруғи оқибатини тезроқ ўзи кўриб бирор чора кўриш учун Бойчиборни қизнинг қўлидан олиб, сой томон от солди. Ойқиз ёлғиз қолди. Мана шу пайтдаги Ойқиз ҳолати:

«Ойқиз турган жойида қотиб қолди. У от чопган томонга, хиралашиб кўринаётган сойлар тубига тикилган ҳолда узоқ турди. Чопиб кетган от туёқларидан чиққан товушлар аста-секин сўниб қолди. Ниҳоят у кўзларидан оққан ёшларини енгининг учи билан артди-ю, (бир вақтлар болалигида ҳам шундай қиларди), юзини кафти билан сийпалаб қўйди. Унинг қўллари, елкалари, ҳаттоки боши ҳам худди қўрғошин қуйгандек, зил-зил оғир эдики, кўкрагига тушган узун-узун сочларини йиғиб олишга мадори йўқ эди. У сочларини ҳам орқасига ташламай, харсанг тош устига ўтириб, нимжон қўлларини тиззасига қўйди».

Ёзувчи Ойқиз психологиясини яна ҳам чуқурлаштириш учун унинг илгариги ҳаёт, воқеликлар ҳақидаги тасавури билан ҳозирги тасаввурини таққослайди. «Олтинсой манзараси — эрталабки қуёш, қўнғироқдай овоз бериб оқадиган Ёнғоқсой, биллурдай тиниқ тонг, дилларни уйғотадиган унинг шабадаси Ойқиз учун доимий завқ ва шавқ манбаи эди. Энди эса Олтинсой манзарасининг нури ўчгандай кўринарди унга.

Энди бу ширин дақиқалар худди болалиги сингари йироқ кўринарди. Болалиги қайтиб келмагандай, эрталабки бахт-саодат, севинч-қувонч ҳам қайтиб келмайдигандай туюларди. Мана, Ёнғоқсой. У ҳамиша қўнғироқдай жаранглаб оқар, ўз қўшиғи билан қизнинг севинчига-севинч қўшарди. Энди-чи, у ҳам қизга бегона, эрталабки севинч-қувонч сингари йироқ... Оҳ, буларнинг ҳаммасига иқроор бўлиш, ҳаммасини ҳис этиш нақадар мушкул...»

Ёзувчи Ойқиз психологияси тасвирига қайта-қайта муурожаат қилади. Қиз дардини айтиб, Олимжондан мадад олмоқчи бўлиб унинг олдига чопди, бироқ яна ўз райидан қайтди. Бир зумда «чувалашиб кетган ўй-хаёллар ичида чарчади, ҳолдан тойди. Бошлари лўқиллаб оғрирди». Шундай ҳолатда ёзувчи табиат манзараларига бўлган муносабати орқали Ойқиз ҳолатини яна таъкидлайди. Мана, Ойқиз боришга ери, қадам босишга мадори йўқ ҳолатда турибди. Бир вақтлар гуллар терган «тепаликлар турли-туман чечаклар билан ясанган бўлса ҳам, ғамгин ёстаниб ётарди. Зумрад осмон эса, қандайдир ранги ўчган ва хиралангандай... Ҳавонинг ҳам эрталабки мусаффолигидан асар йўқ, қушлар ҳам жимиб қолгандек...»

Ойқизнинг дили қоронғи эди. Бироқ Ойқиз қўйган «ножўя» қадамнинг оқибатлари, шу муносабат билан Ойқиз хатти-ҳаракатларини ёзувчи ниҳоятда авайлаб тасвирлайди. «Тутунсиз ўтин бўлмайди, хатосиз — одам», «Ақли расоларнинг хатоларини ҳам бир ерга йиғса тоғдай бўлади», мана ёзувчининг Ойқиз характерининг бу нуқталарини тасвирлашдаги фалсафаси. Унинг устига Ойқиз ўз тенглари орасида ақли расо ҳисобланса ҳам, ҳали ёш, ҳаёт тажрибаси кам. Шу сабабдан ёзувчи унинг хатосини кечиришга тайёр, бугина эмас, у китобхонларни ҳам Ойқиз йўл қўйган бу хато учун оғир ҳукм чиқаришдан сақламоқчидек бўлади. Бунинг учун биз ёзувчига таъна ҳам қилгимиз келмайди. Чунки ёзувчи қаҳрамонига бўлган муҳаббатига китобхонни ҳам шерик қила олган. Смирнов-



нинг тилидан ёзувчи бу авайлашнинг сабабларини ҳам айтиб беради: «Сенинг хатоларинг ҳам, ютуқларинг ҳам олдинда, келажакда»,— дейди ўзини йўқотиб қўйган бу қизга Смирнов.

\* \*  
\* \*

Бундан кейин ҳам ёзувчи Ойқиз психологиясини тасвирлашдан бир оз «чекинади». Жасур қиз режаларининг амалга ошиши, шу муносабат билан унинг қувончи, фахри ва ғурури хусусида батафсил тўхтаб ўтирмайди. Ойқиз характерида бўлиши мумкин бўлган бу белгиларни биз нисбий йўллар билан билиб оламиз. Юз йиллик қайрағоч сингари жазирама иссиқни ҳам, саратон совуқларини ҳам умуман табиат ўжарликларини кўп кўравериб, уларни назар-писанд қилавермайдиган, табиатда рўй берадиган ўзгаришларга ҳам кўп эътибор беравермайдиган кекса чўпон Ойқизнинг бобоси — Бобоқул Олтинсойнинг янги баҳорини ҳавас билан тасаввур қилади:

«Энди у томонларда олдидан шилдираб ариқлар оқиб турган дала шийпонлари қурилган эмиш. Шийпон бўлганда ҳам кенг ва ҳашаматли, ичига столлар, скамейкалар қўйилган, дейишади. Буларни ҳам Бобоқул кўролгани йўқ, аммо кўрса бўларди. Чўпон бола Жўра эса аллақачон ўз кўзи билан кўриб келди. Чолнинг кўриб келишига сира вақт-соат бўлмаётипти. Йўл узоқ. Эшак миниб йўлга чиққанда ҳам бир кун керак бўлади. Отардаги қўйларни у ерларга ҳайдаб бориб бўлмаса...»

Роман воқеасининг тасвири шу тарзда давом этади. Яъни ёзувчи роман қаҳрамонларининг назари, тасаввури орқали Ойқиз режалари асосида амалга ошган ишларнинг улуғворлиги, кўркемлигини таъкидлайди. Бундай пайтларда биз Ойқиз образининг бевосита ўзини кўз олдимизга келтиравермасак ҳам, унинг режалари ва ижролари орқали амалга ошган ишлар билан бошқа образлар орқали танишиб, бу жасур қиз ҳақида тасаввуримизни бойитамиз. Мана, Олимжон тасаввурида булоқлар очилгандан кейинги Олтинсой манзараси:

«Олимжон катта ва кенг йўлнинг ўртасида бир дақиқа тўхтаб, тўғри тўғон қуриладиган томонга, тоғларга тикилди. Сўнгра нафасини ростлаб, янги қурилган дала йўлига бурилди-да, колхоз дала шийпони томон шахдам қадам ташлаб

кетди. Тоғлар ҳам, тош йўл ҳам орқада қолди. Олдинда эса уфқларга тутшиб кетган, аллақачон ҳайдалган ерлар ёстаниб ётар ва киши қалбига қувонч бағишларди. Ниҳоят, асрий қўриқлар очилди! Меҳнатсевар қўллар она тупроққа чигитларни экидилар. Экканда ҳам меҳр-муҳаббат билан қуёш нуридан ҳарорат олиб, тезроқ кўкарадиган, кўзни қамаштирувчи кўм-кўк япроқлар ёзиб ер юзига чиқадиган қилиб экидилар. Мана, ишланган ерлар, йўлларнинг икки томонидаги ариқларда жилдираб оқаётган сув, ариқлар лабида қад кўтарган ёш тераклар — Олимжоннинг дилига севинч-қувонч бағишларди».

Одатда бу хилдаги парчалар оташин публицистик руҳда ёзилган бўлиб, роман акс эттираётган замон руҳи, ўша давр талаби билан мустаҳкам боғланган тарзда олиб борилади. Шу парчаларнинг ўзлари билан танишиб, роман яратилган даврдаги тарихий вазият, кишиларнинг маънавий ҳолати, халқимизнинг қурувчилик ва ижодкорлик кайфияти билан танишамиз. Романдаги бу хилда парчалар авторнинг доимий публицистик услубидан дарак бериб туради. Мана булоқлар очилгандан кейинги Олтинсойнинг биринчи баҳори. Ерлар ҳайдалиб, чигит экиш бошланган бир пайт. Ёзувчи чигит экиб юрган пахтакорларнинг кайфиятига жўр бўладиган қуйидаги тасвири беради:

«Мана энди уларнинг олдида умр бўйи биринчи марта ҳайдалган ва экилган қадимий ерлар, биринчи марта одамзод қўли билан парвариш қилинган ва ардоқланган ерлар ёстаниб ётибди. Модомики шундай экан, инсон ўзи билан фахрланмай бўладими? Инсон деган сўзнинг мағрур жанранглаши шундан эмасми? Ҳақиқат бу!

Ҳа, энди бу ерларни қадимий ерлар деб бўлмайди. Энди у инсон иродаси билан асрий уйқусидан уйғонган, биринчи бор ҳайдалиб танасига шабада теккан, бағрига уруғ ташланган, бутун вужуди, ҳусн-жамоли тубдан ўзгартирилган, қайтадан дунёга келган янги ер бу! Янгидан очилган ер бу! Навқирон ер бу!

Мўъжиза яратилди: ўтзор ва бутазор бўлиб ётган ёввойи ерлар бирданига ҳосилдор ерларга айлантирилди. Яшарди ва гўзал бўлди, энди у баҳорга ўхшайди, келинчакка ўхшайди.

Ахир, бу мўъжиза эмасми? Ахир бу инсон фахри эмасми?

Ҳатто, ана шу янги ерларнинг нариги бошида қад кў-

тарган қорли тоғлар ҳам, устига ҳар куни қуёш ёғду со-  
чиб турса ҳам ҳамиша мағрур, ҳамиша нурдан ярқираб  
ёшарган бўлса ҳам, бари бир одамзод қўли билан очилган  
ва парвариш қилинган гўзал ва навқирон ерлар олдида  
худди эскириб қолгандек, ранги ўчгандек, зиқ бўлгандек  
кўринарди».

Кўряписки, асар қаҳрамонларининг тасвирида, хусу-  
сан унинг бош қаҳрамони Ойқиз образининг тасвирида  
ёзувчи ҳар хил приём ва усуллардан фойдаланади. Акса-  
рият пайтларда у Ойқиз образини характерлайдиган пси-  
хологик ҳолатларга бевосита мурожаат қилса, баъзи ўрин-  
ларда бошқа образлар воситаси билан у бажараётган,  
амалга ошираётган режа ва ижроларга назар ташлайди.  
Баъзи ўринларда эса ёзувчининг ўзи севикли қаҳрамони  
ишларига публицистик парчалар бағишлаб, шу орқали  
жаётга бўлган ўзининг фаол муносабатини кўрсатади.

Романнинг охириги бобларида қаҳрамонларнинг психо-  
логик ҳолатларини акс эттирилиши мумкин бўлган бир қа-  
тор ситуациялар яратилади. Бироқ бу ситуацияларда ҳам  
Ойқиз фаол қатнашмайди, унинг психологияси биринчи  
планда турмайди. Олтинсой ерларига сув чиқарилиб би-  
ринчи марта чигит экилиб, энди униб чиққанда дўл ёғиб,  
ғўзанинг кўп жойларига зарар етказилади. Дўлдан шикаст-  
ланган мурғак ғўзанинг қаддини тиклаш учун бутун кол-  
хоз оёққа туради. Колхозчилар кучи билан жиловланган  
Ёнғоқсойга электростанция қуриш масаласи кун тартибига  
киритилади. Бу ишга Қодиров ўтмишдаги хизматларини ва  
қурилган кичкина электростанцияни пеш қилиб, бу ишни  
тезроқ бошлаб юборишга тўсқинлик қилади. Роман бошла-  
ридан бери давом қилиб келаётган Олимжон билан Ойқиз  
ораларидаги муҳаббат ҳар хил сабаблар билан бир кўта-  
рилиб, бир тушиб, баъзи бир яхшиларнинг, хусусан райком  
секретари Жўрабоевнинг аралашувигача бориб етади. Шу  
орада не меҳнатлар билан қурилган тўғон ўпирилиб, бир  
оз ғўзалар сув тагида қолиб кетади.

Бу ситуациялар ҳам Ойқиз характерининг тасвирига  
маълум даражада алоқадор, албатта. Бироқ уларнинг ҳар  
бирдан ёзувчи асарда иштирок этаётган бошқа образлар-  
нинг психологик ҳолатларини чуқурроқ ва батафсилроқ  
тасвирлаш учун фойдаланади. Масалан, ғўзаларни дўл  
уриб кетиш картинасида ёзувчи кўпроқ Умурзоқ отанинг,  
бу тажрибакор кекса деҳқоннинг инсон меҳнати, ўзининг  
ҳамқишлоқлари меҳнатига, умумхалқ ишига қай даражада

жонкуяр эканини кўрсатса, тўғоннинг ўпирилиши манзарасида худди шу хилдаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган Ҳалимбобо психологиясига ишора қилади. Фақат Олтинсойга эмас, балки ён қўшни колхозларга ҳам етадиган энергия ишлаб чиқарадиган электростанция қуриш масаласида эса, Қодиров ўзининг консерватив манманлиги, бир вақтлар кўрсатган хизмати туфайли эндиликда ҳаётнинг олға кетишига тўсиқ даражасига бориб етганини англатадиган бир шахс даражасида турганини кўрсатади.

Роман Ойқиз ва Олимжон тўйлари билан яқунланади. Романнинг шу хилда тугалланишида мажозий маъно бор. Аввало гап шундаки, бу тўй бутун колхозчилар, олтинсойликлар тўйи. Чунки бу тўй эгалари бутун асар давомида ўтдан ва сувдан ўтдилар, севишганлар бир-бирларинигина синовидан эмас, балки улар эл синовидан, меҳнат синовидан, катта ҳаёт синовидан ўтдилар. Шу сабабли Ойқиз билан Олимжон тўйи, уларнинг келажак ҳаёти хусусида фақат улар ва уларнинг қариндош-уруғлари эмас, балки бутун дўстлари, ҳамқишлоқлари, фақат уларгина эмас, балки Олтинсой меҳнаткашлари, хусусан Ойқиз билан Олимжон ишларини яқиндан кузатган бутун район раҳбарлари ўйлашди, зарур пайтда уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига ҳақли, деб сездилар ўзларини. Бундан ташқари Ойқиз билан Олимжон тўйлари гўё олтинсойликлар бошлаган улуғ ишни, унинг бир босқичини тантанавор яқунлади, маълум тугалланишга олиб келди. Бу шундай тугалланишки, унинг кетидан яна нималардир бўлади. Олтинсойликлар бу ишлари билан тинчимайдилар. Бу тўй чинакам бошқа йирикроқ тўйларнинг дебочаси. Мана китобнинг охириги бетларини ёпганда ўқувчида қоладиган таассурот.

«Ғолиблар» романининг қайта ишланган нашрини китобхон ва адабий жамоатчилик мамнуният билан кутиб олди. Газета ва журналларда мунаққидларнинг қатор тақриз ва мақолалари эълон қилинди. Марказий матбуот ҳам бу роман ҳақида ўз фикрини айтди. Қисман, атоқли ёзувчи В. Кожевников шундай, деб ёзди:

««Ғолиблар» романида мураккаб ва ҳаётий коллизиялар кўз олдимизда намойён бўлади...

Асарнинг шубҳасиз муваффақиятли томонларидан бири — марказий қаҳрамон образининг мукамал яратилишидир. Ойқиз ёзувчининг «Бўрондан кучли» романи орқали

китобхонларга таниш. Адабий жамоатчилик ўзбек адабиётида янги характер ҳисобланган Ойқиз ҳақида ўз вақтида илиқ фикрлар билдирган эди. «Ғолиблар»да эса, биз қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятининг олдинги даври билан танишамиз. Ёзувчи тасвирида Ойқиз Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатни ҳамма нарсадан юқори қўювчи, ажойиб замондошимиз, самимий жозибали характер соҳибаси сифатида намоён бўлади...

«Ғолиблар» романи учун бундан 20 йил аввал майдонга келган кичкина қисса манба бўлди. «Бўрондан кучли» ёзилгандан кейин бир оз вақт ўтгач, автор дилогиянинг биринчи китобига яна талай ўзгаришлар киритган эди. Эндиликда аввалги асарнинг тўлдирилган ва тузатилган наشري эмас, янги салмоқли, кўп планли роман майдонга келди...»<sup>1</sup>.

\* \*  
\*

«Ғолиблар» романидаги Ойқиз психологиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, қаҳрамон совет халқининг битмас-туганмас жасорати, у амалга ошираётган улуғвор ишлар Шароф Рашидов ижодининг бош мавзусидир. Унинг кейинги романи — «Қудратли тўлқин» (1964 йил), ҳам шу мавзу устида иш олиб бориш натижасида майдонга келди. Унда халқимизнинг бугунги муваффақиятларига замин бўлган қурилишлардан бири Фарҳод ГЭС, ўзбек халқининг унда кўрсатган жасорати акс эттирилади. «Қудратли тўлқин»нинг бош образи Пўлатнинг ҳаёт йўли, Ойқиз ва Олимжонлар ҳаёт йўлидан ҳам мураккаброқ, ва машаққатлироқ. Унинг характери давомли уруш зиддиятлари, шу оғир кунларда амалга оширилаётган улуғ қурилиш қийинчиликлари фонида шаклланади. Бунинг устига у жисмоний жиҳатдан ҳам соғлом эмас. Ҳаёт унга рўпара қилган қийинчиликларни у ўзининг мустаҳкам иродаси, руҳий қуввати билан енгиб чиқади ва бошқаларга ўрнак бўларли ишлар кўрсатади. Ҳаёт зиддиятлари кимларнидир тубанлаштиради, уларнинг ноинсоний хислатларини юзага чиқарса, бу хилдаги қарама-қаршиликлар Пўлатнинг характерини тоблайди, унинг инсоний хислатларини юзага

<sup>1</sup> В. Кожевников. «Ўзбекистон маданияти», 1974 йил, 17-сентябрь.

чиқаради. Мана, «Қудратли тўлқин»нинг эстетик маъноси. Шу маъно билан Шароф Рашидовнинг бу романи ўзбек адабиётида яратилган чин инсон ҳақидаги йирик полотно бўлиб қолди.

Замондошлар образини, уларнинг кундалик ҳаёти, руҳий дунёсини акс эттириш Шароф Рашидов ижодининг асосий йўналишларидан биридир. Унинг ижодига хос бу хусусият фақат мунаққидлар томонидан эмас, балки қалам аҳли вакиллари томонидан ҳам доим таъкидланиб келмоқда. Жумладан, машҳур рус ёзувчиси, ўзбек адабиётининг дўсти Николай Тихинов шундай деб ёзган эди:

«...Ҳар хил характердаги замондошларимизнинг ёзувчи томонидан яратилган образлари ҳозирги замон ўзбек прозасининг катта ютуқларидан ҳисобланади...

У халқ ҳаётини ҳар томонлама, батафсил тасвирлаш таланти билан, Ўрта Осиёдаги тарихий социалистик ўзгаришларни акс эттириши билан совет адабиёти прозасида кўзга кўринарли ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

У социалистик реализмни том маънода ўзига ўткир қуроқ қилиб олган ижодкорлардан. Ҳар қандай догматизм, натуралистик тасвир унга бутунлай ёт. Унинг услуби аниқ ва мазмунга бой — ҳаёт... Ўзбек халқи ҳаётидаги катта ўзгаришлар, Ўрта Осиёда социалистик тузумни юксалиши ёзувчи асарларининг ўқ-ўзагини ташкил этади. Яъни, жамият этапларини, миллий одатлар, табиат манзаралари, мазмунга бой воқеалар каби ўз ўлкасининг турли кўринишларини ижодкор сифатида ўз билими ва маҳоратини сира-сера аямасдан тасвирляпти.

У катта ғайрат ва садоқат билан ўз халқига хизмат қиляпти, ўз республикасининг юксалиши, гуллаб-яшнаши йўлида партия ва ҳукуватимиз томонидан топширилган масъул топшириқларни бажону дил бажаряпти»<sup>1</sup>.

Ижод масъулиятини сезган ҳар бир санъаткор сингари Шароф Рашидов доим изланувчан ва кузатувчан ёзувчидир. Унинг изланишлари доим ҳаётий, унинг ўзи кўрган-кечирган ва санъаткор мушоҳадасидан ўтказилган ҳаёт материалига асосланади.

Шароф Рашидов эллигинчи йилларнинг ўрталарида Совет ҳукувати делегацияси составида қатор шарқ мамлакатларида, жумладан дўстона мамлакат Ҳиндистонда бўлади ва 1956 йилда «Кашмир қўшиғи» қиссасини эълон қила-

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали, 1967, №11.

ди. Қисса ҳинд халқлари афсонаси асосида яратилган бўлиб, у мазмунан ниҳоятда зиддиятли воқеаларга асосланган. Бироқ бу воқеалар лирик планда талқин қилинади. Унда ҳаракат қиладиган образлар мажозий. Инсон ҳаёти улар ораларидаги зиддиятлар — севги ва вафодорлик гуллар ҳаётига кўчирилгандир. Мажозий образларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг ҳаёт учун олиб борган курашлари, бу курашда кўрсатилган жасоратлари ҳаёт «жанги», китобхон кўз олдида инсон ҳаётини гавдалантиради. Инсон ҳаёти зиддиятлари, ҳаёт «жанг»лари асосида романлар яратган Шароф Рашидов «Кашмир қўшиғи»да, муҳаббат ва садоқат ҳақида насрий дoston яратди ва унга муҳим маъно бағишлай олди. Қўшни ҳинд халқ афсонаси асосида асар яратиш ва ундаги маънони улуғлаш бу қўшни халқ билан дўстона муносабатнинг тараққий этишига сабаб бўлган воситаларидан бири бўлди. «Кашмир қўшиғи» қиссаси муносабати билан ёзувчи ижодига халқ оғзаки адабиёти материали жалб қилинди.

Шароф Рашидовнинг асари — «Комде ва Мудан», (1959 йил) (В. Виткович билан биргаликда ёзилган), сценариясида эса фақат халқ оғзаки ижоди материаллари эмас, балки адабий мерос мотивлари ҳам жалб қилинганини кўрамиз. «Комде ва Мудан» Бедилнинг шу номли асари асосида яратилади. Бироқ сценарийнинг образлар системасига янгича маъно берадиган бир қатор образлар, шу муносабат билан қатор воқеалар — оқибат Бедилда баъзи бир имо-ишоралардангина иборат бўлган ғоялар мукамаллаштирилади. Натижада бундан қарийб икки аср олдин яратилган Бедил сюжети бугунги кун талабига мувофиқ маъно касб этади. Улуғ Ватан урушидан кейинги халқлар орасидаги зарур дўстлик, тинч-тотув яшаш принциплари бу эски сюжетга берилган янги маъно бўлди. Асарда халқлар дўстлигидан ташқари муҳим бир умуминсоний ғоя яратилади. Бу — ибтидоийлик, қолоқлик билан изоҳланадиган инсон ҳақ-ҳуқуқига нисбатан рўй берган таҳқир, адолатсизлик ва ҳақоратни қоралаш, не машаққатлар билан бўлса ҳам ғалаба қозонган севги, садоқат ва дўстликнинг тантанасини улуғлашдир. Узининг шу хусусиятлари билан сценарий жаҳон адабиёти ва санъатида мавжуд бўлган дўстлик, севги ва садоқатни улуғлайдиган қатор дурдона асарлар билан ҳамоҳангдир.

Шароф Рашидов адабий ҳаётга нисбатан доим актив муносабатда бўлиб келган ижодкорлардан. У кўпгина

жанрларда — шеърдан тортиб йирик насрий полотноларгача ўз қалам кучини синаб кўрди ва катта муваффақиятларни қўлга киритди. У адабий оқимни яхши тушунадиган ижодкор. У адабий меҳнатнинг илк даврларидан бошлаб бадий ижод, умуман, адабиёт ва санъат проблемалари билан қизиқди, қатор рецензиялар, бағишловлар, проблематик мақолалар яратди. Танқидий мақолаларида Шароф Рашидов доим адабиёт ва санъатда партиямиз сиёсатини, социалистик реализм методи принципларини тарғиб қилди, «Бадийлик ва ғоявий юксалиш учун», («Шарқ юлдузи», журнали, 8-сон, 1956 йил.), «Замонавийлик адабиёт ва санъат қалби», («Ўзбекистон коммунисти», 7-сон, 1961 йил); бадий ижоднинг мазмун ва шакли, ёзувчи ва танқидчининг ижод принциплари ва маҳорати хусусидаги қатор ижодий масалаларни («адабий-танқид ҳақида», «Шарқ юлдузи» журнали, 5-сон, 1950 йил; «Социалистик реализм байроғи остида», «Шарқ юлдузи» журнали, 12-сон, 1954 йил, «Бир бутун кўпмиллатли адабиёт», «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 4 январь, 1956 йил), кўтариб чиқди ва шу йўл билан у адабиётимизнинг равнақи учун катта ҳисса қўшди.

Шароф Рашидов моҳир публицист. Публицистик приёмсиз унинг бадий асарлари ва адабий-танқидий мақолаларини тасаввур қилиш қийин. Публицистик хусусият унинг энг биринчи мақолаларига ҳам хосдир. 50-йилларда у «Тарих ҳукми», деб аталган публицистик мақолалар йиғимидан иборат китобча эълон қилди. 1967-йилда эса Тошкентда ўзбек тилида, Москвада рус тилида «Дўстлик байроғи» номли китоб чоп қилди. Бу китобда Улуғ Ватан урушидан кейинги дунё халқлари дилини банд қилган, баъзан ташвишга солган қатор масалалар хусусида қизгин фикр юритилади. Шу маънода бу китоб урушдан кейинги 30 йиллик даврнинг солномасидек кўзга ташланади. Қўлга олиб варақласангиз, бу китоб катта кўламли сиёсий арбобнинг қаламигагина эмас, балки шу билан баробар катта адибнинг қаламига мансуб эканини англайсиз. Ундаги мақолалар жонли ва образли тилда яратилган. Унинг ҳамма бобларида ҳам топиб ишлатилган қиёслар (ўтмиш билан бугун. Совет Шарқи билан капиталистик Шарқ), фикрларни классиклардан олинган кўчирмалар билан тасдиқлаш, кичик деталь ва эпизодлардан йирик ижтимоий хулосалар чиқариш сингари публицистик приёмлар кўзга ташланади. Баъзи ўринларда Шароф Рашидов халқ ҳаётини



чуқур тадқиқот қилади. Рус ва ўзбек халқи дўстлиги хусусида фикр юритиб, тарихга мурожаат қилади. Унинг эски саҳифаларидан улуғ рус халқининг бағри кенглиги, олижаноблигини тасдиқлайдиган ажойиб эпизодлар топади. Ўз тақдирини мазлум халқ тақдирини билан мустаҳкам боғлаган Г. А. Лопатин, А. П. Федченко, О. А. Федченко, М. И. Шишова сингарий қатор олижаноб шахслар ҳаёти ва беқиёс жасорати хусусида адибона фикрлар юритади. Улар билан танишган ҳар бир китобхон бу зотларнинг ҳаёти фақат публицистик мақолалар эмас, балки йирик бадиий полотноларга мувофиқ эканини ҳис қилади. Китобнинг бошқа бобларида Ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган фидойилигини кўрсатадиган деталь ва эпизодлар ҳақида фикр юритади. Шу билан ўзбек халқи улуғ рус халқи фидойиларига фидойилик билан жавоб берганини ҳис қиламиз. Китобда Тошкент зилзиласи натижасида ўзбек халқининг бошига кулфат тушган бир даврда бутун иттифоқ халқлари кўрсатган дўстона ёрдамлари ҳақида жозибали деталлар, эпизодлар тасвири берилган.

Шароф Рашидов асарлари фақат Ўзбекистонда ўзбек тилида чоракам бир миллион, рус тилида қарийб ярим миллионлик тиражи билан чоп қилинган. Бу адибга нисбатан китобхонлар муҳаббатини билдирадиган фактдир.

Шароф Рашидовнинг роман ва қиссалари, публицистик асарлари кўп милатли халқимизнинг ўнлаб тилларига таржима бўлди. Шу маънода унинг асарлари фақат ўзбек адабиёти эмас, балки Бутуниттифоқ адабиётининг қимматли мулкига айланди. Шароф Рашидовнинг асарлари қатор чет мамлакат халқлари, хусусан, Шарқ халқлари ва янги ҳаётга қадам қўяётган, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини энди таниётган халқларнинг тилларига таржима бўлди. (Инглиз, француз, хитой, араб, форс, бенгал, урду, румин ва бошқа.) Шу маънода адибнинг асарлари бошқа халқлар орасида ҳам социалистик тузум фазилатларини, хусусан, бу тузум туфайли совет халқининг қўлга киритган умуминсоний фазилатларини тарғиб қилишда муҳим бадиий ҳужжат вазифасини адо этмоқда.

Шароф Рашидов кабинет ёзувчиси эмас. У ўз ижодининг биринчи кунларидан бошлаб ҳаётнинг қайноқ жойларида туриб фаол меҳнат қилаётган, бугина эмас балки шижоат кўрсатаётган адиблардандир. Л. Толстойнинг «ҳар бир асарим ҳаётимдан бир парча», деган сўзлари маълум. Агар Шароф Рашидов асарларига шу нуқтаи назардан қа-

райдиган бўлсак, яратган ҳар бир асарда, у барпо қилган, халқ иши учун фидойилик кўрсатадиган ҳар бир образда ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовдан нималардир бор, қандайдир белги ва хусусиятлар унинг шахсиятидан ўтиб китоб бетларига тушгандир. Йўлчи, Навоий, Ўктам ва Бектемирларни Ойбексиз тасаввур қилиш қийин бўлганидек, Олимжон, Жўраев, Пулатларни ҳам Шароф Рашидов шахсиятисиз тасаввур қилиш қийин. Қисқаси, Шароф Рашидов шахсиятида жамоат арбоби сифатидаги фаоллик бадий ижод билан омукта. Унинг шахсиятидаги бу икки йўналишни бир-бирларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу икки йўналиш бир-бирларини тўлдиради, бир-бирларини изоҳлайди. Шароф Рашидов шахсиятига хос бу хусусиятни назарда тутиб, машҳур тожик ёзувчиси Турсунзода шундай деган эди:

«У жуда ажойиб киши, унга ҳавасим келади. У партия, ҳукумат ишларида, катта иш, масъул вазифаларда бўла туриб, бадий асарлар ёзишга ҳам вақт топганига қойил қоласан киши. Мен коммунизмнинг қурилиш этаплари, бу йўлдаги катта ўзгаришлар илҳами билан қўлга қалам олган ёзувчилар сафида кўраман уни. Шароф Рашидов сингари ёзувчилар учун сиёсат, давлат иши ва бадий ижодкорлик фаолияти ўртасида чегара йўқ, бир-бирига пайванддай. У Ленин партияси идеяси билан маҳкам қуролланган, партия иши учун бутун сиёсий куч-қудрати билан хизматга бутун умрини бағишлаган киши,— ҳам талантли раҳбар, ҳам ёзувчи...»<sup>1</sup>.

Топиб айтилган сўз, тўғри берилган баҳо!

---

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали, 1967 йил, 11 сон, 7-бет.

## «ЗАРБУЛМАСАЛ»НИНГ БАЪЗИ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

«Зарбулмасал»нинг пайдо бўлиши билан Гулханий ўзбек классик адабиётида масал жанрига асос солган ёзувчи бўлиб қолди.

Масал жанри адабиётнинг энг қадимий жанрларидандир. Халқ оғзаки ижодида ҳар бир халқникидагидек, масал жанри бизда қадим замонлардан буён мавжуд эди. Ёзма адабиётимизда ҳам масал жанри йўқ эди, деб бўлмайди. Бу жанрнинг элементлари Алишер Навоий асарларида, хусусан унинг «Лисонут-тайр»ида учрайди. Аммо Гулханийнинг «Зарбулмасал»и ўзининг бадий мукамаллиги билан унғача бўлган масал намуналаридан ажралиб туради. Мана шунинг учун ҳам биз Гулханийни масал жанрининг асосчиси, деб атай оламиз.

Маълумки, Гулханий ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Фарғонада Қўқон хонлик сиёсати ҳукм сураётган бир даврда, Қўқонда яшаган ва шу ерда ижод этган. «Зарбулмасал»нинг ёзилган даври Гулханий ижодининг энг охириги даврларига тўғри келади. Бу даврларда Гулханий зolim Олимхон ва Умархонларга бағишлаган умидлари пучга чиқаётганини сезган. Бу даврга келиб ёзувчининг ҳаёт тажрибаси ҳам анча ортган, хонлар, йирик феодаллар, сарой аҳллари, шу ҳисобдан сарой шоирлари ҳаётидаги фисқу фасод ишларни кўп кўриб билган, уларга нисбатан ўзида чуқур нафрат уйғотган эди. Асарнинг ғояси — унда ифодаланган бадий мақсад ҳам Гулханий ҳаётининг мана шу моменти билан табиий равишда боғлиқдир. Асарда ифодаланган бадий мақсад Гулханийнинг илғор гуманизмига асосланган бўлиб, даврнинг ярамас, чиркин ва жир-

канч томонларини танқид остига олишдан иборатдир. (Бу бадийий ғоянинг асарда асос қилиб олиниши ва унинг асарда ифодаланиши ёзма адабиётимизда танқидий реализмнинг шакллана боришидан далолат берувчи фактдир.) Асарда бадийий воситалардан фойдаланиш мана шу бадийий мақсадга тўла равишда бўйсундирилгандир.

«Зарбулмасал» асарининг ўзига хос хусусиятлари, унинг сюжетида яққол кўзга ташланиб туради. Асарнинг сюжети жуда тор. Унинг материал асосини оилавий ва маиший ҳодисалар ташкил қилади. Асарнинг сюжетидаги бирликни ҳосил қиладиган воқеалар тизмаси шулардан иборат: шаҳар харобаликларидан бирида бир Бойўғли яшайди. Унинг Гунашбону деган қизи бўлади. Шу ерга яқин бир жойда ўрмонда Япалоқ қуш макон қурган бўлади. Унинг Кулонкир султон деган ўғли бўлади. Бутун асар давомида мана шу Бойўғли билан Япалоқ қушнинг қуда бўлиши можароси акс эттирилади. Бу ишга Кўрқуш, Кордон, Шўранул кабилар ҳам актив қатнашади. Улар қудалараро бўладиган мунозараларни олиб борадилар. Охирида иш тўй-томоша билан тугайди. Бу ишга қушлар ҳокими ҳам аралашган бўлади.

Кўриниб турибдики, асарда акс эттирилган воқеалар системаси соф оилавий-маиший ҳодисаларга асослангандир. Унинг устига асарда иштирок этувчилар ҳам ҳақиқий кишилар эмас, балки қушлар — аллегорик образлардир. Мазмунан эса асар тор оилавий-маиший темалар рамкасида бутунлай чиқиб кетади-да, бутунлай социал тус олади. Ёзувчининг маҳорати ҳам мана шу оилавий-маиший ҳодисаларга, воқеалар системасига социал сир бағишлай олишда, ўша социал мазмунни табий равишда асарнинг бадийий тўқимасига сингдириб юбора олишдадир. Бу аввало асарнинг образлар системасида кўзга ташланади. Унда иштирок этувчилардан бири Бойўғлидир. У ҳаёт кечириш йўли билан кўпроқ харобачиликни, вайроначиликни — чордеворларни мажозлаштиради. Бошқа образлар — Кордон, Кўрқуш, Шўрануллар шундай танланганки, улар ўз хусусиятлари билан Бойўғли билан Япалоқ қуш ораларида рўй берадиган қалин таллашиш проблемасига мосдирлар.

Асарда асосий тугун — воқеаларни, образларни бир нуқтага йиғувчи восита, қалин масаласидир. Шундай бўлгач, асарнинг бошида киритилган Гунашбону ва Кулонкир султонлар воқеа ривожига четда қолишади. Бу ҳол асар бадийийлигига путур етказмайди.

Юзаки қараганда, образлараро тўқнашувлар ҳам социал моҳиятга эга эмасдек кўринади, яъни икки томон тортишуви қиз олиб, қиз беришда қалиннинг оз ё кўплигида бўлиб қолади. Аслида образлар тўқнашуви ҳам характер очиш учун хизмат қилдириш мақсадида келтирилган бўлмай, балки ўша тортишув объектининг — чордеворларнинг социал моҳиятини ўқувчига равшанроқ қилиб етказиш учун келтирилгандир. Яъни масала тортишувга асос бўлган проблемага, объект моҳиятига — чордеворларга бориб тақалади.

Демак, асарда сюжет тугуни материаллари, объектлари, образлар системаси, сюжетни ҳаракатга келтирувчи тўқнашувлар даврининг социал масалаларини очиб бериш, уларга нисбатан ёзувчининг ўз муносабатини билдириш каби бадний мақсадга бўйсундирилгандир.

\* \*  
\*

«Зарбулмасал»нинг бадний хусусиятларига тегишли бўлган яна бир энг муҳим томонларидан бири шуки, ёзувчи асарга социал мазмун бағишлашда — бадний гоёни ифодалашда асосий сюжет линияга нисбатан ёрдамчи ҳисобланадиган моментлардан йўл-йўлакай қистирилиб ўтилган, асарнинг асосий сюжет линиясига, мустаҳкам композицияга табиий равишда сингдирилиб юборилган ҳажвий парчалардан максимал даражада фойдаланади. Асарда шундай бир ҳол рўй берадики, у белгиланган воқеа системаси асосида ривожлана боради. Лекин сюжетнинг бу ривожни тўғри йўл билан бормасдан, қандайдир эгри-бугри йўллар билан боради. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи воқеалар ривожини шундай олиб борадики, унинг давомида ҳар ер-ҳар ерда маълум бир эстетик вазифага эга бўлган ҳажвий парчаларни киритиб боришга имконият туғилади. Бу парчаларнинг ҳар бири маълум бир шахсни танқид қилишга қаратилиши билан кенг социал мазмунга эгадирлар. Уларни ўз моҳиятлари билан Маҳмурнинг алоҳида феодал амалдорларининг номларига бағишланган сатирик шеърларига ўхшатма бўлади.

Одатда, бу ҳажвий парчалар иккита бадний вазифани бажаришга йўналтирилгандирлар. Биринчидан, улар асарга киритилган моментда ҳаракат қилаётган аллегорик образларни чуқурроқ очиб бериш учун хизмат қилади. Бу билан ҳам улар социал мазмунни ифодалайдилар. Иккин-

чидан, улар ўз-ўзича бадий парча сифатида социал ҳаёти бевосита акс эттириш учун хизмат қилади. Асарда бу парчаларнинг ҳар иккала моментлари бирлашиб, уларнинг бадий эффе́ктини оширади.

Бу бадий парчаларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳар бири бирор конкрет шахсга, назаримизда Гулханийга маълум бўлган шахсга бағишланади ва ўша шахснинг маълум бир индивидуал ва ўша давр ҳаёти учун типик бўлган хусусиятларини очиб ташлайди, фош қилади. Бу ҳол ҳам асарнинг танқидий йўналишини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Бундай ҳажвий парча «Зарбулмасал»да биринчи марта Кўрқуш билан Бойўғли ораларида бўлган совчилик муносабатининг биринчи этапига киритилгандир. Бойўғли қизи билан маслаҳатлашиб, Кўрқуш олдига қайтиб келади: «Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса, донги чиқмас», деганлар. Ҳозир сенга жавоб — мен ўз қариндош-уруғларим билан кенгашиб, охирги жавобни берай», дейди. Бу сўзларни эшитган Кўрқуш: «Машварат бағоят, донишлик бирла қилмоқ керак» аммо «оч юриб кекирган, оғзи бирла ишини битирган, гоҳ бечораликка иқрор, гоҳ ўзини Таҳаматан олувчи — баҳодир жаррор, муфта топилганда ошар, ичи пўк, кўзи лўқ... элга маълум, машҳур Муҳаммад Содик заргарнинг ўғли паришон рўзгорга кенгашиб, бизни ора йўлда қўйманг», дейди. Буни эшитган Бойўғли кўнглиннга нима келибди», фаросат оёғи оқсоқ, тевадек егани шўра ва янтоқ Жалил бўқоқ ошпаздек аҳмоқ эмасман: «Кўпга кенгаш» ўз билганингни қил, деганлар». Мен кенгашсам ҳам ўз билганимни қиламан, деб Кўрқушни тинчитади.

Кўришиб турибдики, бу парчаларнинг Бойўғли ва Кўрқуш образларини яратиш учун тўғридан-тўғри муносабатлари жуда кам. Бу парчада ёзувчи ўша давр ҳаётида кўп учрайдиган, «оч юриб кекирадиган», «оғзи бирла иш битирадиган», ўзини Рустам деб ҳисоблайдиган, бироқ қўлидан иш келмайдган кишиларни танқид қилади. Унинг устига бу хусусиятлар конкрет бир шахсга олиб бориб боғланади.

Асарнинг яна бир жойида Япалоқ қушнинг Бойўғли билан Кўрқуш ўрталарида бўлган мунозарани эшитиб, аччиғи келгани тасвирланади. Япалоққушнинг Шўранул деган бир қарға дўсти бор эди. Япалоққуш уни ўз олдига таклиф қилади. Шу билан асарга Шўранул образи кириб

келади. Шўранулнинг асарга келиб киришининг икки моментини назарда тутиш керак, биринчидан, баъзи кишиларга хос бўлган алоҳида хислатлар усталик билан Шўранул орқали бўрттирилади: «Қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, харомзодаи таррор, ўғри мушук, ҳарифи айёр солор, давлатмандлар аснафийда мумсинки беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйнига урган».

Бу хусусиятларнинг ҳаммаси алоҳида бир индивидуалга хос бўлиб, уларнинг кўпчилиги қарғанинг хусусиятларидан олинган: ўғри айёр, беор, ҳар мурда устида тайёр. Иккинчидан, бу сўзлар охирида «...тумшуғи Зокирбой капушпурушнинг тумшуғига ўшар», деб юқоридаги хислатларнинг ҳаммасини — қарғага хосини ҳам, шахсларга хос бўлиши мумкинларини ҳам усталик билан ўша Зокирбой капушпурушга олиб бориб ёпиштиради.

Қушлар шоҳи Маликшоҳин Шўранулдек ярамас қушнинг хабарчи бўлганига норози бўлади. Бу билан юқорида зикр қилинган Шўранулга хос бўлган белгилар ўқувчига яна бир марта таъкидланади. Шу муносабат билан асарнинг бу ерида Шўранул тилидан яна иккита ҳажвий образ асарга келиб киради. Бу ҳар иккала образда ҳам ёзувчи бошқачароқ хислатларни бўрттиради. «Андоғ бўлса: сўфи Қўчқордек бўлса нодон, ҳақ сўз унинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ... суратдан ҳеч ками йўқ ва маъни бежо кетса ғами йўқ; ва гоҳо кампирлардек энгашган, сочбоғи ер супурган ва такясини чаккасига осган, «тўғри сўзга тўғоноқ» изо ва кулфатга ёвуқроқ, макр ва ҳийлага шайтондан муфсидроқ кўринмоққа юзсиз, сўзи тузсиз, ёз — совуқ қишда иссиқ шарорат пешаликда Хомондин шидидроқ курк товуқдек сувга пишарга ўнгроқ одамзод орасида Сайдазимжон манзур бўлса, мен андин аҳмоқроқму?» дейди.

Шуниси қизиқарлики, асарга янги киритилган бу ҳар иккала образ ўз хислатлари билан аввало шундай танланганки, улар Шўранулдаги хислатларга маълум даражада контраст бўлгани ҳолда, уларни кучайтиришга хизмат қилади. Шўранул: «Таррор, айёр, беор, ҳар мурда устида тайёр». Сўфи Қўчқор эса «нодон, суратида ками йўқ, эрта-кеч қўлида тасбиҳ». Лекин бу ҳар икки хил хислат ҳам ўзларининг салбий мазмунлари билан бир-бирларини тўлдирадилар.

Кейинги ҳажвий парча охирида оригинал бир банд ҳам

берилганки, бу ҳол ҳар иккала ҳажвий парчаларнинг бирлигини ҳосил қилади ва уларнинг бадий эффе́ктини оширади: Шўранул Сайдазимжон номини атаб, «мен андин аҳмоқроқму?» деса, Малик шоҳин: «Боракалло, ўз айбини билган марддир», дейди.

Яна бир ҳажвий парча Кордон билан унинг ёрдамчиси Турумтой ораларидаги суҳбатдан келиб чиқади. Турумтой — Кордоннинг хизматчиси. У совчи бўлмоқчи бўлган Кордон йўл харж-харажатларини тутиш билан ҳаддан ташқари кўп овора бўлмаслик кераклигини маслаҳат қилмоқчи бўлади. Кордон эса хўжасига ақл ўргатиш одобсизлик эканини Турумтойга тушунтиради. Турумтой ўз хатосини бўйнига олиб, ўз беодоблигини Ёдгор пўстиндўзнинг одатларига ўхшатади. Шу муносабат билан Ёдгор пўстиндўзга тегишли ҳажвий парча асарга киритилади. Бу ерда ҳам конкрет бир шахснинг ўзига хос, аммо илгариги ҳажвий парчаларда кўрсатилмаган хислатлари тасвирланади. «Одамзод орасида Ёдгор булатқи деган бир одам бор эди,— деб гап бошлайди Турумтой,— гоҳо ссҳиб донишманди рўзигор олиб дер эрдиким: «Йигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг марқадларини қилурда лой ташиб, ғишт берган мен эрдим: «Эй Ёдгор ака, рост сўзлагин, десалар Муҳаммадқули Баҳодирдан бўлакни билсам худо урсин», дер эди. «Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидан бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб дер эрдиким: «Бу қандоқ тикиш? Ул жавобидан: мушт ўтмаса яхши тикиш», дер эди.

Кўриниб турибдики, бу ерда Турумтойнинг маҳмадоналиги — хўжасига сўз қотиши, хўжасининг унга жавоб бериши бу бир бадий сабабки, бу ушбу бадий парчани киритишга имкон берган. Бу парчада ҳам Гулханий киритилган образни — Ёдгор пўстиндўзни маълум бир индивидуал хусусиятларини — маҳмадоналигини, булатқилигини, мақтанчоқлигини бўрттиради.

«Зарбулмасал»нинг ўрталарига борганда асардаги воқеалар системаси бирмунча тораяди. Бошқача қилиб айтганда, воқеалар бир линияга йиғилади, қуюқлаштирилади, концентрация қилинади. Асосий бўлмаган образлар: қушлар шоҳи, Шўранул ва бошқа образлар асардан чиқиб кетади. Бундан кейин Кўлонкир, Гунашбону, Турумтойлар ҳам деярли эслатилмай қоладилар. Бу образларга тегишли бўлган иккинчи даражали воқеаларнинг асарда кераги бўлмай қолади. Асосий линия ниҳоятда кучайтирилади.



Асардаги бадний компонентлар, социал мазмунни чуқурроқ очадиган асосий предмет чордеворлар яъни асосий проблема атрофига йиғилади. Энди воқеа асосан Кўрқуш, Кордон, Бойўғли ораларидаги мунозаралар асосида ривожланади.

Асарда Кордон билан Бойўғли ораларидаги мунозара сюжет ривожининг янги этапи бўлиб, унинг масъулиятли моментларидан биридир. Бу мунозара ҳам асарда икки томонлама муҳим ва ўринлидир. Биринчидан, бу мунозара воситаси билан социал мазмунни акс эттирувчи асосий проблема — чордевор устида тортишув энг биринчи планга чиқарилади, қуюқлаштирилади ва кескинлаштирилади. Иккинчидан, бу мунозара маълум даражада сюжет ривожини сусайтиришга олиб келгандек бўлиб сезилса ҳам, асарга янги-янги ҳажвий парчаларни киритишга имкониёт беради. Яъни тортишув ҳажвий парчаларнинг киритилишига ўнғайлик, қулайлик туғдиради.

Мана, Кордон Бойўғли билан қалин ҳисобига бериладиган чордевор миқдори устида тортишиб кетишади. Бойўғли яна бир марта ўз уруғлари билан кенгашиши керак эканини билдиради. Бу ерда биз асардаги бир хил ситуацияни яна бир гал такрор бўлаётганини кўрамиз. Асарнинг бошроғида ҳам Кўрқуш биринчи марта совчи бўлиб келганда, Бойўғли қизини бериш учун қариндош-уруғлари билан кенгашиши лозим эканлигини айтган эди. Ушанда ҳам бу ситуация асарга ҳажвий парчаларнинг киришига сабабчи бўлган эди. Энди бу ерда ҳам худди шу аҳволни кўрамиз. Лекин шуни айтиш керакки, бу такрор асарнинг умумий бадний мақсадига мувофиқ бўлганлигидан асарнинг баднийлигига путур етказмайди.

Бу парчага бир назар ташлаб кўрайлик. Кордон Бойўғлининг гапларини эшитиб, «Хўп, лекин Хўқондаги икки каж ва фаж бетамиздек қариндошнинг бирла маслаҳат қилиб, бизни аро йўлда қўймагил», дейди ва каж ва фаж тўғрисидаги ҳикоятни айтиб беради:

Ўзин гоҳ мулло олур гоҳ тақи,  
Ниёзчи оғалиқ хуш аҳмоқи,  
Ҳамма ишга ёлғон сўзи даскар,  
Сўзин сарф этиб, корин айлади сир.  
Олур мулло ўзин гоҳ амин,  
Вале билмаган суҳбати хонабин.  
Биров олдига кирса, дер эрди: «Хой,

Чилим сол, буюртир палов, Маллабой».   
Бобожон Ашур чўлоғу Али бири,   
Хўқонд мулкида аҳмақи нодир.   
Ўзи кўр, равшан югурди ажаб,   
Кеча-кундуз жужўйи талаб...   
Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди;   
Бу иккиси шаҳр ичра кўп фаж эди.

Бу ҳажвий парча ҳам назаримизда шоирга таниш бўлган шахсларнинг ўзларига хос бўлган хусусиятларини бўрттириб кўрсатишга қаратилган эканликлари билан характерлидирлар.

Бундан ташқари Гулханий бу образларни очишда уларнинг ўзларига хос хусусиятларини бевосита атаб ўтишдан ташқари, тил имкониятларидан усталик билан фойдаланганлиги кўзга яққол ташланади. Ёзувчи ибораларни шундай тузадикки, натижада ижобий мазмундаги сўзлар қарама-қарши мазмунга эга бўлиб қолади. «Ниёзчи оғалиқ хуш аҳмақи, «аҳмақнинг нодир», яъни кам топиладигани, «ўзи кўр, бироқ ажаб равшан юриши» ва ҳоказолар. Бу ерда ижобий маънодаги «хуш» сўзи «аҳмоқ» сўзи билан бирга келиб, кейингининг мазмунини кескинлаштиради. Иккинчи жойда «аҳмоқ» сўзи билан «нодир» сўзи бириктирилиб, биринчи сўзининг мазмунини чуқурлаштиради. Худди шундай приёمدан кенг равишда фойдаланиш Турди, Маҳмур ижодларида ҳам кўп учрайди. Бу ҳол демократик адабиёт вакиллариининг ғоявий яқинлигидангина хабар бериб қолмасдан, уларнинг бадий воситалардан фойдаланишдаги бир-бирларига ўхшашлигини ҳам кўрсатадиган фактдир.

Асарнинг худди мана шу ерида юқорида кўрсатилган ҳажвий парчага муносабатли равишда асарга яна бир ҳажвий парча киритилади. Бойўғли Кордоннинг каж ва фажлар тўғрисидаги ҳикоясини маъқуллаб, ўзи ҳам ўшанга ўхшаган бир парчани айтиб беради. Бу ерда ҳажвий парча ҳажвий парчани туғдиради. Бошқача қилиб айтганда, бир сабаб икки ҳажвий парчани киритишга имконият беради. Иккинчи ҳажвий парчада акс эттирилган мазмун биринчи ҳажвий парчада акс эттирилган мазмунга ўхшаб кетса ҳам, унда яратилган образ ўзининг бошқачароқ индивидуал хусусиятлари билан характерлидир. Бу ерда шунини айтиб ўтиш керакки, Гулханий асарга қанча ҳажвий парча киритмасин, уларнинг ҳар бирида яратилаётган образларнинг

индивидуал, шу билан баравар типик хусусиятларни очиб беришни таъмин қилади. Бу «Зарбулмасал»га юксак баднийлик бағишлайдиган бир ҳолдир:

«Сиз айтган Муҳаммад Амин Хўжа муфтидирки»,— деб сўз бошлайди Бойўғли. Ўрни у сифатли кишилар фақат Ашур чўлоқ билан Али эмас, ундан бошқалари ҳам бор, демоқчи. Аммо Ашур чўлоқ билан Алига хос бўлган хислатлар Амин Хўжа муфтида такрорланмайди. Унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу шундан иборатки, у «мудом ҳар ишда ўзидан бемаза ва бефаҳм ҳамда беидрокроқ, одамга маслаҳат қилур эрди». Унинг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, у хаттотлик қилар эрди. Бироқ «Хоҳ форсий, хоҳ арабий, ҳар китобки битса, саҳв ва ғалатдин ҳоли эмас эди, бовужуди бу ҳама нокислиги бирла, ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзигор кўрур эрди».

Юқорида айтилганлардан маълумки, мунозара образлар аро «тортишув» Гулханий томонидан идеяни ифодалашда асосий восита қилиб танланган. Шунинг учун ҳам мунозара — чордевор учун тортишув — асарда ҳали-бери тугамайди. Бу асар сюжет ривожига тегишли бўлган ўзига хос хусусиятдир. Кордон Бойўғли билан келиша олмасдан қайтиб кетади. Кордон билан Бойўғли ораларидаги бўлган гаплардан хабардор бўлган Кўрқуш энди Бойўғли олдига ўзининг боришини зарур деб билади. Бу ерда ҳам яна такрор бор. Бу такрор асарда социал мазмунни ифода қилувчи проблемани — чордевор учун тортишувни яна ҳам кескинлаштириш учун хизмат қилади. Иккинчидан, Бойўғли билан Кўрқуш ораларидаги бўладиган янги тортишув яна асарга янги-янги ҳажвий парчаларнинг киритилишига сабаб бўлади. Бироқ, бундан бу ёғидаги ҳажвий парчалар илгаригидадек жуда ҳам кенг, батафсил эмас. Лекин бу қисқа, ихчам ҳажвий парчалар ҳам ўз мазмунлари билан юқоридаги йирик-йирик ҳажвий парчалардан қолишмайди. Уларнинг деярли ҳаммаси, назаримизда, авторга маълум бўлган конкрет шахсларга бағишланган бўлади ва у шахсларнинг маълум бир индивидуал хусусиятлари типиклаштирилади.

Мунозарада Кўрқуш Бойўғлига қаттиқроқ гапириб, «сенинг қулоғинг Муллосиддиқ котибнинг қулоғидек сўз эшитмас» дейди. Унга жавобан Бойўғли «сенинг кўзинг Мулло Асқарнинг кўзидек қадрдон ошносини танимас».

Яна бир жойда: «Кўрқуш кўрдиким, Абдурахмон судхўр баққол Мумсиқдек кўп хасисдир, агар минг чордевор-

дан бир чордевори кам бўлса, ўттиз тишини синдирур», дейилади. Кейинги парча ёзувчи тилидан айтилади. Лекин бунда ҳам ўз индивидуал хусусиятига эга бўлган конкрет, типик образ яратилгандир.

Бу кейинги парчалар кўпроқ бадий ўхшатишлар ўрнида келтирилган. Шу сифатлари билан улар асарнинг социал мазмунини бойитади ва чуқурлаштиради.

«Зарбулмасал»нинг социал мазмунига асос бўлган ҳажвий парчалардан ташқари, ҳайвонлар воситаси билан берилган ҳажвий ва таълимий парчалар ҳам асарга киритилган.

Дум ахтариб, икки қулоғидан ажралган эшак тўғрисида, қўлидан келмаган ҳолда нажжорлик қилмоқчи бўлган маймун тўғрисида, ўзини ҳаммомга тушдим деб ҳисоблаган туя тўғрисида, она меҳридан маҳрум қилинган бўталоқ тўғрисида, тошбақа билан чаён тўғрисидаги парча ва ҳикоячалар мана шулар жумласидандир.

Бу парчалар ва ҳикоячаларнинг бадий ва ғоявий мазмунлари тўғрисида батафсил тўхташга имкониятимиз йўқ. Улар тўғрисида адабий танқидчилигимизда кўп гапирилган ҳам. Аммо шуни айтиш керакки, бу парча ва ҳикоячалар ҳам кенг социал мазмунга эгадирлар. Буларда социал мазмун таълимий моҳиятлари билан қандайдир бирикиб кетгандир. Лекин бу парча ва ҳикоячаларнинг социал мазмунини асар сюжет йўналишидан ахтарадиган бўлсак, маълум маънода бир ёқлама хулосага келишимиз мумкин. Масалан, «Тошбақа билан чаён» ҳикоясини олайлик. У Кордон билан Турумтой ораларида бўлган мунозараларда Кордон тилидан ҳикоя қилинади. Лекин у на Кордон ва на Турумтой образлари ва на у ердаги ситуациянинг моҳиятини очишга хизмат қилади. Фақат сафар масаласигина бу ҳикоячанинг асардан ўрин олишига сабаб бўлган. «Тошбақа билан чаён» ҳикоясининг социал мазмунини мустақил асар сифатида унинг ўзидан ахтарилса тўғрироқ хулосага келиниши мумкин. Унда ҳаётда учраб турадиган, хусусан ўша давр, синфий адолатсизлик ҳукм суриб турган жирканч ҳаётда кўп учрайдиган чаён сингари касби кори ҳо дўстига бўлсин, ҳо душманига ёмонлик қилишдан иборат бўлган гуруҳлар қаттиқ танқид остига олинади.

Аммо бу парчаларнинг ҳаммаси ҳам шундай эмас. Уларнинг баъзи бирлари асар сюжет йўналиши билан боғланган ҳолда асарда ўрин олгандирлар. Масалан, «Маймун билан нажжор», «Туя билан бўталоқ» ҳикоячалари асарнинг сю-

жетига сезиларли равишда боғлангандир. Бу ҳар иккала ҳикоя ҳам Кўрқуш билан Худҳуд ораларида бўлган мунозара муносабати билан асарга келиб кирадилар.

Худҳуд Бойўғлиникига совчи бўлиб бораркан, Кўрқуш-ни йўлда учратиб қолиб, қўлингдан келмайдиган ишга аралашиб нима қилар эдинг, ўнғайсиз аҳволга тушиб қоларсан, деб «Маймун билан нажжор» воқеасини ўз фикрининг далили сифатида гапириб беради. «Маймун билан нажжор» ҳикоясининг худди мана шу жойда асарга ўрин олиши, унинг Кўрқуш образи билан боғланган ҳолда асарга киритилиши бу ҳикоячанинг бутун асар сюжет йўналиши билан боғлиқлигини келтириб чиқаргандир. Бу ҳикоя воситаси билан ёзувчи қўлидан келиш-келмаслигидан қатъий назар бошқа кишилар ишига аралаша беришни касб қилган гуруҳ вакилларини танқид қилади.

Ҳикоя Кўрқушга таъсир қилади ва у ўз аҳволига тан беради. Бироқ у тақдирга тан бериш керак эканини Худҳудга уқтирмоқчи бўлади. Шу мақсадда «Она меҳридан маҳрум бўлган бўталоқ» тўғрисидаги ҳикояни гапириб беради. Бу билан ёзувчи ҳаётда шундай куч борки, у Кўрқушга ўхшаган кишиларни қўлидан келиш-келмаслигига қарамасдан бошқалар ишига аралаша беришига мажбур қилади, демоқчи бўлади. Ёзувчи бу кучнинг ўша давр социал тартиби эканини тўла тушунмаган бўлса-да, санъаткор сифатида Гулханий шунга имо-ишора қилади. Шундай қилиб, бу кейинги ҳикояча ҳам ўз мазмуни билан «Зарбулмасал»нинг умум сюжет йўналишига бориб боғланади.

Юқорида айтилганлардан маълум бўляптики, «Зарбулмасал»да асосий бадий идеяни ифодалашда ёзувчи образлар системасидан, проблемадан — чордевор учун тортишув, ҳажвий парча ва ҳикоячалардан бадий восита сифатида унумли фойдалангандир. Шундай бўлар экан, асарнинг композицион тузилиш масаласи қизиқарлидир.

«Зарбулмасал»нинг композицион хусусияти шундан иборатки, асарга шундай юзаки қараганда унга кенг равишда киритилган ҳажвий парчалар ва ҳикоячалар асар сюжетидан четга чиққан ҳолда киритилгандек бўлиб кўрилади. Лекин ўша давр ҳаётининг ярамас томонларини фош қилиш, улар устидан кулиш, шоирона ҳукм чиқариш каби бадий мақсадни назарда тутсак, бу ҳажвий парчаларнинг ва ҳикоячаларнинг ўша мақсадга мувофиқлигини, демак асарда улар ўринли эканлигини сезамиз.

Булардан ташқари, «Зарбулмасал»нинг яна бир бадий

хусусияти шундан иборатки, бунда Гулханий жуда кўп халқ мақолларини тўплаган. Бу халқ мақолларини тўп-лашнинг икки моментини назарда тутиш зарур. Биринчи-дан, мақолларнинг кўпчилиги ўша киритилган жойдаги бадий мақсадни ифодалашга зарур восита бўлиб ҳисоб-ланади. Уша моментдаги ситуацияни қуюқлаштиради, ёзувчи демоқчи бўлган бадий мақсадни аниқлаштиради. Кўп жойларда мақоллар шундай тўғри танланганки, улар воқеалар ривож йўлига бевосита таъсир этади. Баъзи жой-ларда эса мақоллар воқеалар ривожига асосий ричаг ва-зифасини ўтайдилар. Масалан, «Зарбулмасал»нинг шундай бир жойини эслайлик. Кўрқиш Бойўғлиниқига совчи бўлиб келган. вақтда Гунашбону олдига кириб маслаҳатлашиша-ди ва қизининг эрга мойиллигини сезгач: «Эй бошинг ке-силгур, онгламаган эмасмусан — «ўтирган қиз, ўрин топар»,— дейди. «Анда Гунашбону ойим айтди: «Эртаги савдонинг даҳсар охирлиги бор», «Кечки экиннинг хатары бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйгудек эмасдир».

«Анда Бойўғли билдиким, «Тадбирнинг енги билан тақдирни яшуруб бўлмас». Урнидан туриб Кўрқуш олдига чиқди. Кўриниб турибдики, бу ерда одатдаги прозаик асар-лардаги воқеани ҳаракатга солувчи воситалардан бири бўл-ган диалог мақоллардан тузилгандир. Бу ҳол диалогнинг бадий эффеќтини оширади ва шу билан бирга воқеа ри-вожининг маълум бир этапини таъминлайди.

Асарда халқ мақолларини кўпроқ ўрин олишининг яна бир momenti шундан иборатки, «Зарбулмасал»ни ёзишда Гулханий халқ мақолларини кўпроқ тўплашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунинг натижасида асарга мазмун жиҳатидан, баъзан алоқаси камроқ бўлган халқ мақоллари ҳам кириб кетган. Аммо бу ҳол асарнинг бадий савиясига кўп зарар етказмайди.

\* \*  
\*

Гап Гулханийнинг «Зарбулмасал»и тўғрисида борар экан, бу асарнинг яна бир муҳим томони тўғрисида гапир-маслик мумкин эмас. Бу «Зарбулмасал»нинг ҳинд адабиё-тининг машҳур намунаси бўлган ва бутун дунёга кенг тар-қалган «Калила ва Димна»га бўлган муносабатидир.

«Зарбулмасал»дан маълум бўлишича Гулханий, «Кали-ла ва Димна»ни кенг ўрганган ва ундан таъсирланган. Ҳат-

то у «Зарбулмасал»да «Калила ва Димна»нинг номини ҳам тилга олади. Масалан, Кордон билан Турумтой ора-ларидаги бўлган сафар тўғрисидаги мунозараларда Кордон Турумтойга қараб: «Сафарда кўп тажрибалар ҳосил бўлур. Магар сен «Калила ва Димна»дин беҳабар ўхшарсанки, «Бозанда ва Навозанда» қиссаларини сенга баён айлай», деб қиссасини гапириб кетади.

Бундан ташқари «Маймун ва Нахжор» ва мана шу юқорида эслатилган «Бозанда ва Навозанда», ҳикоялари баъзи бир ўзгаришлар билан «Зарбулмасал»га олиб кири-тилгандир.

Умуман бу ҳар иккала асар — «Калила ва Димна» ҳам, «Зарбулмасал» ҳам ёзилиш стиллари жиҳатидан бир-бир-ларига жуда яқин турадилар, бир-бирларини эслатадилар. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам инсон ўрнида ҳайвонлар қатнашади. Сюжет ривожини кўпроқ ҳар хил тортишув ва мунозаралар асосига қурилади. Умуман ҳар иккаласида ҳам сюжет тўғри, шу билан бирга эн-энига кенгая бориш тари-қасида ривожланади. Бу ҳол ҳар иккала асарда ҳам олға сурилган фикрларни тасдиқлаш, исботлаш учун ёзувчилар томонидан кўплаб маталлар, ҳикоячалар киритиш услуби-дан келиб чиққандир.

Матал ва ҳикояларни ишлатишда ҳам бу асарларнинг ҳар иккаласида ҳам бир умумийлик бор. Одатда бир ҳай-вон иккинчи бир ҳайвонга бирор воқеа ёки факт муносаба-ти билан матал ёки ҳикоя айтади. Эшитувчи бу матал ва ҳикояга муносабатларини билдиради. Баъзан эшитувчи шу ўринга муносиб қилиб бирон матал ёки ҳикоя айтади.

Аmmo бу ўхшашликлар асосида «Зарбулмасал», «Кали-ла ва Димна»дан кўчирилган, деган хулосага келиш яра-майди, албатта. Бу ўхшашликлар ҳозирги кунда тараққий этаётган шарқ халқлари ораларидаги маданий ва иқтисодий алоқа қадим тарихга эга эканидан далолат беради, холос. Бундан ташқари, «Калила ва Димна» VI асрларга таал-луқли бўлган асардир. Унда ўз даврига нисбатан чегара-ланишлари яққол сезилиб туради. Масалан, «Калила ва Димна»нинг асосий ғоявий йўналиши дидактик хусусият-га эгадир. У асосан маслаҳат қилиш, панд-насиҳат қилиш, ўргатиш, кишилар ҳаётида учраб турадиган камчилик ва нуқсонларни қайд қилиш принципига асослангандир. «Зар-булмасал»да эса асосий ғоявий йўналиш фош қилиш, давр ҳаёти натижасида баъзи кишилар характерида ўрин олган иллатларни қаттиқ танқид остига олиш принципига асос-

лангандир. Бунда фош қилиш даражаси, маслаҳат қилиш даражасига нисбатан зўрдир. Бошқача қилиб айтганда асарда XIX асрнинг илғор ёзувчилар ва шоирлар томонидан феодализмнинг жирканч томонлари фош қилина бошланиши каби муҳим бир йўналишнинг руҳи — танқидий реализмнинг руҳи бор. Бу руҳ «Зарбулмасал»да асосан мақоламизнинг бошида келтирилган ҳажвий парчалар зиммасига юклангандир. Тўғри, «Калила ва Димна»да ҳам маълум даражада танқид бор. Лекин унда танқид «Зарбумасал»дагидек юқорига кўтарилган эмас. Бундан ташқари, «Зарбулмасал»да халқимизнинг XIX аср ҳаёти — унинг иқтисодий ва маданий савияси, унинг урф-одатлари, этнографияси, психология ва ҳоказолар кенг равишда акс эттирилганки, булар ҳаммаси йиғилиб унга оригиналлик бағишлайди.



# ДУСТЛАР ВА ЁШЛАР ТОРТИҒИ

---





## СИНОВ ВА САБОҚ

Ҳамид Ғуломнинг «Бинафша атри» романи ҳақида адабий танқидчилик ўз хулосаларини айтди. Бу романнинг ёзувчи ижодида тутган ўрни, унинг бошқа асарларига нисбатан фарқи, услубий тафовут — лирик кайфиятнинг публицистик тасвир билан бирлиги; юмористик тасвир билан ҳаётнинг долзарб масалаларини дангал қўя билиш; романтик кўтаринкилик билан жиддий ҳаққонийлик ва ҳоказо хусусиятлари хусусида фикрлар билдирилди. Бу фикрлар китобхон ва адабий жамоатчилик дилидаги гаплар бўлди.

«Бинафша атри» бошқа ҳам бир қатор фикрлар уйғотадиган асар. Романни ўқиб, унинг автори Ҳамид Ғулом бугунги кун ҳаёт ҳақиқатини борган сари чуқурроқ, дадилроқ ва синчковлик билан ўрганишга қунт қилган ёзувчиларимиздан бири эканига ишонч ҳосил қиламиз. Автор яхшилик билан ёмонлик орасидаги зиддиятни кескинроқ қўяди, очиқчасига ўртага ташлайди. Одам қадри, муҳаббат қиммати, гўзаллик зарурати — мана романда ўртага ташланган масалаларнинг муҳимлари.

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар жамият учун жонини фидо қилиб меҳнат қилишга тайёру, лекин бу фидойиликни тор тушунишади-да, келажак учун, жамият учун ўзини ва ўзгаларни қадрламайди. Одатда яхши одамлар кўп жиҳатлари билан бир-бирларига яқин турадилар, табийий, улар жамиятимизга ҳам яқин. Бу хилдаги одамларни бир-бирларига суянч бўлса экан, деймиз. Бироқ арзимаган бирор хато, ё камчилик туфайли улар бир-бирларидан узоқлашадилар, ҳатто жудо бўладилар. Баъзан эса шундай бўладики, ҳаёт тажрибасига эга, табиатан пок кишилар

нопокларнинг тузоғига осонгина илиниб қолади-да, ўзига ҳам, яқинларига ҳам, бинобарин жамиятга ҳам ташвиш орттиради. Ҳамид Гулом «Бинафша атри»да шу хилдаги инсон ҳаёти учун баъзан онгли равишда, баъзан онгсиз равишда етадиган зиён ва заҳматларга, бу зиён-заҳматларни бартараф қилишдаги яхшиларнинг жонбозлиги хусусида ҳикоя қилади.

Ҳамид Гулом образларни тартибга солишда бу гал ўзига хос йўл тутди. Ёзувчи ижобий қаҳрамонлар билан салбий қаҳрамонларни икки томонга саф тортириб, улар орасидаги «жанг»ни томоша қилиб турмайди. Роман қаҳрамонларини ижобий ва салбийга ажратиш ҳам қийин. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини ҳаётдан олиб ўтади, унинг мураккабликларига рўпара қилади, «ўтга-сувга» солиб кўради, бошқача қилиб айтганда, «синов майдонига» олиб чиқади. Китобхон роман қаҳрамонларини мана шу «синов майдони»да ҳар томонлама уларнинг фазилатларини ҳам камчиликларини бир нуқтага йиғилган ҳолда кўргандек бўлади. Бу синов майдони — ҳаёт; меҳнат ўрни — Мирзачўл.

Қаҳрамонларнинг «синов майдони»га йиғилишида мажозий маъно бор. Мирзачўл аҳолисига разм солинг: улардан аксарияти Фарғона водийсидан, айримлари Тошкентдан, бировлари республикамизнинг бошқа районларидан, яна бошқа бирлари қачонлардир бу ерга келиб жойлашиб қолганлардан. Дарҳақиқат кейинги ўн беш-йигирма йил ичида Мирзачўл республикамизнинг иқтисодий ва сиёсий қуввати, қурувчи ва пахтакорларимиз учун катта «синов майдон»и бўлди. Роман қаҳрамонлари шу «синов майдони»га келиб, бир-бирлари билан муносабатда киришадилар.

«Бинафша атри» қаҳрамонлари асарга маънавий жиҳатдан бир-бирларига яқин мавқеда келиб кирган бўлсалар ҳам уларнинг ҳаёти бир хил мавқе билан яқунланмайди. Улар бу улуғ синовдан ҳар хил «бисот орттириб», сабоқ олиб чиқадилар.

Романнинг бош қаҳрамонларидан бири Азиз ҳаётнинг асосий моментларида тўғри йўлдан келаётган ҳисобланса-да, баъзи бир нуқталарда, хусусан ўзининг шахсий ҳаётини тиклашда тўғри йўл тута олмайди. Романнинг қаҳрамонларидан Аҳмаджон ҳаётда Азизга нисбатан анча тебранувчандир. У фақат ўзининг шахсий ҳаётида эмас, балки ижтимоий ҳаётда ҳам баъзан дадилликни қўлдан бериб қўяди, поклик билан нопокликни ажратишга доим ҳам

кучи ета бермайди. Азиздаги камчиликларнинг бир қисми Аҳмаджонда бошқа бир кўринишда кўзга ташланади — Азиз шахсий бахтни ўз вақтида қадрламаган бўлса, Аҳмаджон ҳам айрим нуқталарда буни қадрлолмайди, баъзи нуқталарда эса қадрлашни бошқача тушунади — рашк ўтида куяди. Азиз кўнгил қўйган қизи Нафисани ёшлигида тўғри тушуниб қадрлай олмайди, айрилиқ ўтида куяди. Аҳмаджон севгилисига эришган ҳолда, унинг руҳий дунёсини яхши англаб ололмайди. Одамлараро муносабатда ҳам у анчагина хатоларга йўл қўяди — нопок кучларга ён босиб ҳам оиласига, ҳам ўзига маънавий жиҳатдан анча путур еткази. Фақат асар охиридагина ўз характеридаги бу камчиликларини бир оз англагандай бўлади. Афсус, умрининг бир оз қисми, хусусан ёшлик ўтиб кетган бўлади. Нафиса ҳаётнинг кўпгина икир-чикирларига ақли етадиган аёл-қизлардан бўлса ҳам, ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган заифликнинг сарқитидан қутула олмаган. Биринчи муҳаббати Азиз билан рўпара бўлганда севгилисининг пассивлигига пассивлик билан жавоб қилади, ҳаётини ўз оқимига қўйиб бериб, фирибгар Карим қўлига тушиб қолади. Шу туфайли анча вақтлар бахтсизликнинг азобини тартади. Дилдор ўз характерининг баъзи бир томонлари билан Нафисага ўхшаб кетади. У ҳам Нафисадек ҳаёт қадрини, муҳаббат қадрини яхши билади. Нафисадан фарқи шундаки, у ўз бахти, шахсий ҳаёти йўлида дадил тура олади. Бироқ бир томон қанча дадил бўлмасин, ўзида кучқувват сезмасин, иккинчи томон ҳам шунга монанд бўлмаса том маънодаги бахтга эришиш осон эмас. Аҳмаджон шахсиятига хос тебранишлар, иккиланишлар Дилдорнинг тўла бахтли бўлишига халақит беради. «Олов қиз», «шаддод қиз» Хонкелдиева (Ўктамхон). Узининг шаддодлигига кўпроқ ишонганиданми, шаддодлик билан бирга характеридаги содда диллик биланми, фирибгар Каримнинг гап-сўзларига тез ишона қолади. Мана, роман сюжетига асос бўлган характерларнинг бир-бирларига яқин ва узоқ томонлари. Мана роман сюжет ривожини таъмин қиладиган характерларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар.

Роман марказида турган бу образларнинг шу хилдаги фазилат ва камчиликлари орасидаги зиддият асарга материал беради ва айтиш керакки, характерларнинг кўп қирралиги туфайли, китобхон уларнинг тақдири билан яқиндан қизиқади, уларнинг ҳар биридаги фазилат ва камчиликларнинг моҳиятига етиб, улардан ўзига тегишли

хулосалар чиқариб олишга интилади. Энг муҳими, бу фази-лат ва камчиликлар биз юқорида таърифлаган «синов май-дони»да рўй беради ва ўз навбати билан бу «майдон» танланган қаҳрамонларнинг характер-хусусиятларининг очиқроқ ва тўлароқ намоён бўлишига асос бўлади.

Тасвир услуби жиҳатдан «Бинафша атри» Ҳамид Гулом ижодида олға ташланган қадамдир. Мунаққидларимиз таъкидланганидек, Ҳамид Гулом асар сюжетини ҳар бир қаҳрамоннинг биографиясини маълум даражада «мустақил» ҳикоя қилиш йўли билан ривожлантира боради. Бу ҳол ёзувчи диққат марказида воқеалар эмас, балки шахслар тақдири туришини таъмин қилади. Ёзувчи диққат марказида шахслар тақдирининг туриши нақадар муҳим экани маълум. Танланган бу тасвирий услуб шунинг учун ҳам муҳимки, ёзувчининг бунгача эълон қилинган асарларининг баъзи ўринларида воқеанависликка берилиш тенденцияси учраб турар эди. Бу романда Ҳамид Гулом воқеанависликдан анча чеклангани кўриниб турибди.

Бу тасвирий услуб романда ҳажмнинг мазмунга монанд бўлишига, муҳим фикрларни айтишга имконият берганини кўраимиз. Тасвирий услубнинг шу шаклда танланилиши, ёзувчининг воқеаларни баён қилиш йўлига ҳам таъсирини ўтказган. Жумлалар маънодор, одатда учраб турадиган, чўзиқ ва ортиқча диалог ва монологлар кам — қисқаси, тасвир табиийликка яқин.

«Қаҳрамонлар кетидан бориб» тасвирлаш услубининг фазилати катта. Ҳақиқий бадий асарлар кўпроқ, шу йўл билан яратилади. Бироқ бу услуб ҳам ёзувчидан ниҳоятда ҳушёрликни талаб қилади. Гап шундаки, баъзан ёзувчи қаҳрамонлар ҳаёт йўли тафсилотига маҳлиё бўлиб, бадий ижодга, хусусан роман жанрига зарур бўлган воқеаларни бир-бирларига узвий боғлаш, уларнинг биридан иккинчисини келтириб чиқариш, бирининг яратилишига иккинчисини сабаб қила олиш сингари сюжет приёмлари устида кўп ўйламай қўяди. «Бинафша атри»да ҳам шу хилдаги камчиликни кўриш мумкин. Ёзувчи танлаган тасвир услубида қаттиқ туриб, сюжет приёмлари устида ҳам етарли ўйлаган бўлса нур устига аъло нур эди.

Бундан ташқари баъзи бир образларнинг хатти-ҳаракатлари етарли даражада далилланмагандек кўринади. Масалан, романда Хонкелдиева жозибали ва оригинал образлардан бири сифатида кўзга ташланади. Уни ёзувчи «кўпни кўрган кишилардай мустақил фикр қиладиган ва

мўлжални пухта олиб, дадил иш қиладиган», «тиниб-тин-чимайдиган олов қиз», «шаддод қиз» сифатида таъриф-лайди. Ёзувчи Хонкелдиевага берган бу нисбатларга китобхон ишонади, унга алоҳида муҳаббат билан қарайдиган бўлади. Бироқ бу «олов қиз», «шаддод қиз» нимагадир фирибгар Карим тузоғига тезгина илина қолади, биринчи учрашишдан бошлаб у билан апоқ-чопоқ бўлиб, ўзи ёлғиз турадиган уйга олиб келади. Бу китобхонни бир оз ажаб-лантиради.

Воқеаларни тартибга солишдаги айрим жўнликлар, баъзи образлар тасвиридаги номувофиқликлар устида ёзувчи романнинг кейинги нашрларида ўйлаб кўрар, деб умид қилиш мумкин. Бироқ, шу бўлишида ҳам «Бинафша атри» бугунги замондошларимизни «ўтга-сувга» солиб, жиддий синовларда кўрсатадиган романдир. Уларнинг аксарияти синовлардан муваффақиятли ўтади. Уларнинг ҳар бир қадами, босиб ўтган ҳаёт йўли, ютуқ ва камчиликлари, синовлар пайтида уларнинг характерларида рўй берган психологик тўлқинлар китобхонларимиз учун сабоқдир. Романнинг гоаявий ва бадий қиммати ҳам худди шунда.

## ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ҲАҚИДА РОМАН

Яқинда республикамиз олтин тўйини нишонлади. Эллик йил тарих олдида бамисоли бир дақиқа. Бироқ бу эллик йил ичида республикамизда амалга оширилаётган ишлар асрлар оша эсланади, улуғланади. Бугунги адабиётимиз ҳам шу улуғ ишларнинг инъикоси сифатида асрлар оша яшайди. Китобхон кейинги вақтларда ижодкор халқимизнинг ўлмас ишлари, Чирчиқстрой, Фарҳод ГЭС қурилиши, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, катта sanoat марказларининг барпо қилиниши ҳақида роман, қисса, поэмалар ўқидилар. Бу йил шу хилдаги яна бир асарнинг яратилишининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» номи романидир.

Бугун биз республикамиз Ватанга 5 миллион тонна оқ олтин армуғон қилади деб фахрланамиз. Бироқ бу улуғ ғалабанинг негизлари ҳақида кўп ўйлаб ўтирмаймиз. Ўйлаб кўрсангиз, бу иқтисодий сакрашнинг пойдевори бундан 20 йил, 30 йил, балки ундан ҳам нарироқда қўйилгани маълум бўлади. Ахир бугунги ғалабаларни ўша Чирчиқстройсиз, Фарҳод ГЭСсиз, Мирзачўлга босилган биринчи қадамларсиз тасаввур қилиш мумкинми? Ниҳоят бу сакрашларни дунёга доврўғи кетган Катта Фарғона каналисиз тасаввур қилиш мумкинми? Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи чинакам халқ юриши бўлган мана шу улуғ қурилишни акс эттиришга бағишланган. Табиий, битта халқ қурилиши ҳақида том-том асарлар битиб ташлаш мумкин. Аммо ҳақиқий санъаткор ёзувчи улуғ қурилишларнинг моҳиятини очиб берадиган кўз илғамас сирларига назар ташлайди. Шу йўл билан бутун бир халқ ҳаракатини китобхон кўзи олдида тўлалигича гавдалантиради.



«Қирқ беш кун» билан танишар экансиз, Саид Аҳмад масаланинг моҳиятини очиб берадиган муҳим бир нуқтани топиб олгани ва шу нуқтани китобхонга етадиган даражада қабартириб акс этгириш учун ёзувчилик санъатини ишга солганини кўрасиз. Бу — асрлар оша зарур традицияга айланиб келган бирлик, улуғ ишларга қўл урганда ё бировнинг бошига кулфат тушганда бирлашадиган, елкама-елка туриб иш битирадиган беғараз ҳамкорликдир. Буни халқимиз оддийгина сўз билан «ҳашар» дейди. Саид Аҳмад тасвирлаган «ҳашар», қўни-қўшни «ошна, ёр-дўст» орасидаги бўладиган оддий ҳашар эмас, балки умумхалқ ҳашари, асрлар оша ўзбек халқини табиат ўжарликлари олдида тиз чўктирмасдан кўкрагини баланд кериб юришга сабаб бўлган ҳашар. Бу бутун бир халқнинг келажак тақдирига таъсир ўтказадиган ҳашар. Саид Аҳмад бу халқ ҳаракатининг моҳиятини яхши англаган ҳолда қалам тебратлади. Ёзувчи ҳаёт фактига асосланади. Романда маълум бўладики, аввал ишнинг ташаббускорлари бўлмиш партия ва ҳукумат халқимизнинг бу ҳамкорлик хусусиятини англаган ҳолда иш тутди. Зотан, партиямизнинг кучи ҳам шунда. У ҳар бир ишни бошлашдан олдин, умумхалқ кучи ва қудрати, қобилияти, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Романда акс этилишича Катта Фарғона каналининг бошланиш пайтларида бу ишга кўп кишилар ишонсизлик билан қарадилар, ҳатто иш бошланиб кетган пайтларда ҳам ҳар хил иккиланишлар бўлган. Шу хилдаги ҳайратомиз саволлардан бирига бу улуғ ишнинг ташаббускорларидан бири Усмон Юсупов жавоб бериб, бу ишни бошлашда халқ ҳаракатига, асрлар оша ривожланиб келган ҳашар анъанасига асосланганини фахр билан тилга олади. Романда бу фикрни тўла далиллайдиган битта эпизод бор: Канал ўтадиган трасса йўлини тозалаш учун аҳоли яшайдиган жойлардаги баъзи бир уй-жойларни, тирикчилик манбаи бўлмиш томорқаларни бузишга тўғри келади. «Бузғувчи»лар бу ишга қанчадан-қанча қўрқув ва иккиланишлар билан киришадилар. Бошқа бир пайтда оёғини тираб туриб олиши мумкин бўлган аҳоли канал ўтиши, сув келишини эшитиб, ҳеч қандай қаршилик кўрсатмайди. Бугина эмас, «бузғувчи»ларга ёрдам қилишади, ҳатто қўй-бузоқлар сўйиб, уларни меҳмон қилишади.

Саид Аҳмад романда канал қурилиш ишининг ажойиб манзарасини яратади. Бу ишнинг бошланишидан то охиригача қайси бўлимда нима иш бўляпти, ким қандай ишляяп-

ти, кимлар бу ишга раҳбарлик қиляпти, ким-ким билан беллашяпти, кимлар голиб келяпти — булар ҳаммасини ёзувчи гўё баланд бир чўққидан туриб, кўрсатиб тургандек бўлади. Қуёшда ялтираган кетмон, қанорларда зинамазина тепага чиқаётган тупроқ, бели букилиб тупроқ кўтарган азаматлар; полвонлар яктагида тер ва тупроқдан қотиб қолган лойлар, ер бағридан отилиб чиқаётган чанг-тўзон, ҳали инсон меҳнатини энгиллаштиришга қудрати етмайдиган, у ер-бу ерда диккайиб турган экскаваторлар, оёғида этик, галифе ва гимнастёркада участкама-участка ўтиб юрган раҳбарлар; қарийб икки юз минг азаматларни таъмин қилишга бел боғлаган ошпаз ва новвойлар, кўчма магазинлар, ҳорма-бор бўлга келган республикамизнинг донгдор олимлари, ёзувчилари, санъат ходимлари, журналистлар — ҳамма-ҳаммаси кўз олдимизда намоен бўлади. Гўё ёзувчи баланд чўққидан туриб кўрсаткич бармоқларини чўзиб, зарур жойда изоҳ ва тушунтиришлар бериб, қурилишнинг ҳамма бурчакларини кўрсатиб бораётгандек бўлади.

Халқимизда, хусусан Фарғона водийсида ўғил болаларнинг ёшлигидан бошлаб умид ва мурод билан унинг исмига «полвон» сўзини қўшиб улуғлаш одати бор. Шу одат бўйича бир оз ўзини тутиб олган йигитлар ҳам бир-бирларига «полвон» дейишади, ҳатто баъзан отларини тилга олмасдан шунчаки «полвон» дейдиган пайтлари ҳам кўп бўлади. Шу билан халқимиз ўз фарзандларини ёшлигидан бошлаб, катта ва оғир ишларга тайёрлагандек бўладилар. Саид Аҳмад романида мана шу халқ традициясининг акс этганини кўрамиз. У минглаб, юз минглаб ер бағрини ёраётган азаматлар ичидан бир неча полвонларни ажратиб кўрсатади. Улардан бири бутун трасса бўйлаб тенги йўқ, рекорд қўйган дўст полвон, иккинчиси ишда ҳам, куч синашда ҳам беллашган билан беллашман деганлардан Эш полвон ва ҳоказо. Булар бутун куч-ғайрати билан сув истанларга ўрнак...

Асар бошларида булар қаторига ҳали номи чиқмаган, ўз куч-қудратини ҳали ўзидан бошқа биров синаб кўрмаган янги полвон қўшилади. Асарнинг бош қаҳрамони мана шу полвон — Азизхон. Азизхон баъзи бир роман ва повестлардагидек белгиланган тўғри чизиқдан қадам босиб бутун воқеалар ичидан ўтадиган образлардан эмас. Романдаги бош воқеа — Катта Фарғона каналининг қурилиши алоҳида тарихий воқеа сифатида гўё Азизхон тақдирига ҳеч

қандай алоқаси бўлмаган шаклда рўй беради. Бу улуг ишда қатнашиш Азизхоннинг хаёлига ҳам келмаган. У ҳали ёш. Бироқ унинг ўзига хос ҳаёт йўли бор. У бир оз арзанда, бунинг устига ниҳоятда шўх, бўлганда ҳам унча-мунча эмас, бўйи баробар сапчийдиган, ёшлик куч-қудратини сарф қилишга жой излаб, ҳар хил ҳунарлар чиқариб қишлоқни бошига киядиган бебош йигит. У кундан-кунга оширтошиб бораётган кучни қаерга қўйишни билмайди, бу ҳақда бирор марта ўйлаб ҳам кўрмаган. Тенгдошларини дўппослашми, кўчада ўтиб бораётган араваларни тўхтатиб қўйишми, қорнига тахта қўйиб устидан от-арава ўтказишми, бузоқ ёки сигирнинг қорнидан боғлаб дарахт шохидан осиб қўйишми — хуллас, куч сарф қилиш бўлса бас, нимага экани билан унинг иши йўқ. Унда уйғонган биринчи муҳаббат ҳам бебош. Баъзи бир йигитларимиздек у ўз ҳистуйғуларини яшириб ҳам юрмайди, кўп андиша ҳам қилмайди, бу ишдаги тўсиқлар ҳам унинг учун писанд эмас, «юлиб» олиб кетишга тайёр. Шундай қилади ҳам. Шу хилда ўсиб бораётган йигит ўз куч-қудратини сарф қилишга майдон топади. Бу — Катта Фарғона каналининг қурилиши. Қурилишга ҳам у тасодиф натижасида — севган қизи Лутфинисони олиб қочиб юрган пайтлари дуч келади. Дуч келади-да, гўё узоқ йиллар бетиним ахтариб юрган қимматбаҳо нарсасини топгандек бўлади. Азизхон характеридаги қаҳрамонлик мана шу канал қурилишида рўй беради. Ёзувчи танлаган воқеа билан у яратган характер орасида табиий бирлик пайдо бўлади. Тўлиб-тошиб бораётган кучга майдон керак, майдонга эса — куч. Азизхон бел боғлаб майдонга чиқади.

Асар бошларида Азизхон олиб қочган севгилисини етаклаб дарбадарликда юрар экан, бирор жойда иш, обрў топиб қолиши унинг хаёлига ҳам келмайди. У канал қурилишига ҳам унга яхшилик қилган рус инженери Беляев туфайли ва тўлиб-тошган кучини нимагадир сарф қилиш ниятида келади. У ҳали сув учун қўлга кетмон олиш заруриятини ҳам унча сезмайди. У ишга шунчаки кўпчилик қатори тушади. Иш уни аста-секин ўз бағрига тартади. Бутун республикани «ларзага» солган бу қурилиш Азизхон онгига бориб ета бошлайди, у аста-секин ўзининг қилаётган ишининг моҳиятига тушуна бошлайди. Қурилишда донг таратган манман деган Дўст ва Эш полвонлар билан беллашишга киришади, бу ишда ғалаба қозониб бирпасда доврўғи республикага тарқалади. Кўпчилик орасидаги иш,

таралган доврүк унинг характерига ҳам таъсир ўтказди. Унинг характерида шўхликнинг, бебошликнинг баъзи бир белгилари йўқола бошлайди, қилиқлари қуюқлашади, вазминлашади, бўлаётган воқеалар, ўзи бошқараётган ишлар устида ўйлашга бошлайди.

Азизхон шахсияти ва характер-хусусиятларининг шаклланиши унга параллел бошқа бир образ орқали яна ҳам ёрқинлашади. Бу Азизхоннинг тенгдоши, у билан бирга ўсган Турсунбой. У ҳам Азизхонга ўхшаган бир оз арзанда, анча шўх, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган хилидан. Демак, бу икки ёшда бир хил ҳаёт шароити, қарийб бир хил характер-хусусиятлар. Бироқ характер ривожини бутунлай бошқа-бошқа. Азизхон шўхлик қилди, ёшлик кучи билан тўлиб-тошди. Дилида чақнаган муҳаббат учқуни алангаланди. Бу аланга уни катта ҳаёт йўлига олиб чиқди, ҳаёт эса унинг характерини бошқа изга солди. Турсунбой-чи? Унинг дилида на муҳаббат учқуни бор, на катта ҳаёт йўлига чиқариб қўядиган бошқа бирор туртки бор. Бутун роман давомида биз Турсунбойни бир хилда — ўша шўхлик, безориликда кўрамиз. Бирор марта ўз йўли, умуман ҳаёт ҳақида ўйлаган ҳолда кўрмаймиз уни. Бу параллел орқали ёзувчи муҳим бир масалага ишора қилади: жамият ҳаёти бу — инкубатор эмас. Бир хил ҳаёт шароитида ўсган ёшлар доим ҳам бир хил келажакка эга бўла бермайдилар. Бировларда қандайдир потенциал куч, заряд яширинган бўлади, иккинчисида бу бўлмаслиги мумкин. Бўлса ҳам узоқроққа яширинган бўлиши мумкин. Дилида потенциал куч яширинган ёшлар олдида, жамият учун камроқ ташвиш, камроқ меҳнат туғдирса, бундай зарядга эга бўлмаган ёшлар кўпроқ ташвиш туғдиради, кўпроқ меҳнатни талаб қилади. Эҳтимол Турсунбойда ҳам қандайдир зарядлар бордир, бироқ, уни уйғотиш, ўз заряди билан уни катта йўлга олиб чиқиш учун оила ва жамият кўпроқ ўйлаб, кўпроқ куч сарф қилиши керак бўлади. Тўғри, Турсунбойнинг оилада нотўғри тарбияланган жойи ҳам бор. У якка ва ёлғиз ўғил бўлганидан арзанда бўлиб ўсди. Аммо Турсунбойнинг катта ҳаёт йўлига чиқавермаслигининг сабаби фақат оила хатоси эмас. Инсонийлик зарядининг узоқроқда яширинганида ҳамдир. Демак оила ва жамият бу хилдаги ёшларнинг узоқроқда яширинган зарядларини уйғотиш учун куч ва ғайратини аямаслиги керак.

Романда ўзбек халқининг фахри бўлган кўпгина шахслар номини кўрамиз. Унда партия ва ҳукумат раҳбарларидан Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоевлар бор. Булар халқ эҳтиёжини билган, уни қондириш учун жонбозлик кўрсатган раҳбар ходимлар. Саид Аҳмад бу икки сиймонинг ўзига хос хусусиятларини – Усмон Юсуповдаги ишчанлик, жасорат ва мардликни таъкидласа, Йўлдош Охунбобоев образида унга хос халқчиллик, камтаринлик ва олижанобликни алоҳида таъкидлайди. Шу хусусиятлари билан бу образлар бир-бирларини тўлдирадилар. Булардан ташқари Саид Аҳмад канал қурилишида актив қатнашган маданият арбобларини ҳам тилга олади. Булар — шоирларимиз Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, ёзувчиларимиздан Ойбек, дунёга машҳур санъат арбобларимиз Ҳалима Носирова ва Тамарахонимлар. Булар қаторида у марказдан келган ёзувчи ва санъаткорларни ҳам тилга олади. Булар — ёзувчи Павленко, кинорежиссёр Довженко ва ҳоказолар. Саид Аҳмад буларни фақат тилга олмайди, балки, уларнинг портрет ва характерларига хос белгилар билан уларни бошқалардан ажратади, уларга ҳам типик, ҳам индивидуал хусусиятлар бағишлайди. Бу хилдаги шахсларнинг асарда қатнашиши муҳим бир маънони англатади: Катта Фаргона канали фақат канал қазувчилар иши эмас, балки бутун республика иши, республика «қашари», бугина эмас, бутуниттифоқ «қашари».

Бир инженер дўстим «мен ҳамма журналларни кузатиб бораман, бироқ мен уларни доим охириг бетида бошлаб ўқийман», дегани эсимда. Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи менга инженер дўстимнинг гапини эслатди. Роман трилогиянинг биринчи китоби шаклида яратилди. Бундан олдин у учинчи китобини нашр қилган эди. Ундан олдин эса иккинчи китобини. Одатда ёзувчилар биринчи, иккинчи, учинчи китоблар қилиб ёзадилар. Саид Аҳмад эса бошқача йўл тутди. Трилогиянинг шу шаклда яратилишида ҳам сир борга ўхшайди. Назаримда «Уфқ» трилогиянинг бир қисми шаклида эмас, балки алоҳида роман сифатида яратилди. Бироқ ёзувчи кўрдикки, асардаги баъзи бир воқеа, хусусан образлар мантиқан яна ҳам тўлароқ далиллашни талаб қилди. Далиллар учун у асарни давом қилдиришга мажбур бўлди ва трилогиянинг учинчи китобини яратди. Кўринишича, бу ҳам ёзувчинини тўла қаноатлантирмади. У икки китобдаги воқеалар далили учун биринчи китоб устида иш олиб боришга мажбур бўлди. Шундай қилиб

китоб китобни яратди, яратганда ҳам орқадагиси олдингисини яратди.

Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун»даги ютуғи шундаки, унда тасвирланган воқеа ва образларга тугалланган шакл ато эта олди. Аввало бунга асардаги воқеа бирлиги сабаб бўлди — асар қаҳрамонларининг тақдири Катта Фарғона канали қурилиши фонида акс эттирилди. Роман давомида бу воқеа маълум бир мантиқий ниҳояга етказилди. Асар бош қаҳрамонлари Азизхон ва Лутфинисо ораларидаги муҳаббат фожиавий планда бўлса ҳам охириги нуқтага етказилади. Акбарали ва Азизхон ораларидаги зиддият ҳам мантиқан охирланади. Шу маънода «Қирқ беш кун» трилогиянинг бир қисми сифатида эмас, балки ўзи мустақил асар сифатида ҳам яшаш ҳуқуқига эга. Фақат асардаги баъзи бир образларгина — Икромжон, унинг ўғли Турсунбойлар ҳаракати учун майдон етишмагандек сезилади. Бу майдонни эса ёзувчи кейинги томларида яратиб беради.

Саид Аҳмадни истеъдодли юморист, дейдилар. Бу гап ҳақ. Унинг ҳажвийат ва ханда йўсинда яратилган ҳикоя ва интермедиялари кенг китобхонлар ва томошабинлар орасида маълум. Биз Азизхон хатти-ҳаракатларини — кечаси қиз бола ётган ҳовлига кириб бориши, уни олиб қочаётганда қамишзорларда қўлидан етаклаб тезроқ юришни қисталанг қилишлари, арзимаган нарса учун манман деб юрган полвонни ўтирган стули билан кўтариб олишлари ва ҳоказолар, биринчидан унинг нақадар жасоратли йигит эканидан дарак берса, иккинчидан романнинг бу бетларини майин кулгисиз ўқий олмайсиз. Бугина эмас, Саид Аҳмад йирик тарихий шахслар характерларини яратишда ҳам ҳар бир характернинг ўзига хос майин кулги уйғотадиган томонларини топа олади ва шу билан бу образни эсда қолдиради. Асарда Ойбек Ғафур Ғулومнинг бир ҳазилига жавоб сифатида унга танбеҳ берган бўлиб «Ғўдайган», дегани эслатилади. Ўз характери билан беозорлиги, олижаноблиги, доим яхшилик томон юрадиган, бошқалардан ҳам яхшилик кутадиган Ойбекдан бошқа жавоб бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бу олижаноб одамнинг жавобига нисбатан бизда майин кулги уйғонади.

Саид Аҳмад баъзи бир ҳикояларида ҳайратомиз деталлар топади, шу туфайли китобхонни мафтун қилади. Шунинг учун у чуқур психологик тасвирга кўп эътибор беравермас эди. Бу романида у чуқур психологик тасвирда ҳам ўз санъатини намойиш қилди. Одамлар орасидаги муноса-

батларни, чуқур психологик кечинмаларни (хусусан Азизхон образида) канал қазишдаги иш жараёнини, республикамизнинг табиат оламига тегишли баъзи бир манзараларни рассомларча чизиб берди.

Саид Аҳмаднинг умум услубига тегишли бир хусусият бор: у фавқулодда воқеаларни яхши кўради. Баъзан у фавқулодда воқеаларга берилиб кетиб, бир оз меъёрдан чиққанини ҳам сезмай қолади. Асарнинг бош образи Азизхон қаҳрамонларнинг қаҳрамони, полвонларнинг полвони — журъат ва шижоатда тенги йўқ. Лекин унинг ёши бор-йўғи ўн саккизда. Қаҳрамоннинг ёши шу ҳолда кўрсатилиши китобхонда бир оз шубҳа уйғотди. Асарда фавқулодда воқеалар ҳам бор: Азизхон бутун бир тўйни нокбўрон қилади, осиглиқ лампочкаларни (ўша вақтда тўйларда электр чироқларнинг ишлатилиши ҳам фавқулодда воқеа) синдириб, никоҳ ўқишга келган домланинг салласини уриб тўзғитади, умуман бутун тўй оламини тўс-тўполон қилишлари ҳам Саид Аҳмадчасига, бир оз шубҳа уйғотадиган фавқулодда воқеалардандир. Романнинг анча жойларида ахборот тарзида берилган воқеалар учрайди. Тўғри, бу ахборотлар тасвирланаётган воқеа ҳақида китобхон тасаввурини бойитади. Бироқ, бадий адабиёт аввало санъат асари. Санъат асари сифатида ҳеч қандай ахборотга ўрин бермайди. Агар ёзувчи санъаткор бўлса, истаган информация шаклидаги материални ҳам тасвирланаётган характерларнинг ички дунёси — психологияси билан боғлай олиши ва шу йўл билан асарининг бадий қимматини ошириши мумкин. Бундан ташқари «Қирқ беш кун»да жуда кўп такрорлар учрайди. Азизхоннинг қорни устига тахта қўйиб от-арава ўтказгани, бузоқ ё сигирни дастурхон билан белидан боғлаб дарахтга осиб қўйганликлари узлуксиз равишда такрорланадики, Саид Аҳмаднинг яхши тасвири ва юмори ҳам бундай такрорларни сездирмаслик даражасига олиб бора олмайди.

«Қирқ беш кун» етук ёзувчимизнинг узоқ вақтлар меҳнати самараси. Унда Саид Аҳмад ўттизинчи йиллар охирилари, қирқинчи йиллар бошларидаги халқ ҳаракатини, республикамиз экономикасини кўтариш учун олиб борилган жонбозликларни реал кўрсата олди. Асарни ўқиб ишончимиз компл бўладики, республикамизнинг бугунги иқтисодий, сиёсий ва маданий қудрати фақат битта беш йиллик ёки ўн йиллик халқ жасорати натижаси эмас, балки бутун бир ярим асрлик халқ жасорати натижасидир.

## ҲАЁТГА САЁҲАТ

Талантлар бўладики, ҳали ёшлигиданоқ бирор нарса яратади-да, ялт этиб кўзга ташланади. Унинг келажакда катта санъаткор бўлиши хусусида одамлар орасида қанчадан-қанча гап тарқатилади. Баъзи ижодкорлар бўладики, ёшлигидан келгусида қиладиган ижодий ишларидан дарак беравермайди. Узоқ вақтлар ҳаётнинг катта оқими ичида юради, унинг аччиқ-чучугини татиб кўради, оғир-енгилини тортади, ҳис қилади ва ниҳоят шундай тажриба орттирадики, бу ҳақда одамлар билан дардлашгиси, уларга кўрган-билганларини айтгиси келиб қолади. Шу йўсинда у бадий ижод майдонига қадам қўяди. Ёш талантларнинг ўй ва орзу-истаклари қай даражада табиий равишда юзага чиқса, ҳаёт тажрибасини орттирган ижодкор ҳам ўз ўйлари ва кўрган-билганларини шу даражада табиий равишда юзага чиқаради. Шарқ классикларидан бирининг «ўқиш, саёҳат, кейин ижод» деган гаплари худди шу хилдаги ижодкорларга қарата айтилгандай туюлади. Адабиётимиз хирмонига анчайин ҳисса қўшиб келётган Йўлдош Шамшаров мана шу хилдаги ижодкорлардандир.

Олтмиш йил ҳаётга саёҳат... Ҳали эс-ҳушини танимаган оддий бир меҳнаткаш боласи; етимлик натижасида бошга тушган изтиробли кунлар; суяги қотмаган бола бўлишига қарамасдан бойлар эшигидаги хизматлар...

Йўлдош Шамшаров ҳаётга «саёҳат»ни шундай бошлаган эди.

Хайрият, бу кунлар узоқ давом қилмади. Янги ҳаёт шабадаси эсиб, ёш ўсмирнинг бошини силади. Ҳаётга ҳақиқий саёҳат бошланди: интернатда ўқиш, ҳаётга мустақил



қўйилган биринчи қадамлар — ўқитувчилик, комсомол са-  
фида туриб янги жамият қурилишига фаол аралашиш,  
журналистлик ишларига қизиқиш...

Ҳаётга фаол муносабат уни мамлакатнинг сиёсий ва  
иқтисодий ишларига тортди: ер ислоҳоти, босмачиларга  
қарши кураш, колхоз қурилиши, саводсизликни тугатишга  
юриш ва ҳоказолар... Бу чинакам саёҳат эди.

Бу «саёҳат»лар бекорга ўтиб кетмади. Уларнинг ҳар  
бири Йўлдош Шамшаровнинг ҳаётида муҳим этапларни  
ҳосил қилиб, ижодкорда қанчадан-қанча ўй ва фикрларни  
уйғотди. Биринчи гал бадий асар яратиш учун қўлга қа-  
лам олганда, Йўлдош Шамшаровнинг ҳали ижод тажриба-  
си йўқ эди. Шунинг учун у кўпгина иккилашишларни ва  
изланишларни бошидан ўтказди. Йиғилган ҳаёт матери-  
алини маълум бир бадий шаклга солиб, ўз замондошлари  
билан ўртоқлашиш йўлларини ахтарди.

Газета ва журналларга ёзилган хабарлар, лавҳалар, бў-  
лажак очеркчига тажриба орттиришга ёрдам берди. Узоқ  
вақтлар давомида республика газета ва журналларида ҳар  
хил лавозимларда — адабий ходимдан тортиб редакторлик-  
кача ишлаш бу тажрибаларни мустақкамлади, унда ишонч  
кучини уйғотди.

Лекин мухбирлик хабарларидан адабиётнинг очерк  
жанрига ўтиш осонликча бўлмади. Бошқача қилиб айтган-  
да, очеркчиликда Йўлдош Шамшаров дарров ўз йўлини  
топиб кетавермади. Унинг очерк деб эълон қилган даст-  
лабки асарлари очеркдан кўра кўпроқ мухбир хабарларига  
ўхшаб кетарди. Уларда образли фикр юритиш, очеркчи-  
лик қонун-қоидаларига амал қилиш ўрнига одамларнинг  
қилаётган ишлари, келажак ҳақидаги ўйлар тўғрисида ха-  
бар берилар эди.

Эллигинчи йилларга келиб Йўлдош Шамшаров қатор  
очерklar эълон қилди. Бу очеркларда газета хабарига  
нисбатан образли фикр юритиш устун чиқа бошлади. Қир-  
қинчи йилларнинг бошларида ёзилган «Жигаристон»да  
одамларнинг ишлари ва шу ишларга тегишли масалаларга  
кўра улар томонидан айтиладиган баландпарвоз гаплар  
устун турса, қирқинчи йилларнинг охирида ёзилган  
«Нур байрами» очеркида ҳаёт манзараси — электростан-  
ция қурилиб битказилиши муносабати билан ўтказилган  
байрам тантаналари тасвирланади. Бироқ, бунда ҳам одам-  
ларнинг қилган ишлари кўргазмага қўйилгандек кўрсати-  
лади-ю, байрамга сабабчи бўлган бу улуғвор ишнинг ярати-

лиш манбалари ҳақида бирон жиддий гап айтилмайди. Ҳаёт воқеликларининг моҳиятини очиб кўрсатишдан кўра, кўпроқ манзаралар яратишга мойиллик унинг эллигинчи йилларда ёзилган «Пахтақайнар» тўпламига киритилган баъзи очерклариди ҳам сезилиб турарди. Бундай очеркларда у кўпинча кишилар суҳбатидан келиб чиқадиган манзаралар яратар ва улар кўргазма, хабар, ҳисобот маълумотлари билан тўлдириларди.

Бироқ, бу очеркларда Йўлдош Шамшаровни очеркчи сифатида ижодга ундайдиган, уни рағбатлантирадиган омиллари ҳам мавжуд эди. Бу — воқеликни образли ифода қилиш, образли фикр юритиш, ҳаёт янгиликларини таъкидлайдиган эпизодларни топиш эди. «Пахтақайнар» тўпламига киритилган «Боғбон» очеркида шундай эпизод бор: очерк қаҳрамони — колхоз боғбони Жўравой ўтмишда бойлар эшигида хизмат қилиб юрар экан, бир йигит билан ҳамроҳ бўлади. Бу йигит Йўлдош Охунбобоев эди. Суҳбатлардан бирида Йўлдош Охунбобоев: «Бизга ҳам битган яхши кунлар бордир»,— деса, Жўравой: «Сиз билан бизга битган яхши кун пўлат сандиқда, калити осмонда»,— дейди. Бу гапларни эшитиб Охунбобоев: «Бузиш керак ўша пўлат сандиқни!»— дейди. Революциядан кейин Жўравойни бой эшигидан олиб кетишади ва уни бир гуруҳ милтиқ таққанлар орасига олиб борадилар. Ёмон кунларда йўлдош бўлган йигит — Йўлдош Охунбобоев пешвоз чиқиб Жўравойга: «Ўша пўлат сандиқни бузишди, олинг энди яхши кунингизни ундан»,— дейди.

Образли ва жонли фикр юритиш туфайли Жўравойнинг ўтмишига қилинган экскурс катта маъно касб этади. Агар бошқа гаплар орасида, жўнгина қилиб «революциядан олдин Жўравой Йўлдош Охунбобоев билан бирга бўлган эди, яхши кунлар ва унга етишиш ҳақида гаплашган эдилар» қабалида хабар берилганда эди, очерк ҳозиргидек қимматга эга бўлмас эди.

«Боғбон»да ҳаёт зиддиятлари кўпроқ ўтмишимиз билан ҳозирги кунимиз орасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқадиган бўлса, Йўлдош Шамшаров «Пахтақайнар»да ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлидаги ҳар хил қарашлар орасидаги зиддиятни акс эттиради. Янги ер очиш ҳисобига ҳосилни оширишни ўйлаган раис одамлар кучига ишончсизлик билан қарайдиган ҳосилотга зид туради ва голиб чиқади.

Эллигинчи йилларда яратилган ва ёзувчининг «Пах-

тақайнар» тўпламига киритилган асарларнинг бадий жиҳатдан энг жонлиси ва бақуввати «Қоровой полвон нима дейди?» номли асаридир.

Асарнинг қисмлари марказий бир образнинг ўзига хос ва ўзбек деҳқони учун типик хислатларни тасвирлашга қаратилган. Қоровойни полвон дейишади, бироқ у катта йиғинларда кураш тушиб юрган полвонлардан эмас. У полвонлик номини ўзини характеридаги баъзи бир индивидуал хислатлари туфайли олган. У бир оз ўжар. Лекин бу ўжарлик уни жадалкор қилиб қўйган. Арзимаган бир нарса устида у уйдан чиқиб кетиб, асрлар бўйи қақраб ётган бир тепаликдан ўз кучи билан икки таноб ерни юлиб олади.

Бу эпизод шуни кўрсатадики, Қоровойдаги ўжарлик ўз куч-қувватига, ўзининг ҳалол меҳнатига ишончидан келиб чиқади. Колхоз қурилиши ҳаракати бошланиб кетиб, «колхозга кир» дейишганда ҳам у ўз куч-қувватига ишонганлигидан ўжарлиги тутади; «бойнинг ўғли колхозга мирза бўлиб турганда мен колхозга кирмайман», деб туриб олади. Колхозга киргандан кейин ҳам у бойнинг ўғли Мираҳмадни сувга улоқтириб ташлаб тинчийди.

Колхозда бригадир бўлиб ишлар экан, бунда ҳам унинг ўз куч-қувватига ишониши, жадалкорлиги унинг образини ёрқинлаштиради. Колхоз ишида ҳам у кетмон билан асрий тепаликдан ер юлиб олиш қабилида иш тутади. Аммо ишни дўндиради. Бироқ ғўза парвариш қилиш, ундан мўл ҳосил олиш, тепаликни ўзлаштириб олишдек оддий иш эмаслигини, бунинг учун илми ҳам ишга солиш зарурлигини тушунавермайди.

Ёзувчи бу ерда ўз куч-қувватига ишонган, шу туфайли бир оз ўжар характер бўлиб қолган, бироқ иш деса, дўндирадиган оддий ўзбек деҳқонининг образини яратиб берди. Бу образ ўзининг индивидуал ва типик хислатлари билан китобхонда жонли таассурот қолдиради. Шакл жиҳатдан эса бу асар — ўзининг тугаллиги, битта образнинг марказда тутиб тасвирланиши билан ҳикоя шаклига келиб қолган.

Йўлдош Шамшаров очеркчи сифатида ўз тажрибасини ортира борди. У олтмишинчи йилларнинг бошларида аввало газета ва журналларда, кейин алоҳида китоб шаклида «Ғурумсаройликлар» номли очерклар тўпламини эълон қилди.

Композиция жиҳатидан «Ғурумсаройликлар» ўзига хос

хусусиятларга эга. У шундай қараганда алоҳида-алоҳида очерклардан иборат тўпламга ўхшайди. Бироқ тўпламдаги очерклар ҳам, шаклан ҳам мазмунан бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини изоҳлайдиган асарларки, ҳаммаси бир муқовага кирганда буткул бир катта очерк шаклига келади.

Бу очеркда ёзувчи диққат марказида икки авлод тарихи туради. Бири эски ҳаётни ағдариб ташлаб, унинг ўрнига янги ҳаёт тиклаган, бу ишда не-не азоб-уқубатларни бошидан кечирган солиқ раис Акбар Тошматов, колхознинг биринчи инженери Ўлмас бува, уста Николай Ефимовлар авлоди. Иккинчиси, эстафета машъалини баланд кўтариб техникани ишга солиб, колхоз ишларини дўндираётган, дадил қадам билан олға бораётган Аҳмаджон, Парпи, Мелиқўзи, Салимлар авлоди. Бу икки авлод тарихини бир-биридан ажралган ҳолда тушуниш қийин, албатта. Улар бири иккинчисини изоҳлайди, иккинчиси биринчисини тўлдиради — шу хилда ҳаётнинг умум ва тўла картинаси яратилади.

Йўлдош Шамшаров ўтмишга мурожаат қилар экан, «фалончи ўтмишда ундоғ эди, фалончи мундоғ эди», демайди. Шундай қилиш бадий ижод ақидаларига зид иш бўлар эди. У қисқа-қисқа эпизодлар, ҳаётий манзаралар яратиб ўтмишга назар ташлайди.

«...Улар (ғурумсаройликлар — М. Қ.), биринчи баҳор шабадаси эсиши биланоқ қинғир-қийшиқ тоғ сўқмоқларига турнақатор тизилиб, мажоли қуриб йиқилган шерикларининг қўлтиғидан кўтариб, бир-бирига суяниб довон ошиб кетарди. Отаси мардикор — корандаларга қўшилиб тоғ ошиб кетганда Акбарали ёш бола эди. Пастгина гувала деворли ҳовлидаги бир туп хашаки тут тагида она-бола довон томонга кўз тутиб ётишарди. Эсидан ҳеч чиқмайди: шу тут барг ёзганидан бошлаб унинг кўзи тепада бўларди: қачон оқараркин?»

Бир кун и кечаси уни аллақандай овоз уйғотиб юборди: бош кўтариб қаради — ҳеч ким йўқ. Дашт томондан иссиқ гармсел эсяпти. Ёнида онаси терга ботиб ухлаб ётибди. Қийингани олиб уни секин елпиди. Уйғусидан уйғонгач овозни у энди аниқ эшитди:

— Оқаради, ўғлим... ҳил-ҳил пишади. Кейин-чи, қоқиб шинни қилиб бераман... Қуритиб майиз ҳам қиламиз... Отангга кўп олиб қўямиз... бўз от миниб келади... Учқур от...

Акбарали шу кунни кечаси бўз отни ўйлаб, юлдузларга қараб ётди. Кўзи илинса от дукури эшитилавериб, уйқу қочаверди... Кейин у ҳам довоношарлар қаторига қўшилди».

Шу эпизоднинг ўзида қанчадан-қанча маъно бор: азим Сирдарё лабида жойлашган бўлишига қарамасдан гурумсаройликлар бир томчи сувга зор, ўз ерларини ишлашдан маҳрум, доvon ошиб мардикорлик қилишга мажбур! Улар тутнинг оқаришига интизор! Ҳатто уйқу орасида унинг пишиши ҳақида алаҳсирашадилар.

Бу эпизодда акс эттирилган ҳақиқат ўтмиш ҳаётимизнинг бир томони. Ўтмиш ҳаётимизнинг иккинчи бир томони ҳам очеркда акс эттирилган. Бу «Сайхун бўйида кўкатсиз, кўримсиз» қишлоқда туриб ўз меҳнати билан бахт ахтарувчилар ҳаётидан келиб чиқадиган ҳақиқат эди.

Қишлоқ ўртасида икки сада тагида бир устахона бўларди. Довон ошиб бахт излайдиган кишиларнинг ўн қадқлик кетмонлари шу устахонада ясаларди. Бу устахонада Асрорқул ва Ҳамроқул усталар ишларди. Гурумсаройдаги усталар авлоди шу усталардан тарқалган, дейишади. Колхознинг биринчи инженери ҳам мана шу уста Ҳамроқулнинг ўғли Улмас бува.

Улмас бува ёшлигида темирчиликни отасидан мерос олгану дарёнинг нариги бетидаги тўқайни куйдириб янги ер очиб пахта экадиган бойнинг ёлланма насосчи устасига шогирд тушган. Шу-шу механизм тилини билиб олишга кунт қилган.

Улмас бува насосчи арман йигити Бағрат, рус кишии Николай орқали бошқа бир ҳақиқатни ҳам англаб олади: Подшо — бу эртақлардаги энг зўр, уч бошли аждаҳо, бойлар эса кичкина аждаҳолар. Яқинда уларнинг бошлари кесилади — аввало бош аждаҳонинг, кейин майда аждаҳоларнинг. Бу ишни ўзи, Бағрат ва Николайга ўхшаганлар қилади.

Еш Улмаснинг бу ҳақиқатга ишониши бир оз қийин эди. У ўша вақтда ёруғ жаҳоннинг ҳаммаси оқ подшо қўли остида, унинг измида деб юрарди. Унинг қулашини хаёлига келтириши қийин эди. Бироқ ҳаёт Николайнинг гапларини тасдиқлади. Кунлардан бир кун бош аждаҳонинг қулаганини ва ўрнига буржуй деган аждаҳонинг чиққанини, кейинчалик унинг ҳам қулаганини билди. Гурумсарой гоҳ қизил юлдуз таққанлар, гоҳ босмачилар томонга ўтиб турди. Насосдан сув чиқарилиб экилиб турган бойнинг ерига ҳам ҳеч ким келмай қўйди. Улмас шундан билдики,

кичик аждаҳолар ҳам қулаган. Қишлоқ камбағаллар қўлига ўтди. Уста Ҳаммас эса гоҳ дарёнинг у ерига, гоҳ бу ерига насосларни қуриб, камбағал деҳқонлар учун сув чиқарадиган бўлди. Колхоз қурилгач, уста Ҳаммас колхознинг биринчи инженери номини олди.

Шундай қилиб, очеркист кекса авлодга мансуб, ўзларининг ҳаёт йўли билан бир-бирларига кам ўхшайдиган иккита образ яратади. Бири довол ошиб мардикорлик қилишни отадан мерос қилиб олган, кейинчалик колхозга раис даражасигача кўтарилган Акбарали, иккинчиси, темирчиликни отасидан мерос олиб, аста-секин янги техникани ўзлаштириб халқ орасида инженер номини олган Ҳаммас.

Очеркда ёзувчининг асосий диққат-эътибори Акбарали ва Ҳаммаслардан кейинги, ҳаётни катта қадамлар билан олға силжитаётган янги авлодни тасвирлашга қаратилгандир.

Кейинги вақтларда яратилган бадий асарларнинг аксариятида эскилик билан янгилик ораларидаги зиддият тасвирланади. Кекса, ҳаётдан орқада қолган бригадир ёки раис ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бор кучи билан курашарди. Охири ёш куч ғолиб келиб, кекса куч таслим бўларди. Шу асосда бир қанча ҳикоялар, повестлар, драма ва романлар яратилди. Йўлдош Шамшаровнинг «Ғурумсаройликлар»ида, кекса авлод орасида кескин зиддият йўқ.

«Кўзимни очиброқ қарасам, колхоз менинг ақлимдан тез ўсибди», дейди Акбарали ўзининг ўрнига раис қилиб сайланган йигитнинг елкасига қўлини қўйиб. Янги раис — раис — Аҳмаджон ҳам «... ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг беғараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қаноатлантирар эди».

Кекса авлод билан янги авлод ораларидаги бу бирдамлик кейин ҳам давом қилади. Акбарали ҳам, Ҳаммас ҳам доим янги раисга маслаҳатчи, фақат маслаҳатчи эмас, балки колхознинг бутун ишларида фаол иштирокчи, ўзларининг бой тажрибалари билан ёш раҳбарга ёрдамчи.

«Ғурумсаройликлар» очеркидаги алоҳида қисмларни бир-бири билан мустаҳкам боғлаб турадиган марказий бир образ бор. Бу кекса авлоддан эстафетани қабул қилиб олган янги авлод вакили, ёш раис Аҳмаджон Одилов.

Аҳмаджон Акбарали таърифи билан айтганда, «қўлини узатса кўҳна тоғнинг чўққисига етадиган», бошқа бир персонаж тили билан айтганда, «юраги тоғдек» йигитлардан. Ғурумсаройликлар бир-бирларини «полвон» деб

аташга одатланганлар, Аҳмаджон эса ҳақиқий полвонлардан. Ишлаб чиқаришни юқори кўтаришда у фақат «тоққа етадиган узун қўли-ю», «тоғдек юраги»нигина эмас, балки полвонлик кучини ҳам ишга сола билди: зўравон деб ном чиқарган ўғри Салим билан олишиб, коллективга бўйсундиришдан ҳам қайтмаган у.

Республикамизда, ҳатто иттифоқда донғи чиққан бу ёш раиснинг беш-ўн йил ичида қилган ишлари очеркда тасвирланганидан ҳам улуғроқ. Бу ёш раис беш-ўн йил ичида ишлаб чиқаришни шу даражага кўтардики, эндиликда бу колхоз илғор тажриба мактабларидан бири бўлиб хизмат қиляпти. Шундай экан, бу ёш раис иш услубининг сирини нимадан экан: Акбарали айтганидек «қўли кўҳна тоғнинг чўққисига етади»ганидами ё «тоғ юрак»лигидами, Салимдек ўғрилари ўз жисмоний кучини ишга солиб, тўғри йўлга йўналтирганидамикин?

Очеркнинг ҳар жой-ҳар жойида тилга олиниб кетадиган бу хислатларнинг роли бордир. Лекин гап фақат шулардамикин? Очеркчи шу масалани тадқиқот қилади. Бу ерда Йўлдош Шамшаров очерк жанри талабларига мувофиқ иш тутади. У қаламга олган объектни фақат тасвирламайди, балки очеркчи сифатида, Максим Горький айтганидек тадқиқ қилади.

Бошқа бир тажрибаси камроқ очеркчи «фалон ойнинг фалон числосида Ленинизм колхозига бордим. Раис билан машинада юриб уни кўрдим, буни кўрдим» деб, кўрган ва эшитганларини тасвирлаб кетар, ишнинг сиридан кўра, сиртидан гап урар, одамлар ҳақида гапиришдан кўра, ўзи ҳақида гапириб кетган бўлар эди. Йўлдош Шамшаров эса тажрибали очеркчи. Шу сабабдан у ойлаб, йиллаб юриб шу колхознинг ишлари, одамлари, ютуқ ва камчиликлари билан танишди, уни ўзича таҳлил ва тадқиқ қилди.

Хўш, сир нимада?

Сир шундаки, Аҳмаджон ташаббускор раҳбар. Тўғрироғи пастдан, колхозчилардан келиб чиқадиган ташаббусларни қувватлайдиган раҳбар, у бирор жойда «буйруқчи» сифатида кўринмайди. Унинг топшириқ ва буйруқлари ҳам колхозчиларнинг ўзларидан келиб чиқади, колхозчилар ташаббуси асосида у буйруқ беради. Яна ҳам тўғрироғи — у ташаббускорлар раиси.

Аҳмаджон собиқ раис Акбарали ташаббусини қўллаб-қувватлаган эди, колхозда гектар-гектар боғ-роғлар яра-

тилди; «қор тагида оққан сувдай унсиз» юрадиган бригадири Парпининг ташаббусини қувватлаган эди, колхоз шўр ювиб, гектар-гектар янги ер очиб олди: тиниб-тинчи-майдиган, ором деган нарсани билмайдиган Мелиқўзини қувватлаган эди, деҳқончиликнинг энг қийин ишлари машина зиммасига кўча бошлади; ўғриликдан таслим бўлиб колхозга қайтган Салимни қувватлаган эди, колхозда ҳашаматли Пунган пайдо бўлди, ниҳоят сигир соғувчи Норхол ташаббусини қўллаб-қувватлаган эди ҳамки, илгарилари зарар келтириб турган чорвачилик янги изга тушиб кетди...

Бироқ, бу гаплардан «яхши раҳбар бўлиш учун ҳар бир ташаббусга «ҳа, баракалла» деяверишнинг ўзи кифоя эканда», деган хулоса чиқмаслиги керак. Очеркчи бундай хулосани чиқармайди ҳам. Ташаббусни ёқлаш ё рад қилиш учун раҳбар ўша ташаббускорга нисбатан кўпроқ мулоҳаза қилиши, ташаббус натижаси ҳақида фикр юритиши, уни ҳар томонлама ўрганиши, билиши зарур. Ёзувчи Аҳмаджонни шу хилда, ташаббусларни ташаббуслардан фарқ қила оладиган, тўғри ташаббусларнинг қадр-қимматига яхши тушунадиган раҳбар сифатида тасвирлайди. Бугина эмас, Аҳмаджон колхоз активларига ташаббускорлик учун имконият яратади. Бирор ишни ўз ақли, ўз идроки, ўз ташаббуси билан олға суриши мумкин бўлган чоғларда ҳам бир оз ўзини тортиб туради, шу масалага бошқаларнинг эътиборини жалб қилади. Оқибат масалани колхоз активларидан бири кўтариб чиқади. Натижада, ташаббус эгаси шу ишни бажарадиган одамнинг ўзи бўлиб қолади. Узи ташаббускор бўлгандан кейин иш. албатта аъло даражада амалга оширилади.

Шу тарзда очеркда раис Аҳмаджон билан бирга қатор ташаббускорлар образи яратилади. Улар фақат ташаббускорларгина эмас, балки ўз ташаббуслари билан олға сурилган катта ишларнинг ижрочилари ҳам.

Йўлдош Шамшаров учун очерк бошқа жанрлар орасида баъзан-баъзан мурожаат қиладиган жанрлардан эмас. Очерк унинг учун доимий ва ёзувчилик муҳаббатини тортган жанр. Баъзан шундай бўладикки, тузукроқ очерк яратиш учун у ойлаб-йиллаб вақтини сарф қилади. «Гурумсаройликлар» шундай очерклардан. Баъзан шундай бўладикки, бир вақтлар қаламга олинган темага,— агар ёзувчи қониқмаган бўлса, иккинчи бор қайтади. Юқорида эслатганимиздек, қирқинчи йилларда Йўлдош Шамшаров Оҳанга-



рон кўмир кони қаҳрамонлари ҳақида «Жигаристон» номли очерк яратган эди. Бироқ, бу асар очеркчининг ҳали тажрибаси камроқ вақтда ёзилган бўлиб, авторнинг кўнглини тўлдирмаган эди. Шу сабабдан ёзувчи бу темани олтинчи йилларнинг бошларида яна бир марта қаламга олди ва «Қаҳрамонлик йўли» номли китобчага киритилган «Садоқат» очеркини яратди. «Жигаристон» даги баландпарвоз гаплар ўрнига жонли кишилар образи, ташландиқ тоғ бағрида шаҳар яратган қаҳрамонлар образи қад кўтарди, яхшигина очерк пайдо бўлди.

Йўлдош Шамшаровнинг «Дарёлар» деб аталмиш очеркида республикамизда сув учун кураш темаси ва бу курашда ташкилотчилик қилган одамлар қаламга олинди. Шу муносабат билан адабиётга Усмон Юсупов образи кириб келди. Эллик йил ичида республикамизда оламшумул ишлар амалга ошди. Россиянинг энг қолоқ, патриархал бир бурчаги бутун дунёга донг таратган ўлкага айланди. Бу ишда оддий меҳнатқашдан тортиб, йирик давлат арбобларигача жонбозлик кўрсатдилар. Бу жонбозлар қанчадан-қанча очерк, қанчадан-қанча повесть ва романларга материал бериши мумкин. Усмон Юсупов ҳам мана шу жонбозлардан. Унинг образи бадий адабиётга республикамизда сув учун кураш темаси билан келиб кириши ҳам бежиз эмас. Усмон Юсупов худди мана шу ишда кўпроқ ташаббус ва жонбозлик кўрсатган эди.

«Дарёлар»да Йўлдош Шамшаров «Фурумсаройликлар»даги анъаналарини давом қилдирди. Воқеликни жонли ва жозибали қилиб очиб бериш йўлини излайди. Бундан ўттиз йил олдинги воқеанинг жонли гувоҳини, фақат гувоҳинигина эмас, ўша воқеаларнинг фаол иштирокчиларини излаб топади. Шулардан бири Бузрукхўжа Усмонхўжаев, фарғоналикларнинг тили билан айтганда шунчаки Эшон ака.

Эшон ака ўша кезлари Фарғона районларидан бирининг ижроком раиси сифатида Катта канал қурилишида қатнашган. Очеркда тасвирланган воқеалар Эшон аканинг хотиралари сифатида тақдим этилади. Воқеаларнинг хотира шаклида ифода қилинишининг ўзи очеркка жонлилик бағишлайди. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи Эшон ака хотираси орқали ўттиз йиллик ўтмишга экскурсия қилади. Бу кишининг хотираси орқали у Ўзбекистонда ҳали тарих билмаган умумхалқ юришига бир назар ташлайди ва бу юришдаги халқнинг ақл ва идрокига, унинг ижодкорлик фаолиятига тасанно айтади.

Усмон Юсупов образи ҳам очеркка Бузрукхўжаев хотираси орқали киритилади. Халқнинг дилидагисини топиб, ўшанга яраша муомала қилишни ўзига муқаддас бурч қилиб олган бу йирик сиймо ҳаётидан кичкина лавҳа яратилади. Бу лавҳада Усмон Юсуповнинг характерли томонларидан бири — катта-катта ишларга оддий халқни сафарбар қила билиш қобилияти жонли гавдалантирилади.

Баъзи очеркчиларимизнинг тажрибасини ва уларни қўллаб қувватлайдиган танқидчиларнинг фикрини ўрганадиган бўлсангиз, очерк ниҳоятда енгил жанр. Бирор илғор колхозга ёки корхонага бориб, уларнинг ишларига бир назар ташлаб, кўрганларни қоғозга туширила берса очерк бўла берармиш. Бу билан бадий адабиётга хос бўлган муҳим бир хусусият — образли фикр юритиш очеркка хос эмас, деган фикрнинг келиб чиқишига сабабчи бўладилар. Ҳолбуки, очерк ҳам, агар у чинакам очерк бўлса, образли фикр юритишнинг намунаси бўлиши керак.

Юқорида қайд қилганимиздек, «Ғурумсаройликлар» ҳаётнинг янги талабларига жавоб бера олмай қолган раиснинг ёш, уддабурон раисга ўз ўрнини топширишини тасвирлаш билан бошланади. Демак, бу коллектив ҳаётида катта бир бурилиш рўй бериши керак. Шу сабабдан раис алмашиши тасвирланган бобдан кейин, ўша бурилишни таъминлайдиган омиллар, ёзувчининг диққат марказида туради. Бу омиллардан бири экин майдонларини кенгайтириш. Шу асосда асарнинг «Бахт йўли» деб аталмиш биринчи қисмидан кейин янги ер очишга бағишланган «Ойдин кўллар» номли қисми бошланади. Сўнгра катта хўжаликни олға силжитишда бош омиллардан бири бўлган механизацияга бағишланган «Дарға» деб аталмиш қисм берилади. Майда хўжаликларнинг йирик хўжаликка бирлашишини ифодалаган «Қушга қаноту инсонга бахт» номли қисм берилади. Илғор хўжалик ҳамма томондан ҳам илғор бўлиши керак. Ҳаётнинг талаби шу. Шу сабабдан хўжаликнинг боғдорчилик, чорвачилик сингари тармоқлари қаяқда қолди экан? Очеркчи бу саволга ҳам жавоб топди. «Ниҳоллар», «Норхолнинг қайнар булоғи» номли қисмларда бу катта хўжаликнинг шу соҳалари қамраб олинди. Асар «Раҳмат», деган хулосаловчи қисм билан тугалланади. Бунда партия ва ҳукуратимиз томонидан ғурумсаройлик қаҳрамонларнинг тақдирланиши тасвирланади.

Шундай қилиб, очеркнинг композицион тузилишининг ўзида қандайдир образли фикр бор. Ҳаёт маълум бир нуқтадан, раис алмашинишидан бошланди. Ҳаёт олға сурган қаҳрамонлар кўпгина ишларни амалга оширдилар. Натижада, ҳаёт маълум бир даражага бориб етди: узоқ ўтмишда мева деганда фақат туту ўрикни таниган, ёз бўлса мол тимирскиланиб ўзига озиқ топа олмайдиган, қиш бўлса бўрилар увиллашидан бошқа ун чиқмайдиган поёнсиз саҳронинг бир чеккасида жойлашган Ғурумсарой — яқин ўтмишда заифгина бир хўжалик — ҳамма соҳалар бўйича намуна бўладиган илгор хўжаликка айланди.

Образли фикр юртиш асарнинг фақат композициясига боғлиқ эмас. Бу масала кўпроқ унда яратилган образларга, уларнинг жонли ифодасига боғлиқ. Бу жиҳатдан ҳам «Ғурумсаройликлар» анча ажралиб туради. Очеркнинг ҳар бир қисмида битта марказий образ бор. Бу образларнинг ҳар бири ўзига хос хислатлари билан бошқаларидан фарқ қилади.

Очеркнинг «Ойдин кўллар» деб аталмиш қисми шундай бошланади: «Парпини танийсиэми?»

Ингичкадан келган ияги чўзинчоқ юзига, хиёл дўнг пешанасига монанд йигит: бошини сал эгиб, елка суяги кўтарилиб, ниманидир излагандай қора бахмал кўзларини ерга тикиб, кўпинча қор тагида оққан сувдай унсиз юради». Тенгқурлари уни «индамас» ҳам дейишади.

Бу ерда автор қаҳрамоннинг портретига тегишли эсда қоладиган индивидуал белгиларни топа олган: «Ингичкадан келган ияги чўзинчоқ юзига, хиёл дўнг пешанасига монанд йигит». Бу унинг турғун белгилари бўлса, очеркист унинг характери, психологиясига хос белгиларни ҳам акс эттиради: Парпи «бошини сал эгиб, елка суяги кўтарилиб, ниманидир излагандай қора бахмал кўзларини ерга тикиб юради». Демак, изланувчан ва интилувчан йигит. Бу сатрларни ўқиган китобхон Парпидан қандайдир муҳим бир иш кутади, гўё эртақлардагидек қаердадир хазина кўмилгану шу хазинанинг қулф-калитини Парпи топиши керак. Кейинчалик ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади. Ер ва сувга ташна бир жойда қанчаям гектар ернинг очилиши мумкин эканига у ишонч ҳосил қилганда китобхон унинг юзида катта бир хазина топган одамнинг ҳаяжонини кўради.

«Ғурумсаройликлар»да автор етакчи қаҳрамонлардан бири Парпи образини яратишда унинг портрет белгиларини

дан унумли фойдаланган бўлса, бошқа бир бош образни яратишда психологик детаалардан унумли фойдаланади.

«Ёмғир икки кундан бери муттасил савалайди...

Боядан бери айвондаги кат четида гоҳ паст тушиб олган кул ранг осмонга, гоҳ ҳусайнининг сап-сарик доналарига тикилиб хаёл қуршовида ўтирган Мелиқўзи қаттиқ уҳ тортиб тебранди, кат қарсиллаб кетди. Нариди алланима гуп этди. Қаради: ёзлик ўчоқнинг бир лаби узилиб, ичига қулабди. Учоқ унга қоп-қора жағи қийшайиб тиржайгандай туюлди. Юрагида табиатнинг тескари, ўжар, инжиқ қонунини тилка-пора қилгудай туғён пайдо бўлиб, бу туғён ўзининг ҳозирги ожиз ўтиришидан ўзига берган дашноми билан қўшилиб кетди.

Вақтнинг тилладан қиммат бир пайтида, «сுவга тушган товукдай ҳурпайиб ўтириш», унда алам ҳиссини уйғотди. Ёмғирнинг жиловини қўлга ола билмаган олимлардан ранжиди. Шу пайт унинг кўзига яна тиржайиб турган ўчоқ кўринди-да, жаҳд билан туриб далага чиқиб кетди».

Ажойиб психологик тасвир! Портрет белгилари Парпининг қай даражада аниқ тасвирлаган бўлса, табиат манзарасидан келиб чиқадиган бу психологик деталь шу даражада Мелиқўзига хос бўлган жадалкорликни аниқ ифодалайди.

Табиат ўжар. Лекин Мелиқўзилар жадал. Умуман, Мелиқўзи табиат ўжарлиги ва инжиқлигига қарши курашга бел боғлаганлардан. Оғир ишларни машина елкасига юклаб, бутун куз мавсумида қилинадиган ишларни саноқли кунларда битказадиган даражагача олиб келиш уларнинг асосий мақсади.

«Гурумсаройликлар»да образли фикр қилишдан ташқари муваффақиятли ишлатилган образли ифодаларни ҳам кўп учратамизки, бу хислат ҳам китобга киритилган очеркларнинг жонли ва таъсирли бўлишини таъминлаган.

Очеркчининг ютуғи шундаки, образли ифодалар кўпинча тасвирланаётган образларнинг характерли томонларини очиб бериш билан боғлиқ ҳолда келади.

«Дўмбира овозини эшитса, улоқчи отнинг қулоғи динг бўлади, устидаги чавандозни суриб, ўзини тўдага уради». Бу ибора Акбар ака образини яратишда муҳим вазифани адо этади. Кўпгина раислар вазифасидан тушгандан кейин ё руҳан тушкунликка учрайдиган, ё раисликдан бошқа ишларга паст назар билан қараб, жамоат ишларидан ўзини четлаб қўядилар. Акбар аканинг табиати эса бошқача.

У кўпчиликка, жамоат ишларига улоқчи от дўмбира овозига қандай ўрганган бўлса шундай ўрганган. Шу сабабдан Акбар ака райсликдан тушгандан кейин ҳам колхознинг бир томонини ўз елкасига олди — колхознинг бош боғбони бўлди.

Асарнинг бошқа бир жойида нотўғри йўл танлаган Салимни жисмоний жиҳатдан енггандан кейин, Аҳмаджон кўприк панжараларига суяниб безовта дарёга тикилиб туради. «Дарё ўкириб қирғоққа сапчиб, яна орқасига қайтарди. Ҳозир у Салимнинг ёввойи кучини сувнинг ана шу телба, лекин қоядан ожиз сапчишига ўхшатди».

Ҳақиқатан шундай эди. Бироқ гап фақат шунда эмас. Бу ерда ёзувчи Аҳмаджон ўйлари орқали Салимнинг ёввойи кучига нисбатан ўз муносабатини ҳам билдиради. Унинг кучи нақадар кўп, дарёнинг сапчишидек зўр бўлмасин, сувнинг қояга келиб урилган ва сапчиб орқага қайтгандек орқага қайтишга мажбур. Салим ожизлар олдида зўр эди. Бироқ қояга келиб урилиши, яъни Аҳмаджон билан тўқнашуви билан орқага қайтишга мажбур бўлди.

Йўлдош Шамшаровнинг ижодини синчиклаб ўргансангиз шундай хулосага келасизки, у ифода қилиш усуллари устида анчагина бош қотириб, кейин қўлига қалам олади. Бу фикрни унинг фақат «Гурумсаройликлар» китоби эмас, Оҳангарон кўмир кони қаҳрамонларини улуғловчи «Қаҳрамонлик йўли» китобчаси, Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган, «Дарёлар» номли очерки ҳам тасдиқлайди.

Бу икки очеркда ҳам Йўлдош Шамшаров одатдагидек китобхонни қизиқтириш йўллариини излайди. «Қаҳрамонлик йўли»да икки ака-уканинг мол боқиб юрган бир куни тасвирланади. Подачининг укаси — Мажид орқада қолиб кетгани ва дарёнинг суви ўпириб катта бир тепаликнинг қулагани, кейинчалик бу тепаликда бекинмачоқ ўйнаб юрган болаларнинг афти-башараси қоп-қора бўлиб чиққани қандайдир бир сирли оҳангда тасвирланади. Оҳангарон кўмир конининг очилиши ана шундай бошланади. Бундан кейин очеркчи кўмир конининг тарихи, уни бунёд қилишда иштирок этган кишилар, қаҳрамонлик кўрсатган йигит ва қизлар, янгидан бунёд бўлган шаҳарча ҳақида гапирди.

«Дарёлар» номли очерк ҳам шундай кичик бир воқеанинг тасвиридан бошланади. Бу ерда Йўлдош Шамшаров бир афсонага мурожаат қилади:

«... Шу депарада навқирон бир йигит бир қизга ошиқ бўлибди. Жуда сулув, жуда дилбар қиз, кўзлари хумор, қовоқлари бодом, қошлари қалам экан; орқасини қоплаган сумбул сочлари сарв қоматига кўрку, юзлари сутдек оқ, тиниқ экан. Қиз фироқ қила бериб висолига етиштирмапти. Йигитнинг юраги ёнибди. Ривоятга кўра, у юрагини чангаллаганича ўзининг Қорадарёнинг худди шу жойига ташлабди. Шу-шу, ким биледи қачондан бери бу жойнинг номи Куйганёр...»

Катта Фаргона каналининг боши мана шу Куйганёрдан бошланади. Шундан кейин автор каналнинг барпо қилинишида актив иштирок қилган Бузрукхўжа ака ўйлари, эслашлари орқали бу бедов дарёни тўсиб кишанбанд қилган, уни ўз измига юргизган, пўлат дарвозалар билан қулфлаб, калитини чўнтагига солиб олган қаҳрамон ўзбек йигитларининг ишларини тасвирлаб беради.

Йўлдош Шамшаров танилган, маҳоратли очеркчи. У ўзи кузатган, ўрганган ҳаётий воқеаларни бошқа адабий жанрлардагидек ёзувчи-санъаткор тафаккурдан ўтказди, уни «қайта бичиб, қайта тикади», санъат асари талабларига мувофиқ, кам жойини тўлдиради, ортиқча жойини олиб ташлайди ва шу йўл билан, фақат шу йўл билан ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини яратиб беради.

Очерклар ҳаётга саёҳат натижаси ўлароқ майдонга келади. Очерк жанрининг ўзи эса, адабиёт оламига, ундаги жанрлар водийсига, ундаги адабий тафаккур дунёсига, бадий услублар уфқига саёҳатдир. Ҳаётга, адабиёт оламига йўл тутган саёҳат натижаси сифатида катта полотнолар яратилиши мумкин. Шундай бўлди ҳам. Йўлдош Шамшаров 1970 йилда «Чироқ» номи романини эълон қилди. Унинг очерклари, асосан, бугунги кун ҳаёт қаҳрамонлари — мамлакатни моддий бойлик билан таъмин қилиб турган колхозчи азаматлар бўлар эди. «Чироқ»да эса ёзувчи бу азаматларнинг ота-боболари ҳаётига бир назар ташлайди. Шу билан бугунги қаҳрамонликларнинг ўтмишдаги қаҳрамонликлар орасидаги узвий боғланишига китобхон эътиборини жалб қилади. Асарни ўқиган киши бугунги ҳаётга юриш, бу юришда қўлга киритилаётган оламшумул ғалабаларнинг замини революция байроғи баланд кўтарилиб, ҳаётда бирин-кетин инқилобий тадбирлар амалга оширилаётган вақтларда яратилганига яна бир марта ишонч ҳосил қилади. Ота-боболарнинг улуғвор ишлари билан таънишиб, уларга таҳсинлар ўқиймиз, ҳали ҳам улар бизга

ўрناق эканини англаб, руҳимиз кўтарилади — ақлимизга ақл, кучимизга куч қўшилади.

Йўлдош Шамшаров кўрганини ёзишга ўрганган. Унинг очерклариди бирон шахс йўқки, ёзувчи у билан шахсан таниш бўлмаса. Бу хусусият балким унинг романига ҳам тегишлидир. Романда йигирманчи йиллар бошларида рўй берган ер ислоҳоти воқеаси акс этади. Деҳқонлар ҳаётида рўй берган бу инқилобий бурилишда Йўлдош Шамшаровнинг ўзи комсомол активисти сифатида қатнашган. Эҳтимол, романдаги ёш активистлардан бирининг прототипи ҳам ёзувчининг ўзидир. Кўрганини, билганини, бошдан ўтганини ёзиш асарни ниҳоятда ишонарли қилади. Шу сабабдан бўлса керак, романда акс эттирилган воқеалар китобхонда ҳеч қандай эътироз ҳам уйғотмайди, шубҳа ҳам.

Йўлдош Шамшаров йигирманчи йиллар ҳаёти картинасини китобхон олдиға ёзиб қўйди. Ўша даврнинг алангали ҳаёти, синфий кураш ёлқинлари, революцион органлар томонидан ўртаға ташланган тадбирларнинг халқ орасиға тез тарқалиб, оммавий кучға айланиши, бунинг натижасида янги ҳаёт душманларининг типирчилаб қолишлари, уларнинг осонликча жон бермасалар ҳам на халқдан, на ҳокимиятдан мадад ололмай ва ўз позицияларини топширишға мажбур бўлишлари билан яна бир бор танишамиз. Тарихдан олган илмий хулосаларимиз бу асар туфайли бадий ҳақиқатға айланади ва ўша давр ҳаёти ҳақидаги тасаввуримиз кенгайди.

Йўлдош Шамшаров романда қатор оригинал образлар яратади. Биз Носир бой типиди эски ҳаётнинг моддий бойликни ўз қўлиға киритган, тиш-тирноғи билан бу бойликни сақлайдиган эски тартибни тиклашға уринган катта бир мулкдор образини кўрсак, шайх Шаҳобиддин типиди моддий бойликни халқдан қўриқлаб қолиш учун уринаётганларнинг мафкуравий асосчиларидан бирини кўрамиз. Романда асл моҳияти билан булар иккаласи бир куч бўлиб, халқ зарби билан ҳаётдан кетиши керак бўлган кучлар сифатида акс эттирилади. Йўлдош Шамшаровнинг ютуқларидан бири шундаки, Носир бой ҳам, шайх Шаҳобиддин эшон ҳам ҳаётдан маъмурий чоралар билан узоқлаштирилмайди. Янги ҳаёт тўлқини Носир бойнинг хонадонига кириб боради, унинг тадбирларини ичидан туриб емира бошлайди. Бойнинг ишонган кишилари — қизи Нозима, куёви Қурбонқул янги ҳаёт қурувчилар таъсирига ўтади, ермулкнинг бир қисмини хатлаб бермоқчи бўлган Исоқ ҳам

қўлдан чиқади, ҳатто энг содиқ ҳисобланган қирғиз чўпон — Бозор оқсоқол ҳам бойнинг уринишлари фойдасиз эканини айтади. Бой яккаланади. Бундан кейин мол-мулкни қўлда сақлаш ҳаракатлари фойдасиз эканини тушунади. Носир бой ҳайрон. «Большовойлар сўзи қулфлоглиқ, тамбалоғлиқ уйларга ҳам шунча тез кирса!»

Янги ҳаёт тўлқини тезлик билан шайх Шаҳобиддин эшоннинг меҳробига ҳам кириб боради. Эшон тузоғига илиниб, унга ва бойларга бир умр содиқ хизмат қилиши керак бўлган нодонлар сони камая боради. Шундай қилиб, большовойлар сўзи фақат қулфлоглиқ, тамбалоғлиқ уйларгагина эмас, балки эски ҳаётнинг энг муқаддас қадамжойларига ҳам бориб етади. Янги ҳаёт тўлқини эшон ўйлаган ҳамма ҳийлаю найранглари чилпарчин қилади. Аммо бой ва эшонларнинг беҳузурлик билан бўлса ҳам нафас олиб туришларига сабаб бўладиган шахслар ҳам бор. Романда бу хилдаги бир қатор образлар ҳам яратилган. Булардан ҳасадгўй, ўзидан ўзгандан баланд келишга қасд қиладиган, бунга тўғри йўл билан эмас, балки ҳар хил эгри йўللар билан эришишни одат қилиб олган мирмахмудлар, ҳаётнинг қай тарзда кетаётгани билан ҳисоблашмасдан ҳамма нарсани зўравонлик, пул билан битказишга ўрганган шодмонлардир... Булардан ташқари, бой ва эшонларга вақтинча ўғит берадиган, ҳаётдаги ўзгаришларни дарров англаб ола олмаган, эски ҳаётнинг тушунчаси билан келаётган, ҳаётдан жиддийроқ бир туртки олмагунча ўз ҳақ ва ҳуқуқларини таний олмаган «Қутлуғ қон»даги Ерматни эслатадиган шахслар ҳам йўқ эмас эди. Булар бойга содиқ қарол, эшонга мурид бўлган, кейинчалик хотини Мавлуда туфайли тўғри йўлни тспиб олган Исоқ типидagi кишилар эди.

Романда янги ҳаёт тўлқинини яратувчилар тасвирига кўпроқ ўрин берилган. Йўлдош Шамшаров талқинидан шу англашиладики, инқилоб ва инқилобий шиорлар, қуруқ сўзлар йиғими бўлмаган, балки бу ғоялар, шиорларнинг моддий асоси бўлган. Инқилб қатор инқилобий ислохотларни жорий қилди. Ер ислохоти шулардан бири эди. Бошқача қилиб айтганда, инқилоб ер ва сувни ўз эгасига қайтарди, меҳнаткаш оммаси ҳам бунгача бойники ҳисобланган ер ва сув ўзиники эканини англади. Шу сабабдан инқилобий ғоялар халқ ичида тез тарқалди. Инқилобнинг шу хислатларини англаганидан эскича тарбия олган, мадрасаларда ўқиган Шароф домла ҳеч қийинчиликсиз инқилоб томонга ўтади. Бу ерда инқилоб ғояларининг ҳаққонийли-



гини исботлайдиган яна бир ҳақиқат бор: Шароф домла ёшлигидан бошлаб шайх Шаҳобиддин билан бирга таҳсил кўрган — бошланғич маълумотни Шаҳобиддиннинг отаси Баҳовиддиндан олганлар, кейин Қўқон мадрасасида ўқиганлар, аммо улар ҳар қайсиси бир кутб кишилари бўлиб чиқадилар. Бунинг сабаби шундаки, Шаҳобиддин ёшлигидан ўйлаш-фикр қилишга кам қобилиятли, ўзини мумтоз тутишга ўрганган ҳасадгўй бир шахс сифатида кўринади. Шароф эса ёшлигидан ўйчан, ҳаётнинг яхши ва ёмон томонларини тарозига солиб ўлчаб кўришга уринадиган ҳақиқатгўй, санъатга қизиқувчан, янгиликка интиладиган бир шахс. Бу уларнинг илмдан фойдаланиш усуллари ҳам маълум: Шаҳобиддин мадрасадан келиб шайхлик қила бошлайди. Унинг орзу-истаклари ҳам шу эди. Шароф эса ўқитувчиликка киришади. Ўз шахсий хусусиятлари билан ҳақгўй, янгиликка интилувчи шахс, қандай тарбия олишига қарамасдан, инқилоб томонига ўтди. Ҳақ инқилоб ҳақгўйларни ўзига тортди. Ҳақгўйлар ҳақ инқилобни яратди. Ўзининг характер-хусусиятлари билан ҳаёт ҳақиқатидан узоқда турган шахслар эса ҳақгўйлар яратган инқилобни тушунишлари у ёқда турсин, унга қарши кураш эълон қилдилар.

Романда инқилоб яратган ҳақгўйлар фақат оқ-қорани таниган Шароф домла эмас, балки оддий меҳнаткаш вакиллари бор. Булардан энг яқинларидан бири Карим полвон. У полвон деса дегудек гавдаси, гап-сўзларининг оҳанги, мард ва чўрткесарлиги билан китобхон кўз олдида тўла гавдаланади. Карим полвон инқилобни қучоқ очиб қарши олган, бугина эмас, қўлида қурол билан инқилоб ғалабасига ўз ҳиссасини қўшган бир шахс. «Шўро ҳукумати — мен, сен, биз ҳаммамиз, тесқари айланиб келган фалак гардишини ўз қўлимиз билан ўнг томонга ўзимиз айлантириб тузганмиз буни. Энди муқим айланади...» — дейди у камбағалларга.

Шундай қилиб, романда йигирманчи йиллар бошларидаги контрастли ҳаётни характерлайдиган, ўз дунёқарашлари, ҳаёт ақидалари билан бир-бирларидан кескин фарқ қиладиган қатор образлар ёритилганки, бу образлар мажмуаси ўша давр ҳаётининг умумкартинасини акс эттиради, давр тарихий ҳақиқатини кўз олдимизда жонли гавдалантиради.

Юқорида биз ёзувчининг очерк жанрида кўп йиллардан бери қалам тебратиб келаётганини ва бу ишнинг ро-

манда қўл келганини айтиб ўтган эдик. Бу фикрни инкор қилмаган ҳолда шуни айтиш керакки, очеркчилиги бир жиҳатдан ёзувчига қўл келган бўлса, иккинчи жиҳатдан асарнинг сюжет суръатини оширишга халақит берганга ўхшайди. Романдаги умум услуб анчайин вазмин, баъзи жойларда вазминлик сюжет ривожига тўсиқ бўладиган даражада. Баъзи ўринларда автор кераксиз тафсилотларга ўрин беради. Кераксиз тафсилотлар воқеа моҳияти билан танишиш учун шошилаётган китобхон диққатини бўлади, шу муносабат билан у кутаётган воқеа моҳиятига бир оз соя тушади ва китобхоннинг қизиқишини сусайтиради.

«Чироқ» — 20-йиллар синфий кураш манзарасини яратиб берадиган, ўша давр халқ ҳаёти, унинг кураши ва интилишларини акс эттирадиган, аввало, катта маърифий, эстетик қимматга эга бўлган романдир.

Адабиёт олами кенг. Одатда, санъаткорлар бу кенг оламнинг бир неча соҳасида истеъдодларини кўрсатадилар. Бировлар ҳам шоир, ҳам драматург, иккинчи бировлар ҳам ёзувчи, ҳам шоир, бошқа бировлар ҳам ёзувчи, ҳам олим, яна бировлари эса ҳам ёзувчи, ҳам таржимон ва ҳоказо. Йўлдош Шамшаров кейинги гуруҳга мансуб санъаткорлардан. Очеркчиликка биринчи қадам ташлагандан бери у бадий таржима билан шуғулланади. Тўғрироғи, у ўз истеъдодини таржимада синаб кўрди. Улуғ Ватан уруш йилларидаёқ у рус ва ғарб адабиётидан бир неча машҳур асарларни ўзбек китобхонларига таржима қилиб тақдим этди. Булар ичида Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» асари ҳам бор. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги биринчи йилларда бу катта воқеа акс эттирилган қатор асарларни таржима қилди. Л. Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура», С. Заречнаянинг «Лочин», С. Лоскутовнинг «Жанговар эпизодлар», «Партизанлар» китоблари шулар жумласидандир.

Йўлдош Шамшаров рус классиклари асарларини таржима қилишда ҳам актив фаолият кўрсатди. У атоқли рус ёзувчиси И. С. Тургеневнинг қатор роман ва повестларини таржима қилиб, бу улуғ санъаткорнинг ғоялар дунёси, эстетик олами билан ўзбек китобхонларини таништиришда жонбозлик қилди.

Йўлдош Шамшаров таржима қилган авторларининг рўйхати катта. Бу рўйхатга бир назар ташласангиз, у таржима қилган асарлар кўпроқ ўзларининг гуманизм, ватанпарварлик ғоялари билан бой эканини англаб оласиз. Зо-

тан, Улуғ Ватан уруши йиллари она-юрт учун жонини фидо қилганлар, керак вақтида душман ўқиға кўксини тутиб берганлар ҳақида ҳикоя қиладиган китоблар билан Йўлдош Шамшаров алоҳида муҳаббат билан таржима қилган Тургенев асарлари орасида бир умумийлик борга ўхшайди. И. С. Тургенев рус халқининг потенциал кучи, истеъдоди, руҳий қувватини сезган ва ўз халқининг шу томонларини улуғлаган, оқибат, шу кучларнинг, истеъдоднинг, гўзалликнинг келажакда юзага чиқишини башорат қилган санъаткор эди. Рус халқи И. С. Тургенев яшаган вақтда яширинган ўз истеъдоди ва руҳий бойлигини революция йиллари ва Улуғ Ватан уруши йилларида бутун дунёга намойиш қилди. Шу сабабдан бўлса керак, И. С. Тургенев таржимони бўлмиш Йўлдош Шамшаров ҳозирги давр ҳаётини акс эттирувчи асарларни таржима қилганда ҳам кўпроқ рус халқининг руҳий бойлиги, юзага чиққан потенциал кучи, жаҳонга танитган истеъдодини кўрсатувчи асарларни таржима қилди. Чунки фақат шу асарлар унга руҳий озуқа берар, ўз дилидаги идеалларни айтишга имконият туғдирарди.

Шундай қарасангиз, очеркчи Йўлдош Шамшаров билан таржимон Йўлдош Шамшаров ораларида ҳам қандайдир мустаҳкам боғланиш борга ўхшайди. И. С. Тургенев асарларидаги халқ кучи, қудрати, истеъдодини улуғлаш ақидалари Йўлдош Шамшаров очеркларига ҳам хос. У қайси бир ҳаёт материални олмасин, қайси бир қаҳрамон ҳаётига мурожаат қилмасин, аввало, ундаги потенциал кучга, унинг руҳий бойлигига, унинг истеъдодига кўз ташлайди. У ҳар бир ҳаёт материалда, ҳар бир персонажда — ўз замондошида — шу хислатларни кўради, улуғлайди. У тасвирлаган Аҳмаджон Одилов, Мелиқўзи Умурзоқов, коллективлаштириш ҳаракатининг қаҳрамонларидан Акбар ака, Усмон акалар ва ниҳоят, Усмон Юсупов ёзувчи идеалини акс эттирган халқ истеъдодлари, халқ қаҳрамонлари эмасми?!

Йўлдош Шамшаров, юқорида айтганимиздек, кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган ёзувчиларимиздан. Бундай ёзувчилар узоқ вақтлар ўзида ижодга ташна бўлиб юргандек бўлади. Умрининг маълум бир қисмида тўйиб-тўйиб ижод қилишга киришади. Ҳозир Йўлдош Шамшаров шундай пайтни бошидан кечирмоқда.

## «ЭШИТИНГ... ШЕЪР УҚИЙМАН!»

Урушдан кейинги оғир йиллар... Ойбекнинг Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раис вақтлари. Кунлардан бирида ёзувчи кабинетига устида йиртиқ кўйлак, бошида эски дўппи, оёқ яланг бир ёш йигит кириб келди. Шимининг чўнтагидан тўрт букланган бир қоғозни олиб: «Эшитинг, Ойбек ака, шеър ўқийман», дейди. «Ўқинг, ўқинг», дейди Ойбек. Йигит шеърни ўқиб кетади. Шеърни ўқиб бўлиб, йигит адибдан ўзининг асари ҳақида бирон нарса эшитгиси келарди, албатта. Лекин Ойбек ҳеч нарса демайди. У шеърни эҳтирос билан ўқиб берган бу йигитга бошдан-оёқ разм солиб бир қарайди ва секин ўрнидан туриб, уни эргаштириб Литфонд раисининг олдига олиб киради. Йигит янаги сафар союзга келганида янги костюм-шимда эди...

Қудрат Ҳикмат Ойбекдан шу хилда биринчи йўлланма олганидан кейин йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтади. Бу вақтлар ёш шоир учун бекор ўтмайди.

Юрагимда кезар бир тўлқин, 95  
Мени олға ундаб туну кун.

Ҳа, тўлқин кезган! Агар ўша вақтларда юпунгина кийинган, ким билсин, ўз тирикчилигини қандай ўтказиб юрган бу йигитнинг юрагида тўлқин кезмаганда ва бу тўлқинлар ёш юракни ёриб чиқишга уринмаганда, катта бир даргоҳга келиб, «эшитинг, шеър ўқийман», дея олармиди! Катта устоз нигоҳида биринчи гал маъқуллаш аломатини сезган ёш шоир юрагидаги тўлқинларга йўл бера бошлаган. Натижада ёш китобхонларни мафтун қиладиган қатор-қатор шеър ва поэмалар яратилиб қолган.

Дунё сирларига эндигина қизиқаётган ўғил ё қизингизни қўлидан тутиб сайр қилиб юрганингизда бўладиган суҳбатга бир разм солинг, болага тушунтириш қийин бўлган муаммолар олдингизга қатор қилиб қўйилади. Бола лампочкага кўзи тушиб, «Лампочка нимага ёнади?» — дейди. Ариқда оқиб турган сувни кўриб, «Сув қаердан келади?» — дейди, агар шу пайт Ойга кўзи тушиб қолса, «Ойнинг ичида нима бор?» — ҳам дейди. Баъзан бу саволлар мураккаб шаклда берилади. «Ёмғир қаёқдан келяпти?» — деган саволга «булутдан» деб жавоб берсангиз, «Булут уни қаёқдан олган?» — дейди. Агар унга жавоб бериб қутулдимми, десангиз, унинг кетидан яна бошқа савол чиқиб қолади. Тажрибасиз ота ё она, баъзан тажрибалиси ҳам, нима дейишини билмай гангиб қолади.

Қудрат Ҳикмат болалар учун асар яратар экан, улар психологиясидаги шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иш тутлади. Гўё миллион-миллион ота-оналар учун синчков болаларга дунёнинг сирларини англатадиган жавоблар беради. «Тоғдан келар пилдираб, ариқлардан шилдираб...» Гап нима ҳақда кетаётгани маълум. Қудрат Ҳикматнинг «Сув» шеъри шундай бошланади. Бундан кейин у канал ва ариқлар қазилиб, сувнинг далаларга кетиши, чўлларнинг қурилиши, дунёнинг кўкаламзор бўлиши асоси мана шу сув экани ҳақида маълумот беради. «... Қандай қилиб бе-лампаёғ, бегугурт равшан ёнар лампочка?» Лампочкани кўриб, бола хаёлидан бундай саволларнинг қанчадан-қанчаси ўтмайди дейсиз!

Кокил-кокил симлардан  
Нур дарёси оқарми?  
Ё кўринмас одамлар  
Келиб уни ёқарми?

Бола онги савияси ундан шундай саволлар чиқишини тақозо қилади. Шоир бир зум ўзини бола ўрнида кўради ва унинг номидан топилган жавобни ифода қилади:

Сувнинг йўли бошланар,  
Тоғларнинг қир учидан.  
Энергия олинар  
Шўх дарёлар кучидан.

Бола дилидан чиққан бу хилдаги савол ва жавоблар ҳаётнинг мураккаблигига нисбатан ниҳоятда оддий ва ибтидоийдир. Бу хилдаги савол-жавобга ўрта маълумотга

етар-етмас илми бор ҳар кимсанинг ҳам, баъзан саводи кам одамларнинг ҳам ақли етабериши мумкин. Лекин жавоб билан жавобнинг фарқи бор. Оддий одам «сув қаёқдан келади?» — деган саволга «тоғдан», «лампочка ёруғини қаердан олади?» — деган саволга «электростанциядан», деб қисқа ва қуруқ жавоб бериб қўя қоларди. Бундай савол-жавобларни бола кўп эшитади ва унинг одатдаги жавоблардан эканини билади ҳам.

Шоир дунё сирлари ҳақидаги саволларга поэтик жавоб беради. У жавобни жонлантиради, поэтик оҳанг бағишлайди, табиатни, унинг сирларини бевосита ҳис қилишга ёрдам берадиган жонли ифодани топади. Лампочка шоир тилида шаклдаги нарса, «нок нусха». Лампочкани нокка ўхшатиш уни аниқроқ сезишга ёрдам беради, бирданига бола иккита предметнинг — ҳам лампочканинг, ҳам нокнинг шаклини яхши ҳис қилади. «Кокил-кокил симлардан нур дарёси оқарми?» «Ёғочдан ёғочга тортилган симлардан ток оқармикин?» — деб ҳам савол қўйиш мумкин эди. Бундай ҳолда поэтика йўқоларди. Мураккаб тушунча мураккаб жумла билан ифодаланган бўларди. Болага кам эшитилган, лекин аниқ ифода қиладиган иборани топиш керак эди. Ёғоч билан ёғоч орасидаги симларни бола кўп кўрган, лекин кокилга ўхшашини тасаввур қилган эмас. Балки бундай иборани ҳеч ҳам эшитмагандир. «Кокил-кокил симлар» бола тасаввурини бирданига тўлдиради, айтилаётган предмет ифодасини аниқлаштиради, боланинг поэтик фантазиясини бойитади. Буни яхши англаб олган бола предметларни чоғиштиришга, уларни аниқ ифода қиладиган сўз ахтаришга ўрганади. Бу ерда асарнинг ҳам эстетика ва маърифий қиммати бир-бирига омикта.

Гап фақат яхши топилган ўхшатишу аниқ ифодаларни топа билишда эмас. Бадий асарда, шу жумладан, болалар учун ёзилган асарларда ҳам маълум бир фикр оқими ва аниқ тугаллик бўлиши муҳимдир. Шеър боши йўқ, кети йўқ таассурот маҳсули бўлавермайди. Қудрат Ҳикмат ҳам бадий ижоднинг бу қонунлари билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. У одатда бирор предмет ё воқеа ҳақида шеър ёзар экан, унинг ўзига хос аломатларини топади. Ифода қилиш приёmlарини ушбу аломатларни китобхонга етказиш мақсадига бўйсундиради.

На макон, на йўли бор,  
Қайларгадир югурар.

На этак, на қўли бор,  
Ким ҳам ушлаб улгурар.  
Бир қарасанг липллаб  
Кирар боғлар қўйнига,  
Осилади типирлаб,  
Майсаларнинг бўйнига.

Шоирнинг «Шамол ботир» номли шеъри шундай бошланади. Бу мисраларда шоир жонсиз нарсани жонлантиради, шамолга хос белгиларни худди топишмоқдагидек аниқ ва сирли ифода қилади. Боланинг шамол ҳақидаги тасаввур жуда тор, албатта: қиш кунлари нимадир эсиб юзларни ачитади, нарсаларни учиради, лекин нима эканини у билмайди, бу ҳақда жиддий ўйлаб ҳам кўрмаган. Бу нима экан, деган савол аҳён-аҳёндан унинг миясидан яшин тезлигида ўтгандир, балким. Шоир худди шуни назарда тутгандек шамол ҳақида болага маълумот беради.

Гап фақат шу билан тугаса поэтик асар бўлмасди. Бу мисралардан кейин ҳам шамол ҳақида маълумот берадиган бир қанча мисралар яратади. Шамол ҳақида умум тасаввур тўлароқ яратилгандан кейин шамолнинг инсонга фойдаси ҳақида гапириб кетади. У булутни ҳайдайди, у тегиримонни юргизади, у хирмон шопиради, усиз ҳосил бермас ток...

Зумда кезиб оламни  
Дил чигални ёзолар.  
Чангладиб гул-лолани  
Ҳам ҳавони тозалар.

Қудрат Ҳикматнинг ҳар бир шеърида ҳам бу хилдаги бир тугалланиш бор. Бу тугалланиш масаллардан келиб чиқадиган хулосани эслатади: аввало, предмет ё воқеа ҳақида жонли маълумот, ундан кейин у предметнинг маълум бир хислатлари, охирида ўша белгили воқеа ва ҳодисадан келиб чиқадиган хулоса. Шу сабабдан унинг шеърлари бошли, оёқли нима биландир бошланади, нима биландир тугайди. Бу тугалланиш конкрет бир маънони ифодалашга хизмат қилади.

Бизни доим ўраб турган табиат ва ҳаёт воқеаларини поэтик ифода қилиб инсон тасаввурини бойитиш ва унинг онгига таъсир ўтказиш адабиётнинг асосий вазифасидир. Бадий ижод олдида турган бу вазифа, хусусан, болалар

адабиётида муқаддас ва муҳимдир. Болаларнинг синчков ва қизиқувчанлиги, улар онгининг тез суръат билан ўсиб улғайишга интилиши адабиёт олдидаги бу бурчни яна ҳам муқаддаслаштиради. Бу вазифа биз учун, баъзан болалар учун ҳам оддийгина бўлиб сезилган, лекин моҳиятида қандайдир табиат ва ҳаёт сири ётган воқеаларни поэтиклаштиришни талаб қилади.

«Мих», «Сим». Булар ҳар бир ҳўжаликда ишлатиладиган предметларнинг энг оддийларидан. «Тутун». Бола диққатини тортишга кам сазовор бўлган бир нарса. «Устун». Унинг вазифаси, қандоғ ясалганини бола ўйлаб ҳам кўрмаган. Еки ботинканинг пошнаси. Ботинка ҳақида болада тасаввур бор бўлиши мумкин, лекин пошна ҳақида у ўйлаб ҳам кўрмагандир. «Қамиш» бу ҳам табиатнинг бир қисми. У ҳақида боланинг тасаввури фақат баҳор кунлари беш-ўн кун учуриладиган варрак билан боғлиқдир. Қудрат Ҳикмат бунга ўхшаган оддийгина предмет ва воқеалардан поэзия топади. Бошқа бир шоир на михни, на симни, на тутунни писанд қилмас, уларда поэзия яширинган эканини балким сезмаган ҳам бўларди.

Қалпоқ кийган аскарга  
Ўхшайди мих полвон ҳам,  
Бирикади у билан  
Эшигу ром, нарвон ҳам.

Михнинг ҳаётда бажарадиган вазифасига мос равишда доим буйруққа тайёр турадиган аскарга, кучи билан иш кўрсатадиган полвонга ўхшатилиши оддийгина бу предметга поэтик бўёқ бағишлайди. Бунгача бола бу оддийгина предметнинг белгилари, ҳаётдаги вазифаси ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлса, шеърни ўқиб, бу ҳақида ўйлаб қолади:

Тоғни қўйсанг устига  
Кўтаради рўйи рост.  
Худди зонтик унга том,  
Бир-бирига тушган мос.

Бу ерда ҳам предметнинг вазифасига мос ифодалар топилганки, улар ҳар кун кўриб юрган нарсалари ҳақида боланик таассуротини оширади. Бу предметнинг гўзал хислатларини англашга бир қадам қўяди. Ҳаётда оддий бўлиб сезилган бу предметлар тасвирида катта поэтик хулоса



ҳам чиқарилади. «Мих» шеърисида «михдек ўткир, гўғри бўлиш» шоир номидан болага насиҳат қилинса, «Устун»да «ҳар ишда юккаш устундек устун бўлишни, ҳар ишга ҳусн бўлишни» персонаж номидан орзу қилади.

Қудрат Ҳикмат бошланғич шеърларини катталар учун ёзган эди. Қуддус Муҳаммадий раҳбарлик қилган адабиёт тўғарагига қатнашишми, ё болалар ҳаётига нисбатан ўзида сезган зўр қизиқишми, ёки булар ҳар иккаласи ҳамми, ҳар ҳолда, ўз таланти ва илҳомини у болалар адабиёти майдонида синаб кўрмоқчи бўлди. Бир-иккита муваффақиятлардан сўнг у ўзини шу соҳанинг шоири сифатида ҳис қилди. Адабий тўғарак бир оз вақт Ислом шоир ҳузурида бўлиш, бундан кейин газета редакцияларидаги хизмати Қудрат Ҳикматнинг поэтик диапазонини кенгайттирди. Назаримизда, фикрларни содда ва равон ифодалашни Ислом шоирдан, оддий предмет ва воқеалардан поэзия топа билишни Қуддус Муҳаммадийдан, ҳаётийликни, танланган предмет ва воқеа тасвиридан катта хулоса чиқара билишни эса газета ҳаётидан олди...

Шоир ҳаётида шундай бир давр келадими, у ўз фикри зикрини кичик шеърларга сиғдира олмай қолади. У йирик-роқ фикр айтадиган каттароқ майдон ахтариб қолади. Ўз куч ва талантини мураккаброқ жанрда синаб кўришни истайди. Қудрат Ҳикмат ижодида ҳам шу ҳодиса рўй берди. Шеъриятда анчагина тажриба орттиргандан кейин у поэмалар яратишга киришди.

Қудрат биринчи поэмаси — «Чирчиқ фарзанди»ни олтинчинчи йил охирида яратди. Поэма икки давр ҳаёти контрастини ифодалашга бағишланган. Халқнинг революциядан олдинги ҳаёти: табиат офатлари — сув тошқинию касалчилик, одамлар аро муносабатдаги офатлар — аёвсиз эксплуатация, революциядан кейинги ҳаёт, шоҳу амир, беклар йиқилгандан кейинги халқнинг эркин ҳаёти, ижодий меҳнати. Поэма мана шу социал фикрларнинг қуруқ ифодасидан иборат эмас. Асарни бошдан-охиригача тутиб турадиган қизиқарли сюжети бор. Сюжетни бошқарадиган қаҳрамон ҳам бор. Бу революциядан илгари сув тошқинида бешик билан оқиб кетган ва бошқа бир киши томонидан топиб олинди, тарбия қилинган, совет мактабида ўқиб илм олган, кейинчалик илғор ишчи даражасига кўтарилган бир йигитнинг ҳаёт йўли. Поэманинг бошидан охиригача бу йигит тақдир китобхонни банд қилади, асарнинг қизиқиб ўқишини таъмин қилади.

Икки ҳақиқатни қиёсий акс эттириш — революциядан олдинги оғир ҳаёт, революциядан кейинги озод меҳнат — поэтик жиҳатдан реалистик оҳангда яратилган бўлса-да, сюжетда воқеаларнинг тартиб этилиши билан поэма халқ оғзаки ижодига яқин туради. Фарзандсиз одамнинг узоқ вақтлар кутишидан кейин фарзанд кўриши, сув тошқини бўлиб бешикдаги боланинг оқиб кетиши, иккинчи бир бефарзанд кишининг уни топиб олиб тарбия қилиши, онанинг излаб ўз ўғлини топишлари халқ оғзаки ижодида кўп учраган сюжетни эслатади.

Умуман, Қудрат Ҳикмат халқ оғзаки ижоди традицияларидан унумли фойдаланган шоирлардан. Унинг шеърлари ҳам халқ оғзаки ижодидаги сингари фикрлар содда ва оҳанги равон, поэмаларида эса ўша фикрларнинг соддалиги, оҳангнинг равонлиги сақланган ҳолда мураккаб ҳаётий тушунчалар, фольклорсимон сюжет приёмлари билан акс эттирилади. Шеърга солинган бир эртакнинг сюжет манбаи ҳақида хабар бериб:

«Уни халқдан олгандим  
Яна қайтиб бераман»,—

дейди.

Ҳар бир шоир ҳам, ҳар бир ёзувчи ҳам халқдан олиб халққа беради. Бироқ Қудрат Ҳикмат ижодида бу халқдан олиб, уни қайта ишлаб, яна халққа қайтариб бериш асосий принциплардан.

«Чирчиқ фарзанди»да халқ оғзаки ижодидан олинган приёмлар билан ҳаётий фактлар, яъни реалистик услуб орасида бир оз узилиш кўринар эди. Утмишда оддий халқ бошига тушган кулфатларни, революциядан кейинги эркин ҳаётни акс эттирадиган қисмлари реалистик оҳангда ёзилган. Бу ҳақиқатни бериш учун халқ оғзаки ижодидан олиб келтирилган боланинг сувга бешик билан оқиб кетиб, омон қолишига ўхшаган деталлар далилсиз. Халқ оғзаки ижоди традицияларидан фойдаланган бошқа асарларда шоир бундай узилишга йўл қўймайди.

Қудрат Ҳикматнинг бир қатор поэмалари борки, улардан ҳаётий фактлар болалар онги савиясига мос тарзда енгил ҳикоя қилиб берилади. Бу хил поэмаларда шоир моҳият-эътибори билан реалистик, лекин ниҳоятда қизиқарли, қарийб латифанамо воқеаларни танлайди. Бундай воқеалар воситаси билан китобхонга катта ҳақиқатни баён қилиб беради.

«Миришкор бир деҳқон ўз қовунини тўнғиз, деб милтиқ билан отибди», «тошбақалар ҳужум қилиб, ғўзани пайҳон қилиб кетибди», «қумни бульдозерлар сураётганда остидан қовун чиқибди», дейишса бу гапларга биров ишонса, биров ишонмаса керак. Латифанамо бу фактлар Қудрат Ҳикматнинг учта поэма яратишига асос бўлган.

Гап фақат латифанамо фактларда эмас. Агар шоир уларга катта маъно бағишламай, ўзини кўчириб қўя қолса, бу фактлардан асар чиқмас, чиқса ҳам мақсадга мувофиқ бўлмас, қуруқ фактнинг баёни бўлар эди, холос. Бу фактлар шоир учун сабаб, баҳона, катта ҳақиқатни айтиш учун асос.

«Тошбақалар ҳужуми»да акс эттирилган катта ҳақиқат шундай: эчкемару тошбақа, юмронқозигу чиябўрилар ҳоким бўлган, шўра ва қақра босиб ётган, на боши бор, на учи — чексиз саҳро. Асрлар бўйи шу зайлда қуёшда қақраб ётган бу чўлга кетмонини кўтариб одам келади. Одам кучига на иссиқ, на ўт, на шўр, на чанг чидам бера олади. Чўлнинг «ҳокимлари» ундан чекинишга мажбур. Ўша «ҳокимлар»дан охиргиси ғўзаларни пайҳон қилган тошбақалар. Оқибат, улар ҳам машиналарга юкланиб, тугма заводига жўнатилади. Мана, шоир айтмоқчи бўлган кичик фактдан чиқарилган катта ҳақиқат. Шу катта ҳақиқатни чиқара билган — шоир!

Ўз қовунини тўнғиз деб отган деҳқон ҳақида гап кетса, баъзилар бунинг ҳақиқат эканига шубҳа қилса, баъзилар мийиғида кулиб қўя қолиши мумкин. Лекин бу реал факт. Катта маъно бу латифанамо фактга жон беради.

Бободеҳқон... Деҳқонларнинг бобоси, «Чамалаб бир қарашда қирни қирдан фарқ қилади», у даласига йил бўйи билак кучию қўйнинг қийини тўкади. Яхшиси, поэманинг ўзига мурожаат қилайлик:

Янтоқларни қиртишлаб,  
Сепган қўйнинг қийини,  
Ер бошига қўндирилган  
Янги чайла уйини.  
Қачон кирар ҳосилга  
Тошдан тортиб то тариқ,  
Сувга ташна қай бири,  
Қандай тушар ўқ ариқ,  
Чанқадими нўш пиёза  
Нўҳат бўлар неча хил!!

Бобо экин-тикинга  
Ҳам ишқибоз, ҳам омил.  
Камгайдаги полизи  
Ухшар хушбўй гулзорга  
Талаш бўлган қовуни  
Чиқса пишиб гузарга.

Мана, ёзувчи демоқчи бўлган катта ҳақиқат. Ўз ишини яхши биладиган, унга жон-дили билан берилган, деҳқончиликнинг пири ҳақиқий бободеҳқон. Шоир китобхонни бободеҳқоннинг шу хислатлари, унинг яратувчилик сирлари билан таништирмоқчи — фақат таништирмоқчи эмас, унинг бу хислатларини улуғлаб, китобхон дилига жо қилмоқчи.

Ўз меҳнатига, ижодига берилган, доим шу билан банд бўлган одамда ғалати кўринадиган даражадаги қандайдир соддалик бўлади. Ўз қовунини отиши бободеҳқоннинг соддалиги ва «ғалати»лигидан дарак беради. Лекин бу соддалик ва «ғалати»лик бободеҳқоннинг миришкорлигини улуғлашга хизмат қилади. Аввало, фақат миришкор деҳқонгина тўнғиз деб гумон қилиш даражасидаги йирик қовунини етиштириши мумкин. Кейин ўз меҳнати билан банд бўлиб, шунақа йирик, ширин қовунларни етиштирган деҳқон айёрликдан холи бўлиши ва шу хилдаги «ғалати» ишни қилиб қўйиши мумкин. Бунақа «ғалати» ҳодисалар катта олим ва санъаткорлар ҳаётида ҳам кўп учраб турадики, булар халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. Қудрат Ҳикмат бободеҳқон ҳаётида рўй берган бу «ғалати»ликни миришкор деҳқонларимизни улуғлаш, улар меҳнатини поэтиклаштиришга асос қилиб олган.

Бу хилдаги поэмаларида Қудрат Ҳикмат ҳаётининг фактларини асос қилиб олса-да, шаклда халқ оғзаки ижоди, ифода услуби ва оҳангидан фойдаланади. Сюжетнинг латифанамолиги, ифоданинг оддий бўлиши, реалистик беллетристикада учрайдиган мураккабликлардан холи бўлиши фикримизнинг далилидир.

Қудрат Ҳикматнинг бир хил асарлари борки, уларнинг сюжет материали бевосита халқ оғзаки ижодидан олинган. Баъзи ўринларда у ўша халқ оғзаки ижодидаги тематик ва гоёвий йўналишини ҳам сақлайди.

«Човқар»да эгасига ниҳоятда содиқ от билан боғлиқ бўлган бир воқеа тасвирланади. Баъзи ҳайвонларнинг инсонга содиқлиги ҳақида халқ оғзаки ижодида анчагина ҳикоятлар бор. Ҳаётнинг ўзида ҳам бундай ҳодисалар кам

эмас. Қудрат шу хилдаги халқ оғзаки ижодида учрайдиган бир ҳикоятни олиб, унга янгича маъно бағишлаб, ўзига хос равонлик билан ҳикоя қилиб беради. Бугина эмас, Қудрат бу ҳикояга синфий мазмун бағишлайди. Бий томонидан зўрлик билан ўз эгасидан тортиб олинган от бийни йиқитиб ўлдиради ва нобуд қилинган эгаси олдига қайтиб келади.

Диний адабиёт билан танишадиган бўлсангиз, шуни кўрасизки, унинг «ижодкор»лари хурофот ғояларини омма ичига кенгроқ ёйиш учун халқ оғзаки ижодидан усталик билан фойдаланганлар. Халқ оғзаки ижоди намуналарини дин қўлидан тортиб олиб, халқнинг ўзига тақдим қилиш фақат фольклоршунос олимларининггина иши эмас, балки шоир ва ёзувчиларнинг ҳам ишидир. Бу ишга маълум даражада ўз ҳиссасини қўшмаган катта санъаткор кам учрайди. Қудрат Ҳикмат ўз қаламини бу ишда ҳам синаб кўрди. Унинг «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида» номли асари бу жиҳатдан характерлидир.

Бу ҳикоят — «Қиссасил анбиё»да учрайди. Унда динни тарғибот қилувчилар бу ҳикоятга тамоман диний тўн кийгазганлар. Қудрат Ҳикмат уни «Қиссасил анбиё»дан олиб, унга юкланган диний мазмунини ажратиб ташлаб, ундаги гуманистик мағизни сақлаб қайта ишлаш билан анчагина кучайтириб, яна халққа тақдим қилади. Гўё халқдан ўғирланган нарсани топиб илгаригисидан ҳам яхшироқ ҳолатда халққа қайтариб беради.

«Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида»ги ҳикоятда Қудрат Ҳикмат катта гуманистик ғояни символистик образлар воситаси билан улуғлайди. Қонхўр илон — ҳайвонларнинг шоҳи, айёр тулки — шоҳнинг маслаҳатчиси, айғоқчи ари — шоҳнинг чопари; қонхўр шоҳдан, айёр маслаҳатчидан, ёвуз чопардан инсонни сақлаб қолган образларнинг инсонга муносабати орқали халқ яратган катта гуманистик ғояни улуғлайди.

Бободехқон ўз ишига қанча берилган бўлса, Қудрат Ҳикмат ҳам бадий ижодга шунча берилган шоирлардан эди. У ўзининг бутун меҳнатини, бор қобилиятини бадий ижодга — болалар адабиётига бағишлади. Кўча-кўйда, эшик-эликда бирор ошна-оғайниси ё бирор адабиёт аҳли учраб қоладиган бўлса, Қудрат Ҳикмат тўхтар, ё гапингизни шартта бўларди-да, чўнтагидан тўрт букланган қоғозни чиқариб: «Эшитинг, шеър ўқийман!» — дерди. Шеърни эшитардингиз. Дилингизда қандайдир енгил ва ёруғ ҳис

пайдо бўларди. Бу ҳис билан банд бўлиб, йўлдан қолганингизни, бўлинган гапингиздан пайдо бўлган норозилингизни унутиб юборардингиз ва анча вақтгача эшитган шеърингиз таъсирида юрардингиз, баъзилари эса бутун умр эсда қоларди. «Эшитинг, шеър ўқийман!»— деб Ойбекдан олган йўлланмасини эслаб кетардингиз...

## КАТТА ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

Ҳар бир ёзувчининг адабиётга келиб кириши ҳар хил. Бировга мустақил ўқиб тушунган биринчи асари сабаб бўлса, бошқа бировга ҳаётда кузатилган бирон воқеани ҳис қилиш сабаб бўлади. Бировга ҳаётни энди англаётган пайтларида бувиси ё буваси айтиб берган эртаклари сабаб бўлса, бошқа бировга ўқитувчисидан олган биринчи сабоқлари сабаб бўлади... Ёш китобхонларга танилиб қолган Ҳабиб Пўлатовнинг ёзувчи бўлиш эзгу истаги шундай пайдо бўлган экан:

«Қишлоғимизда тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда энг яхши ўқитувчиларимга ҳавасим келарди. Шулардай бўлишни орзу қилардим. Шу орзу мени 1936 йилда Тошкентдаги Ленин номидаги педагогика билим юртига етаклаб келди. Бу ерда орзуимга яна бир орзу қўшилди. Билим юртида ёзувчи Талас дарс берар экан. Унинг берган сабоқлари мени сеҳрлаб, ўйлатиб қўйди. Энди менда ўқитувчи — ёзувчи бўлиш иштиёқи туғилиб қолди».

Орзу-истаклар одамни меҳнатга, изланишларга ундайди. Ҳабиб Пўлатов бу эзгу орзусига етиш учун кўп ўқиди, меҳнат қилди. Техникумда олган сабоқларидан ташқари Ҳабиб Пўлатовнинг адабий асар яратиш учун қўлига қалам олишига шундай бир тасодиф ҳам сабаб бўлган экан. Бу ҳақда у шундай ҳикоя қилади:

«1941 йили Мирзачўл қишлоқларидан бирида ўқитувчилик қилиб юрган пайтларимда Джо Эль Харриснинг «Римус бобонинг эртаклари» номли китоби қўлимга тушиб қолди. Бу эртақлар менда катта таассурот қолдирди. Асар-

га ҳавасим келди. «Римус бобонинг эртаклари» туфайли мен қўлимга биринчи марта қалам олдим ва «Довюрак қуён Дикдикжон ҳақида эртаклар» деган асаримни ёздим. Бироқ бу асарим матбуотда анча кейин эълон қилинди».

Ҳабиб Пўлатовнинг биринчи асарлари эртақ ва масал жанрида битилган. Уларнинг қаҳрамонлари ҳаммага таниш жониворлар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилмиш-қидирмишлари орқали ҳаётга ўз қарашларини ўтказади, ёш китобхонларга сабоқ бўла оладиган гапларни айтади. Текин-хўр сичқон, айёр мушук, маҳмадана хўроз, манман арслон, яхшилиқни билмайдиган ит, содда ва калтафаҳм мусича ва ҳоказо жониворлар устидан юмористик, баъзан сатирик ҳукм чиқаради ва ёш китобхонларнинг ҳаётни чуқурроқ идрок қилишига восита бўлади.

Масаллар йиғимидан иборат «Така ва қўчқор» номли биринчи китоби (1961 йил)нинг эълон қилиниши Ҳабиб Пўлатовни ёзувчилик санъатига кўпроқ қизиқтирди ва бу иш томон унга йўл очиб берди. У ёш дўстларига ҳаёт ҳақидаги қарашларини масалсимон сюжетлар орқалигина эмас, балки бевосита ҳаётдан олинган реал воқеликлар орқали ўтказиш йўллари устида ўйлай бошлади. Кўп йиллик ўқитувчилик ва мухбирлик ишлари бунинг учун Ҳабиб Пўлатовга материал берди. Кўп ўтмасдан у болалар ҳаётини реал планда акс эттирадиган асарлар яратишга киришди. «Йўқолган ключ» (1963 йил) номли бир ҳикоядан иборат китобча, «Текин томоша» (1964 йил) номли тўпلامга киритилган ҳикоялар шу хилдаги асарлар эди.

Ҳабиб Пўлатовнинг ҳикоя яратишдаги изланишлари ҳар хил мотивдаги сюжет яратиш йўли билан борди. Бир хил ҳикояларида бирор хайрли иш қилиб, ўзининг яхши хислатларини кўрсатадиган болалар образи яратилса, баъзи бир ҳикояларида эса бола бирор ножўя иш қилиб қўяди-да, рўй берган воқеа туфайли ўз хатосини тушунади. Унинг «Текин томоша», «Энг қизиқ ўйин», «Сабоқ» сингари ҳикоялари шу хил планда яратилган асарлардир.

Бошқа бир ҳикоясида Ҳабиб Пўлатов табиат мўъжизаларини топиб, ёш китобхонни ўйлантирадиган сюжетлар яратади. «Нима учун тиниқ сувда одамнинг акси кўринади? Нима учун сувга кесак тушса доира ҳосил бўлади?» «Бола кашкулга тушса нимага унинг суви кўтарилади?»— мана «Сувдаги сирлар» номли ҳикояда қаҳрамон бола ва



ёш китобхон олдида турадиган қатор саволлар, «Илон мушук билан учрашиб қолса нима қилар экан?» — бу «Мош» номли ҳикоядан келиб чиқадиган муаммо.

Бу изланишларда Ҳабиб Пўлатов асосан тўғри йўлдан борса ҳам, ёзувчилик сирларини эгаллаши доим ҳам силиқ кўча бермайди. Баъзи ўринларда диалоглар жонли тил қонуниятлари билан ҳисоблашмаган ҳолда чўзилиб кетар, баъзи жойларда эса мантиқан тўла далилланмаган воқеалар асардан ўрин олар эди. Асардан асарга ўтган сари Ҳабиб Пўлатов бу қийинчиликларни енга борди.

Реал ҳаёт материали асосида асар яратишда Ҳабиб Пўлатов учун катта синов унинг «Янги меҳмон» қиссаси бўлди. Қиссада тасвирланган воқеалар ҳаётнинг ўзидан олинган. Унда мактаб болаларининг кундалик ҳаёти, ўзаро муносабатлари, синфда ва синфдан ташқаридаги дарсга тегишли машғулотлари, бўш вақтларида қиладиган ишлари акс эттирилади.

Асарнинг бош қаҳрамони Жавлон ўзининг характер-хусусиятлари билан кўпгина ёшларга ўрнак бўладиган бола. У оилада яхши тарбия олган, дарсларини яхши билади, дарсдан ташқари ҳам кўп нарсаларни билиш-ўрганишга қизиқади. Интизомда ҳам бошқалар ундан ибрат олса арзийдиган. Повестни ўқиган ҳар бир ўқувчи Жавлондек бўлсам экан дейди.

Ёзувчи ёш китобхонларни қизиқтирадиган оригинал ситуациялар кашф этади. Саккизинчи синф ўқувчиси «Бенуқсон» Жавлон маълум сабабларга кўра бошқа мактабдан келган. Янги мактабнинг болалари уни кўп биладиганига қараб манман, мақтанчоқ бола экан, деб унга рўйхуш бермайдилар.

Жавлонни бошда хуш кўрмасдан, четлатиб қўйган ўқувчилар аста-секин унинг одоби, ақл-идрокига қойил қола бошлайдилар. Ёзувчи ўқувчиларнинг Жавлонни «таниш ва тан олиш» жараёнини тасвирлайди. Шу йўл билан Ҳабиб Пўлатов ёшларга ўрнак бўладиган бугунги совет ўқувчиси характерини яратади, айна вақтда Жавлон характеридеги ижобий хусусиятларнинг бошқаларга таъсирини кўрсатади.

«Янги меҳмон»ни фақат ёш китобхонлар эмас, балки адабий жамоатчилик ҳам яхши қабул қилди. Ёзувчи адресига илиқ фикрлар айтилди.

Мажозий реалистик материал — масалдан ҳақиқий реал воқеликнинг ўзини тасвирлаб асар яратишдаги биринчи

тажриба Ҳабиб Пўлатовни янги-янги сюжетлар устида ишлашга ундади.

Инсон ҳаётни биринчи англай бошлаган вақтларида ҳамма нарса унга мўъжиза бўлиб кўринса керак. Шу сабабдан билиш, табиат сирларини англаб олиш, унинг оддийгина сирларига маҳлиё бўлиш, хусусан, болалар характерига хос нарса. Ҳабиб Пўлатов болаларнинг кундалик ҳаётини акс эттирадиган биринчи қиссадан кейин уларнинг табиат мўъжизаларига қизиқадиган томонига назар ташлади. «Кичик сеҳргар» (1967 йил) номли қиссасида ўзининг асосий хислатлари билан Жавлонни эслатадиган, мўъжизакорлиги билан ундан анча фарқ қиладиган образ яратди. Қисса қаҳрамони Азамат шишадаги сувда оддий бир чўпни пастга ва юқорига — хоҳлаганича ҳаракат қилдира олади, тухумни шишага синдирмасдан туширади, унинг қўлида оддий материал ўтда ёнмайди... Шундай қарасангиз табиатнинг бу «сир»лари катталарни ҳам ўйлатиб қўяди. Аммо маълум бўлишича, аслида булар табиатнинг оддийгина воқеалари. Бироқ гап асарга мана шу сирли воқеаларни топиб киритилишида эмас. Асарда муҳимроқ гап бор. Бу гап шундан иборатки, баъзи ёшлар ўз куч ва қобилиятини қаерга қўйишни билмасдан гангиб юришади, баъзан кераксиз, ҳатто зарарли ишлар билан банд бўладилар. Қиссада шу хилдаги образлар ҳам яратилади. Ҳабиб Пўлатов шу хилдаги бекорчиларга, илмга, ҳаётга кам қизиқадиган, болаларида илмга, меҳнатга қизиқиш уйғотиш устида бош қотирмайдиган ота-оналарга муносабат билдиради. Асарнинг бош қаҳрамони Азамат одобли ва интизомли, бирор жойда кўрган ёки эшитган нарсасини дарров илиб оладиган, баъзан уни намойиш қилишни яхши кўрадиган — хуллас, табиат сирларига қизиқадиган ўқувчи. Ҳабиб Пўлатов Азамат ва унга қарама-қарши Шавкат образлари орқали ёшлар ҳаётига тегишли ҳам тарбиявий, ҳам маърифий аҳамиятга эга бўлган муҳим масалани қўяди ва ёшларни ҳаётга актив муносабатда бўлишга, ўз куч ва қобилиятларини фойдали ишлар учун сарф қилишга чақиради. Ёшликдаги лоқайдлик ва бекорчилик каттароқ бўлганда — безорилик, ёшликда табиатдан англаб олинган кичкина сир катта бўлганда табиатни ва ҳаётнинг мураккаб сирларини англаб олиш учун муҳим калит. Мана, Ҳабиб Пўлатовнинг «Кичик сеҳргар» қиссасининг асосий мазмуни. Шу фазилатларини назарда тутиб, республикамизнинг таниқли болалар ёзувчиси Ҳаким Назир Ҳабиб Пўлатовнинг мазкур қиссаси

ҳақида қуйидагича фикр айтди: «...қиссада илм-фанга чин муҳаббат қўйсанг, келажакда тўғри йўл топасан, деган фикр илгари сурилади. Автор бу фикрни рўёбга чиқаришда яланғоч насихатдан қочиб, тасвирда бирмунча табиийликка эришади. Натижада биз фан сирини билиб олиш йўлида ақлу зеҳни, вақтини аямаган меҳнатсевар ўқувчи Азаматнинг ёқимтой образини кўз олдимишга келтирамиз».

Изланишлар ҳамма ижодчиларга ҳам, ижодчиларнинг ҳаммасига — катта ва кичикларига ҳам — баб-баравар хос ва зарур хусусият. Ҳабиб Пўлатовнинг ҳам ҳар бир асари изланишлар натижасида пайдо бўлади. Унинг изланишларидаги энг муҳим белги шундан иборатки, у болалардаги синчковликни, қизиқувчанликни, хусусан тадбиркорликни улуғлайди, турғунлик, ландавурликни қоралайди. Унинг «Тешик қозон» (1969 йил) номли қиссачаси ёзувчининг шу принципларда қай даражада мустаҳкам турганини яна бир бор исботлайди.

Асарда акс эттирилган воқеа темир-терсак йиғиш масаласига тегишли. Шундай қарасангиз темир-терсак йиғиш — бу бир мактабдан иккинчи мактабга кўчирилган бола тақдири сингари мураккаб воқеа эмас, бирор мўъжиза билан ҳунар кўрсатиб ёш китобхонни қизиқтирадиган «сеҳргар» ҳам эмас, балки болалар ҳаётида бўлиб турадиган оддийгина воқеалардан. Ҳабиб Пўлатов мана шу оддийгина воқеалар тасвиридан болалар тасаввурини бойитишга хизмат қиладиган хулосалар чиқара билган.

Шундай қилиб, Ҳабиб Пўлатов болалар учун асар яратар экан, гоҳ масалсимон воқеаларга, гоҳ болалар ҳаётида ҳар куни, ҳар соатда учраб турадиган оддий воқеаларга, баъзан «Янги меҳмон»даги сингари болалар ҳаётида кам учраб турадиган ситуацияларга, гоҳ «Кичик сеҳргар»га ўхшаган кўпчилик ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган ёшларнинг бошидан кечирган воқеликларига, шу орада «Тешик қозон»дагидек яна оддийгина воқеалар тасвирига мурожаат қилади ва ҳар гал болалар ҳаётининг бирор томонларини янгича акс эттиради ҳамда болалар ҳаёти, уларни қуршаган муҳит хусусида янгича хулоса чиқаришга асос бўладиган гапларни айтади.

Ҳабиб Пўлатов 1970 йили «Қўрқинчли туш» номли асарини эълон қилди. Асардаги ҳодиса ярим фантастик, ярим реал воқелик асосида ташкил қилинган. Қаҳрамоннинг мактабдаги реал ҳаётдан туш асосида фантастик воқеа келтириб чиқарилади. Тушида болага қуртлар ҳужум

қилади. Улар билан жанг ва олишувлар бўлади. Бироқ бола ҳадеганда ғалаба қилавермайди. Ҳургимчаклар унга ғов бўлади. Инсонга қарши бўлган бир табиий кучга қарши иккинчи бир табиий куч бор. Болага ғов бўлган оддийгина қўнғизнинг кичик хили — хонқизи Ҳургимчакларнинг кушандаси бўлиб чиқади ва қуртлар билан бола орасидаги ҳаёлий жанг хонқизи ёрдамида боланинг ғалабаси билан ҳал бўлади.

Бу ерда табиат сирини англашга тегишли муҳим бир масала бор: одатда ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги офатларга қарши инсон илми — химияни қурол қилишни одат қилган. Бироқ маълумки, табиат оламида мутаносиблик қонуни ҳукм суради. Шунга мувофиқ бирор ўсимлик ё ҳайвонот дунёсининг офатига қарши табиий кучлар бор. Инсон химия кучларини ишга солиш билан бирга шу мутаносиблик қонунидан ҳам фойдаланиши керак. Ҳабиб Пўлатов «Қўрқинчли туш»да табиат сирларининг шу томонига китобхон эътиборини жалб қилади ва бу масалани болалар учун қизиқарли сюжет асосида акс эттиради.

Асардан асарга ўта туриб ҳаётнинг янги томонларини қамраб олиш, ундан китобхон учун янги хулосалар чиқариш ҳар бир изланувчи ёзувчи ижодига хос. Юқорида номлари тилга олинган асарларида асосий масала «бола ва болалар, мактаб ва болалар» эди. Болалар ҳаётига хос бўлган бошқа бир қатор масалалар ёрдамчи линиялар қаторида акс эттирилар эди. Унинг 1973 йилда биринчи бор эълон қилинган «Ўғлимнинг ўртоғи» номли қиссасида асосий масала бола ва оила масаласидир. Бола тарбияси мактабларда маълум бир изга тушган бўлса ҳам, умум йўналиш аниқ бўлишига қарамасдан, оилада бу масала ҳали текис бир изга тушганича йўқ. Ҳар бир оила ўз ҳаёт тажрибасига, оталик ва ёки оналик бурчини қай даражада тушунишига қараб боласига тарбия беради. Баъзи ота-оналар эса бу масала билан жиддий шуғулланмайдилар ҳам. «Ўғлимнинг ўртоғи»да Ҳабиб Пўлатов масаланинг шу томонларига назар ташлайди.

Қиссада воқеа шундай бошланади: бир «безори» бола иккинчи бир боланинг биқинига пичоқ уради. Жароҳатланган бола биқинини чангаллаб қолади. Воқеадан хабардор бўлиб қолган киши уни қувиб етолмайди. Қайтиб келса «пичоқ еган» бола ҳам йўқ. «Безори» ўтиб бораётган эшиги очиқ автобусга лип этиб чиқиб олган бўлади. Қизиқарли воқеа. Бу можаронинг айбдори ким, жароҳатланган-чи?!

Можарони кўра-била туриб, улардан биронтасини ҳам кўлга тушира олмаган киши ким, умуман бу воқеанинг сирини мада — мана қисса бошида акс эттирилган интригали ҳодисадан чиқадиган қатор муаммолар. Ҳабиб Пулатов бу саволларга жавоб бера туриб ёш китобхонни воқеа гирдобига тортади ва можаро сирларини очиб беради.

Ёзувчи бу «сирли» воқеа изидан бориб, тасвирланаётган қаҳрамонлар ўқиётган мактабга бир назар ташлайдида, кейин уларнинг оила муҳитига кириб боради.

Мана, қисса қаҳрамонларидан бири Раҳимжоннинг оиласи. Меҳнатидан барака топган, ўзига тўқ бир оила. Бу оиланинг биттаю битта ўғли — Раҳимжон. Уларнинг бутун ғам ва ташвиши шуки, ёлғиз ўғил яхши ўқиса, яхши одам бўлиб етишса, бировга тегмаса, бировга тегдирмаса, ҳаётда ўз йўлини топиб олса! Яхши истаклар! Бироқ бу яхши истаклар билан банд бўлган ота боласининг ҳар бир қадамини ўлчайди, ҳатто уни ташқи муҳитдан асрашга ҳаракат қилади. Баъзан унинг ғамхўрлиги керагидан ошиқча — боласи кимлар биландир кетаётгандек, кимларгадир қўшилиб, уларнинг таъсирида издан чиқиб бораётгандек бўлиб кўринаверади. Раҳимжон муҳитида яхшидан кўра ёмонлар кўпроқдек сезилиши уни ваҳимага солади. Шунинг учун у Раҳимжон атрофидагиларнинг ҳаммасига ҳам баробарига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган.

Не кўз билан кўрсинки, Раҳимжон туғилган куни зиёфатга чақирилганлар орасида ўша можаронинг бош айбдори бўлмиш бола ҳам кўриниб қолади. «Асраган кўзга чўп тушади» деган гап бор. Ота Раҳимжонни шунча авайлаб асрабди-ю, келиб-келиб унинг уйига «безори» бола қадам қўйибди — бу ўша вақтда отанинг хаёлидан ўтган гаплар. Отанинг вазоҳати «безори»ни ҳам қўрқувга солади. У ҳовлига кирмасдан қайтиб кета қолади.

Асарнинг кейинги бобларида тасвирланган воқеалар китобхонни масаланинг бошқа томонлари билан таништиради. «Безори» бола дуч келган бир тасодиф туфайли китобхон иккинчи бир оилага кириб боради. Асардаги воқеаларга қараганда бу инсонийлик фазилатларининг кўпига барҳам берган бир оила. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида иззат-ҳурмат йўқ. Улар орасида бўлиши мумкин бўлган ҳамма яхши муносабатлар пулга сотилган. Муомалада кўча гаплари. Оддий гапларни ҳам ё сўкиб гапиришади, ё қарғаб. Мана эр-хотин ораларида бўлган кундалик муомаладан бир шингил: ҳовлида туриб хотин

болаларидан бирининг отини айтиб бақириб сўрайди: «Ҳай Жалил, даданг ўлгур келдими, даданг?» Уша пайт уйда бўлган эр жавоб қилади: «Итдан туққан, менга ўлим тилангандан кўра ўзингга умр тила». Хотин давом қилади: «Ер ютсин сизни, духобани нима қилдингиз?» Эр жавоб қилади: «Дард қилдим. Э, духоба жонингни олсин!» Диалог шу хилда давом этади.

Бу гаплар болалар олдида, бунинг устига четдан келган бола иштирокида бўлади. Асарда уларнинг касб-кори ҳақида ҳам, бирор меҳнат билан шуғулланиши хусусида ҳам бир нима дейилмайди. Китобхон шундай хулосага келадикки, улар, жуда бўлмаганда эр, бирор жойда номига ишлайди-да, қолган вақтларида эр-хотин савдо-сотиқ қилиб, пул топиш билан овора. Болалар тарбияси ҳақида эса бирон марта ўйлаб кўриш у ёқда турсин, кўча гапларини улар олдида гапириш мумкинми, йўқми, ҳатто шу ҳақда ҳам андиша қилишни билмайдилар. Асар қаҳрамонларидан бири — Комил мана шу оиланинг боласи. У ўз онасига мос, тўғрироғи, инсонлик фазилатларини пулга сотиб кул қилган оилани бир дарахт деб тимсол қилсак, Комил шу дарахтнинг меваси: «текқанга тегади, тегмаганга кесак отади», йўқ ердан жанжал чиқаради, вақти келиб катта безорига айланадиган кичик безори. Келажакда асқотадиган бирор нарса билан шуғулланишини ҳам билмаймиз. Ўқийдимми, йўқми, бу ҳам номаълум.

Асарнинг учинчи қаҳрамони Шодмон. Ёзувчи китобхонни Шодмон оиласи билан батафсил таништириб ўтирмайди. Шодмон ақл-идрокли, зийрак ва пок бола. Одоби ҳам жойида, бошқалар билан муомалани ҳам яхши билади. Хуллас, у «Янги меҳмондаги Жавлон, «Кичик сеҳргар»-даги Азаматлар типигаги болалардан. Шунинг ўзи у қандай оиладан чиққани ва китобхон танишиши керак бўлган учинчи оила қандай оила эканидан дарак беради.

Асар бошидаги можаро шу икки бола — Комил билан Шодмонлар орасида рўй берган. Биз воқеани Раҳимжоннинг дадаси назари билан англаймиз. Шунга қараганда Шодмон айбдор. Бироқ характер мантиқига қараганда Шодмон айбдор бўлиши мумкин эмас. Асар давомида можаронинг айбдори Комил экани маълум бўлади. Воқеанинг ташқи белгиларига асосланиб, Раҳимжоннинг дадаси нотўғри хулоса чиқарган. Бундан ташқари, болалар орасидаги баъзи бир кўнгилсиз воқеаларни ошиғи билан қабул қилишга ўрганган бу одам можарони ҳам бир оз ошиғи

билан рабул қилади. У туфайли китобхон ҳам воқеани шу ҳолда тушунади.

Маълумки, бола характерининг шаклланишида оила, мактабдан ташқари яна бир муҳит бор. Бу — болалар ва уларнинг ўзаро муносабатларидир. Ёзувчи асарнинг иккинчи қисмида масаланинг шу томонига назар ташлайди.

Комил оилада тарбия олмаган безоритабиат бола, Раҳимжон ота-оналар ҳар хил яхши маслаҳатларни эшитса ҳам, бир оз арзанда ўсаётганлардан. Булардан ҳар тарафлама фарқ қиладиган Шодмон мактабда яхши ўқишидан ташқари техника сирлари билан, хусусан радио, телевизор билан қизиқади. Шу хилдаги қизиқиш Комилда ҳам бор эди. Бу қизиқиш асосида пайдо бўлган ўзаро муносабат асар бошида рўй берган кўнгилсиз можаро жароҳатларини ҳам даволайди. Шодмон фото ишлари билан ҳам қизиқар эди. Фотога қизиқиш озроқ Раҳимжонда ҳам бор эди. Комил ва Раҳимжондаги бу қизиқишлар уларни Шодмон билан яқинлаштиради. Шундай қилиб, бу уч ўртоқ орасида Шодмон муҳити пайдо бўлади. Радио, телевизор, фото соҳаларидаги уларнинг муносабатлари бир оз мустаҳкамлангандан кейин йирикроқ ишларга ҳам бирга қўл урадиган бўлиб қоладилар — оилаларига қурилиш ишларида ёрдамлашадилар. Комил ва Раҳимжон аста-секин Шодмон характеридаги бошқа фазилатлардан ҳам таъсирланадиган бўлади.

«Ўғлимнинг ўртоғи» фақат Ҳабиб Пўлатов ижодида эмас, балки ўзбек адабиёти тарихида ҳам муҳим эстетик ва педагогик масалаларни акс эттирган янги асарлардан биридир.

Ҳабиб Пўлатов қўлга киритган ижодий ютуқлар анчагина. Бироқ афсус билан айтиш керакки, ижодга анча масъулият билан қарайдиган бу ёзувчи қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштириш ва янги-янги сюжет қурилишларини ижод қилишда (бу икки масала ҳам болалар адабиётида жуда муҳим), баъзи бир қийинчиликларни ҳали ҳам бартараф эта олгани йўқ.

Битта-иккита катталар учун ёзилган ҳикояларини ҳисобга олмаганда, Ҳабиб Пўлатов асосан болалар ёзувчиси. Бироқ унинг фаолияти фақат ёзувчилик билан чекланган эмас. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига бориб қолсангиз, кабинетлардан бирида ўртача жуссали, озгин, қорачадан келган бир кишининг кўзойнак тақиб қўлёзма титиб ўтирганига кўзингиз тушади. Бу Ҳабиб

Пўлатов бўлади. У классик адабиётимизнинг сир-асрорини яхши биладиган ажойиб муҳаррир. Неча йиллардан бери Ҳабиб Пўлатов бу соҳанинг заҳматкаши. Ўзбек классик адабиёти, халқ оғзаки ижодида том-том асарлар шу кишининг таҳрири билан нашр қилинган. Булар идида Алишер Навоий, Фузулӣ, Бобир, Огаҳийларнинг асарлари бор.

Адабиёт томон қўйилган қадамлар ҳақида сўраб қолсангиз, Ҳабиб Пўлатов Уқитувчилар институти ва Ўзбекистон Давлат дорилфунунида олган сабоқларини, Улуғ Ватан уруши йилларида мактабларда адабиётдан берган дарсларини, санъат сирларини эгаллаб олиш учун Тошкент Давлат театр санъати институтида ўқиш йилларини ва ниҳоят «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган пайтларини эслайди. Буларнинг ҳаммаси адабиёт сирларини англаб олиб, халққа манзур бўладиган бирор иш қилиб, из қолдириш учун қилинганини айтади.

Ҳозир Ҳабиб Пўлатов ўша орзуларини амалга ошириш йўлида турибди. Унинг келажак учун режалари катта. Болалар учун яна қатор асарлар яратиш, шу орада катталар ҳаётига ҳам қўл уриб кўриш; болалар адабиёти, классик адабиётимиз сирлари ҳақида фикрлар айтиш ва ҳоказолар. Ишончимиз комилки, Ҳабиб Пўлатов шу ишларнинг ҳам урдасидан чиқа олади.



## ТАБИАТГА МАФТУН ЁЗУВЧИ

Ҳар бир шоир, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос ижод йўли бор. Хусусан улар адабиёт даргоҳига кириб келишда бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бировлар ёшлигиданоқ кўпроқ машқ қилиб, ўз истеъдодидан дарак берадиган асарлар яратади. Бошқа бировлар эса адабиёт ва санъатга нисбатан ўзида қандайдир интилув сезса ҳам, бу муқаддас даргоҳ сари босишга ийманади ва ниҳоят, шундай пайт келадики, бу интилишни пинҳон сақлайверишнинг иложи бўлмай қолади.

Хоразмдан чиққан Раҳим Бекниёзнинг адабиётга кириб келиши худди шундай бўлди. Раҳим Бекниёз билан бўлган суҳбатлардан маълум бўлдики, ўттизинчи йилларнинг бошларида, у ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ адабий асарлардан анча таъсирланган. Хусусан, Л. Толстойнинг «Кавказ асири», Бичер Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» асарларини севиб ўқиган. «Китобхонлик,— дейди Раҳим Бекниёз,— мени адабиётга ихлосманд қилиб қўйди. Мен тамоман китоблар оламида яшаб, улардаги ажойиб образлардай бўлишни орзу қила бошладим. Эсимда, Ғ. Ғулломнинг «Ёдгор» повестини ўқиб чиққан кунимоқ, район ҳарбий комиссариатига югурдим; мени ҳарбий билим юртига юборинг,— деб илтимос қилдим».

Китоб қаҳрамонлари оламида яшайдиган одам, албатта, озгина бўлса ҳам, уларнинг яратилиши хусусида ўйлайди. Бироқ баъзилар шу ўйларни юзага чиқаришга журъат қила олмай юради. Чамамда, Раҳим Бекниёзда ҳам худди шундай ҳолат бўлган. У ўзидаги бу кайфиятни шундай ифодалайди: «Шеър, ҳикоя, роман — умуман, ёзувчилар менинг

тасаввуримда алақандай улуғвор, ғайри инсоний қиёфада гавдаланарди». Шундай кайфиятда юрган Раҳим Бекниёз район газетасида ўз тенгқурларининг шеърий машқларини ўқиб қолади. Бундан у: «мумкин экан-ку», деган хулосага келади. Мана унинг ўшандаги ҳолати: «Ногаҳон «илҳом» қистаб қолди-ку. Қўлимга қалам олиб, ёза бошладим. Ёз оғи. Майин шабада... Биринчи шеъримдан шумаргина эсимда қолган. Лекин шеъримнинг шеърга ўхшамаслигини сездим». Бу биринчи машқ бўладиган шоирни бошқа бир хулосага олиб келди: «Шоир бўлиш учун ўқишим керак. Бухгалтерликни йиғиштирдиму ўқишга ҳайт дедим». Раҳим Бекниёзнинг бундан кейинги ҳаёти Хивадаги педбилим юрти, Урганчдаги пединститут билан боғланди. У ўзининг биринчи шеърларини ўша йиллари, аниқроғи 1939 йили район газеталарида эълон қила бошлади. Бироқ тинч адабий машқ узоқ давом этмади. «1941 йил августида елкамга ҳарбий шинель кийдим», дейди у ўша вақтларни эслаб. Бўладиган ёзувчи учун Улуғ Ватан уруши ҳам катта мактаб эди. Фронт газеталарида эълон қилинган баъзи бир шеърий асарлар, олиб борилган кундаликлар ижодий машқнинг узлуксиз давом қилганидан дарак беради. Улуғ Ватан урушидан кейинги журналистик фаолият бўлгувчи ёзувчининг машқларини мустаҳкамлади. Ниҳоят, 60-йили Раҳим Бекниёз «Биринчи учрашув» номли дастлабки шеърлар тўпламини эълон қилди. Бу тўплам чиндан ҳам китобхон билан биринчи учрашув эди. Бироқ ижодкор бора-бора англаб олдики, бу ҳам, номи китоб бўлишига қарамасдан, шунчаки машқларнинг давоми. Тўпламга киритилган шеърларнинг аксарияти поэтик фикр айтиш даражасигача кўтарилган эмас, балки улар кўпроқ ўша давр адабиётига хос бир оқим асосида — ташвиқий йўналишда яратилган. Уларда маълум бир сана ёки оғизга тушган бирор масала, рўй берган муҳим воқеа шарҳланади, уларга қофияли, безакдор сўзлар билан муносабат билдирилади. Тўпламдаги шеърларда кундалик ҳаётда учраб турадиган баъзи бир гўзалликлар қайд қилинади.

Тўпламга киритилган баъзи бир шеърлар шоир ҳаёт воқеаларидан тинимсиз поэтик маъно излаганидан дарак бериб туради. Шеърларидан бирида у «уфқ»ла ўпишиб ётган Қорақумнинг мудроқ барханларини — пахта хирмонлари» ўрнида кўради. Тўпламдаги «Илк кулги» номли шеърда фарзанднинг биринчи кулгиси пайтида ота-онада рўй берган кайфиятни акс эттиради. Поэтик маъно излаш

нуқтаи назаридан унинг «Дераза олдидан» сўзлари билан бошланган шеъри характерлидир. Шеър бир воқеа асосида яратилган. Дераза олдидан она боласини кўтариб ўтпти. Бироқ, бола нима бўлади-ю, дераза томон интилади. Она йўлида тўхтайтиди. Гўдак капалак сингари деразага тирмашади.

Қийқирар, талпинар, интилар, гўё  
Қушдек қанот қоқиб учмоқчи бўлар,  
Жажжи қўлларини ёйиб ойнада,  
Қуёш зарраларин қучмоқчи бўлар.

Гап, топиб айтилган ажойиб тасвирда эмас, балки бу жажжи воқеадан шоирона маъно чиқарилганда: кабинет. Миялар нималар биландир банд, балки шоир ё журналист ўз фикрини ифода қиладиган сўз топа олмай хунобдир, балки кўрган-билган ҳаётий фактларини бир-бирига боғлай олмай оворадир... Шундай бир пайтда бола деразага тирмашса! Кабинетдагилар ҳолати билан фақат боланинг эмас, балки ойнада нималарнидир кўриб, унга интилаётган боласи ҳаракатидан мамнун онанинг ҳам иши йўқ. Боланинг бу қилмиши «тажанглиги тутган, диққати ошган» кабинет эгаларининг ҳам завқини уйғотади. Улар кайфиятларининг кескин ўзгарганини ўзлари сезмай қоладилар. Бу оддий бир воқеа. Ундан бир зумгина завқланиш мумкин. Лекин ундан олган завқига бошқаларни ҳам шерик қилиш фақат шоирнинг қўлидан келади.

Раҳим Бекниёзнинг навбатдаги тўплами «Овчининг куйлари» (1967 йил) бўлди. Тўплам шоир диапазонининг анча кенгайганлиги ва ҳаётга шоирона қарашларининг ўсганлигидан дарак беради. Унга киритилган шеърлар тематик жиҳатдан ҳам, шеърини оҳанг жиҳатидан ҳам анча ранг-баранг. Ҳар бир асарга шоирона маъно беришда ҳам бу тўплам бир қадам олға силжиш бўлди. Умрни бекорга ўтказмаслик, Ватанга, халққа керагича хизмат қилиш, умуман, умр ва ҳаёт — мана тўпламга киритилган шеърларнинг умум маъноси. «Инсон ва йиллар» номли шеърда у тугамас йиллар ва йўллар ҳақида фикр юритади, инсоннинг йиллар оша йўл юриб доим олға боришини, кўз илғамас уфқларни забт этишга қодир эканини айтади. «Очкўзман» шеърда бу сўзнинг асл маъносига оид шоирона маъно ифода қилинади. «Очкўз» сўзини салбий маъно билан боғлашга ўрганганмиз. Шоир бу сўзни ҳаётга очкўзлик

маъносида ишлатади ва фикрининг моҳиятини шундай ифодалайди:

Уч аср имиллаб яшар тошбақа,  
Минг йил яшар қозикдай қоқилган чинор,  
Ахлатхўр қарганинг умри ҳам боқий.  
Юз йиллар яшовчи паррандалар бор.  
Меҳнатим,  
шуурим,  
онгли меҳрим-чи?  
Бироқ умрим-чи?

Дарҳақиқат, умр қисқа. Умрнинг қисқалигидан одатда инсоннинг кўпгина режалари, кўпгина орзу-истаклари амалга ошмай қолади. Шу вайдан «яшашга» ўчман, «очкўзман» деб хитоб қилади шоир. Умрни узайтиришнинг бирдан-бир йўли боқий ишларга қўл уриш, асрлар оша инсоннинг инсонлигидан дарак бериб турадиган яратувчилик ишлари билан банд бўлишдир. «Очкўзман»да умрнинг қисқалигидан бир оз нолишдек оҳанг бор. Шоирнинг бошқа бир шеърисида — «Умрим»да эса у инсон умрини кичик ариқча ўхшатади. Ер бағирлаб, тепа, қирдан ошиб, илк баҳордан тошиб кичик ариқ келади. Бироқ, бора-бора ариқ оёғи ерга сингади. Демак, у тугайди. Аммо у бежиз йўқолмайди. У икки қирғоғида товуснинг жуфт қаноти сингари сўлим боғлар, зумрад далалар яратади...

Тугайдиган умр туганмас из қолдиради — мана шеърнинг асл маъноси. Инсон ўз иши, меҳнати туфайли боқий. «Дарёлар яратгум» сўзлари билан бошланган шеърда Раҳим Бекниёз инсон умрини боқий қиладиган унинг қудрати эканини сўзлайди. Инсон шоирнинг назарида «манглай теридан дарёлар яратишга», юрак қўри билан музларни эритишга, «нафаси ила гул, керак бўлса бўрон ва довул яратишга», «Қуёшнинг зар дурдасини таноб қилишга», Ер куррасини эса бир «пуфак сингари учирешга» ва ёки «ҳандалак мисол узиб олишга» қодир. Аммо инсон ҳар қанча қудратли бўлмасин, агар у ҳақиқий инсон бўлса, ўз қудратини бузишга эмас, тузишга, емиришга эмас, қуришга, йиқитишга эмас, тиклашга хизмат қилдиради. Шоир болалар ҳаётидан олинган. «Уйнамасин катталар» номли шеърисида шундай воқеани тасвирлайди. Болалар тўпланишиб, тупроқ ва терга беланиб уй қуришади.

Қўшиқ айтиб, яйрашар роса,  
Булбул бўлиб сайрашар роса,  
Лекин бирдан юз берар кор-қол,  
Қуришганин топтай бошлашар:  
— Бузбузалоқ!  
— Бузбузалоқ!  
— Бузбузалоқ!  
— Бузмаганин оёғи чўлоқ.

Бир лаҳзада қурилган уй бузилади. Қизиги шуки, бузганда болалар шўх кулишади, тузганда ҳам. Бу боланинг табиати. Шоир болалар табиатига хос бу хусусиятни катталарда кўришни истамайди:

Уйнайверсин болалар омон,  
Уйнамасин катталар бироқ,  
Уйнайверсин болалар омон,  
Катталарнинг ўйини ёмон.

Мана шоирнинг оддий бир воқеадан келтириб чиқарган катта хулосаси.

Шеърятдаги орттирилган тажриба, шеърлар билан бир қаторда битилган қатор газета хабарлари, мақола ва фельетонлар, очерк ва ҳикоялар Раҳим Бекниёзни анча дадиллаштирди. У ҳаётнинг мураккаб воқеаларини тасвирлашга ўзини тайёр ҳисоблаб, материал излади. Бундай материални у ўз ўлкаси тарихидан топди. Натижада «Елқин» номли тарихий қисса ёзиб, уни «Қалдирғочлар» номли (1971) тўпламда эълон қилди.

Қисса учун танланган воқеа ниҳоятда жозибали ва шу бугунги кун билан ҳамоҳанг. Хоразмда Совет ҳукуматининг биринчи кунлари. Ёш совет ўлкаси кадрларга муҳтож. Шундай шароитда бир группа ёш йигит ва қизлар марказий жойларга ўқишга жўнатилади. Ёш совет тузумига қарши курашда ҳар бир имкониятдан фойдаланаётган душманлар ёшлар бораётган кеманинг олдини тўсадилар. Босмачилар йигитларни отиб ташлаб, қизларни асир оладилар. Раҳим Бекниёз мана шу асирлар қисматини тасвирлайди. Босмачилар қизлар билан ваҳшийларча муомала қиладилар. Қизларнинг бошига олма қўйиб, ким олмани ўқ билан учирса, қиз ўшаники, деб бас бойлашади. Қиссада фақат қизлар қисмати эмас, балки эски ҳаётнинг охириги ипига боғланиб турган босмачиларнинг ўлим талвасасидаги хат-

ти-ҳаракатлари, четдан кутилган ёрдамнинг келавермаслигидан уларнинг асабийланишлари ва ниҳоят, охириги ипнинг узилиш пайтлари тасвирланади.

«Қалдирғочлар» тарихий воқеага асосланган. Бу воқеага Раҳим Бекниёздан олдин шоир Эгам Раҳим «Маърифат қурбонлари» номли поэма бағишлаган эди. Бекниёзнинг қиссаси, Эгам Раҳимнинг поэмаси бир-бирини такрорламайди. Бу асарларнинг ҳар иккаласида ҳам адабиётга хос тўқималар бор. Бундан ташқари Эгам Раҳим воқеанинг кўпроқ бош қисмини олиб тасвирласа, Раҳим Бекниёз унинг охириги қисмларини олади.

Кўпроқ лирик шеърлар устида ишлаб юрган шоир учун мураккаб сюжет асосида асар яратиш осон бўлмади, албатта. Шу сабабдан бўлса керак, «Ёлқин»да ҳаётни реалистик акс эттириш жиҳатдан ниҳоясига етказилмаган парчалар, эпизодлар учрайди.

Асарда танланган йўналиш ўз негизи билан ниҳоятда фожиавийдир. Асар бошларида олинган воқеалар буни тўла тасдиқлайди. Аммо қиссанинг охириларига келганда Раҳим Бекниёз зиддиятларни анча силлиқлаштиради. Асиралар босмачилар қўлидан осонгина қутуладилар, бугина эмас, ҳатто қурол кўтариб, босмачиларга қарши уришадилар, уларнинг талафотга учрашига сабабчилардан бўладилар. Улими кўзига кўриниб қолган душман ўз ўлжасини шу даражада осон қўлдан чиқармаса керак?!

Раҳим Бекниёз ёзувчи сифатида «Дерсу узала изидан» номли китоби билан ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаётир. Шунини назарда тутиб бўлса керак, китоб биринчи марта нашр қилинганда ношир китобнинг биринчи бетларида шундай илова берди:

«Раҳим Бекниёз журналист. У онда-сонда шеър ва ҳикоялар ёзиб турувчи эди. Кутилмаганда унинг нашриётга тақдим этган «Овчининг ҳикоялари» туркуми бизни жуда мамнун этди. Автор, ниҳоят ўзини ўзи «кашф» этганини кўрдик. Бу ҳикояларда унинг журналистлиги ҳам, ҳикоянавислиги ҳам қўшилиб кетган».

Ҳақиқатдан ҳам Раҳим Бекниёз. бу асари билан ўзини ўзи «кашф» этди. Сир шундаки, бу гал у ўзи яхши кўрган, яхши билган ҳаёт материалга қўл урди, бу материални у алоҳида муҳаббат, завқ ва шавқ билан акс эттирди. Тўп-ламга киритилган ҳикоялар овчи бошидан ўтказган шунчаки экзотик воқеалар йиғимидан иборат эмас. Уларда акс эттирилган воқеалар маълум бир мақсад асосида, зарур

фикрни ўтказиш учун асарга киритилгандир. Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: Раҳим Бекниёзнинг «Овчи ҳикоялари» бир зарб билан ёзиб, нашриётга элиб берилган асар эмас. У узоқ-узоқ вақтлар ўйлашиб, ёзувчи лабораториясида пишитилган кузатувлар асосида яратилгандир.

Табиат воқеаларига алоҳида муҳаббат билан қараш, ўзининг поэтик фикрларини ифода қилишда улардан унумли фойдаланиш Раҳим Бекниёзнинг бошқа асарларида ҳам учрайди. Мана унинг «Хоразм» деб аталган шеърдан баъзи мисралар:

Ҳориган турналарнинг ҳаво қарвони  
Амуга ташлайди арғамчисини.  
Турналар изидан қишнинг тўқсонини  
Келади кўтариб зил қамчисини.

Кузда ва баҳорда турналарнинг тупроғимиз устидан ё шимолга ё жанубга учиб ўтишларини завқ билан кузатамиз. Уларнинг ҳар бир учиб ўтиши ёшларда ҳам, кексаларда ҳам алоҳида бир кайфият уйғотади. Хоразм устидан ўтадиган турналарни Амуга ташланган арғамчи шаклида кўриш учун, албатта, табиат оламини синчковлик билан кузатадиган шоир бўлиш керак. Уша шеърдан бошқа мисраларни кўринг:

Октябрь нуридан гуллаган воҳа  
Жануб қушларини ушлаб қолади.  
Баҳорда шимолга учгали гоҳ  
Қушлар шу воҳада қишлаб қолади.

Шоир назарида унинг ўлкаси Хоразм — «Советлар шарқининг бир парчаси» шу даражада жозибалики, бу ўлка устидан ўтадиган қушлар фақат қўнибгина ўтмайдилар, балки қишлаб ҳам қоладилар. Бу ерда шоир қушлар муносабати орқали ўз ўлкасининг гўзалликларига ишора қилади.

Раҳим Бекниёзнинг насрий асарларида ҳам унинг табиат оламига нисбатан ниҳоятда кузатувчанлиги, Хоразмни характерлайдиган табиат белгиларини топиб ақс эттириши кўзга ташланади. Ёзувчи «Елқин» қиссасининг бошларида ўз ўлкасининг табиий муҳитига тегишли қуйидаги тасвирни беради:

«Қушлар саҳрода урчиёлмайди. Қумга тухум қўйса, офтобда палағда бўлиб қолади. Шу вайдан саҳро қушлари ёзда Қорақум ва Қизилқумдан воҳага кўчиб келади. Аму бўйларининг қушлар бозорига айланиши шундан. Бургутлар ҳам саҳрони тарк этиб қушлар изидан келади. Ҳавода қанотларини биқинига қисиб, қуёш тигида заррин товланаётган тўқайзорга шўнғийди».

Табиат олами сирлари билан қизиқиш, унга бўлган чексиз муҳаббат унинг ранг-баранг кўринишларини акс эттирадиган асар устида ишлаш эҳтиёжини туғдиради. Раҳим Бекниёзнинг «Дерсу узала изидан» тўплами шу асосда майдонга келди. Жанр эътибори билан бу тўпламга киритилган асарларнинг иккитаси — «Ҳаво йўли» ва «Дерсу узала изидан» овчи кундалиги планида ёзилган, бошқалари кичик ҳикоячалар ва лавҳачалардан иборат. Услуб жиҳатдан, Раҳим Бекниёзнинг «Овчи ҳикоялари» юмористик планда яратилган. Юмор умуман овчи ҳаётига, унинг тасаввурига, хаёл суриш йўлига мос келади. Шу сабабдан бўлса керак, Раҳим Бекниёзнинг энг жиддий асарлари ҳам юмор билан суғорилган. Юмор тўпламга киритилган биринчи ҳикоядан — «Топоқвой билан Чопоқвой»дан бошланади. Овнинг муҳим бир хусусияти шуки, аввало уни топиш керак, кейин овлаш керак. Агар овчи бу ҳар иккала хусусиятдан маҳрум бўлса, у овчи эмас. Ёзувчи бир кишида мужассам бўлиши керак бўлган бу икки хусусиятни икки овчига — топишни Топоқвойга, овни қўлга олишни Чопоқвойга беради. Шунинг ўзида муҳим бир юмор бор. Овни топиш учун ўнлаб километрлар юриш, қанчадан-қанча ўт-ўлан; чўп-хашақларни босиб ўтиш керак бўлса, уни қўлга олиш учун ўт бўлса — ўтга, сув бўлса — ўзини сувга уриши керак, жуда бўлмаса шу ҳикоядагидек, «этикларни шартта ечиб», янтоқми, чакалакзорми, — овчи учун бунинг аҳамияти йўқ, — ярадор ўлжа кетидан чопиш керак бўлади.

«Овчи ҳикоялари»нинг моҳияти фақат услубдаги юморга боғлиқ эмас. Раҳим Бекниёз ҳар бир ҳикояга, кундаликка муҳим маъно бағишлайди. Тўламда «Қуёнга — тўйган тепаси макон» номли ҳикояча бор. Қиш куни. Ер қор, икки овчи битта қуённинг кетидан тушадилар. Қуён ўзи тўйган тепаси — кичкина бир юлғунзорга чиқиб кетмайди. Чиқади, яна қайтиб ўша ерга келади. Бироқ, қайтиб келаётганда албатта изини чалкаштиради. Унинг чиқиб кетганини ҳам, келиб кирганини ҳам англаб олиш қийин бўлади. У



ётганда ҳам оддий, одам тахминига тўғри келмайдиган жойни танлайди. Фақат тажрибали овчигина уни топиши мумкин. Бундай қараганда, қуён энг содда мавжудотлардан бири бўлиб кўринади. Лекин ҳаёт учун кураш уни баъзи одамдан ҳам ҳийлагар қилиб қўяди.

Раҳим Бекниёз ов мақсадини тўғри тушунмасдан, уни осонгина машғулот деб қарайдиганлар устидан кулади. «Айғоқчи» номли ҳикоясида ёзувчи овга ҳаваскор дўсти — милиция ходими ҳақида шундай ҳикоя қилади: «...Дўстимнинг кўнгли овни тусабди. Қармоқ билан балиқ тутишга ишқибозлигини, ўзи тута олмаса, бошқа омади келган балиқчилардан сотиб олиб кетишини, уйда аллақандай қўшорғиз милтиғи борлигини билардим. Лекин бирга овчилик қилган эмасдик». Шу одам овда... Бироқ овда юриб милтиғи қўндоғининг ярми тушиб қолганини билмайди. Ярим кун уни ахтариш билан банд бўлади. Бундай одам ов ота олмайди, албатта. Отилган овларни кўтариб юришга қудрати етади, холос. «Қобони экан» номли ҳикояда тўнғиз деб туяни отиб қўйган мерган, «Бола мерган»да эса ёввойимикин, деб уй ўрдаklarини отиб қўйган ҳаваскор Бола мерган; бошқа бир жойда тўнғизмикин деб отга ўқ узган чала «мерган»лар устидан кулади ёзувчи. Гап бу ерда улар устидан кулишда ҳам эмас. Ёзувчи овни инсон фаолиятининг муҳим соҳаси эканини тушунмайдиган, унга бир эрмак сифатида қарайдиганлар устидан ҳукм чиқаради. Ов ҳамма ҳам эгаллай бермайдиган, унга астойдил кўнгли қўйган, уни яхши кўрган, ҳунар деб билганлар иши эканини таъкидлайди, хуллас, ов ҳам санъатдир, деган хулоса чиқаради.

Раҳим Бекниёзнинг «Овчи ҳикоялари»да булардан ҳам муҳимроқ бошқа бир маъно бор. Бу табиатга муносабат масаласи. Бу ерда масаланинг икки томони бор. Биринчидан, инсон бутун табиат оламининг ҳокими. У бутун табиат неъматларидан фойдаланишга тўла ҳақли. Зотан, табиат оламисиз инсон яшай олмайди ҳам. Шу ҳисобдан овчи ов қилишга, ҳатто ҳаёти ва тирикчилигининг маълум бир қисмини шу касбкор устига юклашга ҳам ҳақли. Шу маънода Раҳим Бекниёз овчи ишини улуғлайди. Қуйидаги сатрларга қаранг:

«Ибтидий чўқмортош — биринчи қуролнинг ижодкори ким? Овчи. Прометейга ўтдан фойдаланишни ўргатган донишмандлар ҳам, албатта, овчилар бўлган. Ирғай таёққа илдиз пўстлоғидан тор тортиб, меҳнат шодиёнасини илк

бор тараннум этган шоиру машшоқлар ҳам — шубҳасиз, овчилар. Кўмиру тош қаламлар билан тасвирий санъатга ҳам ана шу одамлар асос солишган. Цивилизация бешигини тебратишган ўша бобокалонларимизнинг қони томиримда, эҳтироси юрагимда мавж уришидан мамунман!»

Тўғри ва топиб айтилган гаплар! Дарҳақиқат, ов инсон фаолиятининг боши. Ҳозир ҳам Ер шарининг баъзи бир жойларида экономикасини овчилик асосига қурган хўжаликлар йўқ эмас. Аммо бизнинг шароитимизда ва Раҳим Бекниёз ҳикояларидан келиб чиқадиган хулосаларга қараганда ов тирикчилик манбаи эмас. У ёзади:

«Инсониятнинг қадимги ҳаёт манбаи, барча санъат ва ижодий тафаккурнинг ибтидоий ўчоғи бўлган овчилик бизнинг замонамизга келиб нодир санъат бўлиб қолаётир, назаримда. Унинг ажойиб-ғаройиб воқеалар тўла завқу жозибадорлиги қайси санъатдан, ажойиб овчилар маҳорати қайси санъаткорниқидан кам!»

Бу ҳам тўғри ва топиб айтилган гап! Овчи ҳикояларининг автори сифатида Раҳим Бекниёз табиат оламига алоҳида дид ва ғамхўрлик билан қарайди.

Тўпламда «Шапка кийган қуён» номли бир ҳикояча бор. Қуролсиз пайтда олдидан қочган қуёнга овчи шапкасини отади, қуён эса шапкани бошига илганича қочади ва йўл танлай олмаганидан, ўзини сувга ташлайди. Овчи бориб уни сувдан тутиб олади. Тутишга тутади-ю, лекин «бундай ўйин кўрсатган табиат эркатойининг бўғзига пичоқ солишга» қўли бормади ва қўйиб юборади. «Оёғи ерга теккан заҳоти тўпдай сакраб кетган қуён яланглиқдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлганига қадар, унинг орқасидан мамнун ва қувонч билан жилмайиб қараб туради Султон». «Биз ҳам мамнун эдик», дейди овчига ҳамроҳ бўлган ёзувчи ва қуйидагича хулоса қилади:

«Табиат бойликларининг очкўз кушандалари эмас, балки ундан баҳра олувчи ҳассос ва олижаноб дид эгаларигина бундай қила оладилар. Шунинг ўзи юксак санъат ва санъаткорлик эмасми?»

Ҳа, бу фақат санъаткорлик эмас, балки одамийлик ҳамдир. Мана шу санъаткорлик ва одамийлик нуқтаи назаридан овчи, ёзувчи Раҳим Бекниёз водопровод қувуридек келадиган трубадан пилтали милтиқ ясаб, тўп сингари отиб, ўрдакларни қириб, табиатга йиртқишларча муносабатда бўладиган кимсаларни, жониворлар учун «ўрдак қирғини» деб аталмиш ноқулай баҳорги шароитдан фойдаланиб, оч-

кўзлик қиладиган «овчи»лардан нафратланади. «Инсон табиатга ғамхўрлик қилмай тайёрга айёрлик қилса, дунё пода топтаган даладай шипшийдам» бўлишини кўз олдига келтиради. «Ҳаво йўли» кундалигининг охирида шундай эпизод бор. Икки ҳаваскор ёш овчи кўлда пайдо бўлган бир жуфт оққушдан бирини отиб оладилар. Тажрибали овчилар бу воқеани кўриб «мотам азобидан бошларини қуйи эгиб, сукут қиладилар». «Нафосат, гўзаллик рамзи» — қушлар қироли бўлмиш бу зотни бераҳмлик ва бефаҳмлик туфайли нобуд бўлганидан ич-ичларидан ачинадилар.

Раҳим Бекниёз «Дерсу узала изидан»да ҳақиқий табиатшунос сифатида кўзга ташланади. У шунчаки олам сирлари билан қизиқадиган табиатшунос эмас, балки табиат дунёсидан завқланадиган, унинг ҳар бир кўринишидан инсон ҳаётини эслатадиган белгилар ахтарадиган табиатшуносдир. У бошқа бировлар учун оддий бўлиб кўринадиган табиат воқеаларидан поэзия топади. Мана, ёзувчи эрта баҳор кунларидаги қоронғи кечада, кўл бўйида тикилган чайлада бир ўзи. У ёзади: «Бундай пайтда радио бўлмаса ҳам бўлаверади. Чунки совуқ, тим қоронғи сокин осмон тилга киради, қанотли жониворлар музикаси бошланади. Олмабош асаларидай гўнғиллаб учади. Ундан енгилроқ, шовиллаб учадигани — ўрикбош. Қилқуйруқ ҳуштак чалади. Гала бошидаги етакчи ўрдак алақандай овоз билан чуриллаб, етагидагиларни огоҳлантириб боради — ҳар тоифа ўрдакнинг ўз тили бор. Бундан ҳам уларнинг турини билиб олиш мумкин». Табиат поэзияси ҳақидаги сатрлар давом қилади.

«Ранг-баранг қанотлар оҳанги, юмронқозиқнинг чийиллаши-ю, тулкининг эҳтиёткор шитирлаши — ҳамма-ҳаммаси бир бутун оркестрдай жаранглайди. Ҳатто, оғир сукунат ва унсизлик ҳам ана шу табиат музикасининг бир бўлаги, паузасими дейсан. Уни тинглашга, англашга қулоқ керак фақат.»

Раҳим Бекниёз — «табиат ва ажойиботлар мафтуни» бўлмиш ёзувчи энди элликка кирди. Табиат билан бирга нафас оладиган одам учун элликка кириш ҳали бу ёшлик бўлса керак. У табиат ҳақидаги ҳикоялари устида ишлашни йиғиштириб қўйганича йўқ. Ишончимиз комилки, бу серияда у ёшларга ҳали янги-янги асарлар ёзиб беради.

Ҳамма китобхонлар билан бирликда биз ҳам Раҳим Бекниёзга ижодий омадлар тилаймиз.

## ЗАМОНАВИЙ «ШУМ БОЛА»

Худойберди Тўхтабоев «Сариқ девни миниб» саргузашт асарининг иккинчи қисми «Сариқ девнинг ўлими»ни эълон қилди. Бу асарнинг биринчи қисми учун у республикамизда комсомол мукофотига сазовор бўлган эди. Асарнинг иккинчи қисми учун эса ёзувчи милиция ходимлари ҳаётига бағишланган асарлар конкурсининг ғолиби бўлди. Китобхон жамоатчилиги ва адабий танқид ҳам Худойберди Тўхтабоевнинг бу асарларини маъқуллади. Бу саргузашт асарни варақлаб кўрсангиз бир-бирларига боғлиқ бўлган бу икки китобнинг ўзига хос хусусиятлари кўзга ташланади.

«Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» баъзи хусусиятлари билан Ғ. Ғуломнинг «Шум бола»сини эслади. Х. Тўхтабоев қаҳрамонлари ҳам «Шум бола» қаҳрамони сингари зийрак, серфаҳм, чаққон. Бунинг устига у фантазияга ҳам бой — маълум бир ишни битказиш учун дарров йўл излайди, агар йўл тополмай қолса мушкул ишларни ҳаёлан ҳал қилишдан ҳам тоймайди.

Бироқ Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони замонавий «шум»лардан. Ғафур Ғуломнинг шум боласи эски замон замирида ҳаракат қилади. Ўзининг хатти-ҳаракатлари билан синфий зиддият асосига қурилган замоннинг чиркин иллатларини фош қилади. Унинг ҳаракатларини кўриб биз ханда уриб куламиз, эски замон тартиб-тузгунлари устидан ҳукм чиқарамиз. Худойберди Тўхтабоев қаҳрамони эса олға бораётган бугунги кун замирида рўй беради. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб биз ханда уриб куламиз ва янги жамият замирида ўзимизни мустаҳкам ҳис қилган ҳолда, бу жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган

баъзи бир иллатларнинг фош қилинаётганини ва бу ишда қаҳрамон фаҳм-фаросати билан танишиб унга «офарин», деймиз.

«Сариқ дев...»нинг қаҳрамонининг ҳаракат майдони ҳам кенг, унинг фаолияти ҳам ранг-баранг. Унинг ўзига яраша шаклланиш тарихи ҳам бор. У ўқишда илғор болалардан эмас. Яхши ўқияпман, деб оёқсини алдайди. Бироқ бу айблари учун қаҳрамонга нисбатан бизда ёмон туйғу уйғонмайди. Ёзувчи Ҳошимжонни жазолаш йўларини топади. У ёши, илм ва тажриба имкониятига тўғри келмайдиган кўпгина ишларга қўл уриб кўради: сеҳрли қалпоқча ёрдами билан Мирзачўлда агрономлик қилмоқчи бўлади, бир сабаблар билан футболчилар орасига тушиб: бу соҳада бирор иш кўрсатмоқчи бўлади, қурилишга бориб бирор ишнинг бошини тутиш йўлига тушади, ниҳоят қўғирчоқ театрига бориб санъат билан шуғулланмоқчи бўлади... Бироқ бу ишларнинг биронтасини ҳам эплай олмайди, ҳаётдан табиий равишда дакки ейди. Китоб саҳифаларида қаҳрамон даккига сабаб бўлган ўз қилмишларидан пушаймон бўла бермайди, аммо китобхон англаб оладикки, бу даккиларнинг асл сабаби қаҳрамоннинг яхши ўқимаганида, умуман ҳали ўзи тайёр бўлмаган ишларга қўл урганида. Қаҳрамон мактабга қайтиб ўқишни давом қилдиришга қарор қилади.

Воқеанинг шу тарзда берилишининг ўзида муҳим бир ҳақиқат бор. Баъзи бир ёшларда куч ва қобилиятга ортиқча баҳо бериш, ўз имкониятлари билан ҳисоблашмасдан манманлик кўчасига кириб кетиш, реал ҳаёт талабларини ҳисобга ола бермаслик ҳоллари учраб туради. Худойберди Тўхтабоев шу хилда «ғоз чираниш»ларга муносабат билдиради.

Қаҳрамоннинг кейинги саргузаштлари бошқа мақсадга бўйсундирилган. У дин-шариат ниқобига кириб, оддий халқни алдаб бойлик орттирмоқчи бўлган фирибгарлар орасига тушиб қолади. Унинг кетидан бориб биз ҳали ҳам ҳаётимизда учраб турадиган текинхўр диндорлар ҳийлаю найранглари билан танишамиз. «Ясама худо», «ўргатилган илон», «яратилган авлиё» сингари найранглари ичдан туриб фош қилинган текинхўр диндорларнинг охириги имкониятлари эканини англаймиз. Яна шуни ҳам англаймизки, оддий ўқувчи ҳаётнинг баъзи бир томонларидан дакки еган ёш йигитча ўзининг руҳий олами билан ясама «донолар»дан устун туради.

Ҳошимжон учун диндорлар билан бўлган бу муносабат ҳам асарнинг биринчи қисмларидаги «ғоз чираниш»лардек ўткинчи эди. У ёт муҳитда бир оз бўлиб, яна ўзининг асл вазифасига — ўқишига қайтади. Шу билан гўё «дакки»лар саргузашти маълум бир натижалар — қаҳрамон характери-нинг анча тобланиши билан яқунлангандек бўлади.

Бундан кейин қаҳрамон характерида учинчи ва масъу-лиятли босқич бошланади. Асардан шундай таассурот пай-до бўладики, қаҳрамон гўё ўзини нималаргадир тайёрлади, энди ўша тайёргарликка кўра ишга тушиши керак. Ёзувчи қаҳрамонига шунга лойиқ вазифа ҳам топиб беради. Бу — фирибгар, текинхўр ўғрилардан халқ мулки ва осойишта-лигини сақлашга қодир бир вазифа — милиция ходими. Биз Ҳошимжон билан бирга бўлиб халқ ишончини суиис-теъмол қилиб, унинг мулкига қўл чўзган қаллоблар муҳи-тига кириб борамиз ва уларнинг ҳийла-найрангларини кўрамиз. Булар халқ орасидаги соддаларни қуруқ сўзларга ишонтириб, чақалаб-тийинлаб бойлик йиғадиганлар эмас, балки хўжалик ишларидаги касб-корларнинг илмини эгал-лаган, ўзини илмли ҳисоблаган ҳар бир кишини гангитиб қўйишга тайёр «мутахассис ўғрилар». Табиатан зийрак, фаҳм ва фаросатли, ҳаётнинг баъзи томонлари билан тани-шиб яна ҳам зийраклашган Ҳошимжон катта бир опера-цияда қатнашиб унинг муваффақиятли яқунланишини таъ-минлайди, «Мутахассис ўғри»ларнинг катта группасини фош қилишда қатнашади.

«Сариқ девнинг ўлими...» саргузашт асар. Бунинг усти-га фантастик ҳам. Шунга мувофиқ асардаги воқеаларнинг баъзилари кутилмаган тарзда рўй беради, бир қисм воқеа-лар эса асоссиздек бўлиб кўринади. Саргузашт-фантаст-тик асарларнинг қиммати маълум бир деталь ёки эпизод-нинг нақадар конкрет ва реаллиги билан белгиланмайди, балки бир оз реалликдан узоқда бўла туриб китобхонни ишонтира олиши ва «тўқима воқеалар» воситасида зарур хулосалар чиқарилиши билан боғлиқдир. Худойберди Тўх-табоев эса асардан кузатилган хулосани чиқара олган. Сар-гузашт йўл, фантастик баён унинг учун адабий приём усул сифатида хизмат қилди. Масалан, қаҳрамон «сирли қалпоқ-ча»сиз воқеаларнинг ич-ичига кириб бора олмас, ҳаётимиз-да учраб турадиган, кўриб кузатиб юрилган, бироқ сир-асрори етарли англашилмаган иллатларни етарли даража-да фош қила олмаган бўлар эди. Худойберди Тўхтабоев-нинг фантастикаси замонавий. Бу фантастика орқали бе-

рилган воқеалар шу бугун ҳаётимизда бор бўлган воқеалар, «сеҳрли қалпоқча» билан унинг қаҳрамони амалга ошироқчи бўлган ҳамма ишлар бизнинг умид ва орзуларимизга боғлиқ ишлар,— хуллас замонавий «шум бола»га замонавий вазифа берилган ва асар қаҳрамони бу замонавий вазифанинг уддасидан чиқа олган.

Асарда бугунги ҳаётимиздаги кўпгина кам-кўстлар айтилган. Лекин унда воқеаларнинг акс эттирилиши ниҳоятда оптимистик планда берилади. Асар оптимистик руҳда яқунланади ҳам — иллатлар фош бўлади, уларга қарши курашиши керак бўлган муассасалар ҳам тарқатилади. Бу билан ёзувчи ҳаётимизнинг табиий тараққиёт қонуниятларига яна бир бор кўз ташлайди.

Худойберди Тўхтабоевнинг саргузашт асари саналган бу хусусиятлари билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Тўғри, асарнинг яна ҳам пишитиш зарур бўлган жойлари ҳам йўқ эмас. Унда қамраб олинган воқеалар керагидан ошиқчадек кўринади, баъзи жойларда бошқа асарларда учрайдиган деталь ва воқеалар олинади («Узунқулоқ пир» қабридан эшак суюгининг чиқиши) баъзан батафсил тасвир ўрнига воқеаларни баён қилиб ўтиш сингари ҳоллар кўзга ташланади. Аммо шуларга қарамасдан қўйилган мақсаднинг тўғри ифодаланиши, баёнда қизиқарли йўллар топилиши жиҳатидан Худойберди Тўхтабоевнинг бу асари ўсмирлар учун ёзилган яхши асарлар қаторидан ўрин олишга ҳақлидир. Назаримизда ёзувчининг бошда ўйлаган жанр шакли билан асар тамом бўлганидаги шаклида бир оз зиддиятлик бор. Асарнинг биринчи қисмини у нимагадир «уч қисмдан иборат саргузашт қисса» деб атайди, иккинчи қисмини эса «Саргузашт роман» дейди. Асарнинг қайта нашрида балки ёзувчи бир-бирларига узвий боғлиқ бўлган бу икки асарни бир жилдга сиғдириб роман деб атагани тузук бўлар.

# МУНДАРИЖА

## НАЗАРИЙ УИЛАР

|  |    |
|--|----|
| Ўзбек совет адабиётининг тараққиёт тенденциялари . . . . . | 5  |
| Катта ҳаёт ва ижод оқими . . . . .                         | 14 |
| Маъно — бадийликнинг асоси . . . . .                       | 26 |
| Изланишлар . . . . .                                       | 36 |

## УСТОЗЛАР САВОҒИ

|  |     |
|--|-----|
| Инқилоб ва адиб . . . . .                      | 57  |
| Мерос ва маҳорат . . . . .                     | 95  |
| Ҳаёт билан ҳамнафас ижод . . . . .             | 114 |
| «Зарбулмасал»нинг бадий хусусиятлари . . . . . | 147 |

## ДУСТЛАР ВА ЁШЛАР ТОРТИҒИ

|                                      |     |
|--------------------------------------|-----|
| Синов ва сабоқ . . . . .             | 163 |
| Халқ жасорати ҳақида роман . . . . . | 168 |
| Ҳаётга саёҳат . . . . .              | 176 |
| «Эшитинг... шеър ўқийман!» . . . . . | 196 |
| Катта орзулар йўлида . . . . .       | 207 |
| Табиатга мафтун ёзувчи . . . . .     | 217 |
| Замонавий «Шум бола» . . . . .       | 228 |

---

## На узбекском языке

### МАТЯКУБ КУШДЖАНОВ

#### СУЩНОСТЬ И ХУДОЖЕСТВЕННОСТЬ

Редактор В. Норбоев. Рассом В. Кулаков. Расмлар редактори А. Кива. Техн. редактор Э. Саидов. Корректор О. Турдибекова.

Босмахонага берилди 22/VII-76 й. Босишга рухсат этилди 16/XII-76 й. Формати 84×108<sup>1/2</sup>. Босма л. 7,25. Шартли босма л. 12,18. Нашр. л. 11,72. Тиражи 5000. Р 04288. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 88—76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг полиграфкомбинатида № 1 шартномага босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1977 йил. Заказ № 378. Ваҳоси 89 т.